

ЎЗБЕК-ТУРК ЛИЦЕЙЛАРИ БОШ МУДИРЛИГИ

Ўзбек  
ҳикоялари  
афсоналари

(ТАНЛАНГАН ҲИКОЯЛАР Тўплами)

"ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИНИНГ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ-1997

Тупловчи ва нашрга тайёрловчилар:

Ўзбек-турк лицейлари турк тили методик  
бирлашмаси раиси  
Тунжай ҲЗТУРК  
Исмоил БИЛАН  
Танер ОЙДУҒАН

Масъул муҳаррир:

филология фанлари номзоди  
Қурдош ҚАҲРАМОҒОВ

Тақризчилар:

филология фанлари номзоди, доцент Улутбек ДОЛИМОВ,  
филология фанлари номзоди, доцент Абдурозик РАФИЕВ

© «Шарқ» нашриёт-матбаа  
концернининг Бош таҳририяти,  
1997

## МУҚАДДИМА

Туркий тилдаги бой адабиётимизнинг бебаҳо хазиналаридан саналмиш ўзбек адабиёти намуналари билан яқиндан танишиш, қардош Ўзбекистонга келган биз каби ҳар бир туркиялик учун орзута айланади. Айниқса, аждодларимиз руҳи уфурган она заминда бир-икки йил яшар эканмиз, ўзбек ёзувчилари ва шоирларининг асарларини ўқиш иштиёқи бизда тобора кучая борди. Халқ ҳаётини кенгроқ ва аниқроқ ифодалаган ҳикояларни топиб ўқишга ҳаракат қилдик. Аммо бу осон бўлмади, унлаб ҳикояларни сураб-суриштириб топиш, энг сараларини танлаб ўқиш бизлардан катта ҳафсала ва куч-ғайрат талаб қилди. Бизга ёрдамлашиш истагида бўлган ўзбек зиёлиларининг ҳам ҳикоялар антологияси йўқлигидан қийналишаётганини сездик. Ўзбек ҳикоялари антологиясини яратиш, бу хайрли ишни амалга ошириш учун бор имкониятлардан фойдаланишга қарор қилдик.

Табиики, ушбу тўпламга ёзувчининг мавқеи ёхуд асар гоёсининг муҳимлигига қараб ўзбек насрчилигида яратилган барча машҳур ҳикояларни киритиш имкони бўлмади. Ҳар қандай ҳикоя давр руҳига мос равишда узи яратилган ижтимоий жамиятдаги воқеаларни кенгроқ, бу билан бирга ихчам бадиий ифодаларда тасвирлар экан, шубҳасиз, миллат тарихи, дунёқарашининг муайян босқичидан ҳам маълумот беради. Шунга кўра бу антологияга ўзбек халқи ҳаётининг қарийб бир асрлик бадиий лавҳаларини узида мужжасамлаштира олган бир китоб сифатида қараш тўғрироқ бўлур эди. Зеро, ушбу мўъжаз тўпламга асримиз бошларида яратилган ҳикоялардан тортиб тадрижий равишда бутунги кунларда ёзилганларигача киритишга муваффақ бўлдик.

Ҳикояларни танлашда уларнинг барча жиҳатлари умумлаштирилган ҳолда ҳисобга олинди. Хусусан, ёзувчининг ўзбек ҳикоячилиги ривожига қўшган ҳиссаси ва ўзбек адабиётида эгаллаган ўрнига, ҳикоянинг халқ ҳаётидаги муҳимроқ ва диққатлироқ давр, жараён, воқеани ёритишига, танланган асарнинг ўзбек ҳикоячилигидаги анъанавий йўналишларни узида акс эттира олганлигига алоҳида эътибор берилди. Ҳикоялар мазмуни ва характерининг, баён усулининг турличалиги ҳам назарда тутилди.

Антологиянинг яратилишида қардош ўзбек зиёлилари кўрсатган беғараз ёрдамни мамнуният билан тилга олиш жоиз. Сара ҳикояларни топиш ва танлашда қимматли маслаҳатлар берган таниқли тилшунос олим филология фанлари доктори, профессор Низомиддин Маҳмудовга, машҳур ада-

*биётшунос, филология фанлари доктори, профессор Беғали Қосимовга, филология фанлари номзоди Қурдош Қаҳрамоновга миннатдорчилик билдирамыз. Китобни нашрга тайёрлаш ва таҳлил қилишда бевосита қатнашган филология фанлари номзоди, доцент Абдурузиқ Рафиевга, Ўзбек-Турк лицейлари Бош мудирлари Маҳмуд Балга, Ўзбек-Турк лицейлари Бош мудирининг муовинлари Меҳмет Месут Ата Абдуллаҳ Қаяжон, услубий кенгаш раислари Айхан Назли, Б. Юксел Шахан, Мустафа Кирикчи, Акиф Соёлу, Меҳмет Шаҳин, техник ходими Серветтин Кескин, шунингдек, таржимон Равшан Юнусовга самимий ташаккуримизни изҳор этамыз.*

*Аминмизки, ушбу антология ўзбек адабиёти ва унинг ҳикоя жанрини ҳамиша севиб ўқувчи ўзбек китобхони учун ҳам, адабий-маданий алоқаларни абадий дустлик ришталари билан мустаҳкам боғлаётган турк китобхони учун ҳам ардоқли бир совға бўлиб қолади.*

Тузувчилар номидан  
ТУНЖАЙ УЗТУРК



## ЎЗБЕК ҲИКОЯЧИЛИГИНИНГ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎНАЛИШЛАРИ

XX аср ўзбек адабиёти янги типдаги адабиётдир. Чунки бу адабиёт янгича гоёвий-эстетик концепцияси билан ҳам, шунингдек, янгича поэтик тасвир усуллари билан ҳам мумтоз адабиёт намуналаридан фарқ қилади. Шунини таъкидлаш жоизки, бу давр адабиёти минг йиллик тарихга эга бўлган адабиётимизнинг энг яхши анъаналарини ўзида мужассамлаштирган, айтиш мумкин ҳаётда юз берган ижтимоий-сиёсий ва маънавий ўзгаришларни ифода этган реалистик адабиётдир.

XIX асрнинг охири XX аср бошларида Туркистонда рўй берган қатор ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар биринчи галда жаҳидчилик ҳаракатлари янги типдаги адабиётнинг вужудга келишида асосий омил бўлди.

Шунингдек, бу даврга келиб адабий алоқаларнинг кучайиши, гарбу шарқ адабиётидан қилинган таржималар, вақтли матбуотнинг қарор топиши адабиётни янгича йўналишини шакллантирди. Натижада, бу давр адабиётининг шаклий имкониятлари кенгайди, драматургия, наср билан бирга публицистика, очерк жанрлари, адабий танқидчилик ҳам шакллана бошлади.

Шеърятдаги жанрий кенгашув тасвир усуллари янгилиниши, поэтик тимсолларнинг ҳаёт ҳақиқати билан янгича муносабатига киришиши вазн имкониятларининг кенгроқ тарзда намоён бўлишига олиб келди. Агар мумтоз шеърятда, асосан, аруз вазни етакчилик қилган бўлса, XX аср ўзбек шеърятда бармоқ системаси етакчи уринга кутарила бошлади.

XX аср ўзбек адабиётининг энг муҳим ютуқларидан бири — ёзма драматургия ва насрчиликнинг вужудга келишидир.

Театрга, сахнага бўлган катта талаб ва эҳтиёж драматургиянинг вужудга келишида муҳим аҳамият касб этган бўлса, воқеликни кенгроқ ҳаётий тимсоллар, биринчи галда характерлар орқали ифодалаш, энг муҳими янгича концепцияни баён этиш эҳтиёжи насрий асарлар яратишга туртки бўлди.

Шу эҳтиёж туфайли асримиз бошларида Маҳмудхужа Бехбудий, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдурауф Фитрат, Абдулла Авланий, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чулпон ва бошқа куплаб жаҳид адабиёти намоёндаларининг реалистик асарлари яратила бошланди.

Хусусан, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг «Янги саодат», «Учрашув», Абдулла Қодирийнинг «Жувонбоз», «Улоқда», Чулпоннинг «Қурбони жаҳолат», («Жаҳолат қурбони»),

«Духтур Муҳаммадиёр» каби ҳикоялари шу жиҳати билан характерлидир.

Шубҳасиз, бу асарларнинг барчаси ҳам бу йуналишдаги илк асарлар сифатида бирдек бадий мукамаллик даъво қилолмайди. Уларнинг аксариятида бадий мукамалликдан кўра тарғиботчилик хусусияти устунлик қилади. Чунончи, Ҳамзанинг «Янги саодат» асарида Абдуқаҳҳор исмли кишининг илмсизлик орқасида бор мол-мулкни қиморга бой бериб, қари онаси, хотини, угил-қизини ташлаб қаерларгадир кетиб қолиши, хотини Марямнинг эса қийинчиликларга қарамай, угли Олимжонни ўқитиб, илм-маърифатли қилиб тарбиялаши ҳикоя қилинади. Илм-маърифатли бўлган Олимжон дастлаб тижорат билан шугулланади, ишга жойлашиб оиланинг иқтисодий аҳволини яхшилади. Сингиси Хадичани ҳам ўқитади. Кейин эса хор-зор бўлиб дайдиб юрган отасини Тошкент томонлардан топиб уйига олиб келади. Хуллас, Олимжон ночор аҳволга тушиб қолган оилани қайта тиклаб мурод-мақсадга етади. Ҳикояда келтирилган ушбу хулосалар ёзувчи концепциясини тула-туғал ифода этган:

«Худо золим эмас, бировга бериб, бировга бермай қўймас. Худойи таборак ва таолло разолат — жаҳдда, саодат — илмда деб ўз каломида такрор хабар бергани бор...

Бас, маълум бўлдики, ўқиган киши олим бўлмай, у саодатга етмай қолмас, ўқимаган киши, албатта, разолатдан бошқа нимарса ҳосил қилмас».

Парчадан кўриниб турибдики, бу асарда илм-маърифатнинг тарғиби ва ташвиқи етакчи уринга кўтарилган, унда бадийликдан кўра публицистик тасвир устунлик қилади. Бу хусусиятни Абдулла Қодирийнинг шу даврда яратилган «Жувонбоз», Чўлпоннинг «Жаҳолат қурбони», «Духтур Муҳаммадиёр» каби ҳикояларида ҳам кузатиш мумкин. «Жувонбоз»да илмсизлик туфайли жаҳолат йўлига кирган бойвачча ота-онасининг мол-мулкни соғуриб, жиноятга қўл уриб қамалиб кетса, «Жаҳолат қурбони»да зиёли йигитнинг жаҳолат қурбони бўлганлиги характерли деталлар орқали ифодаланади. «Духтур Муҳаммадиёр» ҳикоясида «Янги саодат»даги сингари бош қаҳрамон жаҳолатга қарши курашда илм-маърифатни асосий қурол деб билади. Илм-маърифат орқали халқни бахт-саодатга элтиш мумкин, деган гоя бу асарда етакчилик қилади.

Асримиз бошларида шакллана бошлаган, ўзбек насрчилиги дастлаб ҳикоя жанрида ўз имкониятларини синаб кўра бошлаган. Бу ҳикояларнинг асосий мавзуси шу даврдаги шеърят ёки драматургиядаги сингари энг аввало, жадидчилик гояларини ифода этишга қаратилган.

Жаҳолатга илм-маърифатни қарама-қарши қўйиши бу асарларнинг асосий хусусиятидир.

Ҳатто Абдулла Қодирийнинг чинакам бадий мукамаллиги адабиётшунослиқда тан олинган «Улоқда» ҳикоясида ҳам ана шу тарғиботчилик сезилиб туради.

Таъкидлаш зарурки, «Улоқда» ҳикояси реалистик асардир. Унда таргибот, ташвиқот эмас, тасвирлаш санъати етакчилик қилади. Ҳикояда халқимиз урф-одатларидан бири — улоқ чопиш воқеаси тасвирланади.

Ёзувчи воқеаларни ҳикоя қаҳрамони ўсмирлар кузи билан кўриб, унинг тили орқали реал манзаралар, жонли лавҳалар яратади.

Лекин айни чоғда улоқ чопиш жараёнидаги бахтсиз ҳодиса бир чавандознинг йиқилиб ҳалок бўлиши манзараси (аслида бу бир тасодиф) бу ҳикояда ҳам ташвиқий жиҳат борлигидан далолат беради. Бироқ шунга қарамай, «Улоқда» ўзбек ҳикоячилигида аста-секин реалистик тасвир устуворлик қила бошлаганидан далолат беради.

20-30-йиллар ўзбек насри янги йўналишлари, ўзига хос тенденциялари билан реализмнинг янги босқичига кутарила бошлаганини кўрсатади.

Бу давр ҳикоячилигида реалистик ҳикоя билан бир қаторда ҳажвий ҳикоя яратишга ҳам эътибор берила бошланди.

Қодирийнинг «Калвак махзумнинг хотира дафтаридан», «Тошпулат тажанг нима дейди?» туркум ҳикоялари ўзбек ҳажвий ҳикоячилигида янги йўналишни бошлаб берди. Бу ҳикояларнинг асосида фош қилувчи кулги ётади. Ёзувчи асар қаҳрамонларининг сатирик қиёфасини яратар экан, ўзи таъкидлаганидек, асосий эътиборни «Характер кулги»сига қаратади. Ёзувчи бу асарларида воқеликни асар қаҳрамонлари тилидан тасвир этиши билан уларнинг ўзларини-ўзлари фош этишларига кенг имконият яратади ва шу орқали кулгили ҳолатларни вужудга келтиради.

Бу қаҳрамонлар ўзларини фош этиш баробарида «билиб-билмай» жамиятдаги иллатларни ҳам фош этадилар.

Шу тариқа асарда характер кулгиси билан ижтимоий кулги ўзаро уйғунлашиб кетади ва сатирик найзага айланади.

Бу даврда Чулпоннинг «Ойдин кечаларда», «Қор қўйнида лола», «Новвой қиз» каби ҳикоялари яратилди.

Бу ҳикоялар ўзининг реалистик тасвири билан, қаҳрамонлар руҳиятининг ранг-баранглигини бадиий воситалар асосида очишга мойиллиги билан ибратлидир.

Мазкур ҳикояларда дастлабки асарларидан фарқли равишда инсоний туйғуларнинг маънавий тубанликлар туйғайли топталиш жараёнлари психологик таҳлил орқали тасвир этилади. «Ойдин кечаларда» ҳикоясида яқиндагина келин бўлиб тушган қиз нафсониятининг тубан ва маънавий бузуқ эр томонидан топталиши ҳикоя қилинса, «Новвой қиз» ҳикоясида ожиза новвой қизнинг Ўлмасбой томонидан зурланиши ва бахтсизликка маҳкум этилиши, «Қор қўйнида лола» ҳикоясида ўн гулидан бир гули ҳам очилмаган Шарофатхоннинг жоҳил ота томонидан кекса эшонга учинчи хотин қилиб узатилиши даҳшатлари тасвир этилади.

Хуллас, 20-йиллар ҳикоячилигидаги етакчи хусусиятлар-

дан бири қуруқ ташвиқот аста-секин ўз ўрнини бадий тас-  
вирга, психологик таҳлилга бушатиб берганлигидир.

30-йилларда ҳикоячилик мавзуси кенгайиб, улардаги об-  
разлар ҳам хилма-хил тоифаларни акс эттира борди.

Адабиётга йигирманчи йилларда кириб келган, асосан,  
шўролар даврида савод чиқарган ёш ижодкорлар бу даврга  
келиб ижод жараёнида фаоллик кўрсата бошладилар. Шунини  
таъкидлаш жоизки, 20-йилларнинг охирида бошланган ва  
30-йилларда авж олувчи кутарилган Шўролар сиёсати, шахс-  
га сиғиниш иллатлари, қатагончилик ҳаракатлари, адабиётни  
сиёсатлаштириш ва мафкуралаштириш ҳолатлари бу давр  
ҳикоячилигига ҳам катта зарар етказди. Натижада бошқа жанр-  
лардаги сингари ҳикоячиликда ҳам ҳаёт воқелигидан узоқла-  
шиш, ҳаётни синфий кураш нуқтаи назаридан тадқиқ этишга  
уриниш Совет воқелигини куйлаш (мадҳиябозлик), асосий  
зиддиятни айни даврини ўтмишга қарама-қарши куйиш орқали  
яратиш тенденциялари кўзга ташланади.

Собиқ Шўролар тарихига бу давр «халқ хўжалигини ин-  
дустралаштириш», «қишлоқ хўжалигини коллективлашти-  
риш» ва «маданий инқилобни амалга ошириш» даври бўлиб  
кирди. Мана шу шиорнинг ҳаётга кўр-кўрона татбиқ этилиши  
халқ бошига бир қатор қатагонликларни солганлиги маълум.

Бироқ мафкура ва унинг тарғиботчиси бўлган матбуот,  
шунингдек, адабиёт мана шу сиёсатнинг турмушга татбиқ  
этилишидаги гўёки ижобий натижаларини куйлай бошлади.  
Ёзувчиларнинг асарларида оддий меҳнаткаш халқ вакиллари-  
нинг социалистик ҳаёт туфайли ўз бахтини топганликлари  
ёки синфий душманларга қарши ҳушёр эканликлари, қанча-  
лик ёлгон бўлмасин, энг сўнгги ҳақиқат сифатида тақдим  
этилди.

Шу жиҳатдан Ойдиннинг «Ямоқчи кўчди», «Ҳазил  
эмиш», «Чупон», «Рузвон кампир», Ҳусайн Шамсининг «Ра-  
дио», «Дардли йигит», «Сўнгги товушлар», «Янги рўзгор»,  
Шокир Сулаймоннинг «Ўч», Мажид Файзийнинг «Донгдор  
йигит» каби ҳикояларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Бу даврда истеъдодли ижодкорлар Абдулла Қаҳҳор ва  
Гафур Гуломлар ҳам бир туркум ҳикоялар яратдилар.

Бу ёзувчилар ижодида 20-йилларда бошланган анъана —  
реалистик ҳикоялар билан бирга ҳажвий ҳикоялар ҳам яра-  
тиш анъанаси давом эттирилган бўлса-да, уларда ижтимоий  
руҳ устунлик қила бошлади.

Собиқ Шўролар ҳукумати томонидан амалга оширила  
бошланган «синфий душманларни фош қилиш», «қишлоқ  
хўжалигини коллективлаштириш», «савдосизликка қарши  
кураш», «хотин қизлар озодлиги» каби ҳаракатлар уларнинг  
ҳажвий асарларининг асосий мавзусини ташкил қилади. Бу  
уринда Гафур Гуломнинг «Журабуза», «Қизалоқ», «Йигит»,  
«Тирилган мурда», Абдулла Қаҳҳорнинг «Майиз емаган хо-  
тин», «Ошиқ», «Мунофиқ», «Миллатчилар» каби ҳикоялари  
диққатга сазовордир.

Гафур Гулом яратган ҳикоялар юмористик характери, кувноқ оҳанги билан ажралиб туради. Ҳатто сатирик йуналишдаги «Тирилган мурда» ҳикоясида ҳам юмористик оҳанглар кўплаб учрайди. Ҳикоя қаҳрамони Мулла Мамажон дастлаб дангасалик ва ялқовликда «Абу Танбални бир чуқишда қочирадиган» киши бўлиб, асар давомида аста-секин жамоа меҳнат жараёнида илгор деҳқонга айлана боради. Ёзувчи қаҳрамон характери ни халқ оғзаки ижоди намуналарига хос муболагали тарзда ифода этади. Ундаги дангасалик ва ялқовликни кулгили ҳолатларда баён этади. Асар китобхонда кувноқ кайфият ҳосил қилади. Айни чоғда меҳнат инсонни камолотга етказди, деган гоё унинг моҳиятига сингиб кетган.

«Йигит» ҳикоясида эса дуч келган қизга севги изҳор қилаверадиган йигитнинг охир-оқибатда фош бўлиб, кулгили ҳолатга тушиши юмористик оҳангларда тасвир этилади.

Бу даврда Абдулла Қаҳҳор самарали ижод этади. У адабиётшуносликда «моҳир ҳикоянавис» номини ҳам шу даврда яратган ҳикоялари учун олди. Абдулла Қаҳҳор ҳикоялари мавзу жиҳатидан ранг-баранг бўлишига қарамай, тасвир усулига кўра икки йуналишга эгадир.

Бу йуналишнинг биринчисини реалистик ҳикоялар, иккинчисини ҳажвий характердаги ҳикоялар ташкил этади.

Адибнинг ўтмиш мавзусига бағишланган «Ўғри», «Бемор», «Анор», шунингдек, замонавий мавзуда битилган «Мас-тон», «Кўр кўзнинг очилиши» каби ҳикоялари биринчи йуналишга мансуб ҳикоялар ҳисобланади.

Бироқ бу ҳикояларда ҳам ёзувчи баъзи қаҳрамонлар характери ни яратишда сатирик ва юмористик унсурлардан унумли фойдаланади. Чунончи, «Ўғри» ҳикоясида эликбоши, мингбоши, ҳоким, «Қизалоқ», «Кўр кўзнинг очилиши» ҳикоясидаги Қўрбоши образлари характери шу йўсинда яратилган.

Ёзувчи ўтмиш мавзусини қаламга олар экан, давр фожеасини характерли, ихчам деталлар орқали ёритишга асосий эътиборни қаратади. «Ўғри» ҳикоясида камбағал Қобил бобонинг ҳукизи ўгирланиши, «Анор»да Туробжоннинг огироёқ хотинига анор топиб беролмай ўгирликка қўл уриши, «Бемор»да Сотиболдининг бемор хотинини даволашга имконсизлиги мана шундай деталлар ҳисобланади.

Ёзувчининг маҳорати мана шу ихчам деталлар орқали ҳажман катта бўлмаган ҳикояларда ўтмишнинг ўзига хос фожелигини типиклаштириб бера олган. Бироқ шу мавзудаги асарларда яққол кўзга ташланадиган нуқсонлардан бири — ўтмишни фақат қора бўёқларда тасвирлаш, зиддиятни синфий зиддият даражасига кутаришда кўзга ташланади. «Ўғри», «Бемор», «Анор» ҳикояларининг етакчи қаҳрамонлари оддий меҳнаткаш халқ вакиллари бўлиши билан бирга ожиз инсонлардир. Уларга қарши турувчи кучлар эса — бойлар, ҳоким, қози, мингбоши, эликбоши ва ҳоказолардир. Зиддиятнинг шу тариқа белгилиниши маълум даражада тарихий ҳақиқатга зид бўлиб, у 30-йиллар сиёсатининг маҳсули-

дир. Ёзувчи давр мафкураси билан ҳисоблашишга мажбур булган. А. Қаҳҳорнинг бу даврда яратган сатирик ҳикояларининг асосида фош қилувчи заҳарханда кулги ётади.

«Майиз емаган хотин»даги Мулла Норқўзи, «Адабиёт муаллими»даги Боқижон Бақоев, «Санъаткор»даги санъаткор, «Қизлар»даги Нурматжонлар шу типдаги кулги найзасига дучор булган сатирик характерлардир.

Мулла Норқўзи девор устидаги ўн икки ёшли қизга қарата «Уста мавлоннинг ўглидан бир ҳовуч майиз олганлигини» ўз кўзи билан кўрганлигини айтиш билан ўзини кулгили ҳолатга солса, Боқижон Бақоев адабиёт муаллими була туриб қайнисинглисининг оддий саволарига ҳам жавоб беролмай ўз саводсизлигини хаспўшлаш учун гапни ҳар томонга чалғитиб, китобхон олдида ўзини-ўзи фош этади.

Хуллас, Абдулла Қаҳҳор 30-йилларда ҳар икки йуналишдаги ҳикоялари билан ўзбек ҳикоячилигининг шаклланишига катта ҳисса қўшган санъаткордир.

Фашизмга қарши уруш даврида (1941—1945) ўзбек адабиётининг, жумладан, ҳикоячилигининг етакчи мавзуси юксак ватанпарварлик гоյлари билан сугорилгандир. Бу давр ҳикоячилигида душманга қарши нафрат, ватанга муҳаббат мотивлари турли шакллар, бадий деталлар орқали ифодаланади.

Чунончи, Ҳамид Олимжоннинг «Онанинг номуси», Абдулла Қаҳҳорнинг «Асрор бобо» ҳикояларида фронт орқасида туриб душманга қарши ўз меҳнатлари ва ташвиқоту хатти-ҳаракатлари билан кураш олиб борган оддий кишилар тақдирини ҳикоя қилинади. «Онанинг номуси» ҳикоясида урушдан кўрқоқлик қилиб қочган ўғилни ҳарбий комиссариатга олиб бориб топширган, хоинлик қилган фарзанднинг тригидан улгини афзал билган Она образининг ватанпарварлик руҳи билан сугорилган тимсолига дуч келамиз. «Асрор бобо» ҳикоясида эса бошқачароқ манзарага дуч келамиз.

Асрор бобонинг ўгли Ёдгор фронтда ҳалок булган. Бу ҳақда унга қорахат келган. Аммо Асрор бобо бу хабарни кампиридан яшириб юради. Айни чоғда ўзи чойхонада ишлаб, одамларда душманга нисбатан нафрат ҳиссини тугдиришга хизмат қилади. Газета хабарларини ўқиб бериб ташвиқот юргизади.

Ўғлининг ҳалок булганлигини тасодифан билиб қолган кампир ҳам чолини аяб, ўзича бу хабарни эридан яшириб юради.

Ёзувчининг маҳорати шундаки, мана шу характерли воқеалар фонида юксак Ватанпарварлик билан чуқур инсонпарварлик мотивларини уйғунлаштира олган. Муҳими шундаки, ёзувчи бу туйғуларни шунчаки баён тарзида эмас, балки жонли, табиий миллий лавҳаларда, ҳаётий деталлар орқали ифодалайди.

Абдулла Қаҳҳорнинг «Кампирлар сим қоқди», «Хотинлар», Саид Аҳмаднинг «Мастонбиби», Ойдиннинг «Юрагида

ути бор», «Ширин келди» ҳикояларида ҳам душманга қарши нафрат мотивлари у ёки бу тарзда ўз ифодасини топгандир. Бу ҳикояларнинг қаҳрамонлари душманга қарши кураш гоёсини ўз меҳнат фаолиятлари билан боғлиқ ҳолда намоён қиладилар. Зеро, уруш даврида ўзбек халқи, асосан, аёллар, кекса чол-кампирлар, ёки болалар ҳам икки-уч кишининг меҳнатини бажаришиб уруш галабасига ўз ҳиссаларини қўшишган. Бу ҳаётий ҳақиқатдир.

Урушдан сўнги давр, хусусан, 60-йилларга келиб ўзбек ҳикоячилиги янги босқичга кўтарилди. Зеро, «халқлар доҳийси» ҳисобланган И. Сталиннинг вафоти мамлакатда авж олган шахсга сизиниш иллатларини маълум даражада фош этди. Айниқса, Коммунистик партиянинг 1956 йилда бўлиб ўтган XX съездида Сталин шахсининг қораланиши ижодий эркинликка йўл очди. Натижада бу даврда яратилган ҳикояларда инсон образи етакчи ўринга кўтарилиб, унинг руҳий олами теранроқ очила бошланди.

50-йилларнинг охири, 60-йилларнинг бошларида Абдулла Қаҳҳорнинг «Минг бир жон», «Даҳшат», Гафур Гуломнинг «Менинг ўргигина болам», Саид Аҳмаднинг «Турналар», «Онажонлар», «Хазина» каби ҳикоялари яратилди. Бу ҳикоялар орасида Абдулла Қаҳҳорнинг ўтмиш мавзусида ёзилган «Даҳшат», Гафур Гуломнинг «Менинг ўргигина болам» ҳикоялари алоҳида ажралиб туради.

«Даҳшат» ҳикоясида Олим дадхоҳнинг олтинчи хотини ёшгина Унсиннинг зolim эр тутқинидан қутилиш учун қоронги кечада қабристонга бориб чой қайнатиб келишга рози бўлиб, охири ўлим топганлиги қизиқарли тасвир этилади. Ҳикоя чинакамга даҳшатли реализм даражасига кўтарила олган ва даврнинг айбномасига айланган.

«Менинг ўргигина болам» ҳикояси асримизнинг ун еттинчи йилларидаги фожеали ҳолатларни оддий воқеа асосида таъсирчан ҳикоя қилади. Кечаси том бошида ёнбошлаб ётган ўғри билан пастда, ҳовлида неваралари ёнида ётган Кампир ўртасида қизгин суҳбат бошланиб кетади.

Ўғри асли ўғри эмас, замона зайли, турмуш қийинчиликлари туфайли бола-чақасини боқиш учун шу кўйга тушган. Кампир эса ота-онаси ўлиб кетган невараларининг тақдири учун қайгуриб кечаларини ўтказувчи ожиза.

Ҳар иккаласининг ҳам дарду-аламлари бир. Шу боис улар қизгин суҳбатга, дардлашишга киришадилар. Бу суҳбат шундай табиий, ҳаётийки, асарда ҳар икки характер ўз инсоний қиёфалари билан китобхон хотирасига ўрнашиб қолади.

60—70-йиллар ўзбек ҳикоячилигида реалистик тасвир ҳаққонийлиги билан бир қаторда фикрий теранлик, мулоҳазакорлик кучая борди. Ижтимоий муаммолар билан бир қаторда муҳим маънавий-ахлоқий масалаларни ўртага қўйиш, уларни бир зиддиятлари, мураккабликлари билан психологик таҳлидан ўтказиш тенденцияси кучайди. Шу жиҳатдан Одил Ёқубовнинг «Видо», Саида Зуннунованинг «Ёлғизлик»,

«Ака», Пиримқул Қодирнинг «Жон ширин», Шуқур Холмирзаевнинг «Ой ёругида», «От эгаси», Ўткир Ҳошимовнинг «Урушнинг сўнги қурбони», Ўлмас Умарбековнинг «Номус», Учқун Назаровнинг «Ов», «Қаҳратон» каби ҳикоялари ибратлидир.

«Ёлғизлик» ҳикоясида ижтимоий-маънавий муаммо — илм-фан билан шугулланиб, оилавий бурчни унутган аёл фожеаси — ёлғизлик азобига дучор бўлган қалб изтироблари тасвирланса, «Урушнинг сўнги қурбони»да ихтиёрсиз ҳолда она қотилига айланган фарзанд фожеаси тасвирланади.

Бу даврда яратилган Одил Ёқубовнинг «Видо» ҳикояси алоҳида аҳамиятга молик ҳикоялардан бири ҳисобланади. Зеро, бу ҳикояда бошдан-оёқ маънавий-ахлоқий муаммо — ота-фарзанд, устоз-шогирд муносабати масаласи чуқур драматизм, теран психологик шахслар асосида ифода этилгандир.

Ҳикояда бир томондан улим тушагида ётган кекса устани — отани диссертация ҳимоясини важ қилиб фарзандлик бурчини унутган ва ташлаб кетишга журъат қила олган ўгли Нодир, иккинчи томондан эса устози ёнидан уззу-кун жилмаган, унинг сўнги ризолигини, дуосини олган шогирд Абдуллажон характери тасвир этилади. Ёзувчи шу контраст тасвир орқали оқибатсиз фарзанддан диёнатли шогирд афзал, деган муҳим ҳаётий гоияни таъсирли ифода эта олган.

Шуни таъкидлаш жоизки, 70-йиллар ҳаётида юз бераётган тургунлик, таниш-билишчилик, ошна-оғайнигарчилик иллатлари ҳикоячилик ривожига ҳам маълум даражада тўсқинлик қилди. Лекин шунга қарамай, бу даврларда яратилган куплаб ҳикоялар ўзининг реалистик тасвир кўлами билан бадиий юксак асарларга айланди.

Бу ҳол, айниқса, 80-йиллар аввалида яратилган тарихий мавзулардаги ҳикоячиликда яққол кўзга ташланади. Ҳикоячиликда ҳам Муқанна, Ибн Сино, Бобур каби атоқли сиймоларнинг образларини яратишга киришила бошланди. Бу ҳол узбек халқининг утмиши, узининг аждодлари тақдири орқали ўзлигини англаши интилишлари кучайиб бораётганликларидан далолат беради.

Шу жиҳатдан Бобур ҳақидаги Анвар Эшонновнинг «Оқ гуллар», «Кийиклар сув ичганда», Хайридин Султоновнинг «Ой ботган паллада», Мирзапулат Тошпулатовнинг Муқанна ҳақидаги «Беором тулқинлар», Алишер Ибодиновнинг қадимги турк қабилалари ботирлари ҳаётини акс эттирувчи «Қуёш ҳам олов», Тоҳир Маликнинг Ибн Синога бағишланган «Тириклик суви» каби ҳикоялари характерлидир.

70-йилларнинг охири 80-йилларнинг бошларида узбек насрчилигига бир гуруҳ ёш ижодкорлар кириб келди.

Хайридин Султонов, Эркин Аъзамов, Олим Отахонов, Аҳмад Аъзам, Абдусайд Кучимов, Гаффор Ҳотамов, Мурод Муҳаммад Дуст, Тоғай Мурод ва бошқа ёш ёзувчилар ижодида янгича тасвир унсурлари кўзга ташлана бошлади.



Бу ёзувчилар ижодига хос бўлган энг муҳим хусусиятлардан бири аввалги авлод ижодкорларига ўхшаб замон воқеа ҳодисаларини тафтиш қилишга интилишларида намоён бўлади. Бунда турли бадий тасвир усулларидан, жумладан рамзий бўёқлардан фойдаланиш яққол кўзга ташланади. Бу ҳол 80-йилларнинг ўрталаридаёқ адабиётда янгича тенденция — узликни, миллатни англашга истиқлол шабадаларини ҳис қилишга иштиёқ кучайиб бораётганлигидан далолат беради.

Бугунги истиқлол эса ўзбек адабиётини, жумладан, ҳикоячилигини янги-янги истеъдодлар билан бойитиб, юксак довлар сари элтажак. Бунга қатъий ишонамиз.

Низомиддин МАҲМУДОВ,  
филология фанлари доктори, профессор

Қурдон ҚАҲРАМОНОВ,  
филология фанлари номзоди, доцент

# АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ

(ЖУЛҚУНБОЙ)

(1894—1938)

*Ўзбек адабиётининг йирик намояндаларидан бири Абдулла Қодирий (Жулқунбой) 1894 йил 10 апрелда Тошкент шаҳрида тугилди.*

*«Ҳар ҳолда бемавридроқ бўлса керак, камбағал, боғбонлик билан кун кечирувчи бир оилада... тугилгонман», — дейди у ўз таржимаи ҳолида. «Ёшим туққизунларга боргондан сўнг мени мактабга юбордилар. Мактабда икки-уч йил чамаси эски усулда ўқиб, кейинги вақтларда оиламизнинг ниҳоятда қашшоқ кун кечиргани важҳидан ун икки ёшимда мени бир бойга хизматчиликка бердилар. Хужайиним ўзи савдогар киши бўлуб, урисча ёзув-чизув билатургон одамга муҳтож эди. Шу таъма бўлса керак, мени урис мактабига юборди... 1912 йилда манфактур била савдо қилувчи бир кишига йилига 50 сўм баробарига приказчик бўлуб кирдим... Шу миёналардан бозор воситаси билан татарлардан чиқадигон газеталарни ўқиб, дунёда газета деган гап борлигига имон келтирдим. 1913 йилда ўзбекча «Садои Туркистон», «Самарқанд», «Ойна» газеталари чиқа бошлағоч, меңда шуларга гап ёзиб юриш фикри уйғонди... 1913 йилда чиққан «Падаркуш» таъсирида «Бахтсиз куёв» деган театр китобини ёзиб юборганимни ўзим ҳам пайқамай қолдим (1915 йилда). Яна шу йилда театрларда чиқиб тургон ҳикоя ва рўмонларга тақлидан «Жувонбоз» отлиқ ҳикоячани ёзиб, ношир топилмоғонидан, ўзим нашр қилиб юбордим. Николай тахтдан йиқилгондан кейин оддий халқ милициясига кўнгилли бўлиб ёзилдим...*

*1918 йил бошларида эски шаҳар озиқ комитети бойлар қўлидан олиниб, комитетнинг раислигига ўртоқ Султонхўжа Қосимхўжаев тайин қилингон эди ва мен мазкур комитетнинг ўзбекча саркотиблигига кирдим. 1919 йилнинг аваларида озиқ комитетининг исмидан чиқарилмоқчи бўлгон «Озиқ ишлари» газетасига муҳаррир бўлиб тайинландим... Шу кўнғача Шўро идораларида қилгон хизматларимни бирма-бир санаб ўлтиришим узоққа чўзиладургон бўлгонлиқдин мундан кейин муассаса исмларинигина аташ билан ки-*

фояланаман: «Русто» деворий газетасига мухбир бўлиб, «Иштирокиюн» ва «Қизил байроқ» газеталарида сотрудник... «Муштум» журналининг муанниси ва таҳририя аъзоси бўлиб, то 1924 йилгача меҳнаткашлар манфаатига холис ишлаб келдим. Шу утган етти йил орасида Шуролар ҳукумати ва фирқадан бир озиқ танбеҳ олмадим. Хулоса — бошқаларнинг хизмати дафтар билан собит булса, меним хизматларим матбуот билан равшандир... Ишчи-деҳқонлар ёзгон асарларимни суюниб уқийдилар ва мени ёзувчилар қаторига киргаздилар ва мени ҳамон уқирлар ва унутмаслар...»

Булгуси адибнинг илк ижоди 1913—1914 йилларда бошланган бўлиб, дастлаб у шоир сифатида қалам тебратди. Унинг «Аҳволимиз», «Миллатимга», «Туй» (1914—1915) каби шеърлари «Ойна» жаридасида босилиб чиққан эди. Ўз миллатини маърифатга чақиради, маърифатпарвар шоир ва адиб сифатида майдонга чиқади. Унинг «Бахтсиз куёв» (1915) номли фожеаси, «Жувонбоз» (1915), «Улоқда» (1916) каби ҳикояларида ҳам ўз халқини саводли, билимли, маданиятли ва озод куриш истаги сезилиб туради.

1924 йили Абдулла Қодирий Москвага бориб, Журналистлар институтида таҳсил олди. Москвадан қайтиб, «Муштум» журналида штатсиз мухбир бўлиб ишлай бошлади. Унинг «Тошпўлат тажанг нима дейди?» ва «Калвак маҳзумнинг хотира дафтаридан» туркумидаги сатирик ҳикоялари ана шу журналда илк бор босила борди.

Абдулла Қодирий 1917—1918 йиллардан бошлаб «Ўтган кунлар» романи учун материал йиғишга киришди. 1922 йилда биринчи ўзбек романининг дастлабки боблари «Инқилоб» журналида чоп этила бошланди. 1925—1926 йилларда «Ўтган кунлар» уч бўлим ҳолида китоб бўлиб нашр этилди.

1928 йил ёзувчининг иккинчи тарихий романи «Меҳробдан чаён» нашрдан чиқди.

1934 йилга келиб Абдулла Қодирий қишлоқ хўжалиги мавзусига бағишланган «Обид кетмон» қиссасини яратди. Ундан ташқари у Гоголнинг «Уйланиш», Чеховнинг «Олчазор» ва бошқа Гарб ёзувчиларининг сатирик ҳикояларини ўзбек тилига таржима қилди.

Абдулла Қодирий 1934 йилда бўлиб утган Москвадаги Бутуниттифоқ Ёзувчиларининг биринчи қурултойида қатнашди.

У «Амир Умархоннинг канизи», «Намоз угри», «Даҳшат» каби романлар яратиш орзусида булгани ҳам маълум. Аммо бевақт улим орзулари рўёбга чиқишига имкон бермади.

Абдулла Қодирий 1937 йилнинг 31 декабрида қамоққа олинди. «Менга қуйилган айбларни бошдан-оёқ рад этаман. Ҳақиқат йулида ҳеч қандай жазодан, қийноқдан қўрқмайман. Агар отмоқчи бўлсалар, кўк-рагимни кериб тураман...» Абдулла Қодирий 1938 йил 4 октябрда Тошкентда отилди. Унинг асарлари ХХ съезздан сўнг, 1956 йилдан бошлаб янгидан нашр этила бошланди. 1990 йилда Республика президенти Фармони билан А. Қодирий номидаги Республика Давлат мукофоти таъсис этилди. 1991 йилда эса А. Қодирийга Алишер Навоий номидаги Давлат мукофоти берилди.

Ҳозирги кунда эса бир қатор кўчалар, боғлар, мактаблар, кутубхона, маҳалла ва олий билимгоҳлар унинг табаррук номи билан юритилади. Унинг номидаги Тошкент Давлат Маданият олий билимгоҳида энг билимдон талабаларга Абдулла Қодирий номидаги нафақа берилади.

## «ЖИНЛАР БАЗМИ»

(Мавҳум ҳикоя)

Отам бу ҳикоясини бошлаган вақтда менинг вужудимни қўрқув ўраб олар эди-да ичимдан: «Мени ҳам шундай жинларга йўлиқтирма» деб тангрига ёлбориб қўяр эдим.

Кеча холам бизнинг уйга меҳмон бўлиб келган эди. Кечаси ошдан кейин отам, ойим, холам учовлари чой ичишиб ултирар ва ўтган-кетгандан сўзлашар эдилар. Сўз айланиб келиб яна ўша жинлар, парилар, девлар тўғрисида тўхтади. Отам булса, ўзи кўрган «жинлар базми»ни сўзлашдан яна тийилолмади. Отамнинг бу ҳикояси, юқорида сўзлаганимча, менинг учун ортиқча ваҳималик бўлганидан, дарров ўрнимга кириб, кўрпамга бурканиб ётиб олдим. Отам менга бир кулиб қаради-да, «жинлар базми»дан сўз очди:

— Янги уйланган вақтларим эди. Тирикчилик билан овора бўлиб боғнинг поясига ўз вақтида қаролма-

дим. Бир кун пайт топиб боққа бордим, ток жуда ҳам усиб кетган, бардидан ҳатто икки қаричгача усиб чиққан эди. Шунинг учун ишкомларни шитаброқ тиккайтиришга тугри келар эди. Боққа бора бошлаганимнинг туртинчи куни кечаси бир оз ёмғир ёғиб чиқди. Гуё ёмғирни кутиб турган тоқлар яна ҳам усиб кетдилар, шуралар барди устига энгашиб, ишком устига олмаганим учун гуё мендан аразлагандек кўринар эдилар. Мен нима бўлса ҳам поя ишини букун битирмоқчи бўлдим. Эртага токни очмасам, ҳам ўзим учун, ҳам ток учун жабр қилган бўларман, деб ўйладим.

Истакни озроқ олган эканман. Охир пешин вақтида истак тамом бўлиб қолди. Истак учун бозорга борай десам бир ишкомгина ямоқ қолди, ундан кейин бозордан қайтиб чиққунча кеч ҳам бўлади. Нима қилиш керак? Узоқ ўйлаб турмай, тут, қайрағоч ва тол каби дарахтлардан истак чалпидим. Чалпиган истакларни йиғиштиргунча ҳам бир чой қайнар вақт ўтди. Истакларни белбоғимга қистириб, ишкомга кирдим.

Қош қорайиб, қоронғи тушган пайтда аранг поя ишидан қутулдим. Юз-қўлларимни ювиб, салла-чопонимни кийганимда обдон қоронғи босган эди. Боғ ишлагали келган қўшнилardan ҳеч бириси қолмаган, ҳамма шаҳарга жўнаб кетган, кўчада чигирткаларнинг чириллаши, қурбақаларнинг қуриллашидан бошқа товуш йўқ эди.

Мен боғдан чиққанда, хуфтон бўлмаса ҳам, шунга яқинлашиб қолган эди. Қоронғида туртиниб-суртиниб йўлга тушдим. Отам холамга хитобан деди: — Сиз биласиз, бизнинг боғнинг тевараги қуюқ дарахтлик-майдонлар билан уралган. Катта кўчага тезроқ чиқиб олиш учун мен шу майдонlardan юрдим. Майдон ниҳоятда қоронғи ва ваҳимали эди. Лекин мен қоронғида бепарво борар эдим, ёлғиз қоронғида туртиниб қийналар эдим. Катта кўчага чиқиб олмоғим учун орада биттагина Ҳамдам хумдончининг чакалагини қолди.

Отам ҳикоясини шу ерга келтириб тақағач, мен кўрпамга яхшироқ бурканиб олдим.

Отам сўзида давом этди:

— Бир-икки қадам Ҳамдам хумдончининг майдонига томон юрдим... Йироқдан келган ёруғликни сезиб, теварагимга қарадим-да, ҳайрон бўлиб қолдим... Қаршимдаги майдондан ўткир нур шарпаси тушар эди. Бутина эмас, кишиларнинг чағир-чуғур сўзлашиб, ку-

лишлари, гижданг-гижданг билан чилдирма, ора-чора дутор, танбур, гижжак каби созларнинг заиф, аммо юракни қитиқлайдиган товушлари эшитилар эди.

Мен танг қотиб, бир неча вақт туриб қолдим. Дарҳақиқат, бойқушлар уяси бўлган бир вайронада бундай воқеанинг юз бериши кишини албатта ҳайрон қилар эди. Ҳолбуки, мен эрталаб ҳам бу майдондан ўтган эдим. Бу ерда бирор зиёфат бўладирган бўлса, эрта билан унинг бир асари қурилар эди. Ёш-яланглар кундуз куни ҳаракат қилганлар-да, деб фикримдан ўтказдим.

Мен базм бўлаётган майдон орқали утмоқчи бўлиб, девор рахнасидан ошиб тушдим... Ўҳ-хў-ў-ў, майдон ичи кундузгидек ёруғ, дарахт шохларига чироглар осилган, ерларга ипак гиламлар ёзилган. Бир чеккага катта оқ самоварлар қўйилган, бир тарафда катта қозонлар қурилган, жаз-биз давом этар эди. Майдоннинг ўрта ерида юз чоғли ёш-қари кишилар қуршалиб ўлтириб, дутор, танбур, чилдирма, ногоралар чалиб базм қилар эдилар.

Шу чоқда бир киши олдимга югурди ва базмдагиларга қичқириб:

— Мана, Ўсар акам ҳам келди! — деди.

Базмдагиларнинг ҳаммалари ҳам менга қарадилар.— Келинг, келинг Ўсар ака, поядан қутулдингизми? — дейишдилар.

Ўша онда уларга нима деб жавоб берганимни ҳозир эслаёлмайман, чунки жуда ҳам гарангсиган эдим.

Улар мени ўз ихтиёримга қўймай, судраб, тортиб турга чиқардилар. Одатда мажлиста кириб ўлтиргандан кейин фотиҳа ўқилар эди. Бироқ уларнинг ҳар турли савол ва муомалалари билан овора бўлиб, фотиҳа ўқиш ҳам ёдимдан чиққан... Бир оз эсимни йигиб олгандан кейин мажлисдагиларни кўздан кечириб чиқдим. Кўшларини қайси жойдадир кўргандек бўламан... Аниқлаб қарасам умримда кўрмаган-танишмаган ёт кишиларга ўхшайдилар. Фақат уларнинг мен билан худди танишларча муомала қилишлари, отимни атаб чақиришлари, қилган ишларимни сўраб, ҳатто бояги истак чалпиб юрганимни билишлари, мени жуда ҳам ажабга қолдирган эди.

Орадан кимдир, билмадим, голиб мажлиснинг бошлиги бўлса керак:

— Ўсар акамга дастурхон ёзилсин! — деди.

Турда утирганлардан яна бириси унга қарши чиқди:

— Илгари биз базм қилиб олайлик, сунгра дастурхонга ҳаммамиз барабар қараймиз! — деди ва менга юзини ўгириб: — Сиз ҳам базмни соғиниб қолгандирсиз. Илгари базм қилайлик, а? — деб суради.

Менинг қорним оч бўлса ҳам, меҳмонлигим важҳидан унинг фикрига қушилишдан бошқа чорам йўқ эди.

Созандалар созларни тўғрилай бошладилар. Созлардан танбур, дотор, гижжак, рубоб, чанг, най ва даф кабилар менга таниш бўлсалар ҳам, яна мен кўрмаган ва билмаган бир қанча созлар ҳам бор эди. Созлар созландилар, бир хил босиқ, оғир машқ чалина бошладди.

Машқ сеҳрли эди... Мен ерга сингиб кетарли даражада эзилмоққа, асирланмоққа ичимдан бир тўлқин келиб ўзимни қаерга ураримни билмай энтика бошладим. Созандалар ҳамон ҳалиги босиқ машқни секин-секин авжга чиқариб бордилар... Ахир чидаб туролмадим, шилқ-шилқ йиглай бошладим. Нега ва нима учун йиглар эдим, буни ўзим ҳам билмайман. Узоқ йигладим. Ниҳоят машқ битди. Битди, лекин мени ҳам ўзи билан бирга битирди. Икки тегирмон тоши орасида янчилган кишидек мажруҳ эдим. Қимир эттали мажолим йўқ эди. Кўзимни очдим. Мажлисдагиларнинг барчаси ҳам гўё бир кўздан менинг ҳолимга қулиб қараб турар эдилар. Мен ўз ҳолимдан уялиб ерга боқдим.

Созандалар яна иккинчи машқни чалиш учун тайёрлар эдилар. Лекин мен ҳалигидек машқни эшитишдан безор бўлган эдим. Юрагим гуп-гупуриб қолди. Боягидек машқдан яна бирини тингласам, эҳтимол ажалимдан бурун ўлар, ер билан яксон бўлар эдим.

Иккинчи машқ бошланди... Машқ бошланиши билан бутун вужудимга ҳаёт суви югурди. Ўзимда аллақандай бир лаззат ҳис қилдим. Машқ гоятда завқли эди. Бу машққа не деб исм беришни билмайман.

Шу вақт ўртага ўн беш-ўн олти ёшлик ёш бир қиз келиб кирди. Унинг сочлари жингала, юз ва кўзлари дўндиқ, устида яшил бахмалдан бурма қилиб тикилган чиройли делвагай кийими бор эди. Бир неча қадам чалишиб ўртада юрган эди, оёғидаги қўнгироқлари жингираб кетди. Қиз машқ билан барабар ўйнай бошлади.

Машқ давом этар, гӯё нафис соз товушининг йўли уйинчи қизни гайри ихтиёрий бир ҳаракатга келтирарди. Дунёга бир шодлик, бир руҳ ёғади, гӯёки ўликлар тириларлар, ерлар силкинарлар, тоғ-тошлар қуларлар, юлдузлар учарлар, дарахт шохлари титрагандек бўларлар.

Ахир шодликларим юрагимга сигмади. Ўз эрким билан эмас, алақандай бир куч ўлтирган жойимдан мени турғизиб юборди. Қизнинг ёнига кириб мен ҳам уйнаб кетдим.

Ойим билан холам ўзларини тутолмай кулиб юбордилар. Менинг бўлса, кўз унгимга дадамнинг уйнагандаги аҳволи келиб тўхтагандек бўлди.

Дадам давом этди:

— Шундай, мен уйнай бошладим. Нима бўлса ҳам, қиз билан бирдек уйнамоққа тиришаман. Қиз мен билан бир оз уйнаб тургандан кейин ўртадан чиқиб бир четга кетди. Лекин мен уйинни тўхтатмадим, тўхтатиш хотиримга ҳам келмаган эди. Кишилар қарс уриб турадилар ва мени масхаралагандек қийқириб, огиз-бурунларини қийшайтирадилар, лекин мен уларга парво қилмай уйинни давом эттираман...

Бир вақт алланарсага туртиниб ерга йиқилдим. Ўзимни ўнглаб олиб яна уйинга ҳаракат қилган эдим, тагин муккалаб йиқилдим.

Бир қанча вақтдан сўнг ўнгланиб ўрнимдан турдим ва кўзимни очиб теварагимга қарадим... Орада на кишилар, на созлар ва на бошқалар — ҳеч ким, ҳеч гап йўқ!.. Қоп-қоронғи майдон, бир ариқ ичида турибман...

Мен отамнинг бу кўрган ҳодисасини муаллим афандига сўзлаган эдим, кулди:

— Ваҳима, хаёлот! — деди.

— Чиндан ҳам ваҳимми, ваҳим бўлса кишидан қандай воқе бўлади? — деб сўраган эдим, афандим:

— Келаси жума болалар ўртасида бу тўғрида маълумот бераман, сен ҳам шу мажлисда ҳозир бўлсанг ваҳимнинг қандай воқе бўлишини билиб оласан! — деди.

Мен албатта жума кун мактабга бориб, афандимиздан ваҳимнинг кишида пайдо бўлишини эшитаман. Вақтингиз бўлса, жума куни сиз ҳам борингиз.



## ЧЎЛПОН

(АБДУЛҲАМИД СУЛАЙМОН УҒЛИ)

(1897—1938)

Ўзбек адабиётининг атоқли намояндаларидан бири Абдулҳамид Сулаймон угли Юнусов — Чулпон 1897 йилда Андижоннинг Қатортерак маҳалласида зиёли оиласида дунёга келган. Онаси уй бекаси бўлган. Отаси Сулаймонқул мулла Муҳаммад Юнус угли (1874—1929) деҳқончилик, ҳунармандчилик, базозлик билан шугулланган. Таниқли журналист, ёзувчи ва ўқитувчи Муминжон Муҳаммаджоновнинг (Мумин кофир) «Турмуш уринишлари» китобида қайд этишича, Чулпоннинг отаси Сулаймонқул ўз даврининг етук зиёлиси, маърифатпарвар кишиси бўлган. У «Расво» тахаллуси билан шеърлар ёзган.

Чулпон аввал эски мактабда, сўнгра эса Андижон ва Тошкентдаги обрўли мадрасаларда таҳсил олиб, турк, араб, форс тилларини мукаммал ўзлаштиради. Шарқ ижтимоий-сиёсий қарашларидан озиқланади. Фирдавсий, Саъдий, Ҳофиз, Деҳлавий, Низомий, Умар Хайём, Алишер Навоий, Абдулла Тўқай каби буюк сўз санъаткорлари ижодини меҳр билан ўрганади. Шу билан бирга Андижондаги рус-тузем мактабида рус тилини чуқур ўзлаштириши натижасида жаҳон адабиёти дурдоналари билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлади. Айни чоғда Туркистонда 1905 йилларда камол топа бошлаган маърифатпарварлик йўналиши таъсирида шакллана борди. Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний каби атоқли маърифат тарғиботчилари ва ташкилотчиларига эргашди, маърифатчи адиб бўлиб шаклланди.

Чулпоннинг ижоди 1913—1914 йиллардан бошланган бўлиб, у аввал «Қаландар», «Мирзақаландар», «Андижонлик» ва ниҳоят Чулпон (Тонг юлдузи) тахаллуси билан ижод қила бошлади. У ҳам шоир, ҳам носир, ҳам драматург сифатида ўз халқи адабиёти равнақига салмоқли ҳисса қўшди. Унинг дастлабки асарлари «Садои Туркистон», «Садои Фаргона» каби маҳаллий рўзномаларда, шунингдек, Оренбургда чиқадиган «Шуро» номли ойномада ҳам нашр этилади. Хусусан, Чулпоннинг «Иштирокиюн», «Қизил байроқ», «Туркистон»

ҳамда «Бухоро ахбори» каби рузномалардаги фаолияти ҳам унинг ижодий шаклланишида маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилди.

Чулпон очеркнавис ва публицист сифатида ҳам баракали ижод қилди. 1914—1917 йилларда «Баҳор овуллари», «Уш», «Ватанимиз Туркистонда темир йўллар» ҳамда «Духтур Муҳаммадиёр» асарларида маданият ва маърифат тарғиботчиси сифатида майдонга чиқди. Октябрь тўнтаришидан кейинги 1920—1924 йилларда ҳаётда содир бўлаётган хуш ва нохуш ўзгаришларни қаламга олди. Унинг «Йўлда бир кундуз», «Йўлда бир кеча», «Шарқ поезди келди», «Шарқ уйғонган», «Чимкент», «Қутурган мустамлакачилар», «Йўл эсдалиги» сингари унлаб саёҳат очерклари ва публицистик мақолалари яратилди. Мазкур асарларда чоризм мустамлакачилари ва маҳаллий ҳоким синф етказган жабру жафо етмагандек, фуқаролар уруши даври офатлари, фожеалари меҳнаткаш халқни яна бир бор жабрланганлигини қоралади.

Чулпон 1922—1926 йилларда узининг «Тонг сирлари», «Уйғониш» ва «Булоқлар» каби учта шеърий тўпламини нашр эттирди. 30-йилларга келиб «Соз» ва «Жўр» каби шеърий тўпламлари тайёрланди. Аммо «Соз»ни чоп этилади-ю, «Жўр» тўплами қатагонлик шамоли тuzоғига илиниб, қолиб кетади. Шоир тўпламлари орасида «Булоқлар» (1922) ажралиб туради. Унда шоир яхлит ҳолда мазлум Шарқ тақдири фожеаси ҳақида ўз қарашларини тўкиб солади. Тўплам беш бўлимдан иборат бўлиб, «Шарқ учун», «Сезгилар», «Севги», «Қора йўллар» ва «Қор қўйнида» деб номланади. Шоирнинг ўзи қайда этишича, мазкур шеърий гулдастаси «Жаҳон фотиҳлари чанғалида эзилиб ётқон Шарқ улкаларига бағишланадир». Жумладан, «Амирнинг ўлими» шеърида шундай мисраларни ўқиймиз:

Кунглимда йиглаган  
Малаклар кимлар,  
Шарқнинг оналари,  
жувонларими?  
Қаршимда инграган бу  
жонлар кимлар,  
Қуллар ўлкасининг  
инсонларими?

Чулпон 1925-йилларга келиб «Муҳит кучли экан эгдим буйнимни» дея ижод соҳасида қарашларининг

узгарганлигини эътироф этади. Унинг «Менинг товушим», «Куз», «Бузилган улкага», «Юпатмоқ истаги» каби дардчил шеърлари ёнига «Қизил байроқ», «Халқ», «Қузгалиш», «Қор», «Бир тилла қунгиз», «Япроқ учун» каби умидли, армонли ва файзли шеърлари қўшилди. Шоир яратган икки юздан ортиқ шеърый асарлар уз халқи, юртининг, бахти, келажаги, мустақиллиги, озодлиги йўлидаги курашнинг абадий солномаларидандир.

Чулпон етук лирик шоиргина эмас, йирик носир сифатида унлаб публицистик мақолалар, очерк ва ҳикоялар, «Қор қўйнида лола», «Ёв» қиссалари ва «Кеча ва кундуз» (1936) каби ажойиб романини нашр эттирган истеъдодли адиб ҳамдир.

У драматург сифатида ҳам салмоқли ижод қилган. Унинг «Халил фаранг», «Чурининг исёни» каби кичик пьесалари, «Ўртоқ Қаршибоев», «Муштумзур» каби етук драмалари ҳамда кўп вақт саҳнадан тушмаган. «Ёрқиной» пьесалари машҳур бўлган. Шунингдек, рус ёзувчиси В. Ян билан ҳамкорликда «Хужум» драмасини яратган.

Чулпон адабий танқид соҳасида «Шуро ҳукумати ва садои нафиса», «Адабиёт надур?» каби мазмунли мақолалар ҳам яратган. Шунингдек, Чулпон моҳир таржимон сифатида М. Горькийнинг «Она», А. С. Пушкиннинг «Дубровский» қиссаси ва «Борис Годунов» каби пьесаларини ҳамда В. Шекспирнинг машҳур «Ҳамлет»ини узбекчага утирган.

Чулпон ҳам Фитрат ва Абдулла Қодирий каби қатъонлик сиёсати қурбони бўлган. У 1937 йилнинг 14 июлида қамоққа олиниб, 1938 йилнинг 4 октябрида отиб ташланган. 1956 йилда оқланиб, 1991 йилдагина биринчи бор «Яна олдим созимни» номи билан энг яхши шеърый асарлари тўплам ҳолида нашр этилди. Кейинги бир жилдлик китобидан унинг кенгайтирилган таржиман ҳоли (проф. О. Шарафиддинов), «Кеча ва кундуз» романи урин олган.

Ҳозирги кунда нашриёт, куча, маҳалла, кутубхона ва мактабларга Чулпон номи қўйилган. Унинг Фозила (1906), Фоиқа (1908) исмли қизлари ва набиралари Наманганда яшайди. Унга 1991 йил 25 сентябрда «Яна олдим созимни» китоби учун Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти берилди.

## ҚОР ҚҰЙНИДА ЛОЛА

Бир, икки, уч, тўрт...беш; беш...олти! Етти, саккиз, тўққиз, ўн...

Кичкина, қизил ипдан безалган тўп (каптов) алжиб қочиб кетиб, ертўла огилнинг деворига ёндошиб ўскан ёш қантақуриikka бориб тегди-да, сакраб ҳовузга «шўп» этиб тушиб ҳам кетди...

Қизлар барчаси бирдан:

— Вой, ўлақолай, ҳовузга тушиб кетди! — деб қичқиришиб юбордилар. Тўпни тутиш учун қувалаб бораётгон Шарофатхон ҳам ҳовуз ёнида қотиб қолди...

Тўп сувга шўнғиб кетиб ҳовузнинг ўртасидан чиқди ва қизларнинг ҳавасли, ўйноқи кўзлари олдида гердайиб, секингина суза бошлади.

Барча қизлар сув юзида эркаланиб сузиб юрган тўпга бироз қарашиб турдилар-да, бу орада бир-бирларига боқишиб юмшоққина кулишиб ҳам олдилар.

Тожи қассобнинг кичик қизи Турғунбуш югуриб бориб огилнинг томига чиқди-да, бир чеккага босиб қўйилгон тут ўтинидан битта узун бутоқни синдириб олиб, ҳовуз бўйига келди ва ҳалиги бутоқ билан сувни ўз томонига торта бошлади; қизлар унинг теграсига дув йигилиб, тўпнинг сувдан чиқишини кута бошладилар.

Сув ясама оқиш билан қизлар томонга оқа бошлогондан сўнг, ярим белидан сувга кўмилган тўп дам ботиб, дам чиқиб секингина қиргоққа келди. Қизлар қий-чув билан ушлаб ҳам олдилар.

Сув билан шалаббо бўлгон тўпни Шарофатхон олди-да, «ҳу, қочмай улгин, тутилдинг-ку!» деб ерга урди. Унинг бу ишига Абдулла жаллобнинг қизи Тўтихоннинг аччиги келди, дарров бориб ердан тўпни олди ва:

— Ҳой, бунда нима ёзиқ? Бунинг жони бўлмаса... Ўзингиз тушириб, бу бояқишни тагин қаргайсизми? — деб тўпни сувда чайқаб олгондан сўнг, лабини тишлаб, бор кучи билан сиқмоққа бошлади.

Шарофатхон қизларга қараб:

— Барибир, қанча сиқиб қуритмоқчи бўлсақда, ҳўл тўп чиқмайду, энди бошқа кимнинг тўпи бор?

— ...

— Вой, ўла қолай, ҳеч қайсингларники йўқми? Салтанат, сеники бор эди-ю?

— Меники бор эди-ю, тунов кун Гулнор ўлгур, йўқотиб келибдир...

— Бўлмаса, ўйин тугабдир-да?

— Йуқ, бошқа уйин қиламиз!  
— Ҳу, улақолсун, тўп уйинидан ҳам яхшиси борми?  
— Ҳай, Шарофатхон, сиз ўзингиз кира қолингиз,  
урус тўпингизни олиб чиқасиз!

— Ўрус тўпим ёрилиб эди-ку...

— Вой, эссизгина, қачон?

— Қачонлари-ю...

Шу вақтда боғнинг кичкина эшикчасидан ҳовруқ-қанча югуриб бир кичкина қиз кела бошлади.

Тургунбуш бирдан:

— Ҳа, ана менинг синглим чиқиб қолди, уйга тўпга юбораман! — деди. Барча қизлар:

— Ҳа, ҳа, Фазилатни юборамиз! — дедилар.

Кичкина қиз — Фазилат югуриб келиб опасининг буйнига осилди.

— Бир чеккага чиқинг, опа, сизга қизиқ гапим бор.

Барча қизлар бирдан:

— Қизиги ўлсин, қизиги, айтабер барчамизга!

— Йуқ, опамнинг ўзига айтаман.

— Булмаса, опанг бизга айтиб берадир...

Эгачи-сингил ҳовуз буйига кетдилар... Эшмат қоролуқнинг махмадана, қизиқ гапларни билатургон қизи Тиллахон туриб:

— Қизиқ гапи нима булар эди, айтмаса ҳам биламан.

— Айт-чи, билсанг?

— Нима булар эди, Тургунбушга куёв келгандир! — Барчалари кулишдилар. Тургунбуш қайтиб келди-да:

— Ўла қолсун, Тилла, менга куёв эмас, Шарофатхонга совчи келибдир! — деди. Қизлар бир-бирларига қарашиб оддилар. Шарофатхон қип-қизил қизариб, тургон ерида қотиб қолгон эди.

## II

Шарофатхоннинг отаси Самандар ака илгаридан от чиқаргон бир савдогар эди. Шунча огирчилик йилларда, қиймат, касод вақтларида ишини тарақлатиб келиб, охири ўзгон йили эрта баҳорда сингон. Бор-йўгини қарзига сотиб берганидан сўнг, жуда суфи бўлиб эшонларникида чувалашиб қолгон эди.

Эрта билан саҳарлаб эшонникига кетар, зикр бўлса-бўлмаса эшоннинг ишини қилиб, кечқурун шомла-тиб уйига келар эди. Уйга келгандан сўнг ҳам бир қошиқ қуюқ-суюғи бўлса тотиниб, малла жойнамонинг устига чиқиб ўлтуриб, қаҳрабо тасбеҳни неча

давр айлантириб «вазифа»ларини ўқур, сўнгра то ярим кеча-саҳаргача ҳўнгур-ҳўнгур йиғлар эди...

Бир кун эшоннигида катта ва қизгин бир зикр бўлди. Зикрга бошқа шаҳарлардан ҳам ўтли-нафас билан ўқийтургон ҳофизлар келдилар. Хонақоҳнинг ичи зич тўлди. Эрта билан бамдоддан сўнг бошлагон «зикр» хуфтонга яқин зўрга тугади. Бир неча киши ўзидан кетиб у ер-бу ерда юмаланиб қолдилар. Ёнгоқ сўфилардан бир-иккитаси «жазава»нинг ортиғлигидан бориб ўзларини ҳовузга ташладилар. Қисқаси, бу кун қиёмат бўлди.

Эртаси куни эрта билан хонақоҳнинг меҳроби олдида ҳазрат эшон ўлтурганлар, икки ёнларида учтадан олти ҳофиз, бир ўн чамаси муридлар...

Эшон қўтулғ бошларини қўйи солиб «сукут»га кетканлар.

Ташқарида тўполон, шовқин, бири қўй етаклаган, бири нон кўтарган, бири кийим сарпо...

Самандар ака хонақоҳдан чиқди, ҳалиги назрларнинг барчасини кўрди, кўздан ўтказди.

— Ҳа балли, баракалла, Султон Орифнинг жамолларини кўринг! — деб жавраб, ҳазрат эшоннинг қучоғ-қучоғ дуоларини хонақоҳдан чиқариб бериб тургон сўфи кулиб, ўйнаб Самандар акага қаради-да:

— Ҳа, бой ака, назрдан дарак борми? — деди. Самандар ака дарвозадан чиқар экан:

— Булиб қолар, сўфи! — деди.

Самандар ака ўйга келгунча кўнглидаги туйғулар билан тортишиб келди. Ўзининг пири ва устозига тузуккина, каттагина, иложи бўлса бошқа муридлар бера олмагон бир нарса бермакчи эди. Бироқ, ўйда арзигудек бир нарса йўқ. Арзийтургон нарсалари бўлса, барчаси қарзга кеткан... Куп ўйлади, бироқ ҳеч бир нарсага кўнгли қарор топмади.

— Агар илгариги вақтим бўлса, ола қашқани тутар эдим...

Кўнгли оғриди, бир замонги бойлиқлари, давлатлар эсига тушди: ола қашқаси, тўруқ йўргаси, бўйи тевадек Масков зовуд оти... уч файтун, ер-суви...

Унча-мунчани беришни ўзига эп билмади. Бошқа назрларни босиб кетгундек бир нарса беришни ўйлар эди.

Бирдан Йўлдош бойвачча эсига тушиб кетди.

— Йўлдош бойвачча ун ботмон гуруч, битта яхши улоқчи от, бош-оёқ кийим берди...

Шундай хаёллар билан ҳовлисига етиб, ичкари уйга кирмакчи бўлгон эди, хотини тўхтатди:

— Ичкарида хотинлар бор, сиз ташқари уйга кириб туринг, қуноқларга ош-сув қилгон эдим, мен сизга ош олиб чиқай!

Самандар ака кичкина товоқдаги ошни ёлғиз ўлтириб емакка тутинди. Ошни яримлатгон ҳам эди, олди-га хотини чиқиб қаршисига ўлтирди:

— Яхши ҳам келиб қолдингиз, отаси, қизингизга совчилар келиб, мен нима дейишни билмай туриб эдим!

— Ким экан улар, қаердан экан?

— Анови Азиза отин билан Рустам аканинг хотини... ўзингизнинг эшонингиздан совчи бўлиб келишиб-дирлар... Энди эшоннинг ўзлари ҳам «қариб қуйилмагон, ачиб суйилмагон»лар, дея иккита хотинлари устига тагин бу...

Бу сўзни эшитиши биланоқ Самандар аканинг кўзлари чақчайиб кетди:

— Тугрими, эшонникиданми, тугрими? Эшон нега ўзимга мазмун қилмадилар экан?

— Энди катта одам, мен совчиларга ҳали қизим ёш, энди 17 га чиқди, дедим. Шундай деб жавоб бера қолайми?

Бу вақт кимдир, ташқаридан бир хотин товуши эшитилди: — Қумрибуш, қуноқлар туришдилар! — Қумрибуш ўрнидан турди, эрига бир нима дегандек қаради.

Самандарбой бир ёш қизини, бир эшонни, бояги назр-ниёз масаласини, энг сўнг кимсан ҳазрат эшоннинг куёвликларини ўйлаб турди-да:

— «Битта қизимиз бўлса, ҳазрат эшонимизга тутдик, садагалари кетсун!» дегил! — деди.

Қумрибуш кутилмаган бу гапдан оқарди, кўкарди, сувратдек қотиб деворга суюлиб қолди...

### III

Шарофатхон Самандар аканинг битта-ю битта қизи эди. Бу қиз шу тегранинг кўрклиликда, чеварликда, шўхлик ва ўйноқликда битта-ю биттаси эди. Маҳалла-қуйнинг ўспурунларидан иккита-учтаси бир ерга йигилсалар, топгон-тутгонлари шул Шарофатхон масаласи бўлур. «Бу қиз қайси худо ярақогонники бўлур экан? Кимнинг уйини обод қилар экан?» деб бош оғритарлар эди.

Шарофатхоннинг эшонга берилиш хабари чиққондан сўнг, бутун маҳалла-кўй яна бир неча кун шунинг довригини қилишдилар.

Кўчада қатор-қатор аравалар чопишиб, бир-бирларидан ўзишадирлар.

Ўн-ўн беш аравага бўлгон хотинларнинг тартибсиз «ёр-ёр»лари дунёни бузиб, кўкни кўтариб борар эди.

Сандиқ, кўрпа, гилам, тугун ва бошқа нарсалар юклаган ва юклар устига яна битта-иккита кампир ўтқизган аравакашлар илгаригилардек бир-бирлари билан басма-баслашиб чопишар эдилар.

Шу гулдир-шолдир, шовқин-сурон, қий-чув билан кетаётқон кўч энг сўнг эшоннинг эшигига яқинлашди. Кўчанинг ўртасига гуруллатиб ёқилгон, алангаси осмонга чиққон ўтнинг теграсига тўплангон бир тўп эркаклар товушларининг борича «ёр-ёр»ни чўзгон; уларнинг бериги биқинида бошига паранжи ёпингон, чопон ташлагон, рўмол тутгон хотинлар, келинлар, қизчалар... ўз олдиларига катта тўп бўлиб, улар ҳам «ёр-ёр»ни қўйиб юборгон эдилар.

*Тахта-тахта кўпурук тахтинг бўлсинг, ёр-ёр,  
Пайгамбарнинг қизидек бахтинг бўлсин, ёр-ёр!  
Узун-узун аргамчи ҳалунчакка ёр-ёр,  
Чакан кўнглак ярашар келинчакка ёр-ёр.*

Ўтнинг теграсига тўплангон эр-хотин барчаси бирдан: «Келин келди, келин келди!» деб юборишдилар. Бир неча йигит қучоқ-қучоқ гўзапоя олиб чиқиб, ўтнинг ўртасига ташладилар, ўт яна кучайди, яна аланга берди.

Ҳар ким питирлаб қимирлаб қолди. Болалар қиз келаётгон томонга қараб чопишиб кетдилар.

Шовқин, туполон орасида аравалар етдилар. Халқ орасида:

— Ана келин, ана қиз тушган арава! — деган гаплар бошланди.

Аравакаш келинли аравани «намойишкорона» бир суратда ўтнинг ўртасидан отни қамчилагонча олиб ўтиб, эшикка яқин бир ерда тўхтади.

— Куёв почча, куёв почча! Тақсирим қанилар? Қоч, қоч, — деган товушлар кўтарилди.

Бир вақт оппоқ соқоли, қари, бушашгон бир чол (куёв тўра) устига зарбоб тўн кийиб, катта ўрама белбоқ боғлагони ҳолда бир мунча оқсоқол муридлари ўртасида секингина судралиб аравага яқинлашди.



Яна халқ ұртасыда:

— Кутаринг-а, куёв почча, кутаринг-а!

— Ұзингизни тетик тутинг, тақсир!

— Ҳа, тақсир, кутаринг!

Чол титрак қўлларини аравага узатиб, қизни кутарди ва бир-икки одум босгондан сунг ерга қўйди.

Яна халқ чувирлашиб кетди:

— Баракалла, тақсир, баракалла!

— Буш келмадилар, тақсирим!

— Ҳали беллари бақувват экан тақсиримнинг!

Бу шовқин, қий-чув, туполон ярим кечага бориб тухтади. Ҳалиги томоша урни бўлгон кучада кишилар ариб, қоп-қоронги, жимжит бир гулистонга айланди.

#### IV

Бир вақт эшоннинг эшигидан икки ёш йигит чиқдилар.

— Ҳўх-ҳў, куча жуда қоронги-ку!

— Шуни айтгил-а, осмонда дориға ҳам битта юлдуз топилмайдур!

— Юрабер. Бу кеча худди эшон бобонгни кўнглидек бўлибдир.

— Тўгри-я, мен қизга ачинаман, бояқиш келиб-келиб кимники бўлди-я!

— Нимасини айтасан, отасининг уйи куйсун, одам эмас экан!

— Соқолини оппоқ тутадек қилиб, неварасидек бир қизни аравадан олишини қара, киши чидамас экан. Шуни бир нарсага ўхшатгум келди-ю, ўхшата олмадим-да!

Шу чоқ бир бурчакда куча пойлаб ётгон Мамат қоровул йиғлогондай қилиб ҳуштагини чалиб олди-да:

— Нимасини айтасиз, йигитлар, дунё ўзи шундай тесқари дунё экан... Лоланинг устига қор ёғди!.. — деди.

Йигитлар жавоб бермадилар ва қоронгилик қучоғига кириб йўқ бўлдилар...

## ГАФУР ГУЛОМ

(1903-1966)

Ўзбек адабиётининг атоқли намояндаларидан бири Гафур Гулом 1903 йил 10 майда Тошкент шаҳрининг Қўргонтеги маҳалласида меҳнаткаш оиласида туғилди. Туққиз ёшида отасидан етим қолган Гафур аввал эски мактабда, сўнгра рус-тузем мактабида таълим олди. У Октябрь тўнтаришидан кейинги йилларда муаллимлар тайёрлов курсини битириб, янги усулдаги мактабларда ўқитувчилик қилди. 1923 йилдан болалар уйида мудир ва тарбиячи, сўнг «Камбағал деҳқон», «Қизил Ўзбекистон», «Шарқ ҳақиқати» рўзномалари муҳарририятларида ишлади.

Унинг мамлакатни ҳимоя қилиш ҳақидаги тантанавор қасидалари, ўтмиш сарқитларини қораловчи ҳажвий шеърлари ва халқнинг кундалик ижодий меҳнатини олқишловчи асарларидан жамланган «Динамо» ва «Тирик қўшиқлар» номли дастлабки шеъррий тўпламлари 1931-1932 йилларда чоп этилди.

Шоир лиро-эпик жанрларида (1930-1935) «Кукан» поэмасини, «Туй», «Икки васиқа» балладаларини яратди. Бироқ шоирнинг бир қатор шеърларида, хусусан, биз кўп йиллар коллективлаштириш мавзусидаги энг йирик лиро-эпик жанрдаги асар деб мақтаб келган «Кукан» поэмаси ҳозирги кун талаблари даражасида эмаслиги сезилиб қолди. Жумладан, поэмада бошдан оёқ мақталган коллективлаштириш сиёсати маълум ижобий натижалари қаторида чексиз зулм — фожеаларга ҳам сабаб бўлганлиги бор буйича реалистик ифодаланмаган эди. Мустақиллик даври ўтмиш тарихига яқиндан ҳақиқат кўзгусида боқишни тақозо этгач, бундай нуқсонлар маълум бўлиб қолди. Худди шундай ҳол унинг партия, она-Ватан, В. И. Ленин, Октябрь ҳақидаги шеърларида ҳам сезилади. Шу тўғрисида шоир ижодини заррача камситмаган ҳолда унга танқидий ёндашиш тақозо этилади.

30-йиллар Гафур Гулом ҳикоя, очерк, фельетонлар қатори «Нетай», «Ёдгор», «Тирилган мурда» каби қиссаларини ҳам ўз китобхонига тақдим этди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида шоир ўз ижоди-

нинг бутун ҳароратини фашистларга қарши курашаётган халққа, унинг муқаррар галабасига бағишлади. У «Сен етим эмассан», «Олтин медаль», «Кузатиш», «Вақт», «Соғиниш» каби шеърларини ижод қилди, публицистик очерк ва мақолалар ёзиб, халқни жанг ва меҳнат галабасига отлантирди. Сунгги йилларда Гафур Гуломнинг 20 га яқин шеърый тўпламлари чоп этилди. Айниқса, шоирнинг «Кузатиш», «Сен етим эмассан», «Қиш», «Бизнинг кучада ҳам байрам бўлажак», «Вақт», «Оналар» сингари асарларида дунё халқларини фашизм вабосидан халос этган жангчиларнинг мардона курашлари тасвирланган.

У Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси (1943) эди. 60 йиллик юбилеи муносабати билан унга Ўзбекистон халқ шоири фахрий унвони берилди. Шоирнинг кўпгина асарлари қардош халқлар, Осиё ва Европа тилларига таржима қилинган.

Ўзбек шеърятининг улкан намояндаси, улкан сўз санъаткори Гафур Гулом миллий адабиётимизнинг ривожига катта ҳисса қўшган адибдир. Адиб 1966 йилда оғир хасталиқдан сўнг вафот этди.

## МЕНИНГ ЎҒРИГИНА БОЛАМ

(Воқеий ҳикоя)

Отамизнинг ўлганига анчагина йил ўтиб кетди. Бу йил ўн еттинчи йилнинг кўкламида онамиздан ҳам ажралиб, шум етим бўлиб қолдик. Биз тўрт етимдан хабар олиб туришга катта онам — онамнинг оналари Рокия биби келиб турибдилар. Бу кишини биз эркалаб Қора буви деб атаيمиз.

Оқшомлари бувим бошлиқ ҳаммамиз олди очиқ айвонда увин-тўда кўрпа-ёстиқларга ўралиб, биттагина ўратепанинг кир ип шолчаси устида ухлаймиз.

Сентябрь ойларининг охири, илк куз оқшомларидан бири эди. Ҳаво анчагина салқин. Биз етимлар бир-биримизнинг пинжимизга тиқилиб, бир-биримизни иситиб уйқуга кетамиз. Қаторда энг сунгги бўлиб, она чумчуқдай Қора бувим ётардилар, у киши саксондан ошиб кетган, носкаш кампир эдилар.

Бу оқшом уч хўроз ўтгандан кейин, Етти қароқчи юдузи тик келганда гўнгир-чўнгир овоздан уйғониб кетдим. Бувим ким биландир анчагина баланд овоз

билан суҳбатлашмоқда эдилар. Ҳовлимиз, ота-бувадан қолган, анчагина катта булиб, тўрт бурчак таноби ҳовлилардан эди. Гир атрофи иморат, шимол томонда амакиваччаларимиз туришарди. Лекин улар ёзда боққа кучиб кетадилар. Ҳозир улар томон бўш.

Буни қаранг-а, бизнинг уйимизга ўғри кепти. Бизни ҳам одам деб йўқлайдиган кишилар бор экан-да дунёда? Эртага уртоқларимга тоза мақтанадиган бўлдим-да: «Бизнинг уйга ўғри келди». Гурур билан айtilса бўлади. Лекин ишонишармикан?

Ўғри ўша амакиваччаларнинг тоmidан секин юра келиб, бувимнинг тўғриларига келганда акса уриб юборибди. Бувим эса ёстиқни кўкракларига қўйиб, тил тагидаги нос билан ўйлаб ётар эканлар. Бувим пуф деб носни туфлаб, томга қараб:

— Ўғригина болам, ҳой, ўғригина болам, ҳойнаҳой бирор тирикликнинг кўйида томга чиққан кўринасан, ахир касбинг нозик, тумов-пумовингни ёзиб чиқсанг бўлмайдими? — дебдилар.

— Ахир, бувижон, сиз ҳам бироргина кеча тинчин-гизни олиб ухласангиз бўлмайдими, бизнинг тирикчилигимизнинг йўлини тўсаверасизми? — дебди.

Мен гап шу ерларга келганда ўйғониб кетган бўлсам керак. Қолган гапларни эшитганимча қилиб ёзаман.

— Ҳой, айланай, ўғригина болам, бошимда шундай мусибат турганида кўзимга уйқу келадими? Мана, олти ой бўлди, бирор соат мижжа қоқиб ухлаганим йўқ. Кундуз кунлари гарангдай довдираб юраман. Бирор ерга ўтиб мизгигандай қуш уйқуси қиламан. Кечалари хаёл олиб қочиб кетади.

— Нималарни хаёл сурасиз, бувижон? — Бу гапдан кейин устидаги тўнини турмучлаб бўғотнинг устига ёстиқ қилиб қўйиб, ўғри ҳам ёнбошлаб олди.

— Нималарнинг ҳаёлини сурардим. Шу тўртта етимнинг эртасини ўйлайман-да, болам. Замонни ўзинг кўриб турибсан, тириклик тэшдан қаттиқ, туянинг кўзидай нон анқоға шапиг. Ҳали буларнинг қўлидан иш келмайди. Сўққабошгина аравакаш тоғаларининг топгани ўзининг рўзгоридан ортиб, буларга қутлоямут булиши қийин. Рўзгорда булса: куз кўриб, қул тутгудай арзигулик буюм қолгани йўқ. Бир чеккадан сотиб еб турибмиз. «Туриб еганга турумтоғ чидамас» деганлар. Эҳ-ҳа, бу болалар қачон улғаяди-ю қачон ўзининг нонини топиб ейдиган бўлади. Чор-ночор

хаёл сурасан киши. Тагин бу етимларнинг биттагина-си ўгил, учтаси қиз. Энди ўн тўртдан ўн бешга ўтди. Қизлари қургур қачон бир ерга элашиб кетади-ю. Ўзи ураб, ўзи чирмаб оладиган жой чиқмаса буларга кимнинг ҳам кўзи учиб турибди дейсан? Замон қаттиқ, ўғригина болам, замон қаттиқ!

— Тўғри айтасиз, бувижон, — деди ўғри, — менинг ҳам икки болам, хотиним, битта кампир онам бор, бир товукча ҳам дон керак, ҳам сув керак, деганларидек, шуларни боқишим керак. Тўртта чавати нон топиш учун ўзимни ўтга, чўққа, Алининг тигига ураман. Бул-маса ишлай десам билагимда қувват бор, ақлу хушим жойида. Менга ҳозир шу қилиб турган ўғирлик касби ёқади дейсизми? Туппа-тузук аёлманд косибнинг бола-си эдим. Замон чаппасига кетди. Керинска пошшо бўлгандан кейин уруш тўхтади, деган эдилар. Ҳали-бери тўхтайдиган кўринмайди. Ҳали ҳам замон-замон уша илиги тўқларники.

— Бирор бошқа касб қилсанг бўлмайдими, бо-лам? — деди кампир.

— Нима касб қилай? Ҳамма касбларнинг ҳам бозо-ри касод. Ота касбим кавушдўзликни қилайми? Авва-ло шуки, кавуш тикишга на чарм бор, на сирач, на мих, на лок. Масаллигининг ўзи битиб чиққан кавуш-дан уч баравар қиммат. Ҳоммолик қилай десам, ав-валгидек қоплаб галла, қоплаб сабзи-шолғом оладиган бадавлатларнинг тухуми қуриган. Тунов куни шу ма-ҳалланинг девкор этикдўзларидан Бувадат ота бутун қолипу шону сўзан, бигизларини улгуржисига икки пуд жўхори унга моваза қилди. Яхши қилди. Унинг этигини киядиган ўзбек, қозоқ, қирғиз деҳқонлари қаёқда дейсиз, қолган эмас. Фақат уларнинг етимлари-гина шаҳримизни тўлдириб юрибди. Қайси бурчакка, қайси чордеворга бош суқманг, ўн бешта етим ювуқ-сиз қўлини чўзиб: «Амаки, нон беринг», дейди. Нон-а, ўзимникига тополмайман-у! Битта ман эмас, буви, ма-ҳалладаги ҳамма косибларнинг аҳволи шунақа. Пичоқ-чилар ҳам, бўзчилар ҳам, кўнчилар ҳам, борингки, мактаб домлалари ҳам, муллаваччаларнинг ҳам ранги пано. Бир қошиқ оби ёвғонга зор. Санқиб юрибди.

— Ҳув, худоё уруши бошига етсин. Қиймат қойим дегани шудир-да, а, ўғригина болам-а. Ҳа, майли, шу етимларнинг ҳам пешонасига ёзгани бордир. Хўш, энди ўзингдан сўрай. Ахир ноиложликдан-ку шу ҳаром йўлга қадам босибсан, ўзига тўқроқ, бадавлатроқ одам-

ларникига борсанг бўлмайдами? Мана шу маҳаллада Карим қори деган читфуруш бор. Одилхўжабой деган пудратчи бор. Матёқуббой деган кончи бор. Буларнинг давлатику мил-мил. Бешиқдаги боласи ҳам четига байт ёзилган чинни косада ош ичади. Шуларнинг томини тешсанг бўлмайдами?

— Эй, бувим тушмагур, соддасиз, содда, — деди ўғри. — Бойларнинг уйига тушиб бўладими, уларнинг пахсаси саккиз қават, эшиклари темирдан, ҳар биттасининг қўрасида эшақдай-эшақдай иккита, учтадан итлари бор. Бу итлар ҳовли саҳнидан битта капалак ўтса бир ҳафта вовиллайди. Одилхўжабойнинг гуломгардишида-чи, милтиқ ушлаган городской туради. Жонимдан кечибманми, ўлдирмаганда ҳам, сибир қилиб юборади.

— Бу гапинг ҳам тўғри, ўғригина болам. Аммо лекин эҳтиёт бўл. Эл-юртнинг олдида тагин бадном бўлиб қолмагин, — деди бизнинг кампир.

— Гапингиз тўғри, буви, тунов куни Ориф сассиқнинг отхонасидан тўртта товуқ, битта хўроз ўмарган эдим.

— Товуқ-хўроз дедингми? Ҳа, бу маҳлуқлари қурғур қақалаб сени шарманда қилмадими?

— Ҳамма ишнинг ҳам ўз мароми булар экан, буви, товуқ олгани борганда чўнтагимга бир шишага сув солиб оламан. Кейин қўндоқнинг тагига бориб, оғзини сувга тўлдириб товуқларга пуркайман. Товуқдай аҳмоқ жонивор оламда йўқ. Ёмғир ёғяпти шекилли, деб уйлаб, бошини ичига тиқиб, ҳап ётаверади, кейин битта-битта ҳиқилдоғидан тутиб халтага соламан.

— Шунақа дегин, вой тавба-ей. Ҳамма ҳунарнинг ҳам ўзининг мурти гардони бўла экан-да.

— Шундай қилиб десангиз, бувижон, сиримнинг хашаги очилишига оз қолди. Йўқ, эликбошимиз Раҳмонхўжага хўрозни олиб бориб берган эдим, ишни босди-босди қилиб юборди. Раҳмонхўжа мен билан тузук, яхши одам. Бултур уни-бунни сотиб, саксон уч сўм пул жамғариб: «Топганимиз шу, эликбоши ота», деб пора берган эдим, рабочийга кетишдан асраб қолди.

— Ҳа, ишқилиб, бола-чақасининг эгалигини кўрсин. Энди бу ёққа қара, ўғри болам, ҳадемай, тонг ҳам ёришиб қолар. Ана ёруғ юлдуз ҳам тиккага келиб қолди. Ошхонанинг ёнидаги тутдан сиргилиб пастга туш, утинимиз йўқ. Ошхонада бир замонлар боғдан

келган бир-иккита ёнгоқ тунка бор, болтани олиб, шунинг бир чеккасидан озгина учириб бер, қумгон қўяман. Кеча тоганг бериб кетган зогорадан иккитасини олиб қўйганман биргалашиб чой ичамиз.

— Йўғ-э, буви, — деди ўғри, — тунка ёриб-ку берарман, аммо чой ичолмайман, чунки кун ёришиб қолса, мени таниб қоласиз. Жуда ҳам юзимни сидириб ташлаганим йўқ, андишам бор, уяламан.

— Вой улай, қутлуғ уйдан қуруқ кетасанми, болам? Бир нима олиб кет. Тухта, нима олиб кетсанг, ҳа, дарвоқе ошхонада битта ярим пудлик қозон бор. Аллазамонлар уйимизда одамлар кўп эди, катта қозонда ош ичардик. Худонинг гашига тегдик шекилли, шундоқ катта, гуркираган хонадондан мана шу тўрттагина етим қолиб турибди. Эҳ-ҳа, булар қачон катта қозонни қайнатар эди-ю... Шунини олиб кета қол. Сотиб бир кунингга яратарсан, ўғригина болам.

— Йўқ, йўғ-э, буви, ёмон ният қилманг. Ҳа-ҳув дегунча бу кунлар ҳам унут бўлиб кетади. Яна катта оилалар жам бўлади. Ҳатто бу қозон ҳам кичиклик қилиб қолади. Ўша етимларнинг ўзига буюрсин. Тўйларида ўйнаб-кулиб хизмат қилайлик. Хайр энди, буви, мен кетаман, тоғ томон ҳам ёришиб қолди.

— Хайр, ўғригина болам, келиб тур.

— Хўп, она, хўп...

Мен ўша ўғри кишини танир эдим. Ҳалигача ҳеч кимга кимлигини айтган эмасман.



## АБДУЛЛА ҚАҲҲОР

(1907-1968)

*Ўзбек адабиёти тараққиётига катта ҳисса қўшган Абдулла Қаҳҳор 1907 йилда Қўқон шаҳрида темирчи оиласида дунёга келди. Ўрта маълумотни Қўқонда олган Абдулла 1925 йилда Тошкентга келиб, «Қизил Ўзбекистон» рўзномасида ишлайди.*

*У Ўрта Осиё Давлат Дорилфунунининг педагогика факультетида (1930) таҳсил олди. Ёзувчи «Совет адабиёти» ойномасида масъул котиб, Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси раиси, Ўзбекистон Давлат нашриётида муҳаррир лавозимларида ишлади (1954-1956).*

*Абдулла Қаҳҳорнинг ижоди 1924 йилдан бошланган. Дастлаб, «Муштум» ойномасида, «Янги Фарғона» ва «Қизил Ўзбекистон» рўзномаларида унинг ҳикоя, фелъетон, хабарлари босилди. Ёзувчининг «Олам яшаради» номли биринчи ҳикоялар тўплами 1938 йилда чоп қилинди. 30-йилларда адибнинг «Ҳикоялар» тўпламлари (1935, 1938, 1939) китобхонлар қўлига теги. Бу даврда Абдулла Қаҳҳор кичик ҳикоялардан ташқари «Сароб» (1935) романини ёзди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида ёзувчининг бир қанча фелъетон, очерк ва ҳикоялари эълон қилинди. «Асрор бобо», «Дардақдан чиққан қаҳрамон», «Кампирлар сим қоқди», «Хотинлар» ҳикоялари ва «Олтин юдуз» каби қиссаларида ўзбек жангчиларининг мардлиги, халқимизнинг меҳнатдаги жонбозлиги, юксак ватанпарварлиги ифодаланган.*

*Ёзувчининг урушдан кейинги йилларда яратган «Қўшчинор чироқлари» (1951) романи коллективлаштириш мавзусига бағишланган. У узининг «Шоҳи сўзана» (1951), «Оғриқ тишлар» (1954), «Тобутдан товуш» (1962), «Аяжонларим» (1967) комедиялари билан ўзбек драматургияси ривожига салмоқли ҳисса қўшди. Айниқса, «Шоҳи сўзана» пьесасида драматург қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришнинг муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятини зўр маҳорат билан тасвирлади. Пьеса мамлакатимиз ва қардош демократик республикалар саҳналарида муваффақиятли намойиш қилинди.*

*Ёзувчининг «Синчалак» (1958), «Муҳаббат» (1968),*



«Ўтмишдан эртақлар» (1965) қиссалари ўзбек прозасининг тараққиётига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди. У «Ўтмишдан эртақлар» қиссаси учун Ойбек («Болалик»), Н. Сафаров («Кўрган-кечирганларим») каби адабларнинг автобиографик қиссалари қаторида Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофотига сазовор бўлди.

Ўзбек китобхонлари Абдулла Қаҳҳор таржимасида М. Горькийнинг «Менинг дорилфунунларим» (1935), Ф. Гладковнинг «Оловли от» (1933), Л. Н. Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» романининг I-II китобларини ва бошқа бир қатор асарларни ўз она тилларида ўқишга муваффақ бўлдилар.

Адабиёт соҳасидаги хизматлари учун Ўзбекистон халқ ёзувчиси унвони, орден ва медаллар билан тақдирланди. У 1968 йил 25 май куни 61 ёшида вафот этди.

## АДАБИЁТ МУАЛЛИМИ

Ўзининг айтишига кўра «нафис адабиёт муаллими» уртоқ Боқижон Бақоев огилга кириб таъби хира бўлди: сигирнинг қулогига яна кана тушибди! Канадан ҳам кўра сигир унинг аччигини келтирди: канани терай деса қўймайди — бошини силкийди, пишқиради.

— Ҳайвон! Сигир эмас, ҳайвон! — деди огилнинг эшигини қаттиқ ёпиб. — Ҳайвон!

Хотини Мукаррам ҳовлида самоварга сув қуяр эди.

— Ҳайвон! — деди Бақоев. — Бу сигирни сотиб пулига чучқа олиш керак!

— Шаҳарда чучқа асраш мумкин эмас, — деди Мукаррам самоварга кумир солаётиб.

— Нима учун? Тақиқ қилинганми? Ким айтди? Мен айтиб эдимми? Тўғри, мумкин эмас... албатта, мумкин эмас...

— Уйга киринг, Ҳамида келди.

Ҳамида ун олти ёшлардаги тийрак, қувноқ қиз, поччасини кўриб севиниб кетди.

— Сиз уйда экансиз, билсам дафтаримни олиб келар эканман... эсизгина...

Ўртоқ Боқижон Бақоевнинг таъби очилди. — Сигирнинг қулогигадаги кўм-кўк кана, гўқиллаб тумшуги

билан ариқ ёқаларини бузиб юрган чўчка кўз олдидан кетди.

— Техникумдан рабфакка ўтибсан деб эшитдим, ростми? — деди. — Ҳимм... яхши қилибсан. Рабфакка ўт, деб мен айтиб эдим шекилли? Ҳимм... Ауфф, зарда бўлибман... Рабфак яхши. Мен бир борган эдим. Канцеляриянинг эшигига практикум деб ёзиб қўйибди. Тутри эмас. Практикум, минимум, максимум булар ҳаммаси лотинча ёки лотинчага яқин сўзлар. Мен шахсан шундай деб биламан.

Бир оз жим қолишди.

— Боқижон ака, — деди қиз уялиброқ, — бир нарсани сиздан сўрамоқчи эдим: биз синфда Чеховнинг «Уйқу истаги»ни ўқидик, гудакни ўлдирган қизни суд қилмоқчимиз. Даъвогар гудакнинг онаси — Раҳима бўлади, қораловчи — Шарифжон. Судьялар ҳам бўлади. Мен қизни оқлаб, бутун гуноҳни унинг хужайинига ёш қизни бу қадар бераҳм эксплуатация қилган кишига қўймоқчиман. Мана шу... Шунини ёздим. Шу тутрида сизнинг фикрингизни билмоқчиман. Чехов шундай демоқчи эмасми?

Ўртоқ Бақоев уйлаб туриб, сўради:

— Нафис адабиёт дарсини сизларга ким беради? Ҳақимов? Аҳмоқ одам! Ўз устида ишламайди. Савол аломати ҳамма вақт «ми»дан кейин қўйилади десам, кулади. Гап бунда ҳам эмас...

Мукаррам самовар кўтариб кирди. Ҳамида ирғиб туриб, самоварни опасининг қўлидан олди ва столга қўйди. У, ҳомиладор хотинга самовар кўтартириб, қараб ўтирган поччасидан ўпкаламоқчи эди, бироқ уялди, индамади. Ўртоқ Боқижон Бақоев жуда чанқаб турган экан, устма-уст тўрт пиёла чой ичди ва терлади.

— Чучварадан кейин чой жуда яхши кетади-да, — деди юзидаги терни артиб. — Ҳимм... соқол ҳам ўсипти, сартарош бўлмаса одамлар маймун бўлиб кетар эди. Маймун, жунини тўкилиб, одам бўлган. Бу ҳақда Энгельснинг фикри бор...

— Ҳалигини айтмадингиз, Боқижон ака, — деди қиз, — Чехов шундай демоқчи эмасми?

Ўртоқ Бақоев яна бир пиёла чой сўради.

— Чеховми? Ҳимм... буржуазия реализми тўғрисида сўзлаганда энг аввал унинг объектига диққат қилиши керак. Буржуазия реалистлари тушунган, улар акс эттирган объектив воқеликни англаш лозим бўлади. Турган гапки, Чеховнинг ижоди бошдан-оёқ, бутун моҳия-

ти билан илк буржуазия реализми, яъни... ҳим... Мукаррам, товуққа мойк қўйдингми? Қўйиш керак, бўлмаса дайди бўлиб кетади... Тавба, товуқдан аҳмоқ жонивор йуқ — мойк қўйсанг тугади! Нима учун мойк қўйсанг тугади? Хуроз нима учун саҳарда қичқиради? Ажойиб психология? Биология уқийсизларми?

Ҳамида биологиядан нималар уқиганини, бу уқиш йилида яна нималар утиллажагини сўзлаб берди ва ўзининг оқлаш нутқида физиологик асослар ҳам курсатиш нияти бор эканини айтиб, яна сўзни Чехов устига бурди.

— Ҳим, — деди Бақоев, — Чехов тўғрисида узининг фикрим бор. Бошқалар нима деса десин, ҳар ҳолда унинг дунёга қарашида... Унинг дунё қараши Пушкин ва Лермонтовларнинг дунёга қарашидан фарқ қилади. Бир давр, бир синф, бир мамлакат ёзувчилари бўлишларига қарамасдан мутлақо фарқ қилади!

— Чехов Пушкин билан бир даврда яшаган эмаску.— деди Мукаррам, — бизнинг кутубхонада унинг Максим Горький билан олдирган сурати бор. Чехов 1904 йилда ўлган бўлса керак.

Ўртоқ Бақоев бир оз ўнғайсизланди.

— Сизлар қайси Чехов тўғрисида гапираётибсизлар? Чойдан қўй!.. Бу Чехов ҳақидами? Тўғри, бу 1904 йилнинг биринчи ярмидами, иккинчи ярмидами ўлган... Бошқа рўмолча бер, бундан пиёз ҳиди келаётипти. Мен ана у Чехов, илк буржуазия реализмининг намояндаси бўлган Чехов ҳақида сўзлаётиман.

— «Уйқу истаги» қайси Чеховники? — деди Ҳамида.

— Ҳеч шубҳасиз бу Чеховники. Бу нарса биринчи марта «Современник» журналида босилган.

Шундан кейин ўртоқ Боқижон Бақоев узундан-узоқ сўзлаб кетди. Унинг нима тўғрида сўзлаётганини Ҳамида билмас эди. Детирдинг деган алақандай машҳур танқидчи Шеллинг деган ёзувчига «сен дастёрга зор бўлгунча ўглинг дастёр бўлади» деб хат ёзган; Маркс Добролюбовни Меринг билан бир қаторга қўйган; Стендинг деган алақандай бир драматург улар чоғида Демпинг деган бир танқидчига: «Агар бутун жониворларни худо яратган бўлса, мен унинг завқига қойил эмасман, эчкиэмар ҳам жонивор бўлдимми?» деган... Ҳамиданинг боши огирлашиб кетди: икки марта секин билдирмасдан эснади.

Ҳамида мезбонлар билан хайрлашиб кучага чиқ-

қанда қоронги тушган эди; «Уйқу истаги» тұғрисида поччасидан ҳеч қандай фикр ололмади. Унинг сўзларидан нима олгани ҳақида ўзига ҳисоб берар экан, гувилаб турган бошида шундан бошқа ҳеч нарса йуқ эди: практикум, минимум, максимум; Детирдинг, Стендинг, Шеллинг, Меринг, Демпинг...



## САИД АҲМАД

(1920)

Ўзбек адабиётининг етакчи носирларидан бири Саид Аҳмад Ҳусанхўжаев 1920 йили Тошкентнинг Самарқанд дарвоза маҳалласида зиёли оиласида дунёга келди. Шу ерда ўрта мактабни (1939) битириб, Олий ўқув юртида (1940-1941) таълим олган. Адабиёт дарслари ва тўғарақларида ижодга бўлган ҳаваси ортиб, қўлга қалам ушлаган, вақтли матбуот унинг ижод дорил-фунуни бўлган. Саид Аҳмад дастлаб «Муштум» ойномасида, Радио комитетида (1942-1943), «Қизил Ўзбекистон» рўзномаси (1943-1947), «Шарқ юлдузи» ойномасида (1948-1950) ва сўнгги йилларда у Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси қошидаги наср бўлимига бошчилик қилади. Унинг биринчи ҳикоялар тўплами «Тортиқ» 1940 йилда нашр этилади.

Уруш ва урушдан сўнгги йилларда Саид Аҳмад куплаб фелъетон, очерк ва ҳикоялар ёзди. «Эр юрак» (1942), «Фаргона ҳикоялари» (1948), «Муҳаббат» (1949) каби тўпламлар нашр этилди. Иккинчи жаҳон уруши даври воқеаларига бағишланган «Ҳазина», «Ҳайқирӣқ», «Раҳмат, азизларим» каби ҳикояларида автор урушнинг даҳшатли оқибатларини ҳаяжонли тасвирлайди.

Адибнинг ҳикояларида Ойбекнинг психологик тасвир маҳорати, Гафур Гуломнинг юмори, Абдулла Қаҳҳорнинг баёндаги лаконизм мужассамдир.

Саид Аҳмаднинг барча ҳикоялари замонавий мавзуда ёзилган. У ҳикояларида тасвирлайдиган ҳар бир воқеадан фалсафий умумлашма чиқаришга, воқеаларни лирик таъсирчанлик билан ифодалашга, бадиий услубларнинг хилма-хиллигига эришишга интилади. «Чул бургути», «Ўрик домла», «Лочин», «Одам ва бўри», «Бўстон», «Туй боши» каби қатор асарлари Саид Аҳмад ижодида ҳам, ўзбек насрида ҳам янгилик бўлди. Адиб ҳикояларининг бош қаҳрамони ички дунёси бой ва пок бўлган замондошларимиздир. Муаллиф «Тоғ афсонаси», «Зумрад», «Муҳаббатнинг тугилиши», «Кўзларингда ўт бор эди», «Пойқадам», «Алла», «Иқбол чироқлари» асарларида ҳаётий характерлар яратди.

Саид Аҳмад ҳажвий ҳикояларида тараққиётимизга тусиқ булаётган ярамас одатлар устидан кулади, маънавий-ахлоқий масалаларни уртага қўяди. Ўзбек психологиясига сингмайдиган, миллийликдан йироқ, бева-тан, бемиллат, янгича урф-одатлар, удуллар устидан ҳам қаҳқаҳа отиб кулади. Унинг «Ханка билан Танка», «Лампа шиша» каби ўнлаб ҳажвиялари шулар жумла-сидандир. Саид Аҳмад кичик ҳажвий асарлари билан ўзбек радио ва телевидениесига қувноқ миниатюра-лар театрига асос солган.

Саид Аҳмад ҳикоялардан аста-секин йирик полот-нолар яратишга ўтди. 1949 йилда чоп этилган «Қадр-дон далалар» ва «Ҳукм» (1958) қиссалари шулар жум-ласидандир.

«Уфқ» романида (1964) Иккинчи жаҳон урушининг оловли йилларида ўзбек деҳқонларининг фронт орқа-сида кўрсатган меҳнат қаҳрамонликлари атрофлича ҳикоя қилинади. «Уфқ» трилогия бўлиб, ёзувчи унда урушдан олдинги ва ундан кейинги давр ҳаётини муам-молари ҳақида баҳс юритади. У ўзининг «Жимжит-лик» (1988) романида эса тургунлик даври иллатлари-ни фош этишга интилади.

Саид Аҳмад моҳир драматург сифатида ҳам танил-ди. Унинг «Келинлар қўзғолони», «Кўёв» каби саҳна асарлари шулар жумласидандир.

Саид Аҳмад ҳам қатагонлик зулмининг иккинчи тулқинига дучор бўлган, лагерь азобларини тортган ижодкордир. Ўз таланти ва она халқига садоқат, катта ишонч адибни сўз санъаткори даражасига етказган.

Ижодкор таржима ишлари билан ҳам фаол шугул-ланган. Айни чоғда адибнинг купгина ҳикоялари қар-дош ва хорижий тилларга ағдарилди.

Саид Аҳмад ўзининг қувноқ, оромбахш ҳикоялари ва салмоқли романлари билан ўзбек прозаси ривожла-нишига катта ҳисса қўшиб келаётган илгор ёзувчидир. У Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ҳамза мукофоти соврин-дори ҳамдир.

## КЕЛИНЛАР ҚЎЗҒОЛONI

Уста Маҳкамнинг кичик қизи Инобат маҳмадонаги-на чиққан. Келин аялари ҳам, опалари ҳам ундан зириллаб туришади. Шундоқ гапларни топиб гапира-

дики, нақ жон-жонингдан ўтиб кетади. Тили чиққандан бери бирон гапни жавобсиз қолдирмаган. Ўзига ўхшаган шаддодгина аммаси доимо унинг пешанасига мушглаб туриб гапирарди:

— Сен ўлгурга бўшроқ қайнана учраса, ажалидан беш кун олдин ўлдирасан, сенга Ҳожи она бас келмаса, мундогроги тил тортмай ўлади.

Инобат ўз келин аялари қолиб, қўшни келинларни ҳам турткилаб чиқарди.

Инобатнинг онаси икки-уч совчини қайтарди. Ёқмаганидан эмас, раҳми келганидан, инсоф юзасидан қайтарди. Совчи бўлган хотин ҳалимдек юмшоққина экан. Инобат уни икки кунда шафтоли қоқи қилиб қўяди. Иккинчиси паришталиккина, ҳар икки лачнинг бирида, узим ургилай, деб туради. Инобат унга бир шақилласа нақ бечоранинг кўнгли кетиб қолади-я.

Шундай қилиб, неча совчиларга йўқ, деган она ўзларидан беш маҳалла наридаги «Етти оғайни ботирлар»нинг кичигидан келган совчиларга дарров «хуп» деб, опкелган нонини ушатди. «Етти оғайни ботирлар»нинг онаси бутун шаҳарга танилган, келин зотини бодроқ қилиб қовурадиган «генерал кампир» номини олган хотин эди.

Унашилган куннинг эртасига аммаси Инобатнинг пешанасига яна мушглаб деди:

— Энди ўлдинг. Қайнананг тириклайин еб қўяди.

Инобат уни писанд қилмади.

— Меними? Овора бўлади. Игнанинг тешигидан ўтқазвораман.

Хулласи униси у деди, буниси бу деди. Тўй бўлди. Инобат жиндек пардоз билан ойдеккина келин бўлди. Айниқса тўйнинг эртасига гул-гул очилиб кетди.

Шаҳарга дoston бўлган тўй ҳам тугади. Олти овсин уч кун идиш товоқларни қатрон қилишди. Дастурхон-сочиқларни қайнатиб ювиб, дорга ёйишди.

Қайнана ишга аралашмай, айвонда тасбеҳ ўтириб, келинларнинг ишларига қараб утирарди. Ўртанча келин тез-тез унинг олдига бориб, орқасидаги ёстиқни тўғрилаб, чойни янгилаб берарди.

Инобат улар олдида бекор туришга ҳижолат бўлиб, наридан-бери овсинларига қарашарди. Ўртанча келин чой дамлаб айвонга, кампир олдига кетди. Инобатнинг ёнида чўнқайиб утирган кичик овсини секин туртди.

— Куряпсизми, шпион ўлгурни? Шунга эҳтиёт бўлинг. Шум кампирнинг агенти у.

Инобат пиқ этиб кулиб юборди.

— Кулманг, айланай овсин, бошингизга тушганда биласиз.

Бир ҳафта ўтмаёқ, бу уйдаги сир-асрор Инобатга ойнадек равшан бўлди қўйди.

Инобат еттинчи келин бўлиб тушган эди. Кампир етти ўғил кўрган: еттовини ҳам ўқитиб, оёққа тургизган. Ўғиллар она измидан бир қадам чиқишмасди. Топган-тутганларини — она қўлига тутқазишарди. Етти ўғил, етти келин бир қозондан овқат ейишар, биронта келин ўзича қозон осолмасди. Кампир рўзгорхонанинг калитини нимчасининг тутмасига боғлаб олган, кечқурун масаллиқларни олиб бориб, қозон бир марта қайнагунча ошхонадан чиқмасди.

Кампир у ёқ-бу ёққа кетганда бу ишларни фақат ўртанча келинига ишонарди. Ушанда ҳам калит ўзида қолар, масаллиқни битта қоғоз пакетта солиб берарди.

Албатта кампир келинларини рўзгордан сиқмасди. Аммо режани бузмай, масаллиқни исроф қилмай иш тутарди. Кечқурун ўртага овқат қўйилганда, агар ортиб қолгудек бўлса, жавраб кетарди. То охиригача ейилмаса, зурлаб едирарди. Жуда бўлмай қолганда, ўзи пишиллаб еб қўярди.

Келинларининг ҳаммаси ишлашарди. Эрталаб нонуштага фотиҳа ўқилгандан кейин, кампир ичкаридан ҳамёнини опчиқиб, келинларига элик тийиндан, ўғилларига бир сўмдан қўяди. Мактабга борадиган невараларига ун тийиндан беради. Кейин ҳамёнини яна опкириб кетади.

Ҳар ойнинг ун бешида ўғиллар, келинлар, биринкетин келиб, маошларини унинг олдига қўйишади. Кампир шошмай санаб олаверади. Ун беш кунлик маош минг сўмга етмаса, қовоғи осилиб кетарди.

Кампирнинг яна бир одати бор эди. У кечқурун келинлар, ўғиллар уй-уйларига кириб кетганларида ҳаммасининг уйи остонасида гимирсиб юради. Қайси бирининг туфлиси йиртилган, ё таг чарми едилган бўлса, йигиб олади. Эртасига ишдан қайтгунча гузардаги устага бир халта қилиб опчиқиб, бутлаб олиб келади.

Хулласи, бу уйда кампир маршалдек эди. Ипдан игнасигача унинг назарида эди. Етти оила кечқурун кампирнинг айвонига тўпланишарди. Чунки шу етти



оила учун битта телевизор бор эди. Ҳамма баробар кўради. Кампир эснади дегунча, уртанча келин дарров туриб учиради. Кино кинолигича, концерт концертлигича қолади.

Овсинлар битта шу кампирдан, битта шу уртанча овсиндан кўрқишади. Рузгорда нимайки аччиқлик булса, шу уртанча келин сабабчи. У кечалари маҳси-чан юриб, овсинларининг деразасига қулоқ солади. Нима қилишяпти, нима дейишяпти, дарров кампирга етказади. Кечаси айтилган гап эрталаб тонг отмай кампирнинг огзидан чиқади.

Хулласи бу уй ўз подшоси, ўз вазири бор кичкинагина мамлакатга ўхшарди. Бу «мамлакат»нинг ўз қонунлари, ўз тартиблари бор эди.

Инобат аввалига келинлик гашти билан бу нарсаларга унча парво қилмади. Ўртанча овсини янги келин, деб унчунчалик турткиламади. Орадан бирон ойлар ўтиб, Инобатнинг ҳам «нуқсон»лари чиқиб қолди.

Эрталаб нонушта пайтида кампир Инобат узатган пиеладаги чойни ҳовлига сепиб ташлади.

— Кўнгли қора одамни қулидан чой ичмайман.

Инобат ҳайрон бўлди. Ўртанча овсин бошқа чой қуйиб, сал олдинга энгашиб, чой узатган қулининг енгини чап қулининг жимжилоғи билан илиб туриб узатди. Кампир олди.

Инобат ҳам чойини ҳовлига сепиб, шарт-шурт юриб уйига кириб кетди. Орқасидан эри кирмоқчи бўлиб кўзгалган эди, кампир бир хўмрайиши биланоқ чўкканича жойида қолди.

Кичик овсини ҳам тўлиб турган экан, кампир жияниникига кетган куни Инобатнинг деразасини чертди. Иккови айвон супуриб юрган уртанча овсин эшитмасин, деб пичирлашиб ниманидир гаплашишди.

— Кампирнинг бир таъзирини бериб қўймасак бўлмайди. Жудаям бошимизга чиқиб кетаяпти. Ўгиллари онасидан гапирсанг, томга сакрашади.

Ўртанча овсин айвонни супуриб бўлиб, сават кўтариб кўчага чиқиб кетиши билан қолган олти овсин супага чиқишди. Пичир-пичир қилиб узоқ гаплашишди. Ўртанча овсин келиши билан ҳаммаси тирақайлаганича уй-уйларига кириб кетишди. Инобатнинг битта ўзи ҳовлида қолди.

— Менга қаранг. Сиз янги одамсиз. Бу игвогарларнинг гапига учманг. Менинг гапимга кирсангиз олам

гулистон бўлади. Тунов куни ойим узатган чойингизни нега сепиб юборганларини биласизми?

— Йуқ, — деди Инобат билишга қизиқиб.

— Чойни чап қул билан узатдингиз. Кўнгли қора одам чойни чап қўлда узатади.

Инобатнинг энсаси қотди.

— Оббо, шу ҳам гап бўлди? Нима, мен онасига текканманми, боласигами? Айтиб қўйинг, иззати билан болаларини дуо қилиб ўтирсин. Бўлмасам, месо-рубкадан ўтқазвораман.

Овсини қошларини керди:

— О, тилингиз бор экан-ку. Ойимнинг аччиқ гапларидан иккитасини эшитсангиз, эсингиз жойига келиб қолади. Билиб қўйинг, бу уйда шу кампирнинг айтгани — айтган, дегани — деган.

Шу гапдан кейин кампир Инобатга унча рўйхуш бермай қўйди. Аммо олти овсин ҳар куни пичирлашиб, ниманидир маслаҳат қилишарди.

Уларнинг нима тўғрисида гаплашганлари дам олиш куни эрталаб маълум бўлди.

Кампир эрталаб таҳорат олиш учун турганда айвондаги катта стол устига қизил алвон ёзилган, келинлар, ўғиллар стол атрофида жимгина ўтиришарди. Кампир то таҳорат олгунча қўйиб беришди. Кейин намозини ўқиб олиши билан Инобат уни чақирди:

— Ойижон, қани бу ёққа!

— Ҳа, нима бало бўлди? Бу уй уйми, идорами? Нима, майлис қияпсизларми?

Инобатнинг кичик овсини пичинг қилди:

— Мажлис эмас, суд, ойижон, кела қолинг!

Кампир нималардир деб жавраб, нари кетаётган эди, катта келин деди:

— Агар келмасангиз, орқадан ҳукм чиқазворамиз.

Кампир қизиқчилик қилишяпти, деган уй билан айвон даҳанига келиб ўтирди.

Инобат ўрнидан турди:

— Суд мажлиси очик. Кўриладиган масала битта. Етти келиннинг қайнанаси устидан берган шикоят аризасини кўриб чиқиш. Ва жиноят қонунининг тегишли моддасига биноан қайнана устидан ҳукм чиқариш. Қўшимча гапларинг йўқми? Биринчи гапни катта келиндан эшитамиз. Жабрланувчи, туринг ўрнингиздан. Айтинг!

Катта келин қўрқа-писа ўрнидан турди. Қайнонасининг кўзига қарашга юраги бетламай, гапира бошлади:

— Шу кишининг қўлларига келганимга ўн тўрт йил бўлди. Шу ўн тўрт йил ичида ўз уйимда эмас, бировни-кида каватр утиргандай яшаяпман. Эрим улгудек латта. Уй-рузгор қилиб, бирон кун яйраганим йўқ. Худога рост, сизларга ёлгон шу ҳовли улгурдаги узумдан ўн тўрт йил мобайнида бир шингилини ўзим ўз қўлим билан узмаганман. Қолган гапни ўзларинг билиб олаверинглар.

Катта келин утириб, иккинчиси турди:

— Артиснинг қизисан, онанг саҳнага жодугар бўлиб чиққан, сен ҳам жодугарсан, курпачамда утирма, пиёламда чой ичма, жоду қилиб қўясан, деб кўз очирмайди. Етти йил олдин бир тумов бўлган эдим, ушандан бери отим манқа...

Кампир хезланиб ўрнидан тураётган эди, Инобат кескин қилиб:

— Ўтиринг! — деди.

Кампир қўрқибми, ҳайратданми, ё газабданми утириб қолди.

Ўртанча келин ўрнидан туриб, бошқаларнинг гапини ёлгонга чиқаради.

— Она бўлса, шунчалик бўлади-да, шу киши бор, рўзгоримиз бут, кўнглимиз тўқ. Аризага мен қўл қўймаганман, — деди.

Бошқалар уни талаб ташлашди.

— Сиз ойимнинг агентисиз. Доим бизнинг устимиздан материал берасиз. Ойимга протез тиш қилдириб бериб, пинжларига кириб олгансиз. Сизга ким қўйибди гапиришни?

Кампир ўрнидан туриб кетди. Ўгилларига бақирди:

— Қанақа эркаксанлар? Хотинларингга мени талайтиб қўйиб, томоша қиляпсанларми?

Ўгиллари пиқ-пиқ кулиб, ерга қарашди.

Инобат қоғозни қўлига олди:

— Қулоқ солинглар. Ҳукми ўқийман. Агар қайнанамиз рўзгорхонанинг калитини бизга берса, рўзгоримизни булак қилиб берса, маошимизга қўл теккизма-са, шу уйда яшаймиз. Агар шартларимизга кўнмасалар, ўйдан кўчиб кетамиз. Ишхонамиздан ҳаммамизга секция беряпти. Шартимизга розимисиз?

— Асло! — деди кампир ва ўрнидан турди-да, қўл силтаб уйга кириб кетди.

Ҳаммо оғзини очганича орқасидан қараб қолди. Энди нима қиламиз дегандек, бир-бирига қарашди. Инобат овозини балад кўтариб, уйга кириб кетган кампир эшитадиган қилиб гапира бошлади:

— Агар шартларимизга кунсалар, ҳар ойга ҳаммамиз беш сўмдан, яъни етти ўгил, етти келин беш сўмдан етмиш сўм бериб турамиз. Еб ичиш, кийим-кечак бунга кирмайди. Лозимандалар ҳам гардонимизда.

Кампир, овозинг курсин, дегандек қилиб эшикни қарсиллатиб ёпиб қўйди.

Шунча гап таъсир қилмагандан бушшиб қолган келинлар ер остидан яна бир-бирларига қараб олишди. Инобат уларга имлаб қўйди.

Яна баланд овоз билан деди:

— Ҳукм қатъий. Шикоят учун бир соат вақт берилади. Бир соат вақт ўтиши билан гузарга чиқиб, ҳамма биттадан грузовой машина олиб келади. Чилонзорга кўчиш бошланади. Тарқалишларинг мумкин.

Эшик гиқиллаб аста очилди. Кампирнинг боши куринди.

— Ҳазил ҳам эви билан-да. Қилиқларинг курсин.

— Ҳазил эмас. Чин гап. Бир соат ичида жавоб кутамиз.

Кампир аста келиб, жойига утирди.

— Хуш, нима қилгин дейсанлар?

— Эркинлик беринг. Келинларингизнинг олди уч болали бўлди. Ўзи рўзгор қилсин. Сиз иззат билан етти келин пиширган етти хил овқатни танлаб энг ширинини еб маза қилиб юринг.

— Бир кунда еттита қозонни қайнатмоқчимисизлар?

— Албатта! Ҳамма ўзи хоҳлаган ошни ейди.

Кампир пўнгиллади.

— Шунча йилдан бери тил-жағи чиқмаган келинларимни сен йўлдан урдинг. Ўғлимни ҳам буздинг, — деб Инобатга ўқрайиб қаради.

— Кўнасизми, йўқми? — деди кампир сал бушашганини билган Инобат қизиган гапни совутмай.

Кампирнинг ҳам чапақай жаҳли чиқди.

— Кўчсаларинг, кўчиб кетверларинг. Ҳамма уйга каватр қўяман. Ҳаммангни судга бериб, нафақа ундираман.

Инобат столи шаниллатиб урди.

— Бўпти! Беш минут вақт қолди. Гузарга машина олиб келишга биттанлар чиқинглар. Етти машинада кўчамиз.

Кампирнинг кўзлари аланг-жалаң бўлиб қолди. То у бирон гап айтгунча катта келин кўча эшиги олдига етиб қолган эди.

— Тухта! Шошма!

Кампир шундай деди-ю, шошиб уйга кириб кетди. Сал ўтмай, қайтиб чиқиб, калитни ҳовлига улоқтирди.

— Олларинг! Менга деса, унта қозон қайнатмайсанларми! Битта қорнимга менга нима зарур? Билганларингни қилларинг.

Инобат яна босиб тушди:

— Келинлар, ўгилларингиз чўт қоқиб ҳисоблаб чиқдик. Берган пулларимиздан ўн олти минг сўм йигилган. Шуни булиб берасиз.

— Бериб бўлман. Бир тийин ҳам пул йўқ. Ўлимгимга йиққаннимни нега берарканман?

Келинлар баробарига чувиллашишди:

— Майли, майли, бермай қўя қолсинлар. Бу ёғига тегмасалар бўлгани.

Кампир пул ёғига қолганига шукур қилиб, индамай утираверди.

● Ўша куни туш пайтида етти ўгил ҳовлининг етти жойига ўчоқ қуришди. Кечқурун еттита қозон баробарига қайнади.

Кампирнинг обрўси, иззати ошиб кетди. Етти келин етти ёқдан:

— Ойи ош пишди, келинг, ойи, чўзма лағмон қилдим, бу ёққа келинг, — деган мулоким товушлар чиқиб қолди.

Кампир жаҳл билан биттасининг ҳам олдига бормадди. То кампир намоз асрни ўқиб бўлгунча айвондаги хонтахта усти овқатга тўлиб кетди. Лағмон, палов, шовла, мастава, яна мастава, чучвара, қовурмалар қатор териб ташланган эди.

Кампир ҳаммасидан оз-оз еб ичди-да, кичигим пазанда экан, деб қўйди.

Кампир иззатга ботди. Келинларининг бири ўрнини солиб берган, бири чой дамлаб келган, бири кавушини артиб қўйган, бири қоғози очилмаган атир совун қўйиб кетган... Кенжа келини бир чиннини тўлатиб тарвуз сувини кутариб келти. Бу ҳам етмагандек, капрон дуррача опкелиб елкасига ташлади.

— Кечаси тангиб ётсангиз, шамолламайсиз, ойижон.

Кампир ҳали ҳам астойдил жаҳлидан тушмаганди. Ёстиққа бош қўйиб, куз юмиши билан бирдан инсофга келди.

— Ўзимни ўзим қийнаб юрган эканман. Менга

нима зарур экан-а! Билганини қилишсин. Ҳожи оналикни менга ким қўйипти?

Кампир шундай хаёллар билан ухлаб қолди. У келин кўрган йилларидан бери биринчи марта беташвиш ухлаши эди.

Катта келин, ойимнинг кўзларига чироқ тушмасин, уйқулари бузилади, деб чироқни ўчириб кетди.

Ўртанча келин оиладаги янги одатга кўниколмамай, кечаси довдираб ҳовлига чиқди. Овсинларининг деразаларига бир-бир қулоқ солиб кириб кетди. Эрталаб кампирнинг қулоғига шивирлаётган эди, кампир уни силтаб ташлади:

— Болам, бу одатингни ташла. Мен Ҳожи оналикдан тушганман. Сени ҳам ишпиёнликдан бушатдим.

Бу гапни ҳамма келинлар эшитишди. Хахолаб кулиб юборишди.

Ўн беш йил мобайнида бу ҳовлида биринчи марта ба етгита самовар баробар қайнарди...



## САИДА ЗУННУНОВА

(1926—1977)

Талантли шоира, жозибали насрий асарлар муаллифи Саида Зуннунова 1926 йили Андижон шаҳрида хизматчи оиласида дунёга келди. Отадан эрта етим қолган Саида 1941—1943 йиллар Андижон ўқитувчилар институтида таҳсил олади. У Андижон мактабларида муаллима, газета муҳарририятларида адабий ходим бўлиб ишлаган.

Биринчи шеъри 1935 йили «Пахта fronti» газетасида босилган. Саида Зуннунованинг бахтли ёшликни тараннум этувчи шеълари матбуот саҳифаларида тез-тез кўринади.

Адабиётга муҳаббат шоирани Ўрта Осиё Давлат университети (ҳозирги Тошкент Давлат дорилфунуни)нинг филология факультетига етаклади. Ўқишни тамомлаб, «Гулхан» ойномасида, «Ўзбекистон маданияти» рўзномаси ва бадиий адабиёт нашриётида ишлаган адиба Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмасида маслаҳатчи бўлиб ҳам хизмат қилади.

Бахтиёр ёшлик, она-Ватан, эркин меҳнатни тараннум этувчи «Қизингиз ёзди» (1948), «Янги шеърлар» (1950), «Гуллар водийси» (1954), «Қизларжон», «Бир йил уйлари» (1967) шеърий тўпламлари китобхонларга тақдим этилди.

Саида Зуннунова насрда ҳам сермаҳсул ижод этган адибадир. Унинг «Гулбаҳор» (1956) ҳикоялар тўплами ишчилар ҳаёти, муҳаббат, оила, эскилик қолдиқларига қарши кураш мавзуларини акс эттирса, «Гулхан» (1958) повестининг асосий қаҳрамони аёллар бўлиб, уларнинг йигирманчи йиллардаги кураши узига хос бадиий буюқларда ифодаланган. «Олов» (1962), «Одамлар орасида», «Кучалар чарогон» (1965), «Буйларингдан ургилай» (1972), «Директор» каби асарларининг қаҳрамонлари ҳам аёллардир.

С. Зуннунова адиб Саид Аҳмаднинг турмуш ҳамроҳи, сеvimли рафиқаси эди. Уларнинг ёлғиз қизлари, ундан биргина набиралари бор.

Сўзга ҳассослик, сиқиклик, табиийлик, ясама-

сунъий образлардан қочиш Саида Зуннунова ҳикояларига ҳусндир.

*Она-Ватанга садоқат, меҳнат ва бахт, муҳаббатни ҳақгўйлик билан куйлаган шоиранинг лирик шеърлари, жозибадор қўшиқлари, насрий асарлари адабий хазинамизни бойитиб келмоқда.*

*Адиба асарларини рус ва бошқа қардош халқлар китобхонлари ўз она тилларида севиб ўқимоқдалар.*

*Ижодкор айни камолот ёшида 1977 йил 51 ёшида огир хасталиқдан бевақт вафот этди. Унинг ҳассос назми, самимий насри ўзбек китобхонларининг маънавий мулкига айланиб қолди.*

## ҚАРЗ

Ёзнинг охири, кузнинг боши эди. Осмон тиниқ, сувлар тинган. Япроқлар ҳали сарғаймаган. Кум-кўк пахтазорнинг устида шуълами, ҳавоми майин, сокин жимирлайди. Ғузалар кўсак тугиб ётибди. Йўлдан тез-тез машиналар ўтиб турган бўлса ҳам сершовқин шаҳардан кейин Абдурахмонга бу жойлар жуда жимжит туюларди. У ўзи ҳам тушунолмаган галати бир кўнгил хиралик билан йўлга чиққан эди. Янги-янги манзараларга алаҳсиганиданми ёки болалиги кечган йўллар, жойларнинг сергаклантирувчи хотиралариданми, юрагидаги губор, бирдан кўтарилгандай бўлди, руҳи енгил тортди.

Қаттиқ бетобликдан кейин негадир унинг кўнгли қишлоғини кўмсаб қолди. Лекин кимнинг олдига боради. У жойда ҳеч кими йўқ. Ота-онаси ўлиб кетган. Болалиқдаги уртоқларидан ким қолган қишлоқда, уни ҳам билмасди. Орадан уттиз-қирқ йил утгандан кейин борлари ҳам танирмиди. Лекин барибир унинг кўнгли шу жойларни кўмсарди. У тез-тез қишлоғи, болалиги ҳақида гапирадиган, ҳамма икир-чикирларни эслайдиган бўлиб қолди. Бир куни онасининг ошқовоқ сомсага усталигини гапириб кетди:

— Жилди юпқа, ўзи катта-катта бўларди. Аччиқ, ичидан майда қизил қалампирлар кўриниб турарди. Нон ёпдимми, албатта ё пиёз сомса, ё ошқовоқ сомса қиларди.

— Намунча, — деди китоб ўқиб ўтирган қизи, —



ойим шундоқ ширин гүшт сомсаларни қилиб берса ҳам қаёқдаги ошқовоқ сомса эсингиздан чиқмайди-я.

Дам-бадам телевизорга қараб алланарса тикиб утирган хотини қизига бир қараб қўйди-да, эрига ўтирилди.

— Бир бориб айланиб келсангиз-чи, — деди юмшоқ, меҳрибон овоз билан, — хоҳласангиз мен бирга борай.

— Кимникига? — деди бушашиб Абдурахмон.

— Кучада қолмасмиз. Одамлар бор-ку, ахир.

Абдурахмон индамади. Қуни-қушни, ёр-ошноларидан биронтаси билан алоқа боғлаб қолмаганлигини яқиндан бери, айниқса, кўп уйларди. Болалари унинг кайфиятини қаёқдан ҳам тушунишсин? Обод шаҳарда, шинам, қулай уйларда яшаб туриб, томига ошқовоқ чирмашган пастак айвонини, пашшасини қуриган сигир, қўйларни, ажриқ устидан тушган ингичка, сўқмоқ йўллар, яккачўп куприкларни ҳадеб гапиравериш, балки чиндан ҳам ношукурликдир. Лекин ўша йўлларда унинг болалиги, қайнаётган сутдек тошқин, бегубор, осуда дамлари ўтган бўлсачи! Ёшлик билан алоқадор ҳамма нарсанинг борган сайин сеҳри ортиб, жозибаси кўпайиб бораверар экан. Орага йиллар суқилган сайин юракдаги интилиш, соғиниш ортаверар экан.

Поезддан тушгандан кейин унинг машинага ҳам чиққиси келмади. Юки йўқ, портфелига эҳтиётдан битта кўйлак билан битта майка, сочиқ, пайпоқ солиб олган эди, холос. У катта йўлнинг бир томонидаги тротуардан шошмасдан борарди. Кун қайтган бўлса ҳам иссиқнинг тафти баланд, шарқираб оқаятган ариқ бўйидаги толлар тагидан салқин шабада эсиб, дамбадам юз-кўзларига ҳузур берарди. Қишлоқ жуда ўзгариб кетганлигидан Абдурахмон тахминлаб борарди. Баъзан тўхтаб, адашмадимми, дегандек, у ёқ-бу ёққа аланглар, яна тусмоллаб юриб кетарди.

Ёш, қалин теракзор орасидаги чойхонада одам сийрак. Сўриларнинг бирида иккита чол гурунглашиб ўтирар, йўловчилардан бўлса керак, ёшроқ бир киши «Жигули» машинасини ювар, ариқ лабида қопқоғи очиқ чойнак билан чой тўлдирилган пиёла турарди. Абдурахмон чолларга салом бериб ўтиб, буш сўрилардан бирининг четига ўтирди. Ўрта яшар, мўйловдор чойхоначи тўшак кўтариб чиқди.

— Келинг, меҳмон, — деди тавозе билан, — хуш кўрдик.

— Овора бўлманг эди.

— Қора чойми, кўкми?

— Барибир.

Чойхоначи патнисда ёнига печак, оқ қанд солинган иккита юмшоқ нон билан пиёла, чойнак олиб келди. Чойхоначилар четдан келган одамни дарров билишди. Уларга алоҳида меҳмоннавозлик қилиб кўнглини олишга ҳаракат қиладилар. Кетма-кет бир коса қовун билан узум солинган тарелкани кўтариб келди.

— Раҳмат, уринманг.

— Оворагарчилиги борми, меҳмон. Йўл губорини олади. Узоқдан келяпсиз дейман?

— Ҳа, Тошкентдан.

Шу пайт капот ва устлари гул, ленталар билан безатилган «Волга» машинаси бошчилигида беш-олтита машиналар гизиллаб ўтиб кетди. Чиройли кийинган ёш-яланглар лип этиб кўриниб қолишди.

— Хаҳ, қурмагурлар, қандингни ур! — деди самоварчи завқ билан кафтларини бир-бирига ишқалаб. — Машинани келин боланинг ўзи ҳайдаб қолмабди яхши.

Чолларнинг ҳам, машина юваётган кишининг ҳам нигоҳи ўша томонда эди.

— Битта механизатор қиз битта механизатор йигитга тегяпти. Бугун тўйлари, — деди чойхоначи, — иккаласи ҳам донгдор, икковининг ҳам машинаси бор. Қизи тушмагур, шунақа ҳайдайдики, сувдек сузади деяверинг. Ўтиб қолса ҳамманинг кўзи ўшанда бўлади. Хўп ажойиб замонлар бўляпти-да! Авваллари тўртга оти борнинг димоғидан қўрт тушарди. Ҳозир шу машиналарни тўқсон от кучига тенг дейишадими?!

Абдурахмон кулиб қўйди.

— Улар қайси қишлоқдан?

— Шу ўзимизнинг учқудуқлик. Солияхон бор-ку, герой, ўшанинг колхозидан.

Абдурахмоннинг кўзлари қисилди. Ниманидир хотиралашга уринди.

— Солияхон... Фамилияси нима?

— Болтаева. Танийсизми? «Қизил Юлдуз»нинг раиси-да.

Абдурахмон рўмолчаси билан терлаган бўйин ва юзларини артар экан, индамай қолди. У билган Солиянинг фамилияси бошқа эди. Газеталарда ҳам бир-икки учратганда, шунинг учун аҳамият бермаганди. Турмушга чиққандир ахир, балки фамилияси ўзгаргандир.

— Солияхон қаерлик ўзи?  
— Шу ерлик.  
— Колхозигача ҳали узоқми?  
— Ҳа, анча бор. Ҳу, Жиянбой! Колхозга кетяпсизми?

Машинасини ювиб бўлиб, тикка турганича чой хуплаётган йигит унга қараб бош силкиди.

— Меҳмонни олиб кетмайсизми?  
— Майли, майли.

Машина текис, асфальт йўлдан гизилаб борарди. Далалар тугаб, кўчанинг икки четида бир хилда тушган гиштин иморатлар кўрина бошлади.

— Жуда ўзгариб кетибди қишлоқ.  
Жиянбой ялт этиб Абдурахмонга қаради.  
— Аввал ҳам келганмисиз?

Абдурахмон секин хўрсиниб қўйди-ю, жавоб бермади.

— Айбга буюрмайсиз, кимникига келяпсиз?  
— Ўзим ҳам билмайман.

Машина бирдан секинлагандай бўлди. Жиянбой кўзини тез-тез йўлдан олиб, унга ҳайронлик билан қараб қўяр, тушунолмас, сўрашга ҳам тортинарди.

— Асли шу қишлоқликман. Сиз ёшсиз, билмасангиз керак, Абдухалил деган одамнинг ўглиман. Кўп бўлган кетиб қолганимга. Қариганимда бир қўмсаб қолдим.

— Соз бўпти-да! Ундай бўлса, тўғри уйга бораверимиз. Дадам бор, жуда хурсанд бўладилар.

— Раҳмат.

Деворлари янги оқланиб, янги бўялган катта дарвоза олдида одамлар гавжум эди. Тол соясида енгил машиналар қатор тизилиб турар, катта-кичик болалар ҳам шу ерда. Жиянбой секинлаб келиб тўхтади.

— Босиб ўтиб кетсак хафа бўлишади. Бир пиёладан чой ичамиз энди.

Оқ яқтак кийган ўрта яшар одам билан ёшроқ йигит машина ёнига келишди.

— Келинлар, келинлар, қани, ичкарига.

— Меҳмон олиб келяпман, — деди кулиб Жиянбой, яқши меҳмон ош устига, дейдилар.

Мезбонлар тавозе билан уларни ичкарига кузатишди. Катта, кенг ҳовлига стол-стуллар қўйилган, турдаги баланд айвонда хотин-халаж кўринар, ишқом тагидаги чорпояда машшоқлар ялла қилардилар. Ёш-ёш йигитлар микрофон ўрнатиш, дарахтларга сим тортиб, лам-

почка осиш билан овора эдилар. Бир зумда дастурхон ёзилиб, мастава келтирилди.

— Механизаторимиз уйланяпти, — тушунтирди Жиянбой, — ҳали машиналар ўтганда кўзингиз тушгандир.

— Э, ушаларми, — деди Абдурахмон атрофга аланглаб. У биронта одамни таниб қолармикинман, деган умидда эди. Қора атлас кўйлак кийган тулагина аёл дарвозада кўринди. Унинг истиқболига аёллар, эркаклар туришди. Аёл қўлидаги қоғозга уроглиқ нарсани хотинлардан бирига узатар экан, улар билан кучоқлашиб кўришди.

— Тўйлар муборак бўлсин! — деди кейин ўткир овоз билан, — ҳамма нарса тахтми? Камчиликлар бўлса, айтинглар.

Абдурахмон уни таниган эди. Ўша Солия. Фақат у вақтда нозиккина қиз эди. Барваста, серсават аёл бўлибди. Ҳаво ранг рўмоли остидан оқ оралаган сочлари кўришиб турар, тўлалигиданми, юзидаги сувчечак ўрни ҳам билинмай кетибди. Атрофини майда ажинлар ўраган кўзларигина ўзгармаган. Ҳали ҳам тийрак, ўткир. У тикка турганича аёллар билан ниманидир гаплашар, Абдурахмон томонга қарамас эди. Абдурахмоннинг унга тикилиб қолганини кўрган Жиянбой:

— Раисимиз, — деди шивирлаб.

— Чақиришнинг иложи борми?

— Албатта, — Жиянбой дик этиб турди-ю, унинг олдига бориб алланарса деди. Солияхон бош ирғади, кейин Абдурахмон томонга бир қараб қўйди. Гапидан тўхтаб яна қаради. Абдурахмон ўрнидан турди. Солияхон унга яқинроқ келди, тикилиб қаради.

— Абдурахмон?! — у келиб қўлини узатди, — ростданми? Адашмадимми?

— Рост, рост, худди ўзи, — деди кулиб Абдурахмон.

— Бор экансиз-ку!

— Йўқолган ҳамқишлоғимизни мен топиб келдим, опа, — деди кулиб Жиянбой.

— Йўқолганда қандоқ! Сувга чўккандай.

— Уйни, ҳовлини ҳам ташлаб кетавердингиз? — деди Солияхон ҳол-аҳвол сўрашиб бўлгандан кейин, — аввалига ҳар қалай чироғи ёниб турсин, деб эвакуацияга келганлардан ўтқазиб қўйишди. Кейинча колхоз қурти боқилди. Охири йўлга тушиб бузилиб кетди.

— Сизларни ҳамми?

— Ҳа, бошқа жойдамиз ҳозир.

— Онангиз бардамми?

— Қариб қолди. Ҳеч эсидан чиқармайди сизни, ўзи ҳам келиб қолса керак, — унинг кузи дарвозадан кирган баланд буй, қорачадан келган кишига тушди-ю, қули билан имлаб чақирди. — Болтаев!

Болтаев галифе шими устидан кийган оқ кўйлагининг этакларини тортиб, камарини тўғрилар экан, Солияхон ёнига келди.

— Ким бу? Таниб олинг-чи! — Солияхон кулиб Абдурахмонга ишора қилди. Иккалалари бир нафас тикилиб қолишди, кейин бирдан қучоқлашиб кетишди.

— Осмондан тушдим, ердан чиқдим бу? Ё тавба! Бир зумда бу хабар тўйхонага тарқалди.

— Абдухалилнинг ўгли экан.

— Ие, Абдурахмонми? Тирик эканми?

Бунақа гаплар Абдурахмоннинг қулоғига чалинар, дам ўтмай янги-янги одамлар у билан кўришгани келардилар. Бир чол кўз ёши қилиб, қучоқлаб, ўпиб кўришди.

— Бор экансан-ку, болам, — деди белбогининг учига кўзини артиб. Абдурахмонга унинг қаеридир таниш кўринарди. Дадасининг ўртоқларидан бўлса керак.

Солияхон айвонга, хотинлар орасига бориб гап топиб келди:

— Бувим ҳам келибди. Айтдим. Ана, сабри чидамай ўзи келяпти.

Абдурахмон ҳассасига таяниб, сал энгашганича шу томонга келаётган кампирни кўрди-ю, ўрнидан туриб у томонга юрди.

— Ассалому алайкум.

Кампир унга бир зумгина тикилди. Кейин энгашган Абдурахмоннинг бўйнидан қучоқлаб, хўнграб йиглаб юборди. Ҳассаси ерга тушиб кетди. Унинг кенг енгига ўралган ориқ, нимжон қўллари Абдурахмоннинг бўйнида қалтирарди.

— Худога шукур, тирик экансан. Худога шукур.

— Ўзингиз бардаммисиз, бувижон?

— Тушларимга кирардинг, — кампир унинг елкаларидан силаб, юзларига тикиларди, — онагинанг билан қандоқ эдик ахир. Бор экансан-ку, шунча вақт келмабсан, бемеҳр бўпсан-да, болам.

Абдурахмон нима жавоб беришни билмас эди. У ҳаяжон ва андишадан қизарарди. Уни ҳеч ким эсидан чиқармабди. Ҳатто соғинишибди, кўргилари келибди.

Абдурахмоннинг димогига онасининг ҳиди урилгандай бўлди. Кузида ёш қалқиди. Солияхон кампирни зурга олиб кетди.

— Уйга боргин. Гаплашолмадим, дийдорингга туюлмадим.

— Бораман, бораман.

— Боради, албатта, боради.

Болтаев уртоқларига хабар бериб булган экан. Ҳаммаси йигилишди. Улар шу куни урушдан қайтмаганларни қайта-қайта эслашди.

Ёр-ёр, уйин-кулги, чирманда, карнай-сурнай овозлари ичиди келин келди. Бу маросимни бир нафасгина томоша қилишди-ю, яна ташналик билан суҳбатга шунгишди. Таниш-билишларининг ҳаммаси ҳам уни уйига олиб кетгиси келар, таклиф қилишарди. Лекин у шу куни ёлғиз қолмоқчи. Болалиги утган, ота-онасининг қадами теккан шу кўчаларда ёлғиз юрмоқчи, юрагини ағдар-тунтар қилиб юборган меҳр-оқибат ҳақида, унга интизор бўлиб яшаган мана шу одамлар ҳақида ёлғиз, танҳо уй сурмоқчи эди. У қарзга ботган одамдек қочишга жой тополмасди. Хуллас, унинг кўнгли ҳозир ёлғизликни тилар эди. Ўзи билан ўзи ҳисоблашмоқчи эди. Улар тўй тугамаёқ кўчага чиқишди. Раисдан андиша қилибми, бошқалар индамай туришарди. Болтаев машина рулига ўтирди. Солияхон Абдурахмонни унинг ёнига таклиф қилиб, ўзи орқага чиқди. Кузатгани чиққанлар ночор, ноилож, эртагача, деб хайрлашиб қолишди.

— Битта илтимос, — деди Абдурахмон илтижоли оҳангда, — меҳмонхонага борсам.

— Бу нимаси?

— Жон дўстим! Солияхон! Бугунча, бир кунга. Илтимос!

Болтаев ҳайрон бўлиб хотинига қаради. Солияхон Абдурахмоннинг ялинчоқ назарини кўриб елка қисди.

— Майли, — деди кейин.

Машина катта дарвозадан кириб, баланд кўтарилган ишкомлар тагидан юриб кетди. Ҳовуз ёнидаги ялангликда тўхтади. Машинадан тушишди. Катта боғнинг уртасига қурилган икки қават иморатнинг атрофи айланасига айвон эди. Биринчи айвон шифтидаги электр нуридан боғ ичи хиёл ёришиб турарди.

— Шокиржон!

— Лаббай, опа! Келинлар, — ичкаридан чиқиб келган жуссаси кичикроқ бир одам қўл олиб сўрашди, — келинлар, — деди яна қўлини кўксига қўйиб.

— Эрталабгача меҳмонни сизга топширамиз. Зериктириб, чарчатиб қўймайсиз-да.

— Жоним билан.

Абдурахмон шу кеча мижжа қоқмади ҳисоб. Бир томондан хурсанд, ота-онасининг нафаси елиб турган ҳаво уларни дам-бадам ёдига соларди. Шокиржон чой дамлаб кирди. Стол устида ҳар хил ширинликлар турарди. Ўзи бир оз гаплашиб утирди-да, дам олинг бўлмаса, деб чиқиб кетди. Абдурахмон чиройли ёгоч каравотга тўшалган, оппоқ гилоф кийдирилган атлас курпа қатини очди-ю, ётмади, аста айвонга чиқди. Кўкда юлдузлар жимирлар, салқин шабада эсиб турар, япроқлар шитирлаши гоҳ кучайиб, гоҳ пасаярди, узоқдан чигирткаларнинг чириллаши, бақаларнинг қуриллаши эшитилар, — буларнинг ҳаммаси уни хотиралар огушига чақирарди.

Солия билан бир девор қўшни эдилар. Бирга сигир боқишар, бирга мактабга боришарди. Абдурахмоннинг дадасидан урушнинг бошидаёқ қора хат келди. Онаси бу дардни кўтаролмади. Ёлғиз қолган Абдурахмонга Солиянинг онаси гамхўрлик қилар, кўнглини кўтаришга уринарди. Лекин Абдурахмон бу жойларга сизмади. Ёлғиз уйга киролмасди. Онаси чиқиб келаётгандай, қараб тургандай бўлаверарди. Кетиб қолди. Тўғри келган ишни қилиб юрди. Юк ташиди, кўмир туширди. Айланиб Тошкентга бориб қолди. Ўша жойдан армияга кетди. Яна қайтиб келди. Ишга жойлашди. Яхши одамларнинг маслаҳати билан кечки мактабда ўқиди. Кейин институтга кирди. Уйланиб рўзгорлик бўлди-ю, бутунлай ўрнашиб қолди. Тенгдошлари неvara кўрибди. У кечроқ уйлангани учун ҳали қиз чиқариб, ўгил уйлаганича йўқ. Солия ҳам невараларим бор, деди. У пайтларда нозиккана қиз. Оналари бир-бирларини гоҳ қуда, гоҳ овсин, деб чақирарди. Болтаева... эрининг фамилиясига утган экан-да.

У ўрнига ётганда хурозлар қичқира бошлаган эди.

Аввал машина юргандай бўлди. Кейин эшиклари қарсиллаб очилиб-ёпилди-ю, аллакимнинг овози эшитилди. Абдурахмон кўзини очди. Уфқ оқариб келарди. Бир нафасдан кейин саҳарги бу жимжитликни яна машинанинг овози бузди. У ўрнидан турганда деразадан дарвоза томонга келаётган енгил машинани кўрди. Сочикни елкасига ташлаб ювингани чиқди. Шокиржон югуриб келди.

— Яхши дам олдингизми?

— Раҳмат. Биров келдими?  
— Раис опа канал томонга қулоқдан хабар олгани кетдилар. Келаман, жилмасин, дедилар. Жуда вақтлаи туриб олибсиз-да?

— Шу атрофда сой бор эди.

— Ҳа, бор-бор.

— Орқасида, баландликда қабристон буларди.

— Ҳозир ҳам бор.

Абдураҳмон ювиниб, кийиниб чиқди.

— Ҳа, меҳмон йул бўлсин?

— Тезда келаман.

— Нонушта қилиб олсангиз буларди, — Шокир-жон бирдан тушуниб қолди шекилли, овози ҳазин чиқди.

— Келиб.

У қабристонга етганда ёруғ тушиб қолган эди. Қов-жираган кўкатларни босиб, қабрларни оралаб аста тепаликка чиқиб борарди. Ён бағирликда тўхтаб атрофга аланглади. Қайси томонда эди. Унга юриши керақдир. Баъзи қабрларга мрамар лавҳалар ўтқазилган, баъзиларида ҳеч нарса йўқ. Тошданми, гиштанми белги қўйилганлари ҳам бор. Баъзиларида бу ҳам йўқ эди. У тахмин қилган жойига келди. Қолармиди. Шунча йил бошига биров келмагандан кейин қолармиди. Хаёли шундай дер эди-ю кузи изларди. Атрофи панжара билан уралган кичкина қабрининг бош томонидаги ёзувга кузи тушди. Онаси билан оти ҳам, фамилияси ҳам бир хил экан. Шошма, унинг ўзи-ку, ахир. У яна хатга қаради. Ҳа, тугилган, улган йили ҳам ўша. Ким? Ким қилган буни? У яна атрофга аланглади. Ҳа, худди ўша жойда турибди. Куз ёшлари томоғини бўғди. Қабр ёнига тиз чуқди. У ҳозир онасининг юзидаги ҳар битта чизиқни кўриб турарди.

— Онажон... Келдим. Онажон, кечиринг мени. Онажоним... Ўғил бўлдимми мен ҳам... Кечиринг.

Унинг шу томонга утганини курган қоровул чол анча вақтгача қўйиб берди. Ҳадеганда туравермагандан кейин томоқ қириб, йуталиб аста унинг ёнига келди. Чўнқайиб утириб қуръон ўқий бошлади. Юзига фотиҳа тортиб, бу нотаниш одамга аста, савол назари билан қаради.

— Бу ёдгорликни ким қилдирган? Билмайсизми?

— Биламан. Раис қилдирган. Сиз кимлари бўласиз?

Абдураҳмон жавоб ўрнига аста хўрсиниб, бошини эгди.



— Туринг, узоқ ўтириб қолдингиз. Қандоқ қиламиз, дунёнинг ишлари шунақа экан.

Абдурахмон ўрнидан турди-ю, юраги узилиб қолаётгандай яна орқасига қаради.

— Ана, раиснинг ўзлари ҳам келяптилар, — деди қоровул чол. Абдурахмон ялт этиб пастликка қаради. Сой буйида ҳаво ранг машина турар, атлас кўйлагининг этагини бир қўли билан салгина ушлаб, Солияхон шу томонга чиқиб келарди.

## ОДИЛ ЁҚУБОВ

(1926)

Одил Ёқубов Қозоғистон Республикаси Чимкент вилояти Туркистон туманининг Қарноқ қишлоғида хизматчи оиласида 1926 йили туғилди. 1944 йилда ўрта мактабни тутатиб, 1945—1950 йилларда армия сафида хизмат қилди. Ёш аскар совет-япон уруши муҳорабаларида иштирок этади. 1951—1956 йилларда у Ўрта Осиё Давлат дорилфунунининг филология факультетида ўқийди. 1955—1959 йилларда Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасида маслаҳатчи, «Литературная газета»нинг (1959—1963, 1967—1970) республикамиздаги махсус мухбири, «Ўзбекфильм» киностудиясида ва Республика кинематография қўмитасида бош муҳаррир, Гафур Гулом нашриётида бош муҳаррир уринбосари (1970—1982) бўлиб ишлади. Сўнгра «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» рўзномасининг бош муҳаррири (1982—1989) бўлиб хизмат қилди. Ҳозирги даврда у Марказий Осиё халқлари маданиятлари ассамблеясининг биринчи вице-президентиدير.

Одил Ёқубовнинг биринчи йирик асари — «Тенгдошлар» повести 1951 йилда босилиб чиқди. Унинг «Чин муҳаббат», «Айтсам тилим, айтмасам дилим куюди» (1958) каби комедиялари Ҳамза номидаги ўзбек академик драма театри сахнасида қўйилди.

1956 йилда «Икки муҳаббат» номли насрий асарлари тўплами нашр этилди. Кейин бирин-кетин «Бир фельетон қиссаси» (1961), «Муқаддас» (1963), «Қанот жуфт бўлади» (1969), «Билур қандиллар» (1975) каби қиссалари чоп қилинди. Одил Ёқубовнинг «Эр бошига иш тушса» (1969) номли романи Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги воқеликни акс эттиради.

«Қанот жуфт бўлади» (1969) повести врачлар, меъморлар, ишчилар мавзуи билан бирга мураккаб ижтимоий ва ахлоқий муаммолар тасвирига бағишланган. Муаллиф унда равшан, эса қолувчи образлар яратган.

«Излайман» повестида 1945 йил япон милитаризмига қарши кураш воқеалари акс эттирилади. У маълум маънода автобиографик асар ҳамдир. Чунки муаллифнинг ўзи уша воқеаларнинг жонли гувоҳи.

*Ёзувчи кейинги йилларда яратилган «Улугбек хазинаси» романида (1974) улуг узбек астрономи Улугбек ва унинг угли Абдуллатиф уртасидаги зиддиятларни курсатиб, прогрессив ва реакцион кучлар орасидаги курашларни тасвирлайди. Романда Улугбекнинг истеъдодли шогирди, машхур олим Али Қушчининг ҳам улугвор образи яратилган.*

*Бошқа бир йирик асари — «Кухна дунё» романида Ўрта Осиёнинг икки буюк алломаси Беруний ва Ибн Сино ҳаёти ва фожеали тақдири қаламга олинади. Уларнинг жаҳон илм-фани тараққиётига қушган буюк ҳиссаларини умумлаштиришга интилади. Шунингдек, Одил Ёқубов замонавий мавзуларда ҳам «Диёнат» (1973), «Оққушлар, оппоқ қушлар» (1988) каби йирик полотнолар яратди. Агар Ёзувчи ўзининг «Диёнат» романида миллатнинг ноҳақлик, тубанлик устидан голиб келишини кўрсатса, «Оққушлар, оппоқ қушлар» романида эса турғунлик даври иллатларини, илдири ва оқибатларини рўйи рост гадалантириб беради. Ҳар икки ҳолда ҳам замондошларимизни маънавий, ахлоқий покизаликка даъват этади.*

*Одил Ёқубов республикада театрларида намоён қилинган «Айтсам тилим куюди, айтмасам дилим» (1956), «Юрак ёнмоғи керак» (1957), «Олма гуллаганда» (1960) ва бошқа пьесаларнинг муаллифидир. У моҳир таржимон, мунаққид, публицист сифатида ҳам баракали ижод қилиб келмоқда.*

*Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов «Улугбек хазинаси» романи учун Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофотига сазовор булган.*

## ВИДО

Уста Қобилнинг аҳволи оғирлашганига бир ҳафтадан ошди. У катта меҳмонхонанинг тўрида, боққа қараган очик деразининг олдидаги ёғоч қаравотда бошига қуш ёстиқ қўйиб чалқанча ётарди. Калта қирқилган оппоқ соқолли, шифтга қараган, икки чаккаси худди ўйиб олингандай чуқур ботган, узун қирра бурни сўрайиб қолган. Фақат кўкрагида ётган қўллари, айниқса томирлари бўртиб чиққан катта суяқдор қафтлари, гарчанд тарашадай қотиб кетган ва дағал бўлса ҳам, бурунгидай бақувват ва гўзал кўринади.

Устанинг дарди ошқозонида. Назарида, ичига оч-кўз бир типратикан киргану, бир ойдан бери гоҳ ичакларини тирнаб тимдалайди, гоҳ чангаллаб гижимлайди, гоҳ усиз ҳам безиллаб турган жойига мисоли чўг босгандай қовуриб-кўринади...

Мана бир ҳафта бўлдики, уста овқатдан қолди. Фақат ичи ёниб кетган маҳалда сопол кўзада турган муздай қатикдан бир қултум ютиб қўяди, холос.

Хасталик енга бошлаганидан кейин уста шаҳардаги кенжа ўгли Нодирга хабар бердирган эди. Бурноги кунни келинни олиб у ҳам етиб келди.

Устанинг дарди оғирлашиб қолганидан буён уйдан одам аримас эди. Нодир келгандан бери келди-кетди яна ҳам авж олди, шунчалик авж олдики, катта келини Гулжаҳоннинг қозон-учоқдан қули бушамай қолди. Йўқлаб келувчиларнинг аксарияти бир-икки соатсиз тарқашмас эди. Одатда улар меҳмонхонага гамгин бир қиёфада кириб келишар, хусусан, ҳол-аҳвол сўрашаётганларида кўзларида, овозларида чуқур ачиниш, ҳатто изтироб акс этиб турар, аммо, эҳтимол, уста озор чекаётганини сира билдирмагани учундир, эҳтимол, ҳамманинг саволига бир хилда «Худога шукур!» деб жавоб бергани учундир, ҳиёл ўтмасдан уни унутиб қўярдилару, суҳбат қизиби, ҳазил-мутойиба, кулги бошланиб кетарди. Мана ҳозир ҳам катта деразанинг олдидаги сўрида уч-тўрт киши пешиндан бери чақчақлашиб ўтиришибди.

Турда сочлари оппоқ оқарган бўлса ҳам ўзи ҳийла ёш кўринадиган Азиз домла ўтирибди. Унинг ёнидан Нодир жой олган. У ҳаво ранг ипак бриджа кийган, эгнидаги нафис ипак майканинг орасидан думбадай оппоқ юмалоқ қорни кўриниб турибди. У шундай галати семирганки, тарам-тарам қип-қизил юзи, қовоқлари шишиб, кўзлари қисилиб қолган. Ўзиям қандайдир салобатли, вазмин кўринади, шоҳи рўмолчаси билан бўйинини, мунчоқ-мунчоқ терлаган узун қирғий бурнини тез-тез артиб, сукут сақлайди, саволларга кўпроқ бошини қимирлатиб жавоб беради ёки жилмайиб қўя қолади.

Эҳтимол, уч-тўрт йилдан бери кўрмагани учундир, ўглининг бунчалик ўзгариб кетиши устага қандайдир галати туюлади.

Нодир охириги марта, бундан тўрт йил муқаддам, раҳматлик кампир вафот этганида келин билан бирга келиб, бир ҳафта-ун кун туриб кетганди. Шундан ке-

йин иши огирлашиб кетди чамаси, чақиртирса ҳам келмаган, фақат бултур кузда «илмий асаримни тугатиб олгунимча қишлоқда туриб турсин», деб тўнгич қизлари Фирузани бериб юборганди. Мана, ниҳоят ўзи ҳам келди, келди-ю устани ҳайратда қолдирди: тўрт йил ичида тамоман бошқа одам бўлган-қолган. Ё уста аввалдан семизликни хуш кўрмаганидан шундай туюляптимикан?.. Нодирнинг рўпарасида чордона қуриб, колхоз бухгалтери Икром деган йигит ўтирибди. У ҳам шунчалик семирганки, боши билан бўйни қўшилиб кетганга ўхшайди, катта юмалоқ қорни чордона қурган оёқларининг ўртасида хўпайиб турибди, фақат раисликка яқинда сайланган Самад деган йигитгина қотма, новча, ўзиям юзлари кунда куйиб қорайиб кетган.

Уларнинг суҳбатиям галати. Мана, бир соат бупти-ки, гап ҳозирги ёшларнинг ахлоқи устида кетяпти. Бу гапни одатдагидай Азиз домла бошлаган. Узун, нимжон бармоқлари билан лабларини тез-тез силаб, ҳозирги ёшларда одоб қолмаганидан, ўқишга, илмга қизиқиш сўниб бораётганидан шикоят қилади: куюниб-тутақиб гапиради:

— Тўғри айтасиз, домла! — дейди Икром бутун гавдаси билан қўзғалиб. — Ҳозирги ёшлар на урф-одатни билишади, на иззат-икромни!

Самад пешанасини тириштириб:

— Сен ҳам жа... — дейди. Унинг овозида, чўзиқ қорамангиз юзида қандайдир ўнғайсизлик ифодаси жилва қилади. Аммо Икром буни сезмайди.

— Нима, ёлгонми? — дейди у калта, семиз қўлини силкитиб. — Бизлар ўқиган маҳалда қанақа эдик? Мана, домла ўзлари айтсинлар!

Домла лабларини тез-тез силайди:

— Ҳа, у чоғлар бошқача эди! — дейди у ва галати жилмайиб қўяди.

«Эски ҳаммом — эски тос! — уйлайди уста. — Ёшларни камситишгани камситишган...»

Икром яна бир қўзғалиб:

— Яшанг, домла! — дейди мароқ билан ва Самадга юзланади. — Нафсиламрига бизлар бошқача эдик! Орамиздан тузук-тузук одамлар чиқиши ҳам бежиз эмас!..

— Масалан, машҳур бухгалтерлар, — дейди Самад кулиб.

— Мен ўзимни айтаяпганим йўқ... Мана, масалан, Нодирни олайлик. Олим бўлди. Диссертация ёқлаяпти.

Ҳамма Нодирга тикилди. У бир қўзғалиб, кулимсираб қўяди, аммо юзи ҳамиша қип-қизил бўлгани учун Икромнинг сўзларидан ўнғайсизландими, йўқми, буни билиб бўлмайди.

— «Ҳа, олим! — дейди уста хаёлида. — Улуғ сўз, табаррук сўз!»

Азиз домла қандайдир бўлакча ҳурмат билан жилмайиб қарайди. У Нодирни ёшлигидан севади, уни ўзининг энг яхши шогирди деб билади, ҳамиша ундан фахрланиб юради.

— Бизни қўявер, — дейди у қўлини Нодирнинг тиззасига қўйиб. — Қани, ўзингдан гапир. Қалай, диссертация битдими?

Нодир рўмолчаси билан бўйнини, юзларини артади, қошларини чимириб, хиёл сукут сақлайди.

— Битди, — дейди у ниҳоят. — Авторефератниям ёзиб тарқатганмиз. Башарти бобой бунақа бўлмаганларида эди... — У куз қири билан уста ётган томонга бир қараб қўяди, — келаси ҳафталарда ёқлаган булардим. Энди кузга қолиш хавфи бор, аммо бобой бунақа булганларидан кейин... илож қанча?

Ўртага жимлик чўкади.

«Ҳа, бобой, — дейди уста. — Бобой...»

Бу сўз, эҳтимол, Нодир уни шу маҳалгача «дада» деб чақиргани учундир, қулогига галати эшитилди, негадир дилини огритди.

Бир ойдан бери ёпишиб олган бу дард асабларини қақшатиб қўйган эканми, ё Нодирни азалдан яхши кўргани учунми, ишқилиб, бурноғи кун эрталаб келин иккиси кириб келганларида, устанинг кунгли бирдан эриб, қўлларини ёғоч каравотнинг қирраларига тираб, ўрнидан тура бошлади. Лекин шу пайт, худди уни биринчи марта кўргандай тикилиб қолган Нодир шошиб қўлларини чўзди:

— Қўзғалманг, қўзғалманг! — деди у энтикиб. Сўнгра каравотнинг четига ўтираркан:

— Ҳа, бу қандай бўлди, бобой? — деб сўради.

Қизиқ, уста шу сўзни эшитди-ю, Нодирни кўрганида тарқагандай туюлган дармонсизлик аъзойи баданини қайта чулғаб олди. У остонада ранги ўчиб турган келинига: «Омонмисан, болам?» — деди-да ўзини ёстиққа ташлади...

Шундан бери уста «бобой» сўзини Нодирнинг оғзи-

дан ҳар куни бир неча марта эшитади, бироқ, ажабо: унга ҳеч ўргана олмайди...

Ўртага чўккан сукутда Икромнинг гўлдираган овози эшитилади:

— Ҳа, бобой... бобой молодец, шифо берса ҳали отдай ўйнаб кетадилар.

Нодир оёқларини йиғиштириб чордона қуриб ўтирди, бир-икки марта йўталиб қўйди.

— Ҳа, албатта, — деди у, — диссертацияни оддинроқ ёқлаш ҳам мумкин эди. Аммо ўзларингдан қолар гап йўқ. Оила қурдик. Янги уй, янги рўзгорнинг ташвиши ҳам осон бўлмас экан... У кўпроқ домлага мурожаат қилар, домла эса, бошини тез-тез ирғаб, кулимсираб қўяди. — Илгари бошимизга тушмагунча билмас эканмиз, — дейди Нодир кулиб. — Ипидан-игнасигача деганларидек, қозон-товоғу, чўмичгача муҳтож бўларкансиз, киши. Тўғри, бобой ёрдам бериб турдилар. Буни инкор этиш адолатдан бўлмайди. Лекин оила бўлгач, моддий ва маънавий эҳтиёж ҳам минут сайин ушиб бораркан... Аммо... — Нодир қийғир бурнининг учларидаги терларни бармоғи билан сидириб ташлаб илжаяди. — Аммо бу ташвишлардан қутулиб олдик. Борсаларингиз кўрасиз, ҳеч нарсадан муҳтожлигимиз йўқ. Ҳаммасини саранжом-саришталаб олдик.

«Саранжом-саришта, — дейди уста. — Қозон-товоқ...»

Самад секин йўталади:

— Диссертациянгнизнинг темаси? — дейди у қошларини чимириб.

— Темаси... Нодир бир қўзғалиб қўяди, пешанасини артади. — Шу соҳада муътабар бўлмаган кишиларга бир қадар галати туюлиши мумкин. «Бақанинг асаб системаси...»

— Йўқ, йўқ, нега? — дейди Самад.

— Гап шундаки, бақа билан одамнинг асаб системаси ўртасида маълум яқинлик бор. Мана, домла биладилар. — Нодир Азиз домлага юзланади, домла шошқалоқлик билан бош ирғайди:

— Албатта, албатта, — деди у лабларини силаб.

«Бақа, — ўйлайди уста, — одам, асаб...»

Тўсатдан у бу гаплардан боши оғрий бошлаганини сезади, бор кучини тўплаб ёнига ёнбошлаб ётади. Ётган заҳоти юзини майин тоғ шабадаси силаб ўтади, димоғига райҳон ҳид уради. Уста бошини кўтариб олманинг соясига қарайди. Соя у мўлжаллаган жойга

борибди: демак, Абдуллажон, қурилайтган шифохонада унинг ўрнига усталик қиялпти. Ҳар куни кечқурун ишдан қайтганидан кейин устага ҳисобот беради.

Уста кўнглининг бир четида бу бино ундан қоладиган сўнги ёдгорлик бўлишини сезгани учунми, ё бу ишни савоб деб билиб, тўшак ёзиб ётиб қолгунгача унга бор кучи, ҳунари, меҳр-муҳаббатини бериб келгани учунми, ишқилиб, ҳар куни Абдуллажоннинг йўлига интизорлик билан тикилар, унинг қурилиш тўғрисидаги гапларини эшитаётганда эса ҳатто оғриқ ҳам эсидан чиқиб кетарди.

Шифохона ярми-район ҳисобига, ярми колхоз ҳисобига қурилмоқда эди. Узи унча каттаям эмас, саккиз хоналик оддийгина бир бино эди. Лекин утган йил район катталари айни иш қизиган бир маҳалда, шаҳардан копток тепадиган майдон қуриш баҳонаси билан ўз улушларини олиб қўйдилару (копток тепадиган майдон қаёқда-ю, шифохона қаёқда?), колхознинг қуввати етмасдан қурилиш тўхтаб қолди. Башарти уста маҳаллани йиллик-ҳисобот мажлисида кўтариб чиқмаганида, эҳтимол, бу йил ҳам битмас эди. Мана энди раис ҳам хурсанд, аҳли қишлоқ ҳам.

Уста шу бинони битказсам бас, кейин кампирнинг ёнига жўнасам ҳам розиман деб ўйлаганди, аммо ниятига етолмади — унинг тўрт деворини тиклаб, энди устини ёпаман деб турганида тўшак ёзиб, ётиб қолди.

Устанинг хаёлини рўпарадаги шафтолизорда пайдо бўлган бир тўп болалар бўлиб юборди. Болалар орасида Абдуллажоннинг иккита ўгли билан Нодирнинг қизи Фируза ҳам бор эди. Қизиқ: уста шу неварасига бўлакча меҳр қўйганди. Айниқса, унинг кўзларини яхши кўрар, унинг ҳамиша кулиб турадиган чарос кўзлари устага негадир кампирни, тўғрироғи, унинг ёшлик чоғидаги кўзларини эслатарди... Нодирлар келгунча Фируза ҳам Абдуллажоннинг болаларидай кийим-боши лой бўлиб, яланг оёқ, яланг бош чопқиллаб юрарди, онаси келгач, қизига калта оқ қўйлак кийгизиб, сочларига оқ лента боғлаб қўйди. Мана энди дарахтлар орасида бир қарашда шохдан шохга учиб қўнган ниначига, бир қарашда капалакка ўхшаб яйраб-яшнаб юрибди.

«Ишқилиб умри узоқ бўлсин...»

Уста унинг шўх қилиқларини суқланиб кузатаркан, хаёлига фавқулодда бир фикр келди, у Нодирни ҳам



бошқа фарзандларидан кура купроқ севган, болалигиданоқ унга муҳаббат қўйганди.

Эсида бор: урушдан олдин уста йигирма турт хоналик янги мактаб солган, тўғрироғи, ҳамма усталарнинг тепасида туриб, қурилишга бошчилик қилганди. У маҳалда умуман қурилиш кам экан чамаси, унинг бошланиши қишлоқда катта воқеага айланган, фақат колхозчилар эмас, ўқитувчилар ҳам ишга енг шимариб киришгандилар. Ўшанда баъзан тушда, баъзан кечқурун Нодир устага овқат олиб келарди. У пайтда Нодир ё иккинчи, ё учинчи синфда ўқир, ўзиям устага ўхшаган новча, озгин, аммо юлдузи иссиққина, ниҳоятда озода бола эди. Уста уни ҳамиша ёнига ўтқазиб бағрига босарди. Уни бошқалар ҳам очиқ чеҳра билан қарши олишар, эркалашар, ўқитувчилар эса бири биридан ошириб мактаб кетишарди. Айниқса, Азиз домла кўп мақтар, «ўзи иккинчида-ю, аммо зеҳни бешинчи синф боласининг зеҳнидан ўткир буни!» дерди қайта-қайта таъкидлаб ва бу билан даврадагиларга: «Сенларнинг фарзандларинг ҳам шундоқ бўлсин» демоқчи бўларди.

Дастлабки пайтларда Нодир бу гаплардан жуда ийманар, юзини устанинг елкасига яширар, уста эса кулиб қўя қоларди. Лекин Нодир бу гапларга ўрганиб қолди, ҳатто мақтов кутиб одамларнинг оғзига қарайдиган бўлди.

Сунгра уруш бошланди-ю, ҳар ким ўз гами, ўз ташвиши билан бўлиб қолди. Аммо уруш тамом бўлгач, бу гаплар қайта бошланди. Бу сафар Нодирнинг шуҳрати тонг юлдузидай чарақлаб кетди, бир-икки марта газетада сурати босилиб чиқди, ёш бўлса ҳам баланд минбарлардан гапирадиган, чет элдан келган меҳмонларни табриклайдиган одат чиқарди, ўқитувчилари эса катта олим бўлишини каромат қила бошладилар. Аста-секин уста ҳам унга бошқача қарайдиган, у билан фахрланадиган бўлди. Ўзиям китоб мутолаа қилишдан, бошқа ҳамма рўзгор ишларидан озода бўлди. Бир жиҳатдан шундай қилганлари ҳам чакки бўлмаган экан, мактабни юксак баҳо билан тугатди. Кейин шаҳарга кетди. Уста ундан топганини аямади. Абдуллажон ҳам ойма-ой қарашиб турди. Нодир бу сафар ҳам яхши ўқиди, яхши ўқигани учун бўлса керакки, шаҳарда олиб қолишди... Бу жиҳатдан уста ўғлидан мамнун, ҳатто узоқ вақт жимиб кетганида ҳам ранжимаган, негаки, улут мақсад йўлида юрганини тушунар, бу тўғрида домлалар, айниқса, Азиз домла гапирганда,

кунгли тогдай усарди. Ҳалиям булса уста ундан ранжирмас эди, фақат бир нарса унга галати туюлади: шунчалик ўзгариб кетган, илгариги Нодирга, устанинг ўзидай новча, қадди-қомати келишган ўгли Нодирга сира ўхшамайди.

Тўсатдан уста ичидаги типратикан бир ағанаб, юрагининг тагига қаттиқ қадалганини, оғзи, томоқлари қуруқшаб қолганини сезди.

Бош томонида сопол кўза, кўзада муздай қатиқ. Уста ичини аланга олганда қатиқдан бир-икки қошиқ ичади. Лекин ҳозир буни ўзи олиши керак, токи улар сезиб қолишса, ҳаммаси сапчиб туришади, яна ўша жонга теккан савол-жавоблар бошланади...

Уста бор кучини тўплаб, ўнг ёнига секин ағдарила бошлади. Бироқ қанчалик эҳтиёт булмасин, Самад пайқаб қолди чамаси, ўрнидан сакраб турди.

— Уста ака!

Самаддан кейин Нодир ҳам оғир кўзгалди:

— Ҳа, бобой, нима гап?

— Йўқ-йўқ, — деди уста, — ўзим, бир қошиқ қатиқ...

У Самад тутган қатиқдан икки-уч қошиқ ичди. Муздай қатиқ, назарида, худди жиз-жиз куйиб турган жойига бориб тегди-ю, ором берди. У ўзини ёстиққа ташлаб кўзларини юмганди, Самад энгашганини сезиб, қайта очди.

— Хўп булмаса, уста ака, — деди Самад, — яхши ётиб туринг...

— Барака топ, болам.

— Рангингиз анча яхши. Умуман... у ёққа кўп шошаверманг, уста ака. Ҳали қиладиган иш кўп-а, ўзингиз биласиз-ку?

Самаднинг кулимсираганини кўриб, уста ҳам жилмайди. Сўнгра яна кўзини юмди.

«Кўп бамаъни йигит. Ишқилиб, умри узоқ бўлсин! Шу раис бўптики, колхознинг иши юришиб, турмуш пича тузалди. Ташвиши бошидан ортиб ётибди-ю, ҳар кунни жилла булмаса, кун ора бир келиб хабар олиб кетади...»

Уста ўз ўйлари билан бўлиб, кўзи илинганини пайқамай қолган экан, бир маҳал Абдуллажоннинг овози қулоғига чалингандай бўлиб, уйғониб кетди.

Ўрнидан кўзгала бошлаганди, остонада Абдуллажон кўринди.

Устанинг ўзидай, балки ундан ҳам озгин, новча,

шунчалик новчаки, ягриндор бўлишига қарамасдан, хипча, ҳатто нозик кўринади. Калта қирқилган, аммо қалин қора соқолли, учлари сагал олифталик билан буралган мўйлови юзининг чузиқлигини билинтирмайди.

— Уйғоқмисиз, дада? — овози бўғиқ, аммо мулойим.

Уста бошини қимирлатди. Абдуллажон четроқдаги стулни каравотнинг ёнига суриб утирди, энгашиб суради.

— Қалай, тузукмисиз, дада?

— Худога шукур...

— Огриқ, босилай дедими?

— Огриқ... — деди уста. — Шу гап кимга керак, болам?

Абдуллажон тирноқлари синиб, ёрилиб кетган узун бармоқлари билан мўйловининг учини тугрилаб, кулимсиради. Шунда худди раҳматлик онасиникига ўхшаган қуралай кўзлари ҳам кулди-ю, чеҳраси ёришиб кетгандай туюлди. Шу сабабданми ё бошқами, устанинг ниҳоятда кўҳлик, хушбичим эканини, қирқдан ошганига қарамасдан ҳали жуда ёш кўринишини кўнглидан кечирди. Уста ўзи ҳам шундай бўлган — эллик ёшида уни ўттиз беш-қирқ яшар деб ҳисоблашарди.

Абдуллажон ҳисобот бера бошлади.

— Бугун, ниҳоят, бинонинг устини ёпиб бўлишди. Аммо, на шифер, на тунука топилмагани учун қора қоғоз билан ёпишди. Эрталаб, эҳтимол ганч сувоққа киришсалар.

Бунинг ҳаммаси деярли маълум гаплар эди. Лекин уста одатда унинг бу гапларини зўр эътибор билан эшитар, маслаҳатлар берар, гоҳ койинар, гоҳ қувонарди. Бугун эса, гарчи Абдуллажонни ҳар кунгидай сабрсизлик билан кутган бўлса ҳам, унинг гапларига одатдагидай эътибор қилмас, гапидан ҳам кўра кўпроқ нигоҳини, худди кампириникига ўхшаш қуралай кўзларидаги илиқ, майин табассумни кузатиш билан банд эди.

Улар йигирма беш йилдан бери ёнма-ён меҳнат қиладилар, аммо уста шу бугунгача унинг нақадар хушбичим, мўмин-мулойим бир йигит бўлганини сезмабди! Бирор марта унинг чеҳрасига суқланиб қарамабди, ишидан, гап-сўзларидан миннатдор бўлиб: балли, болам, демабди!..

Йуқ, бу фикр ҳозир устанинг дилига азоб бераётга-

ни йўқ, у шунчаки, буни пайқамаганига ажабланыпти, ҳатто бу кашфиётидан қувоняпти...

Абдуллажон гапириб бўлди, йўқми уста буни англай олмай қолди: уйга катта келин Гулжаҳон кирди.

Уста унга кўзи тушган ҳамон қандайдир қимтиниб, безовталаниб қолди. У бир ойдан бери ҳаммадан кўра шу келинидан тортинар, ҳатто виждонан эзиларди. Ёш аёл унинг қуриб-қовжираб қолган суякларини кўриб, таъби хира бўлишидан қўрқар ва иложи борича уни ташвишлантирмасликка ҳаракат қиларди. Буни Гулжаҳоннинг ўзи ҳам сезса керак, эшиқдан кирган жойида тўхтади: буйи новча бўлса ҳам, эрига ўхшаган яғриндор, ҳатто қўллари ҳам Абдуллажоннинг қўлларидай катта-катта, меҳнатдан дағаллашиб, қотиб кетган. Фақат чакка суяклари туртиб чиққан озгин, юмалоқ юзи мулойим, алақандай тиниқ, қўй қўзларидан меҳр ёғилиб турибди.

— Келди-кетди билан бўлиб, сизга қарай олмадим, тузукмисиз, дада?

Уста сийрак, оппоқ қошларини чимиради, бошини чайқайди.

— Раҳмат, болам, ишингни қилавер, сенгям қийин бўлди...

Гулжаҳон рўмолининг учини узун бармоқларига урайди, секин энтикади.

— Менга нимага ҳам қийин буларди, дадажон, ишқилиб сиз... Худо сизга шифо берсин... — У нажот сураган назар билан Абдуллажонга қарайди:

— Ақали бир-икки қошиқ ош ичинг, дада, қатиқлаб берай, мадад бўлади.

— Майли, — дейди уста, — куп эмас...

Унинг овқатга тоби йўқ, аммо Гулжаҳоннинг кўнглини қолдиргиси келмайди...

Эр-хотин секин уйдан чиқишади.

Гулжаҳоннинг келин бўлиб тушганига йигирма йил бўлди. Аммо уста унинг лоақал бир кун тиниб-тинчиганини билмайди. Йигирма йилдан бери ҳам унинг, ҳам даланинг ишини утайди. Ҳар куни эрта наҳорда туриб, ярим кечада ётади. Кампир раҳматлик кўзини юмибдики, бутун рўзгор, ҳатто Нодиржоннинг қизи ҳам унинг зиммасида. Шундай бўлса ҳам уста на бир марта унинг турмушдан нолиганини эшитди, на бирор муносабат билан қовоғини солганини кўрди. Аммо уста энди уйлаб қараса, унга жабр бўлибди! Абдулла-

жонга айтиш керак: жонига ора кирсин, у ёқ-бу ёққа олиб борсин...

Уста Абдуллажон келтирган угра ошдан икки-уч қошиқ ичиб, қайтариб берди. Абдуллажон косани четга суриб, сунгра қулини устанинг қулига қўйди.

— Нима буляпти ўзи, дада? Шаҳардан тунов кунги докторни чақиртирсакмикин?

Уста бошини чайқади:

— Бор, — деди у, — дамингни ол, бугун анча тузукман, дармоним йўқ, холос.

Йўқ, уста Абдуллажонни авраётгани йўқ, дард, оғриқ чиндан ҳам деярли тўхтаган, фақат беҳол эди.

Ниҳоят, у уйқуга кетган бўлса керак, туш кўрди. Гуё меҳмонхонанинг ёнида яна бир ҳужра қура бошлаган эмиш. Уни уста гуё кампир иккисига мўлжаллаган, қариган чоғимизда осойиштароқ кун кечирайлик, деб уйлармиш. Шунинг учун ҳам кеча о кундуз ҳордиқсиз ишлар, ўзиям жуда чарчаган эмиш.

Бир маҳал қўлида тугун, ҳужрага кампир кириб келганмиш. Эғнида кўк кўйлак, бошида кўк рўмол, кўзларига ҳам ғалати кўк сурма қўйганмиш.

— Шу ҳужрага жуда шошилдингиз-да, дадаси, — дермиш у бошини ғамгин чайқаб. — Олдин болаларни уй-жойлик қилиб, кўнглини олсангиз дедим.

Уста мўйловини силаб кулармиш:

— Қачонгача бола-чақани деймиз? Ўзимизниям бир уйлайлик-да... Сенга яқинроқ бўлай деб қурыпман буни!

Уста бу гапни ҳазил қилиб, кўзларини ғалати қисиб айтармиш. Шундан кейин кампир ёшлигидаги истараси иссиққина келинчак қиёфасига кирганмиш ва устандан уялган бўлиб юзини ўтирармиш:

— Қўйинг, ҳар нимани гапираверманг, — дермиш у ва ташқарига шошилармиш.

Уста уни тўхтатмоқчи бўлиб интилармишу, аммо ўрнидан қўзғалолмас эмиш... Уста уйғониб кетди.

Кун чиқмаган бўлса ҳам меҳмонхона ёп-ёруғ, кучадан подачининг: «Ҳей, ҳайда!» деган овози эшитилиб турарди.

Устанинг нафаси бўғилган, дармонсизланган эди. У бир дақиқа қўй-қўзиларнинг маърашига қулоқ солиб тушини уйлаб ётди. Шу пайт рўпарасидаги деразанинг орқасидан икки кишининг паст, аммо асабий товуши қулогига чалинди.

— Сиз масалага тушунмадингиз!

«Нодир!» — хаёлидан утди устанинг.

— Ўзи тушунмайдиган гап бўляпти-да, ука, ахир кўриб турибсан-ку!

Бу Абдуллажоннинг овози эди.

— Кўриб турибман. Аммо сиз ҳам бир мулоҳаза қилиб кўринг, ахир: башарти шу сафар ёқлаб олмасам, олти-етти ойга сурилиб кетади бу савил.

— Сурилса нима бўпти? Дадамиз бу аҳволда ётган-да...

— У киши яна бир йил шу кўйда ётишлари мумкин. Биламан бу дардни.

— Ҳар қанақа олим бўлсанг ҳам шу сафар пайгамбарлик қилма, ука.

— Майли.

Нодирнинг овози бирдан ўзгарди, худди кўнгли озор чеккан ёш боланинг овозидай титраб кетди...

Уста кўзини секин юмди... Қани энди бу овозни эшитмаса, билагида қуввати бўлса-ю, тескари ўгирилиб ётса. Аммо ўгирилиш у ёқда турсин, қимир этишга мажоли йўқ, асабий овоз эса тобора баланд пардаларга кўтарилмоқда эди.

— Майли, танаси бошқа дард билмас, деб бекор айтмабдилар. Аксинча, наҳотки, менинг бутун келажагим, ҳаёт-мамотим шунга, фақат шу нарсага боғлиқ эканини тушунмасаларинг? Бу ишнинг юзага чиқиши фақат мен учун эмас, ҳаммамиз учун катта бир обрў бўлишини айтмай қўя қолай (бунга барибир тушунмайсиз!), пул деган савил ҳам бир неча марта ошадику: ошса зарар бўлмас дейман? Сизларгаям нафимиз тегармиди дейман?

— Раҳмат. Шу кунимизга ҳам шукур.

— Ана! Тагин пичинг отадилар.

— Хуп, — тўсатдан Абдуллажон бўғиқ йутади. — Аммо шуни билиб қўйгинки... ўзинг уятга қоласан, — деди у, — одамларнинг гап-сўзи...

— Мен мешчанлик ботқоғига ботиб қолган чиркин одамларнинг гап-сўзини сариқ чақага ҳам олмайман, ҳа!

Бир дақиқа галати жимлик чўкди, сўнгра Абдуллажон:

— Шунақами? — деди секин. — Майли бўлмаса, ўзинг биласан...

Овозлар тинди, вазмин қадамларнинг «гурс-гурс»и эшитилди...

Устанинг кўзи секин очилди. Назарида, ҳамма ёқ

сув қуйгандай жимжит, ҳовлида тирик бир жон қолмаган эди.

«Нодирмиди у ё уста янглишдими? Наҳот Нодир, унинг кенжатоёи, эркаси, фахри — Нодир шу гапларни айтса?...»

Уста нимадир томоғидан қаттиқ бўғганини, икки томчи илиқ кўз ёши чуқур ботган ёноқларига юмалаб тушиб, соқолига сингиб кетганини ҳис этди...

«Бу... сенга нима бўлди, қария?» — деди уста, лекин худди шу саволини кутиб тургандай, кўз ёшлари соқолига оқиб туша бошлади. Назарида, бошига оғир мушкул тушган маҳалда ҳам бунчалик эзилмаган, хўрланмагандай эди. У умрида биринчи марта шундай йиглаши эди, айни маҳалда кўз ёши оғриган кўнгилга тасалли беришини ҳам биринчи дафъа ҳис қилиши эди...

Ҳар ҳолда бир оздан кейин Абдуллажон кириб келганида, уста уни одатдаги қиёфада қарши олди, сўнгра ишга боришга ижозат этди-да, Нодирни чақириб юборишини илтимос қилди.

Абдуллажон бир дақиқа қошларини чимириб, савол назари билан тикилиб қолди. Кейин индамай чиқиб кетди-да, ҳиёл ўтмасдан Нодирни бошлаб кирди.

Нодирнинг эғнида ипак пижама, оёғида уша шиппак, фақат кечаси яхши ухламаганми ё кечқурун ичкилик қилишганми, ишқилиб, қовоқлари шишинқираган, кузлари ҳам кичрайганга ухшар, ранг-руйи ҳам қандайдир тунд эди.

— Қани, утир, утирларинг-чи, — деди уста, — бир оғиз гапим бор...

Нодир Абдуллажоннинг ёнидаги стулга утираркан, унга ер тагидан бир қараб қўйди.

Уста бир оз сукут сақлаб узини босиб олди.

— Мен бугун анча тузукман, — деди у ниҳоят, — уйқум тинч бўлди, оғриқ ҳам қўйди ҳисоб... Сен долзарб маҳалда келганга ухшайсан, — уста кузларини секин очиб, Нодирга тикилди. Нодирнинг узун, қийғир бурни бирдан ялтиллаб кетди. У шошиб рўмолчасини қидира бошлади.

— Йўқ, гап унда эмас...

— Мен... иккаловингдан ҳам розиман. Сен ҳам рози бўл, болам... — Уста кўзини юмди. Ўртага оғир сукут чўқди, сўнгра Нодирнинг бўғиқ овози эшитилди:

— Иш бўлса, бир гап бўлар... Сиз бу аҳволда ётганда...

Уста кўзини қаттиқроқ юмди, ҳа́во етишмаётгандай булиб, чуқур тин олди.

— Аҳволим... Аҳволимга нима бупти? — деди у. Бу дард ўзи шунақа: бир йилга чўзилса ҳам ажаб эмас...

Нодир кўзларини отасининг юзидан узиб, очиқ деразадан боққа қаради.

«Бу бобой нима демоқчилар ўзи? Ё унга пичинг отмаган энди шу киши қолганмиди?» — Нодирнинг юзига қуйилган қирмиши бўёқ секин тарқади». — Ҳа, булар учун, бутун қишлоқ учун у катта олим, турмушда камкусти йўқ. Мана, тўрт йил буптики, бир кун тиниб-тинчимасди. Кундуз диссертация устида тер тукса, кечалари чакана иш олди: мақолалар ёзди, кечки мактабларда дарс берди. Фақат тирикчилик тебратиш, инсонга ухшаб кун кечириш учунгина қилди бу ишларни.

Рост, бобой ҳам ёрдамлашиб турди унга. Буни Нодир инкор этмайди, инкор этиш адолатдан эмасди, аммо унинг ёрдами Нодир учун, ёш оила учун мисоли, дарёдан томчи эди, холос! Буни на ота тушунди, на ака, Нодир ўз ёғида ўзи қовурилди. Ниҳоят иши юришиб, эрта-индин ёқлаб мен ҳам ёруғликка чиқаман деб турганда бундай бўлди!..

Албатта, бобой журтгага касал бўлгани йўқ. Лекин...

Майли, нима дейишса ҳам ихтиёр ўзларида. Фақат... кўнгида уйғонган тугёнга йул бермаслик керак, холос... Жаҳл чиққанда ақл қочади дейдилар. Индамай энгиш керак буларни!»

Уста бошини секин иргатди:

— Бас. Гап шу. Рози бўл, болам! — деди у эшитилар-эшитилмас, кейин бошини қуйи солиб ўтирган Абдуллажонга юзланди:

— Келинга айт, менинг яктагим билан ҳассамни берсин...

Уста бир неча дақиқа кўзларини юмиб қимир этмай ётди: у Нодир чиқиб кетишиниям-кетмаслигиниям билмай ўтирганини сизди, аммо чурқ этмади, зотан чурқ этишга мажоли ҳам йўқ, дилида уйғонган зўр галаён билан олишмоқда эди.

Ниҳоят, Абдуллажон, унинг кетидан Нодир ҳам кўзгалди.

— Майли, ишқилиб, омон бўл! — деди уста энтикиб.

Бир оздан кейин «шип-шип» этган овоз эшитилди. Уста Гулжаҳонмикин деб ўйлади, бироқ оёқ товуши



ниҳоятда энгил эди. Шу пайт кўзи яктагини стул суян-чигига илаётган қўлларга тушди: бу қўллар, тилла зан-жир чуқур ботган юм-юмалоқ билаклар оппоқ пуфак-ка ўхшарди.

Уста кўзини юмди. У урнидан туришга аҳд қилган-ди. Туришга мадори етармикин? Аммо турмаса Нодир кетмайди, негаки боя уста қанча уринмасин, гапи ҳиёл илмоқли чиқди чамаси, довдираб қолди.

Довдирамасин! Иши шунчалик зарур экан, бора-версин. Унинг тобути устида бир одам ортиқ булди нима-ю, кам булди нима?

Уста оёқларини қимирлатиб кўрди, худди чўян! Гуё белидан юқори томонида жон бору пастида жон йўқ!

Аммо туради, чўян тугул симобдан ясалган бўлса ҳам туради у.

Уста қўлларига бутун кучини тўшлаб, тирсақларини каравотнинг четларига тиради, сўнгра тишини тишига қўйиб, қаддини тутиб утирди. Нафасини ростлагач, чойшабни очиб, оёқларига қаради, қаради-ю, кўзлари-да илиқ табассум пайдо бўлди: ахир, наҳотки унинг оёқлари шунчалик узун, бесунақай, хунук бўлса-ю, у ҳеч қачон буни сезмаган бўлса!

Ниҳоят, уста қўлларини каравотга тираб секин ту-ра бошлади, аммо энди қаддини ростлаб олганида, тўсатдан, кечадан бери тинчиб қолган типратикан, назарида, уйғониб кетди-ю, бир ағдарилди.

Уста кўзларини юмганича қотиб қолди. Ҳайрият, типратикан фақат бир ағанаб тинчиди...

Эгнида узун яктак, қўлида ҳасса — уста тўсатдан ҳовлида пайдо бўлганида ҳамма, ҳатто ёш болалар ҳам бирдан жим бўлиб қолишди.

Уста ҳассага суянганича кўзларини юмиб айвонда анча турди.

Ҳовли гарчанд қуюқ сояга чўмган бўлса ҳам жуда ёруғ кўринди унга. Дарахт япроқлари гуё гард юқма-гандай тиниқ, ям-яшил эди. Айвоннинг олдидаги, сўри-нинг теварагидаги ҳар бири пиёладай атиргуллар эса шундай очиқ қизил рангга бўялган, хиналар шундай нафис пушти рангга чўмилган эдики, дилини равшан қилиб юборди унинг!

Ҳаммадан олдин болалар шов-шув кўтаришди. Улар еб утирган қаймоқларини ташлаб чопиб келишди. Фи-руза устанинг оёғини қучоқлаб тиззасига юзини иш-қалади. Ошхонадан икки коса овқат кўтариб чиққан

Гулжаҳон, севинганидан, овқатни қаёққа қўйишини билмасдан қолди.

— Вой, улмасам, нима бўлди, дадажон, ё ҳовлига жой солиб берайми? — деди у устага гирдикапалак бўлиб.

Ниҳоят, сўрида кичик келин билан нонушта қилиб утирган Нодир ҳам етиб келди:

— Ие, бу қандоқ бўлди, бобой? Туриш ман қилинган эди-ку сизга?

— Сен қачон кетмоқчисан? — деди уста унинг сўзини бўлиб.

Нодир елкасини қисди, унғайсизлангандай жилмайди.

— Билмадим энди, сиз бу аҳволда...

— Аҳволимга нима бўпти? Айтдим-ку тузукман деб! Мана... Шифохонага боряпман... бир хабар олиб келмоқчиман...

Нодир яна унғайсизланиб кулимсиради.

— Қайдам. Боя раисдан машина сўрагандик. Аммо, тўгрисини айтинг: мабодо ҳалигидақа... Сиз турганда ҳар қанақа иш бўлсаям!

Нодир сўздан адашиб, дудуқланиб қолди. Уста секин ерга қаради:

«Машина сўраб қўйиб, тагин бу гапни айтасанми, болам?»

— Хўп, мен кетдим, меңдан хавотир олма, — деди уста. — Кўриб турибсан, тузалиб қолдим.

Уста бошини кўтарди, назарида, тўсатдан иликларига қандайдир бир куч қўйилиб келгандай, ҳатто чўяндай оёқлари ҳам енгиллашгандай туюлди унга.

Қуёш терак бўйи кўтарилган бўлса ҳам кўча салқин, деворлардан осилиб тушиб, чирмашиб кетган олча ва гилослар ажойиб бир чодир ҳосил қилган.

Олчалар териб олинган, ўриклар ҳам хазон бўлган, фақат чанг япроқлар орасида чуғурчуқ чўқиган ва туршак бўлиб қорайиб қолган мевалар кўзга чалинади.

Уста гузарга буриладиган жойга етганида, чап қўлдаги боғ эшикдан катта саватда олма кўтарган бир кампир чиқди. Устани кўрди-ю, саватини ерга қўйиб йиглаб юборди:

— Вой, айланай, уста акажон, тузалиб кетдингизми?

Уста аёлнинг ажин босган озгин, қорамағиз юзига, ёш билан пардаланган нурсиз кўзларига хиёл тикилиб турди-ю, тўсатдан, уруш тамом бўлган йили кузда,

биринчи ёмгирдан кейин бу жувон эрталаб унинг олдига йиглаб келганини, ёмгирда уйининг бир томон девори қулаб тушиб, тўрт боласи билан кучада қолганини гапириб бергани эсига тушди.

Уста ўшанда, гарчи совуқ тушган бўлса ҳам, пахса девор олиб уйини тузатган, томини ҳам суваб берганди.

«Ўшанда хўп бамаъни иш бўлган экан, савоб иш...» — ўйлади уста аёлнинг фронтда дом-дараксиз кетган эри ҳам ёдига тушиб...

Шу булди-ю, уста йўл-йўлакай ўзи қурган уйларни кўздан кечириб кетди. Санаб қараса, гузарга етгунча ўн олтита уйни ўз қўли билан қурган экан.

Бу уйлар сал илгарироқ солинган бўлиб, кўпчилиги қамиш билан ёпилган, аммо шундай бўлса ҳам мустаҳкам, яна юз йил турадиган, ихчам, хушбичим бинолар эди! Ҳозир одамлар қамишни менсимамай қўйишди, томини шифер, ҳатто тунука билан ёпишади, эликдан ортиқ хонадон шунақа янги уйларга кучиб ўтишди. Бу уйларни ҳам, ярмини деса лоф урган бўлар, учдан бирини Абдуллажон билан бирга уста қурган!

Ҳа, уста қурилишни севарди! Бундан беш йил муқаддам бир кунда беш минг гишт терган пайтлари бўлган!.. Гоҳо йигитлардан иккитаси унга гишт ташлаб етказа олмас, уста эса уларни шундоқ илиб оларди-ю, териб кетаверарди. Гишти ҳам айни кўзлаган жойига бориб тушаверар, унинг бу ишини томоша қилгани манман деган усталар келишарди...

Гузардаги анҳорнинг бўйида мажнунтоллар орасига яширинган шинамгина чойхонадан йигитларнинг хушчақчақ қаҳқаҳаси эшитиларди. Улар устани узоқдан кўриб қолиб, «гур» қўзғалиб, пешвоз чиқишди. Таниш чойхоначи, шошганидан бўлса керак, чойнағини ҳам қўймасдан югуриб келди.

— Э, вой, уста акамларми? Бормисиз? Балли сизга, балли!..

Уста бутун оғирлигини ҳассага ташлаб мажнунтолнинг тагида (бу толнинг соясида не-не гулгун суҳбатлар ўтганди) бир нафас турди, кўнгли, бутун вужуди билан сўрига ёнбошлаб дам олгиси келади, лекин ўтирса қайта тура олармикин, туришга мадори етармикин?

— Раҳмат! уста бошини чайқади. — Мен шифохонани бир кўрай девдим...

Қурилаётган шифохона гузардан атиги юз элик

қадам нарида эди. Бу масофа устага Маккадан ҳам узоқ туюлди. Аммо кўча юзида қад кўтарган балаңд пештоқли бинога кўзи тушиши билан бу чарчоқнинг ҳиссаси чиқиб кетди!

Шифохонанинг лойиҳасини уста ўзи чизганди. Бошда шаҳардан келган лойиҳа бўйича хоналарнинг ҳаммаси қуёшга тескари эди, сабаби — бетоблар учун соя-салқин лозим эмиш! Бўлмаган гап! Авваламбор, оламда тирик жон йўқки, унга офтоб ёқмаса, қолаверса, дард деган нарса кўпроқ қари-қуриларга ёпишади, қари одамга эса, дори-дармондан кўра ҳам кўпроқ иссиқ керак!

Ҳа, уста лойиҳани тузатиб тўғри қилган экан. Шифохона жуда серқуёш, ихчам бир бино бўлибди! Лекин устани бир нарса салгина ранжитди: қурилиш тутаган бўлса ҳам, атроф ахлатга тўлиб ётарди!

Уста бунни Абдуллажонга айтишга аҳд қилди, аммо кириб бориши билан қурилишда шундай шов-шув кутарилдики, уста уйлаган гапларини ҳам унутди.

Илк таажжуб ва шодлик хиёл босилиб, ҳолаҳвол сўрашиб бўлганларидан кейин, уста ичкарига кирди.

Одамларнинг самимий қувончи сабаб бўлдими, ё бинони кўриб кўнгли кўтарилиб кетдими, ишқилиб чарчоқ тарқаб оёқларига қувват киргандай туюлди-ю, хоналарни битта-битта айланиб чиқди. Иш кеча Абдуллажон айтгандек борар — ҳамма хоналар сомрон сувоқдан чиқарилиб, ганч сувоққа киришилган эди.

Сомон сувоқ чакки бўлмаган: фақат бир-икки хонанинг бурчаклари нотекисроқ чиққанди. Бунинг сабаби — газчўп ишлатишни яхши билмасликда эди. Уста бунни айтмоқчи ҳам бўлди-ю, кейин бу уйдан қайтди, чунки нотекис жойларни ганч сувоқда тўғрилаб юбориш қийин эмас эди, қолаверса, уста умуман камчилик қидиришни ёқтирмас, бунни «қарилик касали» деб биларди.

Уста хоналарни айланиб бўлиб, ташқарига чиққач, ҳамма унга жимгина тикилиб қолганини кўриб, шогирди Комилжонга юзланди:

— Раҳмат! — деди секин, сўнгра чуқур нафас олиб қўшимча қилди: — Кўп яхши иш бўпти, балли, азаматларим!

Уста азалдан шогирдларини кўп мақтамас, мақтагиси келганда: «Балли, азаматлар!» деб қўярди. Аммо бу икки оғиз сўз шогирдларига гўё қанот боғларди. Бу

сафар ҳеч ким чурқ этмади. Уста одамларнинг юзига яна бир бор қаради-ю, дарҳол тушунди: афтидан, унинг аҳволи яна ҳам оғирлашганга ўхшайди...

— Машина чақиртирайми, дада? — деди Абдуллажон. Уста бошини чайқади.

— Йўқ, асло!

— Булмаса утиринг, бир оз дамингизни олинг, устоз.

Бу гапни Комилжон айтди, аммо уста яна бошини чайқади.

— Йўқ, ўзим аста-аста... — деди у, кейин атрофини ураб олган одамларга тикилди.

— Мен розиман, чироқларим, — уста энтиқди. — Рози бўлинглар...

— Розимиз, минг марта розимиз, устоз...

Бурилаётиб бир неча киши ганч юқи қўллари билан кўзларини артаётганларини кўриб қолди. Абдуллажон билан Комилжон орқасидан баравар эргашганларини сезиб, тўхтади:

— Хотиржам ишлайверинглар мен ўзим аста-секин етиб оламан...

...Уста ҳовлига етганида, ҳолдан тойган, зўрга турарди. Эшик олдида раиснинг «Волга»си кўринар, афтидан, Нодирлар жўнаб кетаётган бўлса керак, қуниқушни, хотин-халаж йиғилган эди.

Уста етиб борганида, ичкаридан нимагадир қизариб кулган келини билан Нодир, уларнинг кетидан катта тугун кўтарган Гулжаҳон чиқди.

Устани кўриб ҳамма, ҳатто «Волга» теварагида қийчув қилишаётган болалар ҳам бирдан жимиб қолишди.

Нодир «бобой» юзма-юз келишини кутмаган эканми, уни кўриб довдираб қолди.

— Қалай, бобой... чарчаганга ўхшайсизми?

Туладан келган қип-қизил юзини тер босиб, чуқур ботган кўзларида изтиробга ўхшаш бир ифода жилва қилди.

Йўқ, устанинг ундан ранжиши адолатдан эмас! У ҳам одам! Афтидан, у ёқдаги иш ниҳоятда зарур бўлса керакки, ўзиям ҳижолат чекапти!

— Ҳа, чарчадим... Чарчадим, холос. — Уста четроқда турган ва энди қандайдир жимиб, бошини эгиб қолган келинга бир қараб қўйди. — Хайр, омон бўл, болам, омон бўл, болам, омон бўлинглар...

Ҳовлининг сатҳи кўчага қараганда бир оз баланд. Ишқилиб, йиқилиб тушмаса бўлгани. Йўқ, хайрият

йиқилмади. Мана сури. Яна олти-етти қадам босса — айвон. Устунга суюяиб хиёл дам олиш мумкин... Ажабо: худди оёқлари йўққа ўхшайди. Аммо, оёқлари бўлмаса ҳам босиб ўтади шу масофани! Ҳеч кимнинг ёрдамисиз, фақат ҳассага таяниб ўтади бу масофани!

Ҳа, ҳаракатда баракат деб бежиз айтмаганлар! Мана, уста каравотининг олдида турибди. Барака топкур Гулжаҳон тўшагини янгилаб, ёстиқларини тўғрилаб қўйибди.

Уста бир амаллаб яктагини ечди, ҳассасини четга суюб қўйди. Сўнгра худди жазирама ёз куни сувга шўнгиган одамдай, роҳат билан, бўлакча бир лаззат билан тўшакка секин чўзилди...

...У вақт ҳисобини билмай қолди, бир ўйида кўзи илингандай, бир ўйида хушдан кетгандай туюлди унга, ўзига келиб кўзини очганда эса, назарида, қўл-оёғидан айрилгандай эди! У тўсатдан умри тугагани, эҳтимол, шу кечадан ўтмаслигини, балки ундан ҳам олдин жон таслим қилишини тушунди. Аммо бу фикр унинг дилида на қўрқув, на бир афсус уйғотди! Аксинча, кўнгли осойишта, дили равшан эди. Унинг қалбидаги бу туйғу кун бўйи қаттиқ ишлаган ва ўз ишидан мамнун бўлган одамнинг уйқуга кетиш олдида ҳис этадиган кечирмаларига ўхшарди!..

Хаёли худди қўқон араванинг гилдирагидай вазмин ва секин айланарди: ҳа, у энди кампирнинг қошига боради! Уста унинг қабри ёнидан алақачон ўзига жой танлаб қўйган.

Бу уй, кампирнинг ёнига бориш фикри, кўнглига бўлакча ором бергани учунми, уста бу ҳақда узоқ уйлади, сўнгра, ўзиям сезмасдан хаёли яна қурилишга кетди...

У эсини танибдики, усталик қилади. Аммо ҳеч қачон, ҳатто донги узоқларга кетганда ҳам нафсга берилган эмас, бир кўнлик иш ҳақини эски пул ҳисобида етмиш беш, янги пул ҳисобида етти сўм элик тийиндан оширмади. Ҳатто турмуш анча яхшиланиб, қурилиш авж олиб номига уста одамлар кунига юз-юз элик сўмга чиққан маҳалда ҳам уста ўз аҳдидан қайтмаган, фақат ўзи эмас, Абдуллажон, ҳатто шогирдарининг нархини ҳам шундан оширмаган эди.

Бунинг учун кўплар устани «ғалати одамга» чиқаришган, аммо уста ўз йўлидан сира қайтмаганди. Негаки, у бир нарсага амин эди: бурунги замонда, энг яхши устанинг нархи бир пуд буғдойдан ошмас эди, ҳозир

етти ярим сўмга қанча бугдой беради — тўрт ярим пудми? Ҳа, балли, инсоф қани, азизим? — дерди уста ўзича...

Ҳа, уста буни жуда тўғри қилган экан, мана, ўлим тушагида ётиб билипти — жуда тўғри қилган экан...

Уста уз хаёллари билан банд бўлиб, унча пайқаманган бўлса керак, кеч кирганини, Абдуллажон кириб келганини билди.

Уста унга кўзи тушди-ю, назарида, ичига яна чироқ ёқилгандай бўлиб, дили ёришиб кетди! Ҳа, Абдуллажон унинг ўзига ухшайди, худди ўзгинаси!..

Абдуллажон стулни суриб ўтирди-да, одатдагидай эгилиб сўради:

— Қалай, тузукмисиз, дада?

Уста бошини қимирлатди, ўзича жилмайган бўлди: «Раҳмат, болам, тузукман...» Сўнгра:

— Болаларни олиб кир, кўрай, — деди секин.

— Дада, — деди Абдуллажон. Бироқ кўзи отасининг кўзи билан учрашди-ю, индамай чиқиб кетди.

Бир оздан кейин Фирузани кутариб қайтиб кирди, кетма-кет иккита ўглини етаклаб олган Гулжаҳон кўринди. Унинг киприклари орасида дўланадай-дўланадай ёш томчиларини кўриб, устанинг кўнгли эриди:

«Умрингдан барака топ, болам!» — деди ўзича.

Уста невараларига бир нафасгина тикилиб ётди, кейин кўзи билан имо қилди: «Бўлди».

У невараларидан мамнун эди. Фақат бир нарсадан рози бўлмади: Нодирнинг қизи ниҳоятда озода кийинган, ўзиям Абдуллажоннинг тиззасидан тушмас, афтидан, жуда эркатоё эди. Гулжаҳоннинг икки ўгли эса, юпунроқ кийинган, яланг оёқ, яланг бош эди.

Абдуллажон қайтиб киргач уста ўзига имо қилди:

— Болалар... — деди энтикиб, — ҳаммасига бирдай қаранглар. Баравар кўринглар уларни... Уқдингми?

— Тушундим, дада.

— Кейин ҳалиги... Гулжаҳонни ҳам қадрини бил... Унга жабр.

Абдуллажон бошини эгиб маъқуллади.

— Домла келдилар, Азиз ака, — деди у, — кирсала майлими?

— Майли.

Уста бу кекса ўқитувчини яхши кўрарди. У жуда содда, ниҳоятда оқ кўнгил бир одам эканини биларди.

Азиз домла кириб Абдуллажоннинг ўрнига ўтирди. Лабларини тез-тез артиб, устага энгашди.

— Қалай, тузукмисиз, уста ака?

Уста кўзлари билан ташаккур билдирди: «рахмат».

Домла бошини секин чайқади.

— Нодиржон... кетиб қолибди-да! — Унинг овози қалтираб кетди.

— Ҳа, кетди, — деди уста эшитилар-эшитилмас бир овозда. Уста бу сўзни астойдил, чин кўнгилдан айтди, аммо шундай бўлса ҳам, тўсатдан нимадир томоғини гип бўғди-ю, кўзлари жиққа ёшга тўлди, сўнгра Азиз домла ҳам рўмолча қидириб қолганини кўриб, ўзини босишга ҳаракат қилди:

— Майли, омон бўлсин...

Шу гапдан кейин уста, назарида, бир зум кўзи илиниб кетгандай туюлди. Кўзини очганида домланинг ўрнида Самад ўтирар, унинг ёнида соқолини тутамлаб Абдуллажон турарди.

Уста кўзини очганини кўриши билан Самад унга томон талпинди, қўлини қўлига қўйди:

— Сизга нима бўлди, уста ака? — деди у. — Мен правлениенинг қарорини олиб келдим. Шифохонани сизнинг номингизга қўядиган бўлдик. Тўйингизни қиламиз ҳали, қаёққа шошасиз, уста ака?..

«Номингизга қўйдик... Кимга керак бу?»

Уста Самаднинг кўзлари ялтиллаб кетганини кўриб бор кучини тўплади, ўнг қўлини кўтариб елкасига қўйди:

— Сен мени қўявер, — деди титроқ бир товушда. — Халқни ўйла, болам. Ёш бўлсанг ҳам шу халққа ота булдинг, халқни ўйла. Бева-бечоралар бор, ушаларни ўйла, болам, ушаларни...

У ҳолдан кетиб, индамай қолди, ёнига тиз чўккан Абдуллажонга сўнгги марта қаради:

«Раҳмат, болам, рози бул!» — деди заиф овоз билан.

...Устани кампирнинг қабри ёнига, узи ҳаёт вақтида белгилаб қўйган жойга кўмдилар. Кўмиш маросимига бутун қишлоқ кўчиб чиқди, атроф қишлоқлардан ҳам жуда кўп одам келди, фақат бир киши — Нодир бўлмади, лекин унинг йўқлигини ҳеч ким сезмади ҳам.



## ПИРИМҚУЛ ҚОДИРОВ

(1928)

Ўзбек насрининг йирик намояндаларидан бири Пиримқул Қодиров 1928 йили Тожикистон Республикасининг Ғратепа туманидаги Кенгйул қишлоғида таваллуд топди.

Пиримқул Қодировнинг урушдан кейинги хўжаликни изга солиш йилларида жамоа хўжалигидан бошланган меҳнат фаолияти йўл қурилиши, сўнг Бекобод металлургия заводида ишлаш билан давом этди.

1951 йили Тошкент Давлат дорилфунунини тугатиб, М. Горький номидаги жаҳон адабиёти институтининг аспирантурасига кирди. «Абдулла Қаҳҳорнинг урушдан кейинги ижоди» мавзусида номзодлик илмий ишини ҳимоя қилди.

1963-1976 йилларда Ўзбекистон Фанлар илмий академиясининг Тил ва адабиёт институтининг катта илмий ходими вазифасини бажарди.

Адиб ижодининг дебочаси талабалик йилларида эълон этилиб, толиби илмлар ҳаётини, уларнинг ички оламини бадий баён қилган. «Студентлар» ҳикояси 1950 йилда босмадан чиқди. Кетидан «Жон ширин», «Кайф», «Олов» ҳикоялари, «Беш йилликлар фарзанди», «Қадрим», «Эрк», «Мерос» қиссалари, «Нажот» афсона-қиссаси, «Саргузаштлар», «Яйра институтга кирмоқчи» номли қисса ва ҳикоялар тўплами китобхонларга тақдим этилди.

«Уч иддиз», «Олмос камар» романларида адиб ижодий маҳорати чархланганлигини курсатиб, ўзбек насрини бойитди.

Олдин «Юдузли тунлар», кейин «Авлодлар дово-ни» романлари билан Пиримқул Қодиров ўзбек тарихий романини устоз Ойбеқдан кейин янги поғонага кўтарди.

Пиримқул Қодиров адабий ижоднинг бадий-оммабоп услубида ҳам қалам тебратмоқда. Унинг илк очерки «Оиламиз» 1953 йили чоп этилди. «Халқ тили ва реалистик проза», «Тил ва дил» номли илмий-оммабоп ишлари адиб-олим маҳсулидир.

Адиб сценарийси асосида зангори олов заҳматкаш-

лари ҳақида «Сенинг изларинг» бадий фильми қўйилди. Унинг асарлари жаҳон халқлари тилларига утирилган.

Адиб таржимон сифатида Л. Толстойнинг «Казаклар»ини, К. Фединнинг «Даглабки қувончлар»ини, П. Толисанинг «Из»ини, Х. Деряевнинг «Тақдир»ини она тилимизга утирди.

«Юлдузли тунлар» романи учун Пиримқул Қодиров 1982 йили Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофотига сазовор бўлди. Унга Ўзбекистон халқ ёзувчиси унвони берилган. У Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутатиدير.

## АЙИҚ ТАШВИШИ

Арчазор тоғлар ёзда жуда гавжум эди. Саратон исигида кўп одамлар тоғда салқинлаб дам олишга келарди. Денгиз сатҳидан минг саккиз юз метр баландликдаги пионерлар лагерида болаларнинг шўх товушлари янгради, музика оҳанглари узоқ-узоқларга эшитиларди.

Куз кирди-ю, тоғлар жимиб, ҳувиллаб қолди. Кунлар совигандан кейин мол-ҳоллар ҳам пастга тушиб кетди. Пионерлар лагерининг қоровули Холиқ бува куз ва қиш давомида тоғда ёлғиз қолиб жуда зерикади. Тўп бўлиб ўсган қалин зирklar панасида унинг кўк эшаги пичан кавшаб турибди. Холиқ бува ёлғизликдан сиқилганда эшагини минади-ю, тоғнинг этагида — учтўрт чақирим пастдаги қишлоғига тушиб кетади. Баъзи кечалари кампирининг олдида тунайдди. Лекин лагернинг тоғ шамолида ҳилпираб турган байроқчалари, шийпонларга киритиб қўйилган стол-стуллари, ошхона тўла идиш-товоқлари, бухгалтер «ҳаммаси мунча минг сўм туради» деб уқдириб қўйган нарсалари бобонинг кўз олдидан ўтаверади. Шунча кўп анжом сиғадиган, ёзда юзлаб болалар шовқин-сурон қилиб дам оладиган лагерь ҳозир бутунлай кимсасиз, жимжит. Борди-ю, бирорга ёмон одам бориб, стол-стуллардан энг яхшилари олиб кетса-чи? Ёки эшик-деразалардан битга-иккитасини кўчириб кетса Холиқ бува қандоқ қилади? Ахир у лагердан нимаики йўқолса ҳаммаси учун давлат олдида жавоб берадиган қоровул-ку!

Буни ўйлаган сари Холиқ буванинг хавотири ошадди, уйқуси ўчиб кетади. У тонг отар-отмас ўрнидан

туради-ю, хуржунига уч-түрт кунлик озик-овқат солади. Сунг күк эшагини халалаб, тогдаги лагерга қараб шошилади.

Тоғ томондан совуқ изгирин эсади. Лагерь тоғнинг баланд жойига қурилган. Бу ерга қиш эрта тушади, қор жуда кўп ёғади. Декабрь ойларига бориб жилгалардаги сувлар тунгиб, оқмай қолади, булоқларнинг атрофини қалин муз қоплайди.

Албатта, бундай пайтларда тоғда ёлғиз утириш яна ҳам қийин. Холиқ буванинг ўн беш яшар невараси Асқар баъзи кунлари бобосини кўргани келади. Буви си дастурхонга ўраб-чирмаб бериб юборган паловни совутмасдан етказиб боради.

Холиқ бува лагернинг дарвозасига яқин жойдаги бир уйчага печка қуриб, иссиққина ётоқхона қилиб олган. Тоғда утин кўп. Сим каравот ва кўрпа-тушак ҳам етарли. Каникул пайтларида Асқар бобоси билан шу хонада тунаб ҳам қолади.

Қиш чиқиб, март ойи охирлаб қолган кунларнинг бири эди. Кечаси Холиқ бува невараси билан энди уйкуга кетган пайтда ташқарида бир нарса шарақ этиб сингандай бўлди. Холиқ бува чўчиб кўзини очди. Ошхона томонда буш челақнинг ағанагани эшитилди. Холиқ бува «ўтри келди-ёв!» деб сакраб ўрнидан турди. Милтиқ ўқдони билан деворга илиб қўйилган эди. Бобо қоронгида пайпасланиб милтиқни тополмади, сунг электр чирокни ёқди. Асқар ҳам уйғониб, ўрнидан сакраб турди.

Холиқ бува бир стволлик эски ов милтигини шошапиша ўқлади, пўстинини елкасига ташлади, этигини пайтавасиз кийди. Асқар ҳам кийиниб, бобоснинг кетидан ташқарига чиқди.

Кеча ойдин эди. Холиқ бува милтиқни олдинга қаратиб ушлаганича лагеръ ошхонаси томон юрди. Нарироқ борганда Асқар қордаги йирик-йирик изларни кўриб қолди.

— Бобо, қаранг! — деб шивирлади у.

Холиқ бува энгашиб қаради, овозини пасайтириб:

— Кузим утмаяпти, — деди. — Қара-чи, ниманинг изи?

— Биров қордан ялангаоёқ юриб утганга ўхшайди, — деб шипшиди Асқар.

— Бе-а! Шундай совуқда-я! — деди Холиқ бува ишонмай.

Шу пайт ошхонанинг ёнидаги шийпонга тахлаб

қуйылган тумбочкалардан бирини кимдир шундай куч билан отдики, тумбочка ұттиз метрча нарига учиб бориб, қорға шақиллаб тушди ва эшиги синиб, парчаланиб кетди.

Холиқ бува узини девор панасига олди. Асқар унинг пинжиге суқилди.

— Қара-чи, шийпонда одам борми? — шипшиди Холиқ бува.

— Одам эмас! — қалт-қалт титраб деди Асқар.

У орқа оёқларида тикка турган баҳайбат катта айиқни кўриб қўрқиб кетган эди. Айиқ тумбочкаларнинг ичида болалардан қолган қанд-қурс борлигини ҳидидан сезган бўлса керак. Унинг қисирлатиб қанд чайнагани эшитилди.

Қишда қирқ кун сурункасига ухлайдиган айиқ март ойига келиб уйғониши Холиқ буванинг эсига тушди. Айиқ қалин қорнинг тагидан овқат топиб еёлмай оч қолгани ва кимсасиз лагерга озуқа излаб келгани хаёлидан ўтди.

Шу пайт айиқ тумбочкалардан яна бирини улоқтириб юборди. Тумбочка булоқ суви тошиб тўнгиган йилтироқ муз устига келиб тушди-ю, дабдаласи чиқди. Холиқ бува буни кўриб, газаби қайнаб кетди. Ахир у синган тумбочка учун бошлиқлар олдида жавоб бериши керак. У айиққа қараб:

— Уйинг куйгур маймоқ! Кет бу ердан! — деб қичқирди.

Айиқ шийпон тагидан олдинга чиқди. Бошини эгиб, кичкина қулоқларини диккайтириб, Холиқ бувага ҳамла қиладигандай таҳдидли тусга кирди. Холиқ бува милтиқни унга тўғрилади. «Отсам, бир ўқ билан йиқилмайди, ярадор бўлса, жини кўзиб, Асқар икковимизни ўлдириб кетади», деган уй кўнглига келди. Холиқ бува милтиқнинг учини юқорига кўтарди-ю, пўписа учун айиқнинг тепасидан ошириб ўқ узди.

Жимжит тоғлар бирдан гўмбурлаб кетди. Қорли ёнбағирлардан акс-садолар қайтиб, бир ўқ овози гўё йигирма-ўттизта бўлиб эшитилди. Айиқ орқасига бурилиб қочди. Лекин нарироққа борганда баҳайбат товуш билан бўкира бошлади. Бу бўкиришни эшитиб, Холиқ буванинг эти жунжикиб кетди. Оч айиқ даҳшатли бўлади. Бобо Асқарни қулидан ушлаб, қоровулхонага қочиб кирди-ю, эшикни ичидан бекитиб олди.

Парпираб ёнаётган — юз шамлик электр чирок уларнинг кўнглидаги ваҳимани хиёл босгандай бўлди.

Бундай чироқ ёниб турган уйга йиртқиш бостириб киролмайдигандай туюларди.

Холиқ бува билан Асқар кечаси чироқни ўчирмай ухлашди. Эрталаб офтоб чиққанда туриб қарашса, кеча айиқ синдирган тумбочкадан нарироқда битта бўш челақ пачақланиб ётибди.

— Уйинг куйгур-эй, буни нега пачақлабди? — деди Холиқ бува челақка ачиниш.

— Аччиги келгандир-да, — деди Асқар ва қорли ўрмонга қўрқа-писа қараб қўйди. — Бобо, у энди қайтиб келмасмикин?

— Кундуз бекиниб ётади, келмайди. Лекин оч бўлса кечаси яна келиши бор.

— Милтиқ отганингизда қўрқиб қочди-ку.

— Қочгани рост... Лекин нафс ҳам ёмон нарса-да. Маймоқ қиши билан ухлаб ётиб жуда оч қолганга ўхшайди. Аксига олиб, тоғда ҳали қор қалин... Кечаси кўрамыз-да.

Чиндан ҳам, айиқ кечаси яна келди. Лагернинг нариги четида овқат қолдиқлари солинадиган ва ерга уйиб ўрнатилган каттакон тахта қути бор эди. Холиқ бува ярим тунда ўша тахталарнинг қарсиллаб синганидан уйғониб кетди. Сунг милтиқни икки қайта ўқлаб, осмонга қаратиб отди. Лекин сарқит солинган қутиларга яқин бормади. Тонг отгандан кейин бориб қарашса, қалин тахталар синган, оғир темир қопқоқлар кучириб ташланган, билақдай йўгонлиқдаги темирлар майишган. Бултурдан қолган овқат сарқитлари ахлатга аралаштириб, тит-пит қилинган. Муздай тоғ ҳавосида бадбўй ҳид димоққа гушиллаб уриларди. Асқар бобосига таажжуб билан тикилди.

— Айиқ чириган гўшт-пўштларни қандай ейди?

— Меъдаси зўр булгандан кейин ейди-да. Айиқ ўзи тоза гўштни ҳам арчанинг тагига кўмиб, саситиб ейди. Одати шунақа.

Асқар уюм-уюм бўлиб ётган ахлатларга яна бир қаради.

— Бечора жуда оч экан-да, а, бобо? — деди айиққа раҳми келиш.

— Ҳе, бечора бўлмай уйи куйсин! Кеча челақни пачақлаб, тумбочкаларни синдирган эди. Бугун бу қутиларни вайрон қилибди. Қўйиб берса, эртага бутун лагерни валангар қилади. Ўқ отган билан қўрқмаса... Мен буни бошлиқларга бориб айтаман. Ўзлари бир чорасини топишмаса, менинг бошим балага қолади.

Лагерни қурган катта ташкилот шаҳарда эди. Холиқ бува ўша куни шаҳарга тушиб борди ва ўзига мойна тўлайдиган корхонанинг директорига бутун воқеани айтиб берди.

Олтин гардишли кўзойнак таққан директор Холиқ буванинг ҳикоясига ишонмай:

— Лагерда... айиқ? — деди. — Отажон, балки... ёмон туш кўргандирсиз?

— Э, менга ишонмасангиз, ўзингиз юринг!

— Шундан шунга-я? Кўриб турибсиз, ҳозир иш жуда кўп.

— Булмаса ишдан кейин боринг.

Холиқ бува «бормасангиз бўлмайди!» деб оёқ тираб туриб олди. Директор кечқурун ишдан кейин Холиқ бувани машинасига солиб, тоғдаги лагерга чиқиб келгунча қоронги тушиб қолди.

Машинанинг чироғи ўнгиб кетган байроқчаларга тушди. Улар совуқда маъюс ҳилпираб турибди. «Хуш келибсиз» деган катта ёзувнинг пастки қисми қорга ботиб қолган. Ўша ёзувдан сал нарида кечаги айиқ яна тимискиланиб овқат қидирмоқда эди.

Ойнаванд айвондаги столнинг тортмасида кимдир бир-икки бурда ширин сухарини унутиб қолдирган экан. Айиқ шунинг ҳидини олиб айвонга кирган эди. Лекин стол тортмасини қандай очишни билмай, уни қучоқлаб кўтарди-ю, ойнаванд деворга элтиб урди. Ромдаги ойналар синиб, тўкилиб тушди, стол ағанаб кетди ва сухари турган тортманинг бир чети очилди. Айиққа шу керак эди. У дарров тумшугини тортмага тикди.

Директор қоронгида буни кўрмаса ҳам, ойналар синганини ва ағанаган столнинг шовқинини эшитди-ю, саросималаниб:

— Милтиқ қани, милтиқ? — деди Холиқ бувага.

— Милтигим ярамайди. Бу уйинг куйгурга бешотар милтиқ керак!

Директор айвондан чиқиб келаётган айиқни кўрди-ю, кайфи учиб, машинасига қараб шошилди. Дарров ичкарига кириб, эшикни ёпди.

— Моторни ёндилинг! — деди шоферга. Нариги эшикни Холиқ бува очди: — Тезроқ чиқинг! Яхши милтиқ билан битта мерган топиб бераман. Бу йиртқични отиш керак.

— Лекин райиждоком рухсат бермаса отиб бўлмайди, — деди шофер. — Айниқса ҳозир, баҳор пайтида тоғда ов қилишни қаттиқ тақиқлаб қўйишган.

— Рухсат оламиз! — деди директор бу гапга парво қилмай.

Холиқ бува шаҳарга эрталаб борадиган булди-ю, қишлоқда машинадан тушиб қолди.

Уйга борса, Асқар уни кутиб ўтирган экан. Боланинг кўзлари мўлтираб:

— Айиқни... отдиларингизми? — деди.

— Эртага мерган келиб отадиган бўлди. Директор айтди.

— Бобожон, айиқни отдирманг! — деб илтимос қилди Асқар.

— Ҳа, нега?

— Ўқитувчимиз айтди. Тоғда айиқ оз қолган эмиш. Биз... анақа... табиатни муҳофаза қиладиган жамиятга аъзо бўлганмиз.

— Нима, сенинг ўша жамиятнинг синган деразаларни тузатиб берадими? Уйнинг куйгур айиқ бутун деразаларни синдирди-я!

— Оч эканда, бобо. Ўқитувчимиз айтди. «Овқат қидириб шунақа қилган», деди. Овқат бериб, қорнини тўйгазсак, ундай қилмайди.

— Тавба! У қўймидики, сен олдига бориб, емиш берасан! Яқинига йўлаб кўргин-чи?! Ўтган куни кечаси бир чақирим жойдан кўриб, қалт-қалт титраб қолдинг-ку... Йўқ, бу уйнинг куйгурнинг жазосини мерган берсин!

Холиқ бува шу фикр билан эртаси куни шаҳарга тушиб кетди.

Директорнинг кабинетига кирса, у одам кўзойнагини қўлига олиб, қовоқларини уқалаб уйланиб ўтирибди.

— Ота, иш чатоқ! — деди директор. — Райижроком айиқни отишга рухсат бермади.

— Лагерни вайрон қилаётганини айтдингизми?

— Айтдим. «Қутурган бўлиши мумкин» ҳам дедим. Лекин қишлоқларингиздан бир ўқитувчи райижрокомга телефон қилган экан. «Айиқ оч қолиб шундай қилган» депти. Бир йили қишда қор қалин ёғиб, какликлар очдан ўладиган бўлганда одамлар тоққа дон сепиб, қутқариб қолишган экан-ку. Ижрокомдаги ўртоқлар шуни эслашди. «Сиз ҳам, иложи бўлса, айиққа хурак тошиб беринг», дейишди.

— Ё тавба! Бир қилмаган ишимиз — айиқ боқишмиди?

— Энди шуни ҳам қиламиз шекилли-да, отажон.

— Ким унга хурак элтиб беради? Анча-мунча хуракка тўймаса. Ўзи хўкиздай бўлса. Қор кетгунча неча кун боқилади? Бунинг харажати ким кўтаради?

— Айиқнинг ташвишидан менинг ҳам бошим қотдида, лекин... Индамай қўйиб берсак, лагердаги анжомлардан айриламиз. Бу бизга айиқни боққанимиздан ҳам қимматроқ тушади... Лекин ремонт харажатларининг пулидан ажратай десам, бу ҳам қонунга хилоф.

Холиқ бува невараси Асқарнинг гапларини эслади.

— Ажаб замонлар бўляпти-да! — деб бош чайқаб қўйди. — Одамлар тоғда юрган айиқнинг ташвишини ҳам тортадиган бўляпти. Неварам ҳам «отдирманг» деб чирқиллаб юрибди... Мактаб болаларига айтсак, уларидан қотган нон, у-бу йигиб келмасмикин? Шунақа бир жамиятлари ҳам бормиш-ку!

Бу фикр директорга жуда ёқиб тушди.

— Ҳа, райижрокомга телефон қилган ўқитувчи ҳам ёрдам бериши мумкин. Сиз бориб улар билан яхшилаб гаплашинг. Агар бўлмаса, унда... эртага ўзим бирор бошқа йўлини топаман.

Холиқ бува қишлоққа қайтиб келди-ю, Асқарни чақириб олди.

— Айиқни отмайдиган бўлишди!

— Ур-ра! — деди Асқар қувониб. — Биз энди уни боқиб оламиз!

— Нима билан боқмоқчисан?

— Ҳар бир бола уч-тўрт бўлақдан қанд олиб чиқса қанча бўлади!

— Бўлмаса, ўша ўқитувчингга бориб айт... Ўзи бош бўлиб айиққа хурак йиғсин.

— Бобо, агар биз йиғсак, сиз тоққа олиб кетасизми? — суради Асқар.

Бу қишлоқда айиқнинг феъл-атворини Холиқ бува-чалик яхши биладиган одам йўқ эди. Асқар шу сабабли бобосининг бу ишга бош қўшишини жуда-жуда истарди.

Холиқ бува Асқарга ўйчан кўз тикиб қулимсиради-ю: «Шу неварамнинг кунгли жуда куйрак-да, — деди ичида. — Мен тоғда ёлғиз сиқилиб ўтирганимда ҳам доим бу бориб хабар олади. Бўлмаса, Худога шукур, Асқардан бошқа ун олтита неварам бор. Бу фақат менга шундай меҳрибон десам, ҳаммага раҳмдил экан-да. Оч айиққа ҳам ҳаммадан ортиқ қайишяпти. Жонкуяр одам болалигидан маълум бўларкан-да».



Холиқ бува кунглидан ўтган шу ўйлар таъсирида Асқарга меҳри товланиб қаради-да:

— Бўпти, ўғлим! — деди. — Мен ҳам ўша... сен айтган жамиятга аъзо бўла қоламан.

— Раҳмат, бобожон! — деб Асқар уни бўйнидан қучоқлаб, серсоқол юзидан ўпди. Сўнг мактабига қараб чопиб кетди.

Болалар айиқ учун йиққан хўракка бир хуржуннинг икки кўзи тўлди. Қотган нон, қанд-қурслар орасида сасиган гўшт, ҳатто қуртлаган жийда ҳам бор эди. Айиқ сасиган гўштни яхши ейишини эшитган болалар, «ундай бўлса, қуртлаган жийдани ҳам ейди», дейишиб, топганларининг ҳаммасини хуржунга солиб беришган эди.

Эртаси куни эталаб Асқар билан Холиқ бува бу хуржунни эшакка ортиб, тоққа чиқишди. Холиқ бува айиқнинг кун чиқиш томондаги ёнбағридан тушиб келишини биларди. У билан Асқар айиқнинг изидан юришиб, лагердан бир чақиримча нарига боришди-да, хуржундаги хўракнинг бир қисмини қаттиқ қор устига тўкиб қўйишди. Ўша куни Асқарлар кечаси лагердаги қоровулхонада ётишди. Айиқдан дарак бўлмади. Эртаси куни кундуз яна айиқнинг эски изидан юриб боришди. Кеча хўрак тўкиб кетган жойларини қарашса, қанд-курс ва қотган нондан увоқ ҳам қолмапти. Ҳатто қуртлаган жийда ҳам йўқ. Изларга қараганда, айиқ шу ерда қорнини тўйдирган-у, қайтиб кетган эди.

— Э, хайрият! — деди Холиқ бува.

Асқар хуржунда қолган озуқанинг яна бир қисмини ҳалиги жойга секин тўкиб қўйди.

Шундан кейин айиқ лагерга келмайдиган бўлиб кетди.

## НОСИР ФОЗИЛОВ

(1929)

*Ёзувчи Носир Фозилов 1929 йили Қозогистоннинг Чимкент вилоятига қарашли Туркистон туманининг Қорачиқ қишлоғида деҳқон оиласида дунёга келди. У Туркистонда ўрта мактабни тугатгач, 1949-1954 йиллар давомида Ўрта Осиё дорилфунунининг филология факультетида таълим олди. Дорилфунунни тугатгандан сўнг, 1955 йилдан бошлаб «Гулхан» ойномасида адабий ходим, масъул котиб, «Ёш гвардия» нашриётида бўлим мудирини (1960-1963), 1963 йилдан эса «Шарқ юлдузи» ойномасида адабий ходим, сўнгра проза бўлимининг мудирини, масъул котиб (1970-1972) сифатида фаолият кўрсатди. Ёзувчи ва ношир Носир Фозилов 1972-1980 ва 1984-1986 йиллар давомида Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида катта муҳаррир ва проза бўлимининг мудирини сифатида ишлаб келди. 1986 йилдан буён «Шарқ юлдузи» ойномасининг масъул котибидир.*

*1985 йилда унинг «Шум боланинг набиралари» китоби учун Гафур Гулом номидаги мукофот берилди. 1986 йилда эса қозоқ ёзувчиларининг асарларини ўзбек тилига таржимаси борасидаги фаолиги учун Қозогистон Ёзувчилар уюшмаси Бейимбет Майлин номидаги мукофотга сазовор бўлди. Шунингдек, унга 1990 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби унвони ҳамда 1991 йилда «Устозлар даврасида» асари учун Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофоти берилган.*

*Адибнинг «Оқсой», «Саратон» қиссалари 70-йиллар ўзбек адабиёти, хусусан, болалар насрида катта воқеа бўлди.*

*Адибнинг биринчи ҳикояси 1953 йили болалар гзетасида босилган. Шундан сўнг унинг «Ирмоқ», «Қорахат», «Кўклам қиссалари», «Саратон», «Шум боланинг набиралари», «Устозлар даврасида», «Болалигим — подшолигим» каби қатор китоблари ўқувчиларга тақдим этилди. Адибнинг яна бир қатор асарлари қозоқ, туркман, рус ва бошқа тилларга ўтирилган.*

Куклам нафаси уфуриб, қатқалоқ қорлар эрий бошлаган пайт. Ҳар йилгидек, бу пайтда, колхозимиз чўпонлари Сирдарё буйидаги Ясси яйловига утов тикиб кўчиб чиқишади. Яйлов билан қишлоғимиз ораси унчалик олис эмас. Жуда нари борганда ўн чақирим келса келади, келмаса йўқ. Мен бу жойларга Почтахон амаким билан кунига бўлмаса ҳам, кунора овга чиқиб тураман. Куклам! Албатта, бу пайтда, Сирдарёнинг суви тошиб ён-беридаги тўқайзорларга, кўлмакларга чиқади. Ўрдак, гозлар, гақ-гақлашиб бу жойларни қушлар бозорига айлантириб юборишади.

Бугун ҳам амаким иккаламиз икки отда, йўлдамиз. Амакимнинг елкасида ўн олтинчи қушоғиз, менинг елкамда йигирманчи бироғиз милтиқ. Суҳбатлашиб кетяпмиз. Бурижар сойдан ўтиб, Ясси яйловга бораверишда олдимиздан икки киши чиқди: бири эшақда, иккинчиси отлиқ. Яқинлашганда танидим, от мингани — колхозимиз ветеринари Қучқор ака, эшақдагиси — бош чўпон Исой бобо экан.

— Ассалому алайкум, — деди Почтахон амаким чўзиб.

— Ваалейкум... — деди Исой бобо қисқа қилиб. — Яхши келдинг: ука, қани, юр!

Бобо шундай деди-да, эшагини «хих-хих»лаб олдинга ўтиб кетди. Амаким ҳайрон бўлиб суради:

— Нима гап?

Қучқор ака «юраверинг» дегандай унг кўзини қисиб қўйди. Бир гап бўлса керак, деб амаким иккаламиз отларимизнинг бошини орқага бурдик. Қучқор ака, амаким ва мен ёнма-ён кетиб боряпмиз. Исой бобо анча олдинда.

— Саманига бури чопибди, — деди Қучқор ака аста.

— Қандай қилиб?!

— Ҳозир кўрамыз.

Мен анграйиб қолган эдим. Саманни утган кун утов олдида кўрган эдим. Гижинглаб турувди.

Исой бобо сал юргандан сўнг эшагининг бошини унгга буриб, буталар орасига кириб кетди. Бизлар етиб боргунимизча, у киши эшақдан тушиб, нобуд бўлган саман жасади ёнида қаққайиб турар эди. Қучқор ака билан Почтахон амаким ҳам сакраб тушиб отларнинг жиловларини менга тутқазиб қўйишди. Са-

ман тойнинг қип-қизил қонга беланиб ётган жасадини кўриб, отлар хўрс-хўрс қилиб ҳуркишар, оёқлари билан ер тепкилаб пишқиришар эди. Тойнинг орқа сони, қорнининг ярмиси йўқ. Бечоранинг лаб-лунжи, умровлари, бўйинларига буриларнинг тишлари ботавериб моматалоқ бўлиб кетибди. Чамаси кўп олишган кўринадди. Кузлари очилганча қотиб қолибди бечора!..

Исой бобо бу ҳолни кўриб, дағ-дағ титрар эди:

— Йўқ, бунга ортиқча чидаб бўлмайди. Чорасини кўриш керак!

— Бу битга бурининг иши эмасга ўхшайди-ёв.

— Э, тўртта. Энг зўри Кўкел, — деди Исой бобо бўғилиб. — Қўлга туширолмай доғдаман. Қани овчилар, қани, милтиги бор азаматлар!

Бу гап Почтахон амакимга сал тегиб кетди шекилли, қулоқчинини пешонасига суриб, елкасини қашиди. Қўчқор ака индамай, эгарининг қошига осиглиқ халтасини олиб, чўққайиб ўтириб еча бошлади. Ундан бир шиша идиш олиб ерга қўйди. Ичида қорамтир суюқлик. Шишанинг сиртига ёпиштирилган оқ қоғоз одамнинг бош суяги, унинг тагига иккита илик суягининг айқашиб турган сурати солинган. Кейин Қўчқор ака мен кўриб юргандан икки-уч марта каттароқ бир шприцга ҳалиги доридан тўлдириб олдида, саман той жасадининг уч-тўрт жойига укол қилди, сўнг қаддини ростлаб:

— Ана, энди эрталаб кўрамиз, — деди Қўчқор ака, қўлларини пахта билан артар экан. — Бури бу ерга кечаси тагин келади. Еса, бас, қотади.

— Э-э, еб бўпти. Кўкел дейдилар уни! — деди Исой бобо қуйиб-пишиб. — Бу аблаҳ жуда сезгир. Милтиқ бор жойга йўламайди. Дори ҳидини олади. Қопқонга чап беради...

— Кўрамиз, — деди Қўчқор ака бамайлихотир. — Қани кетдик. Эртага шу пайтда келамиз.

От ва эшакларимизга миниб отландик. Улар яйловга, бизлар эртага келишга ваъда бериб, овга кетдик...

...Кечаги ваъдалашган жойимизга Почтахон амаким икковимиз эртароқ етиб келдик. Кечаси ерга бир қаричча қор тушган. Буталарнинг шох-шаббалари қордан эгилиб турибди. Момиқ қор усти қим-қийғос ов изи... Ана, уч-тўртгача итникидан каттароқ из: буриники булса керак. Кечаги той жасади ётган жойга келсак, ғалати воқеанинг устидан чиқиб қолдик: саманнинг жасади қор тагида қолибди. Устида бурилар роса

от уйини қилган кўринади, жасади атрофидаги қорлар пайҳон бўлиб кетибди. Той бечорани тортқилашавериб тилка-пора қилиб юборишибди. Ун метрча нарида иккита бўри бирининг устига бири мингашиб, шамдай қотиб қолибди. Яна нарироқ юрган эдик, бир бутанинг тагида учинчиси мукка тушиб ётарди... Шуларни кўриб юрганимизда Исой бобо билан Қўчқор ака ҳам келиб қолди.

— Нима бўпти?

— Учтаси гумдон...

Исой бобо айланиб, учала бурини кўриб келди-да:

— Ана, айтмадимми? — деди бошини сарак-сарак қилиб. — Кўкел йўқ. У маккор шу ерда ҳам айёрлик қилибди. Энди нима қилдик?

— Пайига тушамиз. У буриларни ташлаб узоққа кетолмайди. Нега деганингизда ўсган-унган жойи, — деди Қўчқор ака. — Бунинг устига болаларининг жасади шу ерда.

— Шу бугуноқ изига тушиш керак, — деди Почтахон амаким. — Қопқонга чап берса, милтиқ бор жойга йўламаса, дорининг ҳидини олса, бунинг йўли бор. Изига този соламиз. Уни този эплайди. Қутулиб бўпти. Мансур, сен қишлоққа бориб Оқшунқорни олиб кел!

Мен Оқшунқорни олиб келиш учун қишлоққа жўнадим...

Оқшунқорни олиб келганимда қуёш икки терак бўйи кутарилиб қолган эди. Почтахон амаким тозининг бўйинбогини қўлимдан олиб, Исой бобога тутқазди:

— Гап ҳалигидай, оқсоқол, — деди Почтахон амаким. У шундай деди-да, елкасидаги қўшоғиз милтигини Исой бобога берди. Кейин отига сакраб минди. — Оқшунқорни мендан ишора бўлганда қўйиб юборасиз.

Қўчқор ака ҳам отига чаққонлик билан минди.

— Ҳеч бўлмаса, тагин бир-иккита отлик йигит бўлганида эди, — деди Исой бобо ташвишланиб.

— Шундай иш қизгин пайтда беш-олтита отлик йигитни қаёқдан топамиз. Хавотир олманг, ўзимиз ҳам бошлаб ташлаймиз, оқсоқол, — деди Қўчқор ака бобога тасалли бериб. — Аввал топилсин.

— Ҳар ҳолда... Майли, ишларинг унгидан келсин, — деди Исой бобо қўллари билан юзларини силаб. — Ҳув анави жингилзор орасига ҳам бир кириб ўтинлар... У ерда бўлмаса, жар ичидаги қамишзорга қаранглар. Ўша жойда уяси бор.

Поччахон амаким билан Қўчқор ака отларини еддириб Бурижар томонига кетишди: қўлларида бир-бир чўқмор. Исой бобо билан мен ҳалиги жойда қолдик. Бизлар ҳам борсак бўлаверар эди-ку, бироқ, ҳеч замонда эшак билан бўри қувлабди, деган гапни эшитганмисиз?

Отлиқлар бирпасда жингилзор ичига шўнгиб кетишди. Бутун борлигим қулоққа айланган, тик этган товушга аланглаб қарайман. Кўкламнинг салқин шабадаси ғир-ғир эсиб турибди. Эски ўтлар тагидан янги майсалар буй курсатиб қолган. Эшакларимиз бир жойда тек туришмайди: энгашиб курт-курт ёвшан чайнашади. Оқшунқор ҳам худди бир нарсанинг шарпасини сезаётгандай қулоқларини динг қилиб, отлиқлар кетган томонга қараб-қараб қўяди. Аҳён-аҳёнда қип-қизил тилини чиқариб, лаб-лунжини ялайди, белларини гужанак қилиб керишади, гингшийди, тоқатсизланиб типирчилайди...

Исой бобонинг кўзи Бурижар томонда. Осмони фалакда бир қора қуш қанот қоқиб учиб юрибди, йўқ, учиб юргани йўқ, гўё бир текисда сузиб юрибди. Қаердадир бир сўфитўрғай вижир-вижир сайрайди. Шу маҳал бирдан ҳайт-ҳайтлаган, қийқирган овозлар қулоққа чалиниб қолди. Юрагим қинидан чиқиб кетаёзди. Оқшунқор қийқириқ чиққан томонга қараб бир силкинган эди, эшак устида бамайлихотир ўтирган Исой бобо бехосдан учиб тушаёзди. Бобо дарров ўзини ўнглаб олиб, тозининг буйинбогини маҳкам қўлига ўраб ушлади. Оқшунқор бўлса ҳамон ер тирнаб, гингшиб, олдинга интилар эди.

Бирдан Бурижарнинг ёнгинасидаги қалин жингилзордан бўри отилиб чиқиб, бизлар турган томонга кела бошлади. Қадами жуда илдам. Қўчқор ака билан Поччахон амаким анча орқада қолиб кетибди. Бўри шундай ёнгинамизга келиб қолганида, Исой бобо бирдан овозининг борича ҳайт-ҳайтлаб бақира бошлади. Менда қичқиришга ҳам мажол қолмаган эди. Хайрият, бўри бобонинг товушини эшитиб, Ясси яйловига қараб бурилди. Орқада қувиб келаётганлар ҳам бирпасда олдимизга етиб келди.

— Айлантириб қувинглар! Бир томонидан...

Отлиқлар қувлаб кетишди. Иккаласининг овози худди ўн-ўн бешта одамнинг овозидай бор. Бутун жингилзорни, яйловни бошларига кўтаришиб қувлашар эди. Ҳа-ҳув дегунча бўри ҳам, қувгинчилар ҳам анча

узоқлашиб кетди. «Айлантириб қувлаш керак эди-да!» — деб тоқатсизланар эди бобо.

— Айлантириб қувласа нима бўлади, бобо?

— Шунда узоқлашиб, йўл адаштириб кетолмайди, — деди бобо қўлларини пешонасига соябон қилиб. — Кузим қургур утмай қолди... Куринадими? Қарагин-чи?

— Хув, ана, отлиқлардан бири бўрининг рўпарасидан кесиб чиқди.

— Ҳа, баракалла, иш бундоқ бўпти!

— Очиқликка қараб бурилди...

— Яхши... Отлиқлар бўрининг қайси томонида?

— Ўнг томонида. Нима эди, бобо?

— Кейин айтаман.

Бури айланиб тагин бизлар турган томонга келиб қолди. Бу гал сал ўзимни тутиб, уни яқиндан томоша қилдим. Кукёл деганларича бор экан. Ўзи ҳам нақ катталиги эшакдай, жуда баҳайбат экан. Бўрининг таърифини илгарилари жуда кўп эшитганман-у, бироқ ўзини яқиндан ҳеч ҳам кўрмаган эдим. Ана, олдимизга яқинлашиб қолди. Тиллари осилиб, ўнг томонидан қувиб келаётган отлиқларга бўйинини буриб қараганча қочиб келар эди. Бу гал Исой бобога мен ҳам қўшилишиб, овозим борича ҳайт-ҳайтлаб бақирдим. Бўрининг чопиши илгаригидек енгил эмасдай туюлди менга. Назаримда, чарчаб қолган. Тагин айланиб бояги йўлдан кетди. Оқшунқор типирчилаганча тагин қараб қолаверди.

— Қуйиб юбормайсизми, бобо?

— Обдан чарчасин, кейин, — деди Бобо иягини қашиб. — Оқшунқорнинг иши шунда енгил бўлади. Бу ит эмганин Кукёл дейди-я! Тозини майиб қилиб қуйиши мумкин.

Бури учинчи бор айланиб келишида Поччахон амаким бизларга қараб қалпогини кутарди. Исой бобо бўйинбоғнинг бир томонини бўшатиб юборди. Бўйинбоғ тозининг бўйнидаги мис ҳалқадан «шир-р» этиб чиқди-ю, — бобонинг қўлида қолди. Оқшунқор икки букилиб олдинга ташланди. У ҳаш-паш дегунча Кукёлга етиб бориб, орқасидан бир юлқиб қолди. Бури орқасига бир қараб, ириллади-ю, яна ҳеч нарса бўлмагандек, чопишда давом этди. Исой бобо билан мен ҳам эшакларимизни ниқтаб унинг кетидан бақириб борар эдик.

— Энди чап томонига ўтинлар! Бўйни қаришиб

қолди, — деб қичқирар эди бобо йул-йулакай эшагини баттар ниқтаб.

— Эҳтиёт бўлинглар, қочиб кетмасин! Бу лаънати жуда айёр-да!

— Қочиб бупти! Оқдшунқор орқа оёгининг пайларини қирқиб юборди.

— Энди бунинг жазосини милтиқ берсин. Қани, оқсоқол: милтиқни беринг-чи?

Исой бобо милтиқни олиб Поччахон амакимга берди. У милтиқнинг тепкисини орқасига қайтариб, нишонга олганда, мен беихтиёр кўзларимни юмдим. Бирдан қарсиллаб кетма-кет ўқ ўзилди. Бури қисқагина ириллади-ю, овози ўчди. Кўзимни очганимда, Кўкел жингил тагида қонга беланган кўйи чалқанчасига ётар эди...

Шундай қилиб, Ясси яйловидаги чўпонларни ташвишга солган йиртқичнинг умри тугади. Ҳамманинг юзида кулги ўйнарди. Исой бобо Кўкелнинг терисини шилиб олиш учун пичогини яланғочлай бошлади...





## ФАРҲОД МУСАЖОНОВ

(1932)

Фарҳод Мусаҷонов кўп қиррали ижодкор. У, аввало, адиб, носир, драматург ва киносценарист ҳамдир. У 1932 йили Тошкентда таваллуд топган. 1956 йилга келиб, Тошкент Давлат дорилфунунининг шарқ факультетини муваффақиятли тугатади. Республика радиоси, телевидениеси ҳамда «Ўзбекистон маданияти» рўзномаси, «Гунча» ва «Шарқ юлдузи» ойномаларида фаолият кўрсатади. Ҳозирги кунда эса «Ўзбеккино» давлат-акционерлик компаниясида ишлайди. Унинг адабий ижодининг бошланиши 50-йилларнинг урталарига тўғри келади. Ҳозиргача унинг ҳикоя ва қиссалардан иборат 30 га яқин тўплами нашр этилган. Шулاردан 10 га яқини ҳикоялар, тўртта қиссаси мавжуд. Булардан ташқари, у драматург сифатида олтита пьеса, бешта киносценарий муаллифи ҳамдир. Яна қанчадан-қанча ҳажвий ҳикоя, интермедия, болалар учун ранг-баранг жанрда асарлар ҳам яратган. Жумладан, «Офтобни қувалаб», «Буш келма, Алиқулов!», «Бир қултум булоқ суви» каби китобларини эслаш kifоя. Шунингдек, яратилган юздан ортиқ ҳикояларининг ярмидан кўпи ҳажвий асарлар сирасига киради. Унинг «Душанба, нонуштадан сўнг» (1974), «Бог кучамни қўмсайман» (1977), «Қилич ва шамшир», «Кўргулик» каби қиссалари ҳам ўз ўқувчисига эга.

У драматург сифатида «Оқ кабутар», «Нажот ис-таб» (Ҳамза театрида қўйилган), «Олифта», «Хизматингга ҳозирман», «Талваса» (Муқимий театрида сахналаштирилган) каби драмалар ҳам яратган. Айни чоғда «Жазирама офтоб остидаги уй», «Бировнинг боши», «Миноралар остидаги цирк», «Кўзларим йўлингда», «Ҳувайдо» (Икки серияли) каби сценарийлар муаллифи ҳамдир. Истеъдодли ва сермахсул ҳикоянавис, қиссанавис бўлиши билан бирга, ҳажвий жанр устаси, болалар адиби, драматург, киносценарист ва кинопублицист сифатида китобхон ва томошабинга яқиндир.

Бундан анча йиллар бурун машҳур қизиқчи артистлардан бири эстрада театри директорининг ҳузурига борибди. Салом-алик, ҳол-аҳвол сўрашлардан кейин қизиқчи артист муддаога ўтибди:

— Мен бир таклиф билан келган эдим, — деб гап бошлабди у, — мана шу, сиз раҳбарлик қилиб турган эстрада театри қошида кичкина труппа ташкил қилсак. Шу труппа билан майда-майда ҳажвий асарлар қўйсак-да, ҳали ҳаётимизда баъзи-баъзида учраб турадигани баъзи кишиларимизнинг баъзи камчиликларини сал-пал танқид қилсак, кулги остига олсак.

Директор артистга: «Вой, тентаг-ей, шуниям гап деб топиб келдингми?» дегандек, узоқ тикилибди. Артист ҳам бу кўз қарашга бардош бериб утираверибди. Ниҳоят, директор тилга кирибди:

— Хуш, таклифингиз ёмон таклиф эмас. Бироқ, бундай ўйлаб қаралса, масаланинг бошқа нозик томони ҳам бор экан. Тутри, ҳали ҳаётимиз баъзи-баъзида учраб турадиган баъзи кишиларимизнинг баъзи камчиликларидан ҳоли эмас. Аммо, майда-чуйда камчиликларни титкилаб, кишиларимизнинг таъбини хира қилишлик дуруст бўлармикин?! Ахир бизнинг вазифамиз кишиларимизни катта ишларга рағбатлантириш. Хуш, кулги, енгил, беозор кулги ҳам керак нарса, албатта, лекин кулги туғдириш... э, узр, яъни кулги ҳосил қилиш учун танқид қилиш, камчиликларни кўрсатиш шартмикин. Куламан десангиз, бошқа сабаб йўқми? Албатта камчиликлардан кулиш керакми?

— Нимадан кулиш керак бўлмаса? — сўрабди илжайиб қизиқчи артист.

— Нимадан бўлса ҳам кулаверинг, ишқилиб, камчиликлардан кулиш керак эмас. — Директор маслаҳатта ўтибди: — Мана, масалан, деяйлик, саҳнага чиқдингизда, ўзингиздан-ўзингиз хахо-хахо кулавердингиз. Тўхтамасдан кулаверсангиз, бошқалар ҳам кулиб юборади. Чунки кулги юқумли нарса.

— Бемаъни кулги бўлиб қолмасмикин?!

— Маъниси билан ишингиз бўлмасин. Бизга маъни эмас, кулги керак.

— Шундақами? Сиз айтганингизни ҳам қилиш

мумкину, лекин мундоқ уйлаб қаралса, масаланинг бошқа нозик томони ҳам бор экан.

— А?! — директор чўчиб тушибди.

— Йўқ. Чўчийдиган даражада эмас-ку, ҳар ҳолда, нозиклиги бор. Деяйлик, мен саҳнага чиқиб сиз айтгандек ўзимдан ўзим кулавердим. Баъзилар кулиб юбориши ҳам мумкин, чунки кулги ўзингиз айтганингиздек юқумли нарса. Кўпчилик томошабинлар, бу жинни бўлиб қолибди, деб ўйлашса-чи? Уларда, буни ким саҳнага чиқарди, театр раҳбарлари масъулиятсиз одамлар эканда, деган фикр тугилиб қолмасмикин. Унда гап яна келиб танқидга тақалмасмикин, дейман-да.

— Бу томонини олиб қаралса, дарҳақиқат, буям келиб танқидга тақалиши мумкин экан. Булмаса бундай қилсак-чи? Деяйлик, саҳнага савлат тўкиб чиқиб келяпсиз, шу пайт бир нарсага қоқилиб гуш этиб ағдарилиб тушдингиз, ҳамма гуш этиб кулиб юборади. Мен ўзим бир марта цирқда масхарабознинг шундай қилганини кўрганман. Қотиб-қотиб кулганман.

— Майли-ю, сизнинг айтганингизни ҳам қилиб кўриш мумкину, лекин мундоқ уйлаб қаралса, масаланинг бошқа нозик томони ҳам бор экан.

— А?! — директор яна чўчиб тушибди.

— Йўқ, чўчийдиган даражада эмас-у, ҳар ҳолда нозиклиги бор. Деяйлик, мен саҳнага чиқиб йиқилиб тушдим, бир-иккита тентак кулиб юборди. Аммо, баъзи томошабинларда, бу нимага йиқилиб тушди, саҳнада мих-пих бор экан, вақтида ремонт қилинмаган экан, демак, театр раҳбарлари масъулиятсиз одамлар экан-да, деган фикр тугилиб қолмасмикин? Унда гап яна келиб танқидга тақалмасмикин, дейман-да.

— Бу томонини олиб қаралса, дарҳақиқат, буям келиб танқидга тақалаши мумкин экан, — дебди директор. — Булмаса бундай қилсак: деяйлик, саҳнага чиқдингиз-да, томошабинларга қараб ўзингиздан-ўзингиз башарангизни буриштиравердингиз.

— Буниям цирқда кўргансиз?

— Ҳа, цирқда кўрганман.

— Қотиб-қотиб кулгансиз?

— Ҳа, қотиб-қотиб кулганман.

— Майли-ю, сизнинг айтганингизни ҳам қилиш мумкину, лекин бундай уйлаб қаралса, масаланинг бошқа нозик томони ҳам бор экан.

— А?! — директор яна чўчиб тушибди.

— Йуқ, чучийдиган даражада эмасу, ҳар ҳолда нозиклиги бор. Деяйлик, саҳнага чиқиб ўзимдан-ўзим башарамни буриштиравердим. Тугри, баъзилар кулишиям мумкин, лекин баъзиларда: бу нимага башарасини бужмайтиряпти, ҳали ҳаётимизда баъзи-баъзида учраб турадиган кишиларимизнинг баъзи камчиликларини очиқ айтишдан қўрқяпти, шунинг учун башарасини буриштиряпти, деган фикр тугилиб қолмасмикин? Унда гап яна келиб танқидга тақалмасмикин, дейман-да?

— Бу томонини олиб қаралса, дарҳақиқат, буям келиб танқидга тақалиши мумкин экан, — дебди директор. — Хуш бўлмаса, қандай қилиб кулги туғдириш... э, узр, кулги ҳосил қилиш керак экан-а?! Жуда нозик масала-да бу!

Бирдан директор олдинга энгашиб қизиқчи артистнинг қулогига шивирлабди:

— Менга қаранг, бу одам танқидни жуда ёмон кўраркан, деб ўйламанг, мен ўзимни ўйлаётганим йуқ. Ўзингиз биласиз, театрга ҳар хил одамлар тушади, ҳаммаси ҳам танқидни ёқтиравермайди.

Қизиқчи артист ҳам энгашиб директорнинг қулогига пичирлабди:

— Ўша танқидни ёқтирмайдиган одамларнинг бирор айби бўлади. Шунинг учун, айбининг фош этилишидан қўрққани учун танқидни ёмон кўради улар.

— Ҳа, баракалла, — суюниб кетибди директор. — Шундай экан, порлоқ ва фаровон ҳаётимиздаги майдачуйда камчиликларни титкилаб, кишиларимизнинг таъбини хира қилиш шартми?

— Унда ҳали ҳаётимизда баъзи-баъзида учраб турадиган баъзи камчиликлари бор баъзи шахсларни нима қиламиз? — сўрабди қизиқчи артист.

— Ғам еманг, ошна, ҳали ҳаётимизда баъзи-баъзида учраб турадиган баъзи камчиликлари бор, ушанақа баъзи шахсларнинг сири фош бўлиб, қўлга тушгандан кейин бошлаб танқид қиламиз. Ҳа, ана ушанда юзхотир қилмасдан, қўрқмасдан танқид қиламиз.

Қизиқчи артист директорнинг башарасига қараб илжайибди-да, чиқиб кетибди. Директорнинг юрагига шубҳа тушибди. У сапчиб ўрнидан турибди-да, артистнинг кетидан чиқиб:

— Тўхтанг, нега илжаясиз? — деб сўрабди.

Қизиқчи артист бу гал оғзи қулогига етгудек илжайибди.

Директорнинг юрагига баттар гулгула тушиб:

— Ахир, нега куйдирган каллага ўхшаб тиржяя-сиз?! — деб сўрабди.

Қизиқчи артист хахолаб кулиб юборибди.

— Нега менинг устимдан куляпсиз? — сўрабди директор қалтираб.

— Одамнинг кулгиси қистагандан кейин кулади-да, кулгини бўғиб булармиди? — деб жавоб берибди қизиқчи артист.



## ЎЛМАС УМАРБЕКОВ

(1932—1995)

*Ўлмас Умарбеков 1934 йили Тошкентда туғилган. Урта мактабни муваффақиятли тугатгач, Тошкент Давлат дорилфунунининг филология факультетига кириб, 1956 йилда уни аъло баҳоларга битирди. «Мен ҳам ёшлигимда кўп нарсага қизиққанман, — деб ҳикоя қилади ёзувчи. — Кейинчалик, учувчиликни орзу қилган эдим, боғбон ҳам бўлмоқчи бўлганман. Аммо адабиёт ҳамма орзуларимдан кучлилиқ қилди. Шунинг учун бўлса керак, урта мактабни тугатганимда ҳеч иккиланмасдан Тошкент дорилфунунининг филология факультетига кирдим.*

*Назаримда, адашмаган эканман. Энди бўлса, адабиётсиз, бадий ижодсиз ҳаётимни тасаввур қилолмайман».*

*Адиб қисқа умр курса ҳам, ўзбек адабиётида ўлмас асари билан учмас из қолдирди. У унлаб ҳикоялар, қиссалар, «Одам бўлиш қийин» романи, «Қиёмат қарз», «Шошма қуёш», «Оқар сув», «Суд», «Комиссия», «Кузнинг биринчи куни», «Аризасига кўра», «Курорт», «Ер ёнганда» каби унлаб драматик асарлар яратди. Шунингдек, унинг «Икки солдат ҳақида қисса», «Ради дўстлар», «Встреча у високих снегов» «Дамир Усмоновнинг икки баҳори» каби асарлари жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олинди. Унинг туғилганига 50 йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби фахрий унвони берилди. 1992 йилда «Ўзбекистон халқ ёзувчиси» деган юксак шарафга эга бўлди. Оддий журналистликдан иш бошлаган Ўлмас Умарбеков қарийб ўн йилга яқин «Ўзбекфильм»га бошчилиқ қилди. 1982 йилга келиб, Ўзбекистон маданият вазирининг ўринбосари, кейинроқ вазир бўлиб фаолият кўрсатди. Кўп ўтмай у Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасига раис (1985) этиб сайланди. Кейин Осие ва Африка ёзувчиларининг бирдамлик қўмитасининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ноиб этиб сайланди. Ниҳоят, 1989—1991 йилларда у Республика Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари бўлиб ишлади. У қайси жаб-*

*ҳада, нима ишда ишламасин, ижоднинг қайси турида, қайси мавзуида асар яратмасин, ҳамиша ўз эли, юрти гами билан яшади. Улар елкасидаги турмуш юкени энгилаштиришга интилди. Айниқса, бадий асарларида хоҳ у ҳикоя, хоҳ қисса ёки роман бўладими, хоҳ саҳна асари бўладими, ҳамма-ҳаммасида инсонлардаги маънавий-ахлоқий фазилатларни ардоқлашга, улуглашга интилиб келди, халқ ёзувчиси даражасига кўтарилди. Бу ҳар бир ижодкор учун катта бахт, ҳаёт ва ижод олдидаги мақсади ҳамдир.*

## ҚИЁМАТ ҚАРЗ

Сарсонбой ота район марказига келганда, кўёш ердан эндигина чўтири тилимидек кўтарилган эди. Ким билади, ҳали эрта бўлгани учунми ё совуқ тушиб, бозор-учар қиладиганлар камайиб қолганиданми — одам сийрак, бозор кунлари бўладиган гала-говур, тўполон йўқ. Чол ичида хурсанд бўлиб қўйди: «Ҳа, тузук, бу гал кечикмадим. Авжи бозор».

У шундай деб, отнинг жиловини тортди. Қулоқларини осилтириб тин олаётган туриқ, худди шуни кўтиб тургандек пастга, дарё томонга йўргалади. Бу жойларни у эгаси каби яхши билади. Улғайиб, устига эгар урилибдики, ҳар якшанба куни бутун Ҳисорни ошиб, шу ерга келади. Тор тахта куприкнинг ёнига омонатгина қурилган чойхона этагига тўхтайтиди. Дарёнинг сел ювиб, бесунайқай кенгайган шу ери уруш йилларидан бери — кеч куздан эрта баҳоргача — бозор. Чор атрофдан йигилган йигитлар фронтга шу ердан жўнашган. Устунлари чириган чойхона ҳам уша серташвиш йиллардан нишона...

Сарсонбой ота отини илгарилари шу устунлардан бирига боғлаб қўярди. Ўзи эса, ё бозор айланарди, ё пешингача чойхонада ўтирарди. Бозор тугагач, пешин номозини ўқиб, изига қайтарди. Туриқ узоқ вақтгача бунга кўниқолмади, бир-икки марта, ҳатто тизгинни узиб қочди, бутун бозор аҳлини сарсон қилди. Бир-икки марта эса, ярим йўлда тихирлик қилиб оёгини тираб туриб олди, бўлмади. Қамчи еди. Энди кўникиб қолди. Сарсонбой ота энди уни боғламайди ҳам. Отнинг ўзи шундай устун тагига келиб, уни тушишини кутади-

да, кўзларини юмиб, кейинги бир оёғига дам берганича, жойидан қимирламай тураверади...

Бу гал ҳам шундай бўлди. Сарсонбой ота устун тагида отдан тушиб, чойхонага кириб кетди. Туриқ оғир хўрсиниб, атрофига қаради. Кўприк тагида бир таргил сигир совуқдан туклари хўрпайган бузогини эринчоқлик билан яларди. Туриқ унга қараб туриб, зерикди. Эснади-да, кўзларини юмди.

Сарсонбой ота катта кўзи синган дераза ёнига чўккалади. Чойхона қурилибдики, шу жой унки. Биров утирган бўлса ҳам, у келганда бўшатиб беради. Шу ердан бозор майдони яхши кўринади, кўприқдан ўтаётган бирор одам ҳам хато кетмайди, ҳаммаси кўздан ўтади.

— Ҳа, Сарсонбой, омонмисан? — деди чойхоначи чой келтириб қўяр экан. — Яна келибсан-да?

— Нима, сенга оғирлигим тушдими? — тўнғиллади Сарсонбой ота офтоб саргайтирган сийрак қошларини чимириб.

— Жизиллама. Азбаройи ачинганимдан гапираман. Кутгандан ёмон нарса йўқ.

Сарсонбой ота жавоб бермади. Унинг бугун гўё ниятига етадигандек кайфи чоғ эди, лекин ўртогининг гапи билан кўнгли бузилди. Бир: «Сенинг нима ишинг бор? Чойингни сотсанг-чи!» — демоқчи ҳам бўлди, тили бормади. Мадумар аканинг гапида жон бор эди. Ўғлидан қорахат келганидан кейин бечора ун йил кутди. Хатсиз, хабарсиз хотини фарзанд доғида адо бўлай деди. Ўзи эса, чўп бўлиб қолди. Охири чидолмай аза очди. Эрмаги — чойхона.

Мадумар аканинг бугунги гапида чиндан ҳам жон бор эди. «Азбаройи ачинганимдан гапираман...» Наҳотки, унинг аҳволи ачинарли бўлса?! Сарсонбой ота шундай ўйлади-ю, юрагини нимадир тимдалаб кетгандай бўлди. Лаблари титраб, тупроқдек саргайган соқоли тортилди. Нимадир томоғига келиб тиқилди. Бўшашиб кетаётганини сезди-да, ўшқирди:

— Ахмоқ, кутсам сени кутамми?! Сенга азроилдан бошқаси орзуманд эмас! Қаёқдан мулла бўлиб қолдингки, менга ўргатасан?

— Жизиллама, — илжайди Мадумар ака. — Ҳар бозор башарангни кўрсам, кўнглим айнийдиган бўлиб қолибди. Қир-пирингда подангни боқиб юравермайсанми? Керак одам ўзи топиб олади сени. Тагин ўзинг биласан. Менга деса шу ерда ётиб ол. Йўлда



якка-ёлгизсан, тагин улиб-нетиб қолмагин дейман-да, бетамиз!

— Ўлсам бир мусулмон топилар кумгани, — деди узини босиб олиб Сарсонбой ота. Сендан худо ўзи сақласин. Чойдан урган кафандан ҳам уриб қоласан.

— Шундай демайсанми? Мана, янги дамладим. Ич заҳарингга!

Мадумар ака янги дамланган чойнақдан чой қуйиб, ўртоғига узатди, одам кам бўлгани учун ўзи ҳам ёнига утирди.

— Ҳеч гап эшитмадингми? — сўради жиддий оҳанг-да Сарсонбой ота.

— Эшитсам, сенга шу заҳотиёқ одам юборардим, эшитмадим...

Орага жимлик чуқди. Мадумар ака ўзини ноқулай сезиб, ичкиси келмаса ҳам хўриллатиб бир-икки чой хўплади.

— Зеби қалай? Юрибдими?

— Тузук, — деди Сарсонбой ота деразага бир қараб қуйиб. — Бугун зўрга юборди. Бу ёққа келишимни билиб, ярим кечада отни далага ҳайдабди.

— Сўкмадингми? — хавотирланиб сўради Мадумар ака.

— Йўқ, у шўрликка ҳам қийин. Энди сўкмайман.

— Сўкма. Бечоранинг сендан бошқа кими бор?

— Сўкмайман... Лекин... — Сарсонбой ота бирдан қикир-қикир кулиб юборди.

— Ҳа? — ҳайрон бўлди Мадумар ака.

— Сўкмайман-у, лекин отни ҳайдаб нима қилади? Пиёда бўлса ҳам келишимни билади-ку? Бунинг устига тўриқ йўталишни эшитса, олдимга югуриб келади. Шунини билади, нима қилади ҳайдаб?

— Ҳа, энди ачинади-да, — деди Мадумар ака ҳам кулишга ҳаракат қилиб.

— Мен ачинмайманми? Мен ҳам ачинаман унга. Ёлгизлик ёмон. Буни ўзинг ҳам биласан. Лекин начора? Қиёмат қарз бу. Қарз билан гўрга кирмоқчимасман. Тушунини керак-да. Иннакейин...

— Ассалому алайкум-м-м!..

Одамлар кирди. Гап узилди. Мадумар ака ўрнидан турди.

Кўп ўтмай, бозорнинг одатдаги ташвиши, тўполон бошланди. Болаларнинг қий-чуви, сигир-бузоқларнинг маъраши билан даллоларнинг «Бор барака»си қўши-

либ, яқиндагина осойишталик ҳукм сурган қақроқ дарёга баҳор тошқинидек жон кирди.

Сарсонбой ота яна деразага тикилди. Куприк утган-кеттаннинг куплигидан худди туядек лапангларди. Ушанда ҳам шундай лапанглаб турган эди.

...Ўглини кузатганда ҳам, Ҳайдаралини кузатганда ҳам...

Лекин унда одамлар бир томонга қараб юрган эдилар. Ушалардан куни шу куприкдан қайтиб утмади, бири улди, бири бедарак кетди. Ўглидан ярим йил ҳеч қандай хабар бўлмай, бирдан қорахат келди. Ушанда у пода билан Узумлида эди. Қўйларни сойнинг нариги соҳилидаги ўтлари эндигина ниш урган ялангликка ҳайдаб, ўзи нураб-нураб деворларигина қолган Тошқалъа тагида утирарди. Кун тик келганда тушлик қилмоқчи бўлиб, ҳуржундан сузма олганини билади, қишлоқ томонда аёл кишининг уввос солиб йиғлагани эшитилди. Йиги тоғда акс-садо бериб, шундай қаттиқ жарангладики, Сарсонбой ота чўчиб кетди. Ўрнидан туриб, пастга қаради. Сочлари тўзгиган бир аёл сой ёқалаб, юзини юмдалаб келарди. Сарсонбой ота аввал танимади. Пастроқ тушди. Шунда унинг ҳаво ранг қўйлагидан таниди. Таниди-ю, юраги шиг этиб кетди.

— Зеби! Мен бу ёқдаман. Зеби, ҳой! — деганича пастга отилди.

— Нега бўкирасан?! Нима бўлди? — Сарсонбой ота уни билакларидан ушлаб тортқилади.

— Гофур... Гофуржон... — Зеби хола гапиролмади, ҳунграганича қўлидаги қоғозни эрига узатди.

Сарсонбой ота кичкина кўк қоғоз парчасини кўриб, ҳаммасига тушунди. Мадумар ака ҳам ўглидан шундай хат олган эди... Сарсонбой ота ўқимади, қўлоғи муз бўлиб, турган жойида қотиб қолди. Худо унга бир фарзанд берган эди, шуни ҳам кўп кўрди.

Ҳайдарали эса, отасидан бир ой кейин жунаганича, бедарак кетди. Ўглининг ўртоғини ўзи районгача кузатиб борди. Кузатадиган унинг бирон кимсаси ҳам йўқ эди.

Жунайдиган куни Ҳайдарали эшак аравага ортиб, иккита қўй олиб келди. Шунда Гофурдан қорахат келганига бир йил бўлган эди.

— Амаки, шулар сизда турсин, — деди ийманиб. — Дадам қўйни яхши кўрар эдилар. Қайтганларида тўй-пўй қилардик... Агар малол келмаса...

— Хуп, бутам, — деди Сарсонбой ота. — Сурув-

нинг ичига қушиб юбораман. Малол келадиган жойи йуқ.

Куприк устида худди ўглини кузатаётгандек Ҳайдарали билан хайрлаша туриб, бутун вужудини титроқ босди.

— Омон бўл, бутам! — деди-ю, ёшланган кузларини курсатмаслик учун хотини нималардир солиб берган тугунни юзига тутиб узатди. — Холанг берди, ол.

— Раҳмат.

— Имкони бўлса, Гофурнинг мозорини бир зиёрат қилиб ут. Исталинградда.

Шовқин-сурон ичида айтилган бу гапни Ҳайдарали эшитдими, йўқми, Сарсонбой ота билмайди, ҳар ҳолда, унинг бош қимирлатиб, нималардир деганини кўрди.

Мана, шунга йигирма йилдан ошиб кетди. Ҳайдарали на унинг ўглини бориб кўрди, на ўзи бирор хабар юборди. Ташлаб кетган иккита қўйи қирқтадан ошди. Бошқа қўйларга аралашиб кетмасин, келиб қолса топиш қийин бўлади, деб Сарсонбой ота ҳаммасининг бўйнига қизил латта боғлаб чиқди. Лекин келмади. Тирикми, ўлганми — ҳеч ким билмайди. Сарсонбой отанинг бормаган идораси, суриштирмаган одами қолмади. Фамилияси, адресини билмагандан кейин топиш осон бўлармиди?

— Сарсонбой, шу энди, ҳар қаёққа бориб, ўзингни сарсон қилма, — маслаҳат берди ошналардан бири.

— Шундай жаҳаннамдан омон қайтган одам қачонги иккита қўйни суриштириб келармиди?! Худога шукур, тўқчилик. Қўй керак бўлса, бозор тула. Сен яхши-си, бозорга бор. Танийсан-ку, тирик бўлса, шу ерда бўлса, кўриниш беради.

Бу гап Сарсонбой отага маъқул тушди. Шундан бери битта ҳам бозорни қанда қилмай қатнайди. Бошқа кунлари қўй боқиб, тоғма-тоғ, дарама-дара юради. Ҳориб-чарчаб, ҳафта охири уйга қайтади. Раис бир неча марта: «Булди энди, ота, шунча ишладингиз, етар. Энди, ёшлар ишласин!» — деди, лекин Сарсонбой ота қулоқ солмади. Қандай қилиб қулоқ солсин. Ҳайдаралининг қўйларини барибир боқиши керак-ку? Етти ет бегона одамнинг подасини ким боқади? Боқса ҳам қандай боқарди?

Лекин қарилик, қарилик экан... Илгарилари ҳафта-лаб оёқда турса ҳам чарчамасди, энди ярим кунда

мадори қурийди, ўтиргиси келиб қолади. Бир куни Узумлининг тепасида шундай ҳориб ўтирган эди, сойдан ўқ овози эшитилди. Тагин бирорта қўйни отиб қўйишмасин, деб пастга тушди.

Арчаларга чирмашиб кетган токнинг тагида тўртбеш йигит харсангнинг устига шиша қўйиб отишарди. Чолни қуриб, биттаси гап отди.

— Бобой, бу нима, какликнинг ҳаммасини отиб, тузлаб қўйганмисизлар? Биттаям кўринмайди-ку?

— Каклик ови қишда бўлади-да, бўтам. Ов қилгани келувдинларми?

— Ҳа, бир бош оғиб келувдик. Шу томонда каклик бўлади, дейишувди.

— Бўлади, кўп бўлади, лекин қишда бўлади.

— Бобой! — қичқирди арча тагида ўтирган бир йигит. — Қани, бу ёққа келинг. Манавидан бир ичиб юборинг биз билан.

Йигит пиёлани тўлатиб, ароқ узатди.

— Ичмайман, бўтам, — деди жилмайиб Сарсонбой ота. — Ҳеч ичган эмасман.

— Бир ичиб кўринг. Кейин гап бор, — қистади йигит ва гандираклаб унинг олдига келди. — Олинг.

— Ичмайман, бўтам, — деди Сарсонбой ота пиёлани итариб. — Ҳар қанча гапингиз бўлса гапиринг, эшитаман, лекин ичмайман.

— Майли, зўрлама отани! — деди милтиқ ўқлаётганлардан бири.

— Бўлмаса, ўзим олдим, — йигит пиёлани сипқириб, енгига ухлади-да, деди. — Бобой! Ов баҳона бир дам олгани чиқувдик-да, бу ёққа. Қўйдан биттасини сотинг. Шу ерда у-бу қилиб кетайлик.

Сарсонбой ота бошини қўйи солиб, жим қолди. Кейин ҳижолатлик билан жилмайди.

— Аттанг, бўтам, сотолмайман-ку. Меники эмас. Қишлоққа ўтсангиз, ҳар бир хонадондан топишингиз мумкин. Мен ўзим ҳам бераман. Булар омонат. Бўлмаса, қўй сизлардан айлансин!..

— Шундай денг?

— Ҳа, шундай, бўтам.

— Ҳозир биттасини ўзимиз тутиб олсак-чи? — йигит илжайди.

— Ундай қилмайсиз. Омонат дедим-ку, бўтам.

— Жуда зиқна экансиз-да! — йигит аччигланди. — Битта қўй нима, одамдан ҳам азизми? Акбар?

— Нима дейсан? — деди йигитлардан бири.

— Юр, биттасини тутиб келайлик. Раисга ўзимиз жавобини берамиз.

Йигитлар тош қалъа томон йўл олишди.

— Тўхтанг! — қичқирди Сарсонбой ота. — Мусулмон боласимисизлар, меники эмас, дедим-ку! Эгаси йўқ бу қўйларнинг. Урушда бедарак кетган, йигирма йилдан бери боқиб юрибман... Инсоф борми?

Йигитлар тўхтаб қолишди, кейин битта-битта орқага қайтишди.

— Кечиринг, ота, билмадик, — деди кимдир.

Сарсонбой ота индамади. Унинг рангида қон қолмаган, лаблари титрарди.

— Узр, бобой!

Сарсонбой ота яна чурқ этмади. Кейин оҳиста-оҳиста қадам ташлаб, қалъа томон кетди.

Шу воқеани Мадумар акага куюниб айтиб берганида, у анча уйланиб қолди. Кейин деди:

— Хафа бўлма, бир гап айтаман.

— Хуш?

— Шу қўйларни колхозга бер, яхшиси. Ўзингни қийнама. Сенда бўлди нима-ю, колхозда бўлди нима. Колхоз еб кетармиди? Ҳайдаралинг келса, қайтариб беради.

Сарсонбой ота жавоб бермади.

Мана, ҳозир ҳам у бозорга тикилиб ўтирар экан, ўртоғининг шу маслаҳати хаёлидан кўтарилмас, лекин нима қилишини билмасди. Кун тиккага келганда бозорда одам сийраклашди. Моли сотилмаганлар, томошага чиққанлар қолди, холос. Сарсонбой отанинг эрталабки кайфи чоғлиги йўқолди: Ҳайдарига ухшаган бирорта одам бу гал ҳам учрамади.

«Наҳотки, улган бўлса? — бу даҳшатли фикр чолнинг хаёлига келди-ю, қўрқиб кетди. — Йўқ, шунча ўлим бўлиши мумкин эмас. Бедарак кетганларнинг кўпи келди-ку, ажаб эмас, у ҳам келса. Тўй қилмоқчи эди. Баҳона билан мен ҳам тўй куриб қолардим. Ўзим қилиб берардим, тўйини...»

У шундай хаёллар билан яна анча ўтирди. Бозор тугади. Деярли ҳамма тарқалди. Ошхона томондан паловнинг ҳиди кела бошлади. Аммо чол жойидан қимирламай ўтираверди.

— Сарсонбой!

Сарсонбой ота ўзига келиб, ўтирилди. Тепасида Мадумар ака турарди.

— Бўлди энди. Мен айтган ишни қил. Чўп бўлиб кетасан-ку, ахир бунақада.

Сарсонбой ота индамади. Маҳсисининг қўнжидан бир сўм чиқариб, лаганчага ташлади-да, ўрнидан турди.

— Кетасанми? Ош дамладим, еб кет.

— Келаси гал. — Сарсонбой ота каравотдан тушиб, эшикка йўл олди. — Хайр!

Эшикка чиқиб, нимадир эсига тушди шекилли, қайтди.

— Наҳотки, сен ҳам тушунмасанг?! Ўзим олиб қолганман, ўзим, ўз қўлим билан қайтаришим керак...

Мадумар ака жавоб қилмади. Фақат ўртоғи чиқиб кетганда:

— Зебига салом айтиб қўй! — деб қўя қолди.

Қиров босган тўриқ эгасини кўриб, қулоқларини чимирди. Эркаланиб, бошини бир-икки силтади-да, зинага яқинлашди. Сарсонбой ота эгарга чаққон миниб, жилловини қўлга олди:

— Кетдик.

Тўриқ таниш йўлдан илдам йўрғалаб кетди. Унинг юришида ҳам эгасининг дилидаги каби бир умид бор эди.



## УЧҚУН НАЗАРОВ

(1934)

Учқун Назаров кўп қиррали ижод соҳиби. У ҳам адиб-носир, кинодраматург, кинорежиссёр 1934 йили Тошкент театр ва рассомчилик олий билимгоҳининг режиссёрли бўлимида таҳсил олган. Аввал Қўқон шаҳридаги Ҳамза драма театрининг бош режиссёри, ҳозирги кунгача эса «Ўзбекфильм» киностудиясининг етакчи мутахассисларидан бўлиб фаолият курсатиб келади. Унинг адиб сифатидаги ижодининг бошланиши 60-йилларга тўғри келади. У узининг дастлабки «Одамлар» (1961) ҳикояси билан кенг китобхонларга, устозларга танилган. Улкан адиб Абдулла Қаҳҳор уша йилларда ёзувчи Ўлмас Умарбековнинг «Бобоёнгоқ» ҳикояси билан Учқун Назаровнинг мазкур «Одамлар» ҳикоясини ёшларнинг энг яхши асарлари қаторига қўшган эди. Шундан буён адибнинг «Қурур» (1965, ҳикоялар), «Журъат» (1977, қисса ва ҳикоялар), «Садоқат» (1965), «Листопад» (1976) Москвада рус тилида нашр этилди. Шунингдек, адибнинг «Верность» (М., 1987, рус тилида) ҳикоя ва қиссаларидан иборат насрий асарлари тўплами чоп этилди. Учқун Назаров узининг «Иқрор», «Одамлар», «Ғурур» каби ҳикоялари билан кенг китобхонлар орасида муносиб обрў топди. Наср соҳасидаги унинг сўнгги ва энг йирик асари «Чаён йили» романи ҳам ўқувчига манзур бўлди.

Маълумки, Учқун Назаров бир қанча саҳна асарлари ҳам яратган бўлиб, улар орасида «Ойна» (1987) драмаси шуҳрат топди ва Ҳамза номли драма театрида саҳналаштирилди.

У кинорежиссёр, киносценарист сифатида ҳам баракали ижод қилиб келмоқда. Айниқса, унинг «Сурайё», «Қиз ва йигит», «Шиддат», «Алангали соҳил» каби бадиий фильмлари элга, томошабинга манзур бўлган. Унга 1977 йилда Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофоти берилган. У «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» ҳамдир. Энг муҳими, ижодкор қайси жанрда, қандай мавзуда асар ёзмасин, ҳамиша инсонийликни эҳтиёт қилишга, узаро бир-бирига мурувват-

*ли, шафқатли бўлишга чорлаб келди. Худди шу ҳол у яратган қаҳрамонларнинг маънавий-ахлоқий бутунлигини таъминлади.*

## ЖАЗО

Қаёқдан ҳам уша тўйга бордим! Бормасдан қишлоққа кетаверсам бўлмасмиди!..

Булиб утган воқеа утмишимга яна бир карра назар ташлашга мажбур этди...

Институтни тугатганимдан кейин мени Олтиариқ район поликлиникасига врач қилиб тайинлашди. Ўз касбимни яхши кўрардим, шунинг учун эрта-кеч, ёз-қиш демадим, буткул иш билан банд бўлиб, зерикашга ҳам вақт бўлмади.

Ҳамиша кечалари бир ўзим қолганимда, кўз унгимда беихтиёр Нилуфар гавдаланарди.

Институтда ўқиб юрганимда негадир биронта ҳам дилимга яқин қизни учрата олмаган эдим, охирги курсда бир қиз диққатимни ўзига тортди.

Биз тажриба учун доим касалхоналарга бориб машхур докторлар тажрибасини урганар эдик. Бир куни машгулотлардан кейин хирургия бўлимига бордик. Доктор Рашидов аппендицит (кўричак) билан келган беморни операция қилишга тайёрланиб турган экан. Докторга эргашиб операция залига кирдик. Столда ўн саккиз-ўн тўққиз ёшларга кирган, чиройликкина бир қиз ётган экан. Қизнинг жавдираётган кўзларини кўриб раҳмим келди. Уни тинчитиш мақсадида жилмайиб қўйдим. Қиз ҳам не машаққат билан жилмайиб қўйди.

Уни палатага опкириб кетишди. Операциядан кейин алақандай куч мени унинг палатасига ундади. Кирдим. Қарасам, ухлаб қопти. Дарров изимга қайтдим. Кечгача ҳаёлим ўша бемор билан банд бўлди. Эртасига нонушта ҳам қилмасдан унинг олдига бордим. Мени кўриб жилмайиб қўйди. Ҳамма қатори унга ҳам салом бериб, каравоти томон яқинлашдим.

— Қалайсиз? — дедим врачларга хос оҳанг билан.

— Раҳмат, дуруст, — деди ва маънос кулиб қўйди.

Бир лаҳза бирон нарса дейиш учун гап қидириб ўйланиб қолдим. Миямга дурустроқ гап келмади.

Томдан тараша тушгандай: «Кўнглингиз нимани



тилайди?» деб суровдим, қиз бир оз таажжубланиб, менга тикилиб турди-да: «Ҳеч нарса керакмас, овора бўлманг» деди.

Унинг урнида ҳар бир қиз ҳам шунақа деб жавоб қиларди, албатта.

— Овораси борми? Шунчаки... — деб бирон нима демоқчи эдим, қиз сўзимни бўлди:

— Раҳмат. Ҳозиргина уртоқларим кургани келишиб, бир талай нарса ташлаб кетишди. — Қиз уялди шекилли, шу сўзларни айтиб атрофга аланглаб қўйди.

Энди булак гап бошлашга важ қолмади, мен секин ўрнимдан турдим.

— Хўп, хайр бўлмаса, — деб орқамга тисарилдим.

— Хабар олгани келганингиз учун раҳмат, — деди қиз илиқ табассум аралаш.

— Арзимаёди, бурчимиз, — деб умумий гапларни айтдим-да, палатадан чиқиб кетдим.

Шундан кейин ҳар куни келиб хабар олиб туриш одатим бўлиб қолди. Уни даволаётган врачлар билан учрашиб, аҳволдан хабар олиб турдим, яхшироқ қарашларини илтимос қилдим. Уч-тўрт кун ўтгандан кейин урнидан туриб юрадиган бўлди. Мени курганда чеҳраси очилишини сезиб, бир қадар севиниб қўйдим. Касалхона боғига чиқиб утириб анча-мунча суҳбатлашадиган бўи қолдик. Орамиздаги расмий муносабат ҳийла ариб, қандайдир иноқлик пайдо бўлди. Ҳатто бир кун илож тополмай бормаё қолувдим, эртасига: «Кеча келмадингиз, вақтингиз бўлмагандир?...» — деди.

— Кеча кечгача банд бўлдим, кечқурун келишга истиҳола қилдим.

Қиз кулиб қўйди.

Студентликда қўл қисқа бўлади, оз бўлса ҳам бирикки хил олиб келган пакетдаги мевани қўлига узатдим.

— Ахир мени уялтиряпсиз, — нолиди қиз, — ҳадеб шунақа қилаверсангиз, одамлар нима деб уйлайди?

— Одамларнинг гапидан қўрқасизми?

— Қўрқмайману... — қиз ўйланиб қолди, — лекин билган ундоқ, билмаган мундоқ дейиши мумкин...

Мен бир оз ўкингандек бўлиб:

— Майли, агар истамасангиз... — дея, гап бошловдим, қиз сўзимни бўлди.

— Йўқ, ундоқ эмас... Тушунинг, қиз боланинг иши оғир буларкан, ҳар нарсанинг андишасига боришга тўғри келаркан. — Шу сўзларни айтиб, бир лаҳза

хаёлга ботди. — Ахир мен сизга тамоман ёт бир кишиман-ку, — деди ва менга синовчан назар ташлади.

— Қайдам, — дедим мен ҳам уйчанлик билан. — Менинг бу ерда ҳеч кимим йўқ, негадир олдингизга келгим келаверади...

Ўртага алақандай маъюслик чўқди.

Тротуардан секин индамай кета бошладик...

Нилуфар менга кўп нарсани ҳикоя қилиб берди. Отаси ўлиб кетган, онаси билан катта опаси Тўйтепада туришар экан. Нилуфар тўққизинчи синфни тугатиб Тошкент педагогика техникумига келибди. Ҳозир иккинчи курсда ўқиётган экан. Қўрқиб кетишади деб, касали ҳақида уйдагиларига хабар бермапти. Шунинг учун унинг олдига студент қизлардан бўлак ҳеч ким келмайди.

— Ярам битиб кетгандан кейин, ўйинга тушса бўладими? — сўради Нилуфар кўзлари чақнаб, болаларга хос соддалик билан.

— Бўлади, — дедим мен врачларча салмоқ билан ва хийла киноя аралаш илжайиб, — ўйинга қизиқасизми? — дедим.

Нилуфар уялинқирагандек бўлиб, бошини силкидида, кулиб нима дер экан, деган маънода менга тикилди. Мен ҳам мийигимда илжайиб қўйдим.

Шу-шу Нилуфар ҳақида бўлган ўйлар бутун хаёлимни қамраб олди. Тез кунда у касалхонадан чиқиб ўқиши билан овора бўлиб кетди. Кун ора учрашиб турадиган бўлиб қолдик. Орамиздаги илиқ муносабат ўзгача бир тус ола бошлади. Янги йил кечасини бизнинг ётоқда ўтказадиган бўлдик. Авваллари янги йил кечасини бошқалардек ҳаяжон билан кутмасдим, дўстларим ўз севимли қизлари билан келганда, мен ажралиб қолиб, ўзимни бир қадар аянчли сезар эдим. Шунинг учун бунақанги ўтиришлардан қочишга ҳаракат қилардим. Аммо бу янги йил кечасини алақандай ҳаяжон билан кутдим. Нилуфар аввалига кўнмади, кейин мени ранжитиб қўйишдан чўчиб, рози бўлди. Кеча кутгандан ҳам яхши ўтди. Нилуфар ўзининг ажойиб ўйини, қувноқ ва маъюс ашулалари билан ҳаммани ўзига қаратди. Ҳатто авваллари ўтиришларимизнинг гули бўлган Нафиса ҳам Нилуфар олдида лом-мим дея олмай қолди. Мен ич-ичимдан хурсанд эдим. Қани энди, уят ҳисобланмаса-ю, Нилуфарнинг хиёл сузилган серкиприк хумор кўзларидан, гулгун лабларидан тўйиб-тўйиб ўпиб олсам!..

Утириш кеч тугади. Ҳаммамиз ўз маъшуқаларимизни кузатиш учун ҳар томонга кетдик. Қаттиқ совуқдан қорнинг сатҳидаги майда учқунлар йилт-йилт этади. Бирпасда Нилуфарнинг ётоғига етиб қолганимизни ҳам сезмабман. Дарвоза олдида тўхтадик.

— Янги йилингиз муборак бўлсин! — дедим бир неча дақиқа бир-биримизга шикаста тикилиб турганимиздан кейин. — Бахтли бўлинг, Нилуфар.

— Қуллуқ, ўзингиз ҳам бахтли бўлинг! — деди у эшитилар-эшитилмас овоз билан самимий хурсиниб.

Бир лаҳза бир-биримизга маҳлиё бўлиб тикилиб қолдик. Мен унинг қўлларини ушлаб силадим, куфладим, у эса майин табассум билан қаршилиқ билдирмай, менинг ҳаракатларимни кузатарди. Юрагим тўлқинланиб, вужудим жимирлай бошлади. Ҳаяжондан кўзларим қоронгиллашиб, қандай кучнинг иродаси — билмайман, борган сари Нилуфарнинг кўзлари томон яқинлашаётганимни сездим, аммо бу гирдобдан қутулишга мен заиф эдим. Совуқ, лекин юрак авжидан титраётган лабларимиз бир-бири билан туташди... қизнинг вужуди дағ-дағ титрарди...

Шундан кейин яна ҳам иноқлашиб кетдик. Сирасроримиз бир-биримизга маълум бўлиб, келажак ҳаётимиз ҳақида режалар тузадиган бўлиб қолдик. Аммо бир машғум воқеа ҳамма орзуларимизга болта урди...

Баҳор пайти эди. «Даданг касал» деб уйдан хабар келиб қолди. Ҳеч нарсага қарамасдан йўл тараддудига тушиб қолдим. Нилуфарга айтиб кетай деб ётоқхонасига борсам, йўқ экан. Қизлардан сўрасам, пойма-пой жавоб беришди. Бошим қотиб зинада турувдим, бир ўртоғи орқамдан чиқиб, мени четта имлади. Олдига бордим.

— Биласизми... — дея гапни қай йўсинда бошлашни билмай, бир оз уйланиб қолди қиз. — Нилуфар охирги пайтда галати бўлиб қолди. Қанақадир бир артист хотин билан танишиб олибди. Театрга ишга киритиб қўяман, деб ваъда берганмиш. Бир-икки марта унинг уйига бориб, ётиб ҳам қолди.

Мен ҳайрон бўлдим. Аввал ахир менга бу тўғрида оғиз ҳам очмовди, бу қанақа янгилик энди?

— Қанақа артист хотин? Танийсизми? — дедим мен.

— Қайдам. Театрларда ишлайдиган артистлар ичида мунақа отни эшитмовдим, тагин ким билади дейсиз?

— Ўзи ким у? — қатъийроқ сўрадим мен.

— Кароматхон Муминова, — дейди Нилуфар.

Бу отни эшитдим, юрагим шув этиб кетди.

«Ахир бу, тўйма-тўй сангиб юрадиган, яхши-яхши қизларни йўлдан оздириб, бировларнинг маишатини безатадиган, машҳур... отарчи хотин-ку!..» Кўз ўнгим қоронгилашиб, вужудим қалт-қалт титрай бошлади. Машина тўхтатиб, Кароматхонникига кетдим. Эшикни ҳам тақиллатмай, тўппа-тўгри уйига кириб бордим. Кўрдиму, тилим калимага келмай, серрайиб қолдим: ноз-неъматлар билан безалган хонтахта атрофида Кароматхон билан қизил кўзлари иргиб чиққан, чамаси қирқ ёшлардаги семиз бир киши лаблари бўялган Нилуфарнинг ашуласини мароқ билан эшитиб ўтирарди.

Кўзларимга ишонмай ҳанг-манг бўлиб, остонада қаққайиб турарканман, ўтирганлар безовта таажжуб билан менга тикилиб қолишди.

Кароматхон ясама кулги билан оғзи тўла тилла тишини ярқиратиб:

— Келинг, йигитча? Хизмат? — деди.

Нилуфар айтаётган ашуласини тўхтатиб, ўзига хос соддалик билан:

— Мутал ака! — деди.

— Э, Муталжон, келинг, укам! Қани, юқорига чиқинг! — деди Кароматхон сохта меҳмондўстлик қилиб ва тезда қўшиб қўйди. — Акангиз билан танишиб қўйинг, бу киши музика соҳасида усталар, бастакор! Нилуфарнинг овозини текширяптилар. Театрга киритиб қўйинг деб, Нилуфархон ҳоли-жонимга қўймовдилар, мана мингдан-минг илтимослар билан айтиб келдик бу кишини. Санъат учун, яхши талантлар учун жонимизниям аямаймиз-да, опаси!..

Кароматхон яна алланималар деб валдиради, аммо қолган гаплари қулоғимга кирмади. Вужудим газабга тулиб, ўтирганларни ғажиб ташлагим келди.

— Нима қилиб ўтирибсиз бу ерда? — дедим мен кўзларимни Нилуфарга найзадек қадаб.

— Мен... Мен... — Нилуфар нима деярини билмай гўлдираб қолди.

— Вой, Муталжон, сизга нима бўлди?! Жа авжингиз балаңд кўринади? Қўйсангиз-чи шгунақа настроенияни, ўтиринг мундоқ, отамлашайлик! — деди Кароматхон ўзини беғам тутишга ҳаракат қилиб.

— Нима қилиб ўтирибсиз бу ерда, деяпман?! — ўшқирдим мен.

Нилуфар довдираб қолиб, бир Кароматхонга, бир менга аланглади.

— Э, сал ўпкангизни босиб олинг, йигитча! — деб гапга аралашди ширакайф киши.

— Нега ўшқирасиз энди? — деди Кароматхоннинг ҳам авзойи бузилиб. — Нима ҳаққингиз бор? Айт, Нилуфар, нима учун бу ерда ўтирганингни! Нимага қўрқасан?!

Бу гапни эшитиб баттар қоним қайнаб кетди.

— Тур ўрнингдан! — дедим мен Нилуфарга биринчи марта сансираб.

Қўрқувдан Нилуфарнинг кўзлари пир-пир уча бошлади.

— Ахир гапирсанг-чи, мундоқ! — деди Кароматхон Нилуфарга ўдагайлаб. — Бир нарса де!

— Нилуфар, тур ўрнингдан деяпман! — деб яна сўзимни қайтардим.

Нилуфарнинг ваҳимали кўзлари олазарак бўлиб, қўрқа-писа:

— Нима қиламан туриб? Нима ишингиз бор?

— Э, бормисан, данап! — деди Кароматхон Нилуфарни гиж-гижлаб ва менга қараб. — Ана, паттангизни олдингиз, калампо, энди нойи бўлинг!

Бу гап менга қаттиқ тегиб, томогимга ёнгоқдек бир нарса қадалиб қолгандек бўлди, рангим гезариб, пешанамдан совуқ тер чиқиб кетди. Судраб олиб чиқиб кетмоқчи бўлиб, қиз томон интилувдим, у уради, деб қўрқди шекилли, сапчиб ўрнидан турди-да, Кароматхоннинг пинжига ўтиб олди.

— Шилқим бўлиб нима қиласиз, йигитча? — деди Кароматхон эркакча қўл силтаб. — Суймаганга суйкалманг, боринг, тошингизни теринг!

Бу гап менинг иззат-нафсимга тегиб, ўзимни жуда ҳам аянчли сездим ва бошқа гап тополмагандек, Нилуфарга:

— Мунақа нағмаларинг бор экан, илгарироқ айтмайсанми, ифлос? — дедим-да, шартта орқамга қайрилиб чиқиб кетдим. Ҳали ҳовли эшигига етмовдимки, Нилуфарнинг «Мутал ака!» деган овозини эшитиб қолдим. Тўхтаб қайрилиб қарадим. Кўзлари жиққа ёшга тўла Нилуфар отилиб менинг олдимга келди.

— Кечиринг, Мутал ака... — деди у ўзини йиғидан тўхтата олмай.

Жаҳолатдан кўзимга ҳеч нарса кўринмас эди, мўтираб қараб турган Нилуфарнинг иккала юзига алам

билан тарсаки туширдим. Нилуфар юзини кафтлари билан бекитиб гунажак бўлиб олди. Мен пойлаб турган машинага ўтирдим-да, жунавордим...

Ўша кунийёқ қишлоғимизга кетдим. Уч-тўрт кун турдим-да, дадамнинг ҳам касали кўнглимга сигмай, имтиҳонларни баҳона қилиб қайтиб келдим. Шундан кейин Нилуфар бир неча марта келди, аммо мен рўйхуш бермадим; гапимни эшитинг, деб ёлворди, мен ўжарлик қилиб, айтганимда туриб олдим. Бироқ юрагимнинг бир бурчида яна келишини истардим, аммо Нилуфар қайта келмади. Тез орада институтни тамомлаб, Олтиариққа ишга жунадим.

Ярим йилча утгандан кейин «Нилуфар эрга тегибди», деган хабарни эшитиб қолдим. Ҳар қалай, бир пайтлар уша қиз билан ўз орзуларимни боғлаган эдим, бу хабарни эшитиб юрагим ачиди, анча пайтгача шу туғрида ўйлаб юрдим...

Бир куни, кеч куз эди, ўз хонамда касалларни қабул қилиб бўлиб, анкеталарни тўлдириб ўтирувдим, ҳамшира кириб: «Сизни бир қиз йўқлаяпти», деди. Юрагим шув этиб кетди. Шубҳам бежиз эмас экан, ҳеч қанча вақт ўтмай, остонада Нилуфар пайдо бўлди. Юрагим қаттиқ уриб, бармоқларим титрай бошлади.

Беихтиёр ўрнимдан туриб, худди орамизда ҳеч нарса ўтмагандек:

— Келинг, — дедим.

Нилуфар салом бериб кирди, мен стул курсатдим.

Қиз менга кулиб боқди, аммо бу кулги шу қадар гамгин ва аянчли эди, ўпкам тўлиб кетгудек бўлди. Ўз жойимга ўтирдим-да, анкеталарни четроққа суриб, тирсақларимни столга тирадим.

— Ҳўш, келинг, хизмат? — дедим мен мулойим совуққонлик билан.

Нилуфар буни фаҳмлади-ю, аммо сезмаганликка олди.

— Сизни кўргани келдим... — деди у гуноҳкорларча менга тикилиб.

— Раҳмат, хурсандман, — дедим мен авзойимни бузмай.

Жавобим Нилуфарни эсанкиратиб қўйди шекилли, у бир лаҳза сўз тополмай жим қолди.

Мен совуққина илжайганимча савол назари билан унга тикилиб туравердим.

— Аҳволларингиз яхшими? — деди у ўзини тетикроқ тутишга ҳаракат қилиб.

Мен яна калтагина қилиб «яхши» дедим-да, сохта одоб билан яна унга тикилиб туравердим.

Ўртага ноқулай жимлик тушди. Албатта, менинг бу йўсиндаги муомалам унинг дилини тилка-пора қилган бўлса керак, бошини эгиб ўтирган Нилуфарнинг кузидан милт-милт ёш томди. Мен буни кўриб ич-ичимдан ачинсам ҳам, юрагимнинг бир бурчи завқланар эди. Ким билади, балки бир пайтлар эшитган ҳақоратим учун ўз наздимда олаётган учимми?!

— Балки бу ҳаёсизликдир, аммо... мен атайин сизнинг олдингизга келдим...

— Қадамингизга ҳасанот, келинг, — дедим мен сўзини бўлиб. — Якка ўзим, — деди Нилуфар.

— Кечирасиз, уртогингиз-чи? — дедим-да, жавобини кутмай қўшиб қўйдим. — Афсуски, бир оз кечикиб, эшитиб қолдим, тўй бўпти. Энди айбга буюрмайсиз, анча вақт ўтиб кетгандан кейин табрикнома юборишни ўзимга эп кўрмадим.

Нилуфар овозини чиқармай ҳўнг-ҳўнг йиғларди.

— Нима десангиз ҳам ҳаққингиз бор, — деди у энтикиб. — Аммо менинг эрим йўқ. Сиз мендан юз ўтирганингиздан кейин, ўзимни қаерга қўяримни билмай, ўша хотиннинг гапига лаққа тушиб қолганимни ўзим ҳам билмайман. У қилди, бу қилди, хуллас, бошимни айлантириб, бир йигитга мени олиб берди. Ҳушимни йиғиштириб қарасам...

Нилуфар қолган гапни айтолмай аламли йиғлай бошлади. Менинг ҳам томогимга тўпдек қаттиқ бир нарса қадалиб, ўлкам қалқий бошлади.

— Энди-чи? — дедим мен ўзимни аввалгидек тутиб.

— Сизни паноҳ тортиб қочиб келдим. Ҳар ҳолда бир пайтлар... Мени азобдан қутқарарсиз деб келдим... Шунча вақт утди, юзингиз ҳеч ҳаёлимдан нари кетмайди... Аёл киши бировга кўнгил қўйса, қийин булар экан, унутолмас экан... — Нилуфар бошини эгиб, яна пиқ-пиқ йиғлади. — Агар иложи бўлса мени кечиринг, — деди у йиғи аралаш

— Қўйинг, йиғламанг, — дедим мен ҳам маъюс тортиб ва бир лаҳза бошимни кафтларим орасига олиб уйга толдим-да, — чакки қибсиз оилангизни ташлаб, — дедим, кейин кўпни кўрган кишилардек насиҳатомуз давом этдим: — Оила — бизнинг жамиятимизда муқаддас нарса. Бола-чақа пайдо бўларди, кўникиб кетардингиз...

Бу аҳмоқона сўзларимни ҳали-ҳали эсласам ўзим-

дан ўзим уялиб кетаман. Нима кераги бор эди бечора қизнинг ярасини тимдалашни?

Ножўя гапириб қўйганимни пайқаб, ўрнимдан турдим-да, кўкрагимга қўлимни қовуштириб, дераза олди-га бордим. Неча-неча хаёллар миямни чалгитмайди. Кўзимни чирт юмиб уйимга опкетай дейману, минг хил андишага бораман. Одамлар нима дейди? Иснодга қолиб кетаман-ку! Ундан ташқари бўлиб ўтган шарманда воқеанинг губори ҳали ҳам дилимдан аригани йўқ. Аммо, шунинг билан бирга Нилуфар мен учун жудаям ёт эмас-ку, ҳамиша юрагим уни қўмсаб талпинарди-ку!.. Ё уни олиб одам танимайдиган узоқ бир шаҳарга кетворайми? Нима қилсам экан? Нима?

Қайтиб столга бориб ўтирдим-да, бошим қотиб, кафтим билан юзимни ишқаладим.

— Бу ёққа келиб, ўзингизга яна бир азоб орттириб бекор қипсиз. Билардингиз-ку, булар иш бўлди. Нима қилардингиз мени ҳам қийнаб?..

Нилуфар менга хастадил нигоҳини узоқ ва майин ҳолатда тикиб турди-да, «ўзим ҳам шундай деб ўйловдим», дегандек бошини чайқаб қўйди.

— Мени кечиринг... — дедим негадир ўзимни гуноҳкор сезиб.

Нилуфар ўрнимдан секин турди-да, қайгули кулиб:

— Хайр... Бахтиёр бўлинг... — деди ва оҳиста эшик томон юра бошлади.

Нилуфарнинг мунгли ва тушкин ҳолати шу тоқда нақадар салобатли ва мағрур эдики, беихтиёр мен ўзимни қандайдир паст, аянчли ва ижирганарли даражада шилимшиқ бир нарсадек ҳис этдим.

— Йўл юриб чарчагандирсиз, бугун менинг уйимда меҳмон бўлиб қолинг, дам олиб эртага кетарсиз, — дедим мен бошқа бирор нарса дея олмаганимдан ҳижолат бўлиб.

Нилуфар мен томон ўтирилди-да, қандайдир киноянамо илжайиб:

— Қуллуқ, насиб бўлса, бошқа пайт, бағрингиз тўлиб, уйингиз гавжум бўлганда, хайр, — деб чиқиб кетди.

Нилуфар бу сўзларни айтганда, кўзимга жудаям қариб кетгандек ғариб бир тусда кўринди. Чиқиб кетди-ю, худди юрагимни юлиб олиб кетгандек бўлди. Худди бир қимматбаҳо нарсамдан ажралгандек, илондек тўлганиб, кабинетнинг у бошидан бу бошига юра бошладим. Қарама-қарши ўйлар миямни тешворай



дейди. Шу зайл ярим соатча вақт ўтди. Қандайдир қарор қалбимда исён кўтарди, отилиб кабинетдан чиқиб кетдим, аммо ҳарчанд қидирмай, Нилуфарни қайтиб тополмадим.

Шундан кейин бир йилча вақт ўтди. Вақт ўз ишини қилди: бўлиб ўтган кўнгилсиз воқеалар секин-аста эсимдан чиқа бошлади.

Ёзининг охиларида отпускаи олиб, қишлоғимга бордим. Ота-онам, ака-укаларим ўзида йўқ хурсанд бўлишди. Мен учун қиз топиб қўйишипти. Дурустроқ жавоб бермадим-да, бир ҳафтадан кейин келаман, деб Тошкентга тушиб кетдим. Курсдошим Козимжонларникида тўхтадим. Ёру биродарларни кўриб улфатчилик қилиб юрдик.

Қайтадиган кунни Козимжон мени қўймай аллақандай тўйга судради. Йўқ деёлмай қолишга мажбур бўлдим. Борсак, тўй авжида экан. Одам кўп, столларга ноз-неъматлар тортилган, машшоқлар ашула айтапти. Ўтирдик. У-бу еб, бир оз ичган бўлдик. Ҳар томондан «Энди Жингалакхондан бўлсин!» деган талаблар тушди. Биродарлар билан суҳбатлашиб, Жингалакхонга қараш ҳам эсдан чиқибди. Бу овозни қаердадир эшитгандек бўлдим-да, уйнаб ашула айтаётган Жингалакхонга қарадим. Кўрдиму, юрагим қалқиб кетди! Атирупаларни аямай юзига чаплаган, соялари ҳаддан ташқари жингалак, муқом ва нозу карашмалар билан эрақларнинг ширақайф кўзларини куйдириб, узатилган пулларни чангаллаб кўкрагига солиб, ўртада Нилуфар уйнапти! Кўзларимга ишонмай ҳанг-манг бўлиб қолдим. Нилуфар отарчи! Нилуфар — Жингалакхон! Демак, аламзадалик натижасида Нилуфар яна Кароматхонлар тузоғига илинган эканда. Қандай даҳшат!

Аввалги назокатга бой, латофатли, тортинчоқ ва мулойим Нилуфарнинг ўрнини шилқим, ҳаёсиз, бачкана ҳаракатлари ва шалақ сўзлари билан баданни сескантирувчи яллари Жингалакхон эгаллаб олибди!

Менинг анграйиб қолганимни Козимжон пайқаб:

— Ҳм? Маҳлиё бўп қолдингиз? Юракка ботдими дейман? — деди.

Мен жавоб ўрнига бир нима деб гўлдирадим-да, биз томон яқинлашиб келаётган «Жингалакхон»ни кўриб, секин ўрнимдан қўзалдим. Козимжонга «ҳозир келаман» дедим-да, худди ўз онасини ўлдириб қўйиб, қўрқиб кетган қотил боладек кўчага отилиб чиқдим ва

турган машиналардан бирига ўтириб вокзалга жўнадим...

Тамбурда туриб серюлдуз осмонга хаёлчан тикиларканман, тинмай папирос чекаман... зиммамни Нилуфарнинг юки — лаънати босаётгандек бўлади, юрагимни кимдир ҳовучлаб эзаётганга ўхшайди.

Аттанг! Нега ўшанда Нилуфарни Кароматхоннинг чангалидан қутқариб кетмадим? Бинойдек бир қизни жувонмарг қилдим-а!.. Мана, мен мунофиқларча қочиб кетяпман...

Бир бегуноҳ кимсани хазон қилганимни ҳеч ким билмайди. Бундай олиб қараганда, менда нима айб? Олчоқлигим учун ҳеч ким мени қоралай олмайди!

Аммо ўз-ўзимдан, ўз виждоним жазосидан қандай қилиб қочиб кета оламан?..



## НЕЪМАТ АМИНОВ

(1937)

*Ҳажвий адабиётимизнинг йирик ва истеъдодли вакили Неъмат Аминов 1937 йил 17 июлда Бухоро вилоятининг Ромитон туманида темирчи оиласида тугилган. Ўрта мактабни тугатгандан сўнг (1954-1959 йилларда) Файзулла Хўжаев номидаги Бухоро педагогика институтининг тарих-филология факультетида таҳсил кўрди.*

*Неъмат Аминов аввал Бухоро вилояти радио эшиттириш комитетида мухбир, сўнг Армия сафларида хизматда бўлди. 1973 йилда у Тошкентга — «Муштум» ойнамасига ишга таклиф этилади. Ойнамада 1985 йилгача масъул котиб бўлиб ишлайди. 1989 йилда «Шарқ юлдузи» ойнамасида бош муҳаррир уринбосари вазифасини бажарди. 1989 йилдан «Муштум» ойнамасининг бош муҳаррири бўлди. Ҳозир Республика маънавият ва маърифат жамоатчилиқ марказига раҳбарлик қилмоқда.*

*Унинг дастлабки ҳажвияси 1965 йилда — «Устоз, аълам?» номи билан «Муштум» ойнамасида босилиб чиққан. Адибнинг биринчи ҳикоялар тўплами — «Икки пуллик обрў» (1966) унга обрў келтирди. Шундан кейин ҳажвчининг «Қирқ учинчи почча» (1970), «Лабиховуз хандалари» (1973), «Жигари тўкилди» (1974), «Тилла табассумлар» (1977), «Чинорлар қушиги» (1984), «Елкасиз полвон» (1986), «Ўғри мушукча» (1987), «Қаҳқаҳа» (1987), «Яллама ёрим» (1988), «Чолболанинг эртаклари» (1990) китоблари босилиб чиқди.*

*Неъмат Аминов устозлари Гафур Гулом ва Саид Аҳмадлар сингари уз ҳажвий ҳикояларини оғзаки ҳикоялаш санъати устаси ҳамдир.*

*Неъмат Аминовнинг адабиётга қўшган ҳиссаси ҳақида гапирганда унинг «Ёлгончи фаришталар» (1976-1984) деб номланган йирик сатирик асари биринчи бўлиб тилга олинади. Асар яхлит бир мақсадга қаратилган «Елвизак» ва «Суварак» қиссаларидан иборат.*

*Неъмат Аминов узининг «Ёлгончи фаришталар» китоби учун 1987 йилда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Ойбек номидаги мукофотига сазовор бўлган.*

*Неъмат Аминовнинг ҳикоялари рус, украин, белорус, тожик, туркман, озарбайжон, грузин, қалмиқ тилларига таржима қилинган. Бундан ташқари поляк, болгар, румин, чех, мугул, афгон, уйгур, урду тилларида ҳам унинг асарлари босилган.*

*Ҳажвчи ноёб истеъдод соҳиби сифатида ўзбек адабиёти сатира ва юморини ривожлантиришда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Ана шу улкан хизматлари учун унга Ўзбекистон халқ ёзувчиси унвони (1992) берилди.*

## ХҲТИКНИНГ БАЛОҒАТИ

Одам боласи балоғатга етса, уй-жой қилади, болачақа орттиради. Пуштикамаридан бўлган фарзандларни ҳалол нон билан боққиси, эл орасида иззат-обрў орттиргиси келади.

Ўринсиз таққос учун ҳурматли ўқувчилардан минг карра узр сўраб, қуйидаги саволни бермоқчимиз: «Хутик балоғатга етса нима бўлади?»

Ҳа, нега пешонангизни тириштириб, чаккангизни қашлайсиз? Наҳотки шуни ҳам билмасангиз? «Саволни такрорланг» дедингизми? Хўп.

«Хутик балоғатга етса нима бўлади?»

Йўқ, тополмадингиз. Майли, саволга жавоб уйла-гунча, қуйидаги ҳангомага қулоқ тутинг, шояд топқир-лигингизга бир оз нафи тегса.

Район суғурта идорасининг собиқ бошлиғи Баширжон Зайнишевнинг таърифини келтирадиганлар мана бундай тўқиб-бичишади: «У кўринишдан ўта содда, ҳалимдек мулойим, жуда уятчан йигит. Аслида-чи? Аслида, олашақшақнинг остидан тухумини, танноз келинчакнинг кўзидан сурмасини уришга қодир. Ўрин келса, очиққан бузоқни бўксаси билан туртиб, сигирни узала тушиб эмишга ҳам тайёр...»

Хуллас, Баширжон Зайнишев район суғурта идорасига бошлиқ бўлиб келди-ю босар-тусарини билмай қолди. Бузоқнинг ҳақиға шерик бўлиш у ёқда турсин, ҳатто чиллашир бузоқнинг ўзини сўйиб, гўштини ейишга одатланди. Бу борада унга инспектор Қиёмидин Муслимов раҳнамолик қилиб турди.

Улар ҳаром пул ишлашни Вафо аттор исмли чайқовчи чолнинг ногирон хўтигни суғурта қилишдан

бошлашди. Кейин-кейин, уларнинг нафсига чиққан юқумли чипқон болалаб кетди. Вафо аттор билан тил бириктириб, унинг ўлакса бузоқлари «ҳаром ўлди»га чиқарилди. Аслида бу бузоқлар семиртирилиб сўйилган ва гўшти хуфёна пулланган. Суғурта идорасидан уюштирилган ёрдам Вафо аттор билан «арра» қилинган. Қисқаси: уч йил давомида Вафо атторнинг олти бузоғи «ҳаром ўлди»га чиқарилиб, унга 5 минг сўмга яқин ёрдам пули ёзилган. Бу ҳам етмагандек, ўша «ногирон хўтикча» уч йил давомида уч марта ўлиб, уч марта қайта тирилган ва ҳар ўлими эвазига 16 сўмдан ёрдам пули келтирилган...

Зилзила!!!

Ўтган йил баҳорда юз берган бу табиий офат туфайли кўп хонадонлар бошпанасиз қолди, айрим оилаларнинг турар жойлари дарз кетди. Бино дарз кетса, тузатса, қайта қурса буларкан. Айтинг, айтинг, виждон дарз кетмасин экан. Баширжон Зайнишев бошлиқ район суғурта идорасида ишловчи айрим ходимларнинг виждони дарз кетди. Маълумки, зилзила туфайли зарар кўрганларга партия ва ҳукуматимиз ўша оннинг ўзидаёқ ёрдам қулини чўзди. Уй-жойи вайрон бўлган хонадонларга ёрдам бериш мақсадида биргина бизнинг районимиз суғурта идорасига 2 миллион сўм ажратилган эди. Ана шу маблағни зарар кўрганларга топшириш учун ҳамма енг шимариб ишга киришди. Суғурта идорасида эса, бу борада ҳам зилзиладан қулаган бинодек анча қингир-қийшиқ ишлар қилинди. Жумладан, Баширжон Зайнишевнинг ўзи зиғирдек ҳам шикаст емаган ҳовлиси учун 520 сўм, қайнонаси Севар Шониёзованинг эски, чалдевор ҳовлиси учун 300 сўм, қишлоқдаги тоғаларининг ҳеч қандай зарар кўрмаган ҳовлилари учун ҳам ёрдам пули ёздирган. Бу хил ножўя ёрдамдан Қ. Муслимов, Қ. Дултаева ҳамда суғурта идорасининг бошқа ходимлари ва уларнинг авлод-аждоқлари ҳам қуруқ қолмадилар. Ҳатто, ҳаром луқманинг доимий охури — Вафо аттор ҳам зилзила туфайли ёрдамдан бенасиб қолмади. Унга биринчилар қатори 380 сўм ёзилиб, ўша куннинг ўзидаёқ ярми қайтариб олинди. Бу ҳақда Вафо атторнинг ўзи ҳам: «Ман бир бесавод одамман, «ёрдам» деб пул ёздилар, олдим, «Ярмисини қайтариб бер», дедилар. Қиёмхонга 190 сўмни қайтариб бердим», дея кўрсатма беради.

Шундай қилиб, уч йил давомида район суғурта

идорасида 133 минг сўмга яқин маблағ аҳолига қонунсиз тўланган ёки талон-тароғ қилинган.

Баширжон Зайнишев ҳам, унинг ҳамтовоқлари ҳам қонун олдида жавоб берадилар. Бу гал уни қутқариб қолиш учун ҳомийларнинг қўллари ҳам қисқалик қилса керак.

Ревизия давом этмоқда.

Энди бир гап: сугурта идорасидагиларнинг ёрдами билан қанчадан-қанча ўлакса бузоқлар «ҳаром ўлди»га, қанчадан-қанча бус-бутун бинолар «йиқилди»га чиқарилди, қанчадан-қанча экинзорларни «гармсел» уриб кетди, мева дарахтлари «қуриб, ҳосилини тўқди» ва шунинг эвазига давлат томонидан неча минг сўмлаб ёрдам пули берилди. Ҳатто Вафо атторнинг ногирон хўтиги ҳам уч йил давомида сугурта идорасидагиларнинг ёрдами билан (уч марта ўлган бўлса-да!) балоғатга етиб қолди.

Хўш, хўтик балоғатга етиб нима бўлди? Яна топа олмадингизми? Э, баракалла сизга! Хўтик балоғатга етса, нима бўлади?

Эшак бўлади-да!



## ЎКТАМ УСМОНОВ

(1938-1990)

*Истеъдодли носир, жамоатчи, журналист Ўктам Усмонов 1938 йилда Тошкент вилоятининг Қибрай тумани, Байтқургон қишлоғида деҳқон-боғбон оиласида туғилди. Урта мактабдан сўнг Тошкент педагогика институтига кириб ўқиди. Уни муваффақиятли тугатгач, аввал «Ленин учқуни» (1960-1965), сўнг «Совет Ўзбекистони» (1965-1972) рўзномаларида бўлим бошлиғи бўлиб ишлади. Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасида котиб ҳамда «Совет Ўзбекистони» рўзномасида бош муҳаррир вазифаларида фаолият кўрсатди.*

*Адиб ижодининг бошланиши асосан 50-йилларнинг охири, 60-йилларнинг бошларига тўғри келади. У аввал ҳикоянавис, сўнг қиссанавис ва пировард романнавис сифатида эл-юртга танилди. Унинг биринчи ҳикоялар тўплами 1964 йилда «Гудаста» ва 1965 йилда «Бас бойлашган бола» номларида нашр этилади. 1970 йилга келиб, «Баҳор чақмоқлари» номи билан мазкур асар ва бир қатор ҳикоялар жамланиб тўплам ҳолида нашр бўлади. Сўнгра адибнинг «Нотинч кеча» (1976), «Сирли соҳил» (1981) каби иккита ҳикоялар тўплами ўқувчига тақдим этилди. Ушбу ҳикояларда адибнинг маънавият, одамийлик ва инсонийлик ҳақидаги хулосалари ранг-баранг образлар тимсолида, ҳаётий деталларда умумлаштирилади.*

*У қиссанавис сифатида «Баҳор чақмоқлари» (1970)дан сўнг «Кишан», «Қисмат» каби бир қатор жиддий асарлар ҳам яратди. Ҳар икки асар ҳам китобхон ва адабий танқидчилик томонидан яхши баҳоланди. Шуни айтиш керакки, адиб Ўктам Усмонов ижоди жараёнида «Гирдоб» (1979) романи алоҳида роль ўйнайди. Унда бир қатор олимлар характери яратиш мисолида адолат билан ноҳақлик, садоқат билан хиёнат уртасидаги кураш жараёни замонавий руҳда маҳорат билан умумлаштирилиб берилди. Шунинг учун ҳам мазкур роман 1980 йилги Ойбек мукофотида сазовор бўлади.*

*Ёзувчининг бир қатор асарлари, жумладан, «Честь» (1977), «Рассказы» (1983), «Наедине» (1982), «Ожидани*

ние» (1986) каби ҳикоя ва қиссалари, романлари рус ва қардош тилларда чоп этилган. Адиб 1990 йил 3 январда ҳаётдан куз юмди. У қолдирган маданий мерос эса ундан ёдгорлик бўлиб қолди.

## ЯНА КЕЛГАН БАХТ

Камолиддин ярим кечада уйғониб кетди. Туш кўрдими, нима бўлди ўзи: худди бурунгидай — хотинининг иссиқ кафтидан қўлини олгиси келмай, эриниб қандайдир лоқайдлик билан уйғонганга ўхшади. Кейин бирдан ўзининг алаҳсираганини пайқади-ю, юраги орқасига тортди. Рашидахоннинг салкам икки йилдан бери бўш ётган жойига уйқули кўзларини тикди ва қилт этиб ютинди. Гуё хотини ўлмагандай, оқ сурпич кўйлагининг кўкраклари очилиб, қоп-қора қалин сочлари бутун ёстиқни эгаллаганча ҳамон ёнида ётгандай туюлди Камолиддинга.

Деразадан тушаётган хира ой шуъласида у тусмолаб пахмоқ шиппагини оёғига илди-ю, ҳовлига чиқди. Бошқа нарсаларни уйлайман деса ҳам бўлмади: негадир ҳозир миясини Рашидахоннинг хаёли эгаллаб олган эди. Уйга қайтиб кирди-да, Хосиятдан хабар олиш учун оёқ учида юриб келиб, эшиги хиёл очиқ турган ён тарафдаги хонага ўтди. Қоронги бурчақдаги каравотда ухлаётган қизи томонга бирпас тикилиб турди ва чироқни ёқай деб қўл чўзган оннда, яна хаёлига «майли, ухласин» деган фикр келди-ю, секин ўз хонасига кириб кетди. Бари-бир ухлаёлмади. Дераза қаршисига бориб гира-шира шарпадан иборат ташқарини бемақсад кузата бошлади. Ҳу олисда — муюлишга ўрнатилган симёғочдаги хира электр лампопчасини шамол беланчақдек тўхтовсиз тебратяпти. Қўшни уйларнинг деразалари одамга хўмрайгандай қорайиб кўринади... «Соат неча бўлдийкин?» дея ўйлади Камолиддин, аммо шифоньер устида чиқиллаб турган соатга қараш учун чироқни ёққиси келмади. Камолиддиннинг юраги гаш тортиб, чап кўкраги негадир оғирлашгандек, ўзича бир-икки уқалаб ҳам кўрди. Рашидахон бўлганда-ю, дарров сезарди, аввалига каравоти гичирлаб, кейин эснаб кўзини очарди-да, «ҳа, нима қилиб турибсиз ярим кечада, ётинг», дерди ва нарироқ сурилиб Камолиддинга жой берарди. Шунда Камолиддин-



нинг юраги қўйиб юборгандай, бирдан дили равшанлашарди...

Камолиддин уйқуси келмаса ҳам ўринга кириб ётди. Қоронги шифтга тикилганча яна марҳума хотинини уйлай бошлади. Суриштириб келганда, у ҳамма расм-русмларни жойига қўйди: ҳатто эл-юртдан ошириб ҳам юборди...

Бир хил эркаклар борки, хотини бетоб ётгандаёқ, «пешонам шу экан», дейди-ю, бошқасини мўлжалаб қўяди. Лекин Камолиддин Рашидахон билан ун уч йил ораларидан қил утмай, огиру-енгилни баравар тортишиб, бир-бирларига шу қадар кўникиб кетган эканларки, бечора жон берай дейганда ҳам Камолиддин Улим деган бедодликни ақлига сиздиролмай, «У кетса, менинг қолишимдан нима маъно?» деб юрак-бағри ўртанди... йўқ, докторларнинг айтгани бўлди — «бошқа тугманг», деб тайинлаганларини қулоққа олмай, бечора Рашидахон пешонасининг шўрига шундай қилган экан. Болани қориндан олганлари ҳам фойда бермади... Кетганда ўлганнинг жони кетди. Кўз очиб юмгунча, мана, орадан икки йил ҳам ўтибди.

Камолиддинга ҳар қанча оғир бўлмасин, айрилиқ азоби, яккалик азоби уни ҳар қанча қийнамасин, юрагидаги алами оз-оздан сусайиб, охири сўна бошлади. Аммо нимадир баҳона Рашидахон эсига тушгудек бўлса, яна қайта азоби бошланади, яна худди бутунгидек ўзини қўйишга жой топмайди. Шундай пайтларда баъзи бир тани бошқаларнинг меҳрибонликлари ҳам юрагига тигдек ботади.

Хотинининг йигирмасини ўтказаетгандаёқ маҳалла комитетининг раиси Ҳошим ака Аброров Камолиддин билан катта дарвоза ёнида дардлашиб турди-турди-да, кейин:

— Қисмат экан, ука, начора, — дея насиҳат қила бошлади. — Йиглаб-сиқтаган билан, куйган билан келармиди энди, кетди. Муштдаккина қизалоқ икковингиз шундай ҳовлида қачонгача ҳувиллаб ўтирасизлар? Бирон-бир бевами, ишқилиб хонадонга аёл киши керак. Ўйлаб кўринг. Хосият қизга ҳам оғир бўп кетади бунақада.

Камолиддин ўшанда дабдурустан айтилган бу гапга жавоб беролмай қолди, эҳтимол, шу индамаганини ҳам одамлар бошқача йуйган бўлишлари мумкин...

Камолиддин Рашидахон тиригида у-бу нарсани аясан аягандиру, аммо ўлгандан кейин бутун борини тў-

киб ташлади. Ҳамма маъракаларини, йилини ҳам их-лос билан, маҳалла-қўй ичида уялмайдиган қилиб ўтказди. Ўзи бозорга бориб, катта бир қўчқор олди, туёғига ҳам тегмай қозонга солдирди; калла-хасип пиширтирди, қирқ килолик ош дамлаттирди. Кейин уч ойча овора бўлиб мазорига қаради. Шаҳар маъмуриятидаги ошналарини ишга солиб, Рашидахоннинг қабри теварагини бошқаларникига қараганда сал кенгроқ олди. Катта бир хонадек келадиган жойни гулдор темир панжара билан ўратиб, ўртасига бир метрлик мрамор ёдгорлик ўрнатди-да, Рашидахоннинг рангли суратни қўйдириб, тагига бу дунёнинг уткинчилигини ёдга солиб турувчи икки мисра шеър ёздиртирди. Шундан сўнг юрагида чуқиб ётган унча-мунча гуссалари-ю, Рашидахон олдидаги гуноҳлари ҳам (агар гуноҳлари бўлса) ювилиб кетгандай сизди ўзини. Лекин оғир бир юк ҳамон дилини эзгани-эзган. Рашидахон ўлган куннинг эртасигамиди, ишқилиб, иккита қўшниси — биттаси янги жемпер, биттаси жун рўмол кўтариб чиқди-да, «Шу нарсалар сизларникида туриб турсин, деб бергандилар раҳматлик... шу ҳам насиб қилмаган экан», деб ташлаб кетишди. Камолиддин куядори ҳиди анқиб турган жемпер билан жун рўмолга индамай қараб қолаверди-ю, лекин нафсонияти шу қадар ерга урилдики... хотинидан хафа бўлишини ҳам, хафа бўлмасликни ҳам билмасди ўшанда. «Наҳотки, шунчалик зиқна эканманки, мендан яшириб буюм олса...»

Мана ҳозир ҳам Камолиддин ётган ўрнида бир тўлғониб нариги томонга ағдарилди, ўша воқеани хотирлай бошлади. Кейин Рашидахон қизлигида олган ҳаворанг юпқа пальтосини деярли ун йил кийиб, ташлаб юборар даражага келганда ҳам устидан қўймаганини эслаб хотинига баттар ачинди...

## 2

Орадан ярим йилча ўтиб... Бу хонадонда энди кичкинагина тўй бўляпти. Камолиддинга қўйса, бунақанги даранг-дурунгсиз, ҳамма ишни ими-жимидагина ҳал қилиб қўя қоларди. Бироқ бегона аёлни «ҳа» йўқ, «бе» йўқ индамай уйга киритиб олиш ҳам эл-юрт орасида хунук экан. Аввало-ку, яна оила қуришга бўйни ёр бергунча ҳам Камолиддин неча марталаб айниб, неча марталаб яна «хўп» деб, одамларнинг тоза жонига тегиб кетди. Йўқ, бошга тушмагунча киши тушунмас

экан. Хотини ўлган кунлари уйланиш деса осмонга сапчиган одам, кейинроқ бу масалада жиддий бош қотира бошлади. Купинча ишдан чарчаб қайтади, баъзан ишхонада нимадандир кайфияти бузилади, уйга келганда кимнингдир салгина далдасига зор бўлиб туради. Хосият ҳам буни сезади. Дадаси келгунча чой қўйиб, овқат пишириб, у ёқ-бу ёқларни қўли етгунча йиғиб-йиғиштириб ўтиради. Лекин Камолиддинга баъзан овқат ҳам ёқмайди, еган таомининг мазасини билмай ейди. Бир чеккада бош эгиб, дастурхон попугини ўйнаб ўтирадиган Хосиятга қараб туриб баъзан жаҳли чиқади, юрагидаги бутун аламини шу бир қарич болага тўкиб-солгиси келади. Лекин бундай пайтларда у ўзини куч билан босади; онаси ўлгандан бери ҳали қизига бирон оғиз ёмон гапирмаганининг сабаби ҳам шундан. Ахир, у бола-ку! Унга нимани айтсин? Ишдан хафа бўлиб келганиними? Бошлиқ билан сал аччиқлашганиними? Ёки дилини уртаб ётган, ўзи ҳам нималигини аниқ англаёлмаётган бетайин ҳисларини айтсинми? Нима деб айтади? Йўқ, аксинча, қиз бечорани у ҳар қадамда юпатиши, дунёдаги энг азиз кишисидан айрилган, кўнгли яримлигини унга сира билдирмаслиги, уни ўкситмаслиги керак!..

Хуллас, энди тўй бўляпти... Ёр-биродарлар орага тушиб, охири қўйишмади: нариги маҳалладан уйда ўтириб қолган бир ўқитуви қизни топишибди. Ўзи тузук оиладан, ака-ука, опа-сингиллари кўпу, аммо ҳаммалари тиниб-тинчиб кетган хонадон экан. Фақат мана шу кенжа қизларигина биркам қирққа чиқса ҳам тенги топилмаган, бунга ҳам эҳтимол тили дудуқлиги сабаб бўлгандир. Бечора қиз университетни битириб, мактабда ўқитувчилик қилаётган йили шошилиб бир марта таксига тушгану, такси симёғочга урилиб кетиб боши жароҳатланган, кейин тили дудуқланиб, кўрсатишмаган жойлари қолмаган, бари бир давосини топишолмаган экан. Шундан сўнг унинг ўзи ариза бериб, мактаб кутубхоначилигини олган экан. Камолиддин ўша қизни ҳатто кўриб ҳам ўтирмади. Яккалик жонига тегиб, ошналарининг гапи, тавсифи билан чегараланиб, худди қимор ўйнаётган одамдай «хўп» деб қўя қолди.

Қиз томон ҳам Камолиддиннинг аҳволини тушуниб, «Ҳа, майли, катта тўй бўлмаса бўлмас, пешоналарига ёзилгани шудир-да», деб розилик беришди. Аввалига шундай бўлди. Лекин орадан бир ҳафта ўтгач, «тўй, тўй» деб ҳамма ёққа овозаси тарқалган пайтда...

энди бошқа ашулани айтиб утиришибди. «Йуқ, туй қилиб оласиз... Кучада қолган хотинга эмас, онаси урмаган қизга уйланяпсиз...» Бу нима шармандачилик энди?! Буйи етай деган қизи турса-да, бу ёқда, у базм қилиб утирса! Хосиятнинг юзига қандай қарайди, ахир? Узи, шундоқ ҳам кейинги кунларда афти ангорини таниб бўлмайди. Ранги сулиб, юзида фақат қузи қолган. Хуш, Камолиддин нима қилсин? Бу бармогини тишласа, буниси зирқирайди! Уша қари қизнинг холасига ҳам минг лаънат! Тинчгина бўлаётган ишни лойқалатиб... Уша холаси айнитибди қизнинг онасини! Синглисини сиқиққа олиб:

— Нима бало, қизингга ишонмайсанми? Бирон-бир айби борми? — деб зарда қипти. — Нега унда туйсиз узатяпсан?! Нега эл-юрт таомилини оёқ ости қиласан? Билиб қуй, енгилгина, енг ичида битган иш хосиятсиз бўлади! Нима, одамлар сенинг туйингга зорми ҳозир? Туй дегани... ҳамма кўрсин, ҳамма фотиҳа берсин, билсин, қолаверса, бундан бу ёгига эр ҳам, хотин ҳам билиб қадамини боссин, деб туй қилинади. Шуниям тушунмайсанми? Ким айтади сени қўша-қўша фарзанд ўстириб, куёв кўриб, келин туширган бойвучча деб! Жуда бўлмаса, қизингни уйламадингми?! «Бошқа болаларини дабдаба билан чиқариб, менга келганда нега пасайиб кетишди», демайдим, бечора! Бу — Худо берган айби — соқовлигини биринчи бўлиб ўзинг солганингмасми?! Йуқ, у сенга — қиз, менга — жигар. Утирган — барибир ўрнини топади. Уша иккинчи хотин олаётган азамат, агар зигирдай инсофи бўлса, мард эркак бўлса, туй қилиб олсин! Сал бели қайишса, қадрига кўпроқ етади!..

Бу гапга ҳеч ким қарши туролмади, Камолиддин ҳам охири буйин эгди. Қарабсизки, энди шу чарогон ҳовлида унинг иккинчи бахт туйи буляпти. Туйга айтилганлар унча кўп эмас — Камолиддиннинг яқин ёр-дўстлари, бир-иккита қўни-қўшни, меҳмонларнинг аксари эса қиз томоннинг одамлари. Камолиддин: «Менга куёвларга ўхшаб кийиниш энди ярашмас, уят булар», деган эди, орага яна келиннинг уша шаддот холаси аралашди. У деб-бу деб, Камолиддинга ҳам бошдан-оёқ сарпо кийдиришди. У қоп-қора костюмда, оқ куйлак устидан ярқиллаган қизил галстук тақиб, елкасининг сал чиқиб қолганини айтмаса, ун ёш ёшариб кетгандай хипча бўлиб турибди. Шаҳлохонгга-ку (келиннинг исми бу), обдан оҳанжама билан сарпо

тиктиришган. Ёши уттани сабабли тўлишиб қолган гавдасига тўпигигача тушган оқ ҳарир кўйлак торлик қилар, миқти тирсақларининг юқориси эса енгини йиртиб юборар даражада сирилиб турарди. Баланд турмакланган қора сочлари юзи ширмондай тўла бўлгани учун унча сезилмас эди. Камолиддин қанча тумшаймасин, бари бир худди йигирма яшар қизни узатиб келаётгандай автобус тўла аёллар маҳаллани бошга кўтариб ёр-ёр айтишарди:

*Йиглама, қиз, йиглама, тўй сеники, ёр-ёр,  
Остонаси тиллодан уй сеники, ёр-ёр...*

Хотинларнинг гайрат билан бири олиб, бири қўйиб айтган бу хонишларидан Камолиддин тоза мулзам бўлса-да, қора костюмини ярқиллатиб Шаҳлохонни дарвоза олдида кутиб олишдан бошқа иложи қолмади. Шу қий-чув, тўс-тўполоннинг ичида ҳам у нуқул ўзига таниш овозларни илғаб олишга уринар, ҳижолатли кўзлари фақат бир-икки одамни, айниқса қизи Хосиятни излар, унинг ҳозир нима иш билан бандлигини кўзидан сира қочиргиси келмас эди.

Келин тушган автобус нақ остонагача бостириб келди-ю, хотинларни бир-бирига сўқиштириб таққа тўхтади. Шофер йигит эшикни очди. Қани энди янгалар ноз қилмай, тезда ҳовлига кириб кета қолишса экан! Йўқ, қаёқда дейсиз! Куёв бола сиполик билан бош эгиб келиб, келинни бурунги вақтдагидек даст кўтариб олиб чиқиб кетмаса ҳам, янгичасига жуда бўлмаса қўлидан етаклаб тушириши керак эмиш автобусдан. Бу гапдан Камолиддиннинг юзлари ўтдай чақнаб баттар довдираб қолди. Назарида ҳамма уни майна қилаётгандай бўлиб туюлди. Келин эса туша қолмас, ёр-ёр тобора авжга минмоқда эди:

*Қатламалар қатланибди,  
Келин бола отланибди, ёр-ёр-эй,  
отланибди...*

Охири маҳалла мутасаддиларидан бири Камолиддинни деярли туртиб автобусга олиб чиқди-ю, шундагина келин ўрнидан туриб секин унга яқин келди. Камолиддин Шаҳлохоннинг оқ нейлон кўлқопда қисилиб турган миқти қўлидан олиб, пастга етаклаб тушди. Орқаларидан хотин-халаж ҳам гуриллаб кўтарибди-ю,

сочув бошланди: ҳар хил конфетлар, чақа-тангалар ерга дувиллаб тушган сари, маҳалла болаларининг қичқириги нақ оламни бузгудек қулоқларни батанг қиларди. Тўйга келганларнинг бари шовқин-сурон билан ҳовлидаги столлар атрофига бир-бир жойлашиб ўтиришди. Шу дақиқадан бошлаб Камолиддин ҳам аста-секин умумий оқимга бўйсуниб, одамлар ўзи билан ўзи оворалиги учун, бекордан-бекор ҳадеб хижолат чекаверганига ичида ўзини қийиб ҳам қўйди.

Аммо гуллар билан безатилган, деворига каттакон қизил палак қоқилган стол ортига Шаҳлохон иккови энди келиб ўтиришаркан, бирдан худди рўпарагинасида — катта уй остонасида турган қизи Хосиятга кўзи тушди. У бугун энг чиройли кўйлагини кийиб олган, ҳозирги ҳолати шундай эдики, дадасига рафиқа, ўзига эса она бўлиб келган бегона аёлга у ҳайрат ва таажжуб билан тикилар, бутун вужуди Шаҳлохонда, бу — уни ўз онасига таққослаётганими ёки «наҳотки, шуларнинг бари ўнгимда юз беряпти», деб ҳайратланаётганими — билиш қийин эди. Камолиддиннинг ичида гўё бир нарса чирс этиб узилгандай эрталаб қизи билан иккови ўртасида бўлиб ўтган гап лип этиб миясидан ўтди...

Хосият ўрнидан тургач ўзидан-ўзи юлқиниб, чой ҳам ичмади. Аввалига буни дадаси сезмади. Кейин қараса, Хосиятнинг кўзлари шишиб, қизариб кетган. Камолиддин айни мана шундан қўрқарди. Шундай бўлса нима қиларини билмай ёш боланинг олдида доврираб қолишидан қўрқарди. Мана худди кутгани бўлди: Хосият пана-панада ўзини тиглаб, юм-юм йиглаб юрибди. Буни Камолиддин сезгандан сўнг ҳам анча вақтгача индамади. Охири чидай олмади, қизининг аҳволидан кўнгли эзилиб, қилаётган ишидан яна афсуслана бошлади. Бу ёқда ҳадемай одамлар, тўйга қарашадиган қариндош-уруғлар кела бошлайди. Нимадир чорасини топиш керак...

Камолиддин ичкари уй эшигида туриб, ҳовлида майда-чуйда юмушлар билан машғул бўлиб юрган Хосиятнинг бу ёққа қарашини кута бошлади. Қизи ҳокандоз билан сурпургини деворга суяб, кўзини қайта-қайта этагига артаркан, отаси кириб кетган уй томонга тикилган эди, шуни пойлаб турган Камолиддин уни бармоғи билан имлаб чақирди. Хосият ерга қараганча истамайгина дадасининг олдига келди. Камолиддин кўнгли бушашганидан қизчасини маҳкам бағрига бос-

ди-ю, кўзлари намланиб, Хосиятнинг пешона ва юзларидан ўпа бошлади. Хосият ҳам шуни кутиб турган экан шекилли, дадасининг кўкрагига ёпишиб, баралла ҳунграб юборди. «Падарига минг лаънат шунақа туйпуйининг ҳам! Сўққабош утиб кетганим яхши эмасми-ди-я!..»

Аmmo одам ҳамиша ҳам мана шундай чуқур туйғулар оғушида яшамайди, яшай олмайди. Бунақанги изтиробли кечинмалар, ҳам адолатли, ҳам азобли ҳолатлар киши қалбига меҳмондек онда-сонда бир келади-ю, уни ларзага солиб, иродасини букиб кетади. Кейин одам, ҳоҳласа-ҳоҳламаса, худди тинган сувдек атрофига хотиржам назар ташлайди ва ўз ҳаётини яшаётган муҳитига мослаштиришга уринади.

Камолиддинга осмонларда учиб юрган хаёлини Хосиятнинг: «Кетаман!» деган зардали овози ўзига келтириб қўйди. Камолиддин бирдан сергакланиб, қаддини ростлади:

— Қаёққа кетасан?

— Холамникига.

— Бугун туй-ку? Холанг ҳам келади.

— Йўқ! Кетаман!

Камолиддиннинг бирдан жаҳли чиқиб, тутақиб кетди. Лекин шундаям ўзини босди. Бошқа иложи ҳам йўқ. Агар ҳаммасига эътибор бераман деса, бунақа воқеалар Рашидахон ўлгандан бери неча маргалаб бўляпти. Бир куни Камолиддин йигилишга шошилаётган эди. «Қизалогим, дарров мановини дазмоллаб бер, кийишга кўйлагим қолмабди», — деди эндигина уридан турган Хосиятга бир оз намланган оқ кўйлагини узатиб. Ўзи қоғозларига шўнғиб кетди. Хосият дазмолни роса қиздириб, этагидан босиб кўриш ўрнига бирдан ёқасидан бошлаган эди, жазз этди-ю, оқ кўйлакнинг унғ ёқаси саргайди-қолди. Хосият тилини тишлаганча анча вақт серрайиб турди-да, кейин қолган қисмини ҳам дазмоллаб, апил-тапил нонушта қилган дадасига узатди. Камолиддин кўйлакни шошиб кийиб, галстук боғлаш учун кўзгу қаршисига борди-ю, бирдан кўзлари чақчайиб Хосиятга қаради. Қизи рўпарасида шу даражада эзилиб турардики, сўкиб юборишга ҳам тайёр Камолиддин: «Ҳа, дуруст, ёмон дазмолламабсан, қизим» дейишдан бошқа илож тополмади ва ушанда кун бўйи саргайган ёқа билан ишда юрди.

Мана ҳозир ҳам газабини ичига ютиб, қизининг елкасини силади, яна бағрига босди. Энди фақат ўз

отаси тафтидагина ором олиши мумкин бўлган қиз учун бу ҳам ёқимли, ҳам азобли эди. У ҳамон пиқ-пиқ йиғлаганча дадасига ёпишиб турарди.

— Сенга нима бўлди, қизим? Ақлинг кўп деб ўйлагандим. Нега қийнайсан мени? Шу қийналганларим озми? Нима қилай, ахир мен ўлдирмадим-ку аянгни? Нима қилайлик, қисматимизда шу нарса бор экан, сенга, сендай қизалогимга азоб бериш, жоҳиллик қилиш пешонамга ёзилган экан, мен нима қилай, болам? Айт, мен нима қилсам кўнглингни жароҳатламаган бўламан? Айт, қизим, сенинг айтганингни қиламан! Майли, нима десанг ҳам айтганингни қилай. Айт, қизим, айт!

Шу гапдан кейин Хосият бир дақиқа яна ўксиб-ўксиб йиғлади-ю, бирдан дадасига раҳми келиб кетди. Чунки шу пайтгача у дадасининг бунчалик ожизлиги, одамнинг ичи ачийдиган бир ҳолга тушганини кўрмаган эди. Секин бошини кутариб, юзини деворга утирди-да, дадасининг нимадир дейишини кутиб, нафасини ичига ютиб турди. Камолиддин ҳам Хосиятдаги бу ўзгаришни пайқаб:

— Кетаман деганингни иккинчи эшитмай, қизим, хўпми? — деди. Келишдикми? Уятга қоламиз-а! Биринчи кунданоқ қизи уйига сигмабди-да, дейишмайдими? Бу фикрни миянгдан чиқариб ташла, агар ҳақиқий қизим бўлсанг! Хўпми?

Хосият «хўп» дегандай бош ирғади. Камолиддин қизининг пешонасидан ўпиб, елкасига бир-икки қоқиб қўйди-да, ташқарига чиқди. Йўлақда қолган Хосият энди ўз қилмишидан уялиб, дадасига кўринишга ҳам анча вақт ботинмади. Кейин шахт билан уйдан чиқди-ю, ҳовлини супуриб-сидиришга тушди...

Хосият куни билан, ҳатто мана ҳозир келин келган пайтда ҳам хушчақчақ кулиб, одамлар ичида очилиб-сочилиб юриб хизмат қилар, бироқ уни сал синчиклаган киши шу оддий ҳаракатларга ҳам у қанчалар куч сарфлаётгани, ўзини зўрлаётганини англаб олиши қийин эмасди. Аммо бугун тўй кечаси эди, синчиклашга эса одамларнинг унчаям вақти йўқ эди. Шунинг учун ҳам Хосиятнинг бу руҳий азобини бошқалар сезмас, ҳатто дадаси ҳам шубҳа қилмас, «бояги гапим қаттиқ таъсир этибди», деб кўнгли хотиржам эди.

Анча-мунча одам йиғилган: хизмат қилаётганлар тўхтовсиз у ёқдан-бу ёққа югуришар, ҳовли ўртасига тортилган бақувват симга ўрнатилган беш юз свечали



лампочкага катта-катта ҳашаротлар келиб урилиб, уша заҳоти ўткир нурдан куйиб нобуд бўлар; оз-оздан бошланиб, охири, мана, бинойидек тўй бўлиб кетганига энди Камолиддиннинг ўзи ҳам ҳайрон қолиб утирарди. Тўрт бурчак шаклида тузилган ва устига оппоқ гулқоғоз дастурхонлар ёзилган столлар чироқ ёруғида янаям оқиш кўринар, дастурхон ҳам турли ноз-неъматлар, баланд-паст, ингичка-бақалоқ шишаларга тўла, ҳар жой-ҳар жойга эса Хосият куни билан ҳовлидаги гулларни қирқиб тайёрлаган нафис гулдасталар тизиб қўйилган эди...

Меҳмонлар, маҳалладан териб-териб чақирилганларнинг бари жой-жойларига утирганларидан сўнг даврага салкам йигирма йилдан бери шу маҳалла комитетининг раиси бўлиб ишлаётган Ҳошим ака Абро-ров чиқди-да, худди қўлидаги микрофонга ишонмагандай бир-икки пуфлаб, бир-икки чертиб куриб, кейин гап бошлади:

— Азиз дўстлар, ҳурматли меҳмонлар! — деди қайта-қайта томоқ қириб. — Ким бўлиши ва қандай яшashi инсоннинг ўз қўли, ҳалол меҳнати, ақли, одоби, одамгарчилиги... — Ҳошим ака тагин нима сифатларни айтсамикин, дегандай уйланиб қолди ва бошқа гап тополмади шекилли, олдинги гапларини қайтарди: — Ўрни ўз қўли, ҳалол меҳнати, одоби, одамгарчилиги... Шуларнинг барини инсоннинг ўзи яратади. Эгасига ўхшаб кулиб турган манови хонадонга бир қаранглар! Ҳув кираверишда ўтин тахлаб қўйиладиган пастак бостирма-ю, бувамнинг замонидан қолган ўн бир ёғочлик битта чурик уй бўларди бу хонадонда бор-йўги. Мана энди! Шуларнинг барини барака топкур Камолиддин...

Хайриятки, Хосият шу ҳовлида ўтган ўз онасининг тўйини билмайди. Чунки Ҳошим ака ўшанда ҳам худди ҳозиргидек тантана билан тўйни очиб берган, ўшанда ҳам мана шу бостирма-ю, ўн бир ёғочлик эски уй хусусида сўз юритганди. Эҳтимол, атайлаб айтдимиз ёки ёддан чиқиб айтдимиз — ишқилиб, ўша гапини яна қайтарди. Бир-икки маҳалладош хотинлар кўзларига филт-филт ёш олишиб, марҳума Рашидахонни эслашар, «одамзоднинг умри шу экан-да, бу ёқдан келиб, у ёқдан зим-зиё чиқиб кетавераркан», деган фикрларга берилиб, тўйда чаққон-чаққон хизмат қилиб юрган Хосиятга ўғринча қараб-қараб қўйишар, изги-робдан ютиниб, баттар кунгиллари бузилиб, «ҳа, бечора бола-я, сен нимани билар-

динг, билмаганинг ҳам тузук, бекорга бағрингни тиглаб нима ҳам қилардинг», дея бир-бирлари билан пичир-пичир дардлашиб қўярдилар.

Хосият эса ҳаммасидан хабардор эди, у ҳамма нарсани биларди. Гарчи у ота-онасининг бағрида эрка ўсган бўлса ҳам, аммо икки йиллик умри уни кўп нарсаларга ўргатди. Онаси ўлган пайтда аввалига у бошига тушган бу мусибатнинг бутун даҳшатини у қадар англаб етмагандай эди. Кейин-кейин, ёлғизлик ва етимлик азобини аста-секин тушуна борган сари мурғак юраги бу ҳақсизликка шу даражада чидолмайдиган бўлдики, баъзан у болалик ёшидан улғайибгина эмас, ҳатто бирдан кексайиб қолгандек қилиқлар қилар, доимо иш билан банд дадаси эса буларнинг кўпидан беҳабар эди.

Камолиддин барвақт туриб, кўпинча ўзи чой қайнатиб, дастурхон ёзиб, холодильникда бор нарсалардан олиб нонушта қилар, Хосиятга ҳам мактабга кетишига у-бу нарса тайёрлаб қўярди. Хосият эса ўзини қанча зўрламасин, якка ўзи булгани учунми, иштаҳа билан овқат еёлмасди. Сўнгра лоқайд бир кайфиятда зўр-базўр урнидан туриб, кўпинча дарсларини ҳам тайёрламай мактабига жўнарни. Бир-икки соатдан кейингина қорни очганини сезарди. Эски одатига кўра кучадан чопиб кириб, папкасини титкиларди. Ана шунда яна онасининг жеркиб-жеркиб, папкасига олмами, булочками — ишқилиб, бирон нарса солиб қўйишларини эсларди-да, юраги орқасига тортиб, қорни очгани ҳам бир зумда хаёлидан учиб, бутун дарс давомида бир нуқтага тикилганча нималарнидир ўйлаб ўтирарди. Унинг кўнглидаги бу гаплардан беҳабар айрим ўқитувчилар эса унга ноҳақ танбеҳ беришар, қиз бечорани баттар қийнашарди.

Бир марта мактабга янги келган ёшгина тарих ўқитувчиси ҳам худди шундай қилди. Хаёлпаршон ўтирган Хосиятни дабдурустан доскага чиқарди:

— Нимани ўйлаб ўтиргандинг?

— Ҳеч нимани, — деди Хосият ерга қараб.

— Йўқ, айтасан, дарсга қулоқ солмай, нимани ўйлаб ўтиргандинг?

— Айтмайман! — Хосият кутилмаганда ўқитувчининг юзига еб қўйгудек тик қаради. Синфдаги бир иккита ўйинқароқ болалар пиқир-пиқир кулиб юборишди. Бу муаллимга шу қадар ҳақоратли туюлдики, у Хосиятга ўшқириб берди:

— Айтмасанг, икки қўяман!

— Менга деса унтасини қўйинг!

Хосият юлқиниб бориб папкасини олди-да, кузлари гилт-гилт ёш, югурганча синфдан чиқиб кетди. Уқитувчи эса «қайт деяпман сенга», деганча қолаверди. Кейин доска олдида у ёқдан-бу ёққа юриб, бир неча марта бармоқларини қисирлатиб эзди-да, синфком Лолани ўрнидан тургазди:

— Нега ўртоқларингизга қарамайсизлар?! Бу қанақа тартибсизлик? Синф раҳбарларингизга айтишга мажбурман...

— Хосият ойисини эслаётган эди. Сизга айтмади, — Лола шундай деб кузини ерга олди. — Купинча шундай бўлади, биз билан ҳам гаплашмай қолади ойисини эслаган пайтида. Уйигаям бир ўзи кетиб, йўлда йиғлайди...

Лоланинг бу гапидан ўқитувчи довдираб қолди, кейин шоша-пиша:

— Нима, ойиси?.. — деб сўради.

— Ўлган, бултур... — Лоланинг ҳам ўпкаси тўлиб ютинди. Уқитувчи беихтиёр эшикка ўзи югурмоқчи бўлди-ю, кейин бу фикридан қайтиб яна Лолага мурожаат қилди:

— Югуринг, Лолахон. Чақиринг Хосиятни. Уқитувчимиз ўтиниб сўраяптилар, денг. Чақиринг, дарсни бошламай турамиз.

Лола югурганча чиқиб кетди. Бир оздан сўнг бошини ерга эгиб олган Хосиятни эргаштириб кирди. Шундан кейингина ўқитувчи дарсини бошлади. Танаффусда ҳамма болалар синфдан чиқиб кетганларида ҳам ўқитуви қолиб Хосият билан анча вақт гаплашиб ўтирди. Унинг нима деганини ҳеч ким эшитмади-ю, аммо Хосиятнинг чиройи очилиб, иккинчи танаффусдаёқ ўртоқлари билан қўшилиб уйнаб кетди...

Одамлар Хосиятни «ҳали бола, бола булмаса отаси бошқа хотин олса шунчалик суюниб, терисига сигмай тўйда хизмат қилиб юрармиди...» дейишарди-ю, аслида, у боя айтганимиздек, ҳаммасидан бохабар эди. Ҳатто орқасидан маъноли қараб бош чайқаётган қариндош-уруғ, қўни-қўшни хотинларнинг ўзаро пичир-пичирларини ҳам алақандай кўнгил зийраклиги билан сезиб турар, лекин буни бегона одамларга билдирмасди. Билдириб нима ҳам қиларди?! Очигини айтса, ким кўринганнинг унга ачиниб қарашларидан ҳам тоза безиб кетди. Икки йилдан бери шундай қилишади!

Юпаттанлари билан онаси қайтиб келармиди энди... Қайтага марҳуманинг Хосият билмаган яна битта қилиги ёки одаги, яна бир гапи ёки ширин сўзини эсга солишади-ю, ўзлари сезмаган ҳолда қиз бечорани баттар азобга қўйишади. Ачиниб айтилган шунақангни гаплардан кейин Хосиятнинг кўзига улар негадир бегонага ўхшаб кўриниб кетади. Шу боисдан ҳам Хосият уни қаттиқ ўпиб бағрига босадиган, эркалашга ҳаракат қиладиган аёллардан ўзини олиб қочади, бундайларнинг олдида у одамовига ўхшаб тумшайиб олади.

Ҳозир у бутун иродасини ишга солиб, дод деб юборишдан ўзини зўр-базўр тийиб юрибди-ю, аммо ҳар қадамда хўрлиги келади. Ўкириб йиғлаб, кўнглини бўшатиб олгиси келади. Лекин шунда ҳам: «Ишқилиб, ўзимни ҳам, дадамни ҳам шарманда қилмай...» деб орасира лабини тишлайди, бошқа нарсага овуниш мақсадида чопиб-чопиб тўйнинг хизматини қияпти; аммо ундаги бу ички тўлғаниш ва безовталиқни сал диққат билан кузатган одам дарров сезади...

Маҳалла комитетининг раиси Ҳошим акадан кейин вақти-вақти билан бир куёв томондан, бир келин томондан меҳмонлар уртага чиқиб, Шаҳлохон билан Камолиддинга, уларнинг оиласига бахт ва осойишталик, ували-жували ҳаёт тилай бошладилар. Камолиддин ўзини ҳар қанча хотиржам тутмоқчи бўлса ҳам баъзи бир табриклар унга худди таънадек ботар, кўз унгига беихтиёр Рашидахонни рўбарў қилиб қўярди. Ана шунда у нимага қарамасин, рюмкагами, кумуш вилақошиқларгами, нуқрадай оқ қоғоз дастурхонларгами — ҳаммасининг тагидан унга аввалги хотини мўлтайиб тургандек булар, бутун жисми уятга ўхшаш туйғудан ловиллаб кетарди. Бу ҳам етмагандай ҳар бир табрикловчи қўлида қадаҳ кўтариб гашираётган пайтида ҳозирги одатга кўра Шаҳлохон уларнинг ҳурмати учун ўрнидан турар, шунда Камолиддин ҳам ноилож шу ишни қилар, новчалиги учун келиннинг олдида шифтдай қаққайиб ҳаммага майна бўлаётгандай, сабрсизлик билан нутқнинг тугашини кутарди. Азбаройи ноқулай аҳволга тушгани шунчаликки, бир гал ўрнидан тураётганида рўпараларига қўйилган катта гулдастани тирсаги билан туртиб ағдариб юборди. Хизмат қилиб юрган йигитлардан иккитаси югуриб келиб, «зиёни йўқ, зиёни йўқ», деб кулганча, гулдастани тўғрилаб, дастурхонга тўкилган сувни артиб қўйишди. Камолид-

дин ҳадеб ўзини тутолмай кафтига пиқиллаб кулаётган Шаҳлохонга қараб-қараб урнига утираркан, «дарвоқе, бу гулларни ҳам Рашидахон эккан эди-я», деган хаёл келди миясига. «Уларни ҳар қишда қаламча қилиб, устига қипиқ сепиб, ёш боладек авайларди...»

Шундан кейин Камолиддин балки хижолатпазликдан қутуларман, деб ўйлаб бир-икки рюмка коньякни кетма-кет охиригача бушатган эди, Шаҳлохон унга сал бошқачароқ қараб қўйди; синамаган одамнинг бу қараши Камолиддинни баттар хижолат қилди. «Ичкиликка суяги йўқ экан, деб ўйлаяпти шекилли...»

Коньякдан ҳам ҳафсаласи пир бўлди.

Бир пайт Камолиддин қизи Хосият яна бояги жойда — рўпарасидаги остонада туриб ўзига ҳадеб тикилаётганини кўриб қолди-ю, юраги шиг этди. Дадаси сезганини билган Хосият дарров кўзини бошқа ёққа олди ва кимдир тутқазган патнисни хотинлар ўтирган томон кўтариб кетди. У бир жиҳати доим ҳувиллаган ҳовлилари ҳозир гавжумлигидан, ҳамма ясан-тусан билан келгани ва уни кўп меҳмонлар бағрига босиб, пешонасидан ўпиб кўришаётганидан бутун ҳар қалай хийла хурсанд эди. Иккинчи томондан эса, у шу пайтгача ҳеч ўзини бунчалик ёмон сезмаган, калласи тобора оғирлашиб, эрталабдан бери туз тотмаган булса ҳам, сира қорни очмас, оёқлари эса юрган сари қўрғошиндек ер тортиб кетаётганга ухшарди. Лекин бутун вужуди гўё қулоққа айлангандек ҳар бир ҳаракат, ҳар бир сўз, ҳар бир ишорани сира назардан четда қолдирмас эди.

...Туй анчагача давом этди. Яқунловчи сўз деб, яна маҳалла комитети раисга микрофонни тутқазишганда, Хосият одамлардан бушаган беш-олтита косани устмасу қўйиб, ошхонада пешма-пеш ювиб туришган аёллар олдига кўтариб бораётган эди. Чарчаганидан оёқлари чалишиб кетаётганини энди ҳатто ўзи ҳам сеза бошлади. Ҳовли юзига қараганда хийла баландроқ остонадан энди ҳатлаб ўтмоқчи бўлганида шундоқ орқасидан оёқсининг: «Хосият қизим, кўзингга қараб юрсанг-чи», деган овозини эшитди. Хосият чакка томирлари бирдан лопиллаб урди-ю, бамисоли кўкрагига биров игна тикқандай қаттиқ санчиб кетди, қўлидаги косаларни тушириб юбормаслик учун турган жойида қотиб қолди. Кейинги дақиқада кўз олди қоронғилашиб, газ ўчоқ ёнида турган одамлар, товоқ-қошиқ юваётган хотинлар чайқалиб-чайқалиб кетишди. Хо-

сият косаларни ушлаб қоламан, деб ҳар қанча уринса ҳам кучи етмади, худди биров зур билан йириб очаётгандай панжалари мажолсизланди ва қулидаги косалар ерга тушиб, чил-чил синди. Хосият фақат шуни эслайди, кейин орқага, ҳозиргина онасининг овози келган томонга қайрилмоқчи бўлди-ю, ҳушини йўқотди...

Аслида Хосиятнинг орқасидан ойиси эмас, ён қушнилари Суйима хола гап отган эди. Аммо унинг: «Хосият қизим, кўзингга қараб юрсанг-чи», деган дашноми шу даражада ойисининг овозига ўхшаб кетдики, бола бечора ўша дақиқада «ойим тирилиб келдим», деб утакаси ёрилди... Кейин ошхонада бирдан қий-чув кутарилди. Бошини орқасига бурганча шилқ этиб остонага қулаб тушган Хосиятни беш-олти хотин даст кутариб ичкарига киритишди, тандир тагида турган челақдан ҳовучлаб сув олиб юзига сепишди. Шунда Хосият секин кўзини очди ва боши устига эгилган нотаниш башараларга даҳшатга тушган кўйи тикилиб турди-да, афтини буриштириб йиглаб юборди. Сал ўтмай яна ҳушини йўқотди...

Ошхонада одамлар уймалашиб, чоп-чоп бўлиб қолганини кўриб ўтирган Камолиддин юрагини ваҳм босиб, ранги ўзгарди; бўйинини чўзиб ўша томонга қараб турди-турди-да, охири секин ўрнидан қўзғалиб, ошхонага қараб кетди. Етиб борганда хотинлар Хосиятнинг юзига сув сепишаётган эди. Камолиддин қизини бегона аёллар қулидан даст кутариб олди-ю, муздай юзларини юзига босди. Авайлаб кутарганча ҳовли тўридаги чет уйга олиб кирди ва ўзининг қалин каравотига ётқизиб қўйди. Бу пайтда Шаҳлохон ҳам унинг тепасига келган, бошқа бир-икки қариндош-уруғлар ҳам йиғилиб, баъзи кўнгли бўш аёллар румолларининг учи билан кўзларини артишмоқда эди. Шунда Шаҳлохоннинг анови шаддот холаси тўпланганларни жеркиб берди:

— Ҳой, мусулмонлар, одам кўрмаганмисизлар! Боринглар, ўтиринглар, ҳавони тўсяпсизлар! Шундоқ ҳам димиқиб кетибди уй... — У шундай деб томошабиндек йиғилган меҳмонларга аччиқ қилгандай, шарақ-шуруқ деразаларни очиб ташлади.

Камолиддиннинг бериги ён қушнилари — врач аёл ҳам тўйда экан, Хосиятга бир разм солиб, югуриб уйига кириб кетди-ю, зум ўтмай асбобларини кутариб чиқди ва дарров укол қилди. Хосият тамшаниб-тамшаниб қўйди.

Ташқарида эса тўйни бошқараётганлар одамларни тинчлантириш учун «ҳеч нарса бўлгани йўқ, утиринглар», дегани билан бари бир меҳмонлар безовталаниб қолишди. Қариялардан бири фотиҳа ўқиб, тўйни ёпди. Уколдан кейин Хосият гарчи кўзини очмаса ҳам, лекин равон нафас ола бошлади. Буни кўргач, Камолиддиннинг юзига ҳам сал ранг югурди. Ҳовлига чиқиб, меҳмонларни, қариндош-уруғларни кузата бошлади...

Охири ҳовли бутунлай тинчиди. Идиш-товоқ ювган, столларни йиғиштирган аёллар ҳам хайрлашиб кетишди. Фақат Шаҳлохонга янга бўлиб келган хотинлару, Камолиддиннинг бир-икки яқин қариндошлари қолишди. Янгалар келин тушадиган уйга кириб, дунёнинг ишларидан гапга тушиб кетишган, Хосият ётган уйда эса Камолиддин билан Шаҳлохон ҳамон хушига келмаётган қизчанинг тепасида қадалиб утирарди. Қўшни врач аёл яна чиқиб, Хосиятга укол қилди-да, жўнаётганда:

— Ҳеч қўрқадиган жойи йўқ, — деди тумшайиб утирган Шаҳлохон билан Камолиддинга кулимсираб боқиб, — шунақа бўлади узи. Кунни билан оч юрганга ўхшайди. Ҳозир уколдан ухлаяпти. Ҳадемай уйғонади, қўрқманглар. Уйғонса, озгина ширин чой беринглар.

Чиндан ҳам врач айтгандек бўлди. Хосият аввалига жиқ-жиқ терлади-да, Шаҳлохон оппоқ даструмоли билан унинг пешоналари, кўзлари, юзларини авайлаб артгач, секин кўзини очди. Камолиддиннинг юраги дукиллаб уриб кетди, томоғига қаттиқ бир нарса қадалгандай, кўзларига ёш тирқираб чиқди. Шаҳлохон бўлса энди шоҳи даструмоли билан аста-секин Хосиятни елпий бошлади.

Хосият хира кўзлари билан тепасига энгашиб турган бегона аёл ва дадасига тикилиб турди-да, негадир хиёл талпинди. Боши устида худди ойиси энгашиб, уни елпийётганга ўхшаб туюлди назарида. Ана, ойиси остонадан кирди-ю, ўша ернинг ўзида тўхтаб, уткир кўзларини унга қадаб, Хосиятни синамоқчи бўлди, кейин кулимсираб, қўлидаги рўмолчаси билан уни елпий бошлади. Хосият яна талпинди, ойисига нимадир демоқчи бўлди, лекин айтмади; фақат лабларига ҳоргин табассум ёйилди... Кейин нозик қўлларини базур кўтариб, ойисининг дўмбоқ билагидан ушлади-да, унинг кафтини юзига босди ва ўпди.

Бу манзарани Шаҳлохоннинг елкаси оша кузатиб турган Камолиддин остонасидан бугун яна қайта бахт

кириб келганига ишонди-ю, борган сари упкаси тулиб,  
ўкириб йиглаб юборишдан ўзини зўрга тийганча, си-  
қилиб кетган юрагини бушатиш учун она-болани холи  
қолдириб, секин ҳовлига чиқди...





## ШУКУР ХОЛМИРЗАЕВ

(1940)

*Шукур Холмирзаев 1940 йили Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманида таваллуд топди. У ўрта мактабни тугатиб, Тошкент дорилфунунида таҳсил кўрди. Ижоди ўқувчилик йилларидан бошланди.*

*Шукур Холмирзаев ҳозирга қадар китобхонларга жуда кўп ҳикоялар, бир неча қисса ва романлар тақдим этди. Унинг илк қиссаси «Оқ отли» тоғ болалари ҳаётидан ҳикоя қилади.*

*Шукур Холмирзаевнинг талабаликда ёзилган «Тўлқинлар» (1963) повести замондошларимизнинг мураккаб тақдирининг қаламга олинishi ва ўзига хос маҳорати билан Абдулла Қаҳҳорнинг эътиборини тортган ва улкан адиб студент Шукурга мактуб битиб, уни қутлаган эди.*

*Ёзувчининг «Ўн саккизга кирмаган ким бор?» (1965) қиссаси авлодлар қисматига, аниқроғи, ўз авлоди — тенгқурлари ҳаётига бағишланган бўлиб, воқелик илк муҳаббат изтироблари тарихида тасвирланди.*

*Муаллифнинг кейинги ижоди — «Олис юдузлар остида», «Ҳаёт абадий», «Оғир тош кучса...» ҳикоялар туплами, «Сўнгги бекат», «Қил куприк», «Йуловчи», «Олабўжи» романларидир.*

*Шукур Холмирзаев ижодининг алоҳида хусусияти шундаки, бу адиб ўзбек миллий ҳикоячилик санъатини устози Абдулла Қаҳҳордан кейин янги, юқори босқичга кўтарди. Унинг повесть ва романлари ҳеч қолипга сикмас, теша тегмаган образ, характерларга бойлиги билан ажралиб туради.*

*Санъаткор драматургияга қўл уриб, «Қора камар» асарида босмачи тамғали ўзбек ватанпарварларини илк бор улғў озодлиқ, мустақиллик гояси учун қаҳрамонона кураш олиб борган фидойи миллатпарварлар қиёфасида ҳаққоний бадиий акс эттириб берди.*

*Шукур Холмирзаев асарлари турли тилларга таржима қилинган.*

*Кейинги йилларда адибнинг «Бодом қишда гуллади» (1968), «Сўнмас олов» (1985), «Тоғларга қор тушди»*

(1987) асарлари яратилди. Яқинда эса унинг «Олабўжи» романи нашр этилди. У 1989 йилда Ҳамза номидаги Давлат мукофотига, 1991 йилда Ўзбекистон халқ ёзувчиси унвонига мушарраф бўлган.

Шукур Холмирзаев ўзбек адабиёти тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган санъаткорлардандир.

## ЯШИЛ «НИВА»

Аввало, шуни айтишим керакки, биз томоннинг одамлари анча серандиша келади. Бунинг тарихий илдизлари бор: биз катталарга — хусусан, ёши улуглару лавозимли шахсларга таъзим қилиб урганганмиз. Бир жиҳатдан қарасангиз — бунинг ёмон томони йўқ: ўзингдан каттани ёки арбоб шахсни ҳурмат қилиш керак-да.

Аммо лекин ана шу ҳурматинг оёқ ости бўлса — алам қилади.

Кейин, э, аттанг, шу фазилатимиз эскирмадимикан, сал бепардароқ бўлсак бўлмасмикан, деб ўйлаб қоласан.

Бироқ, онт ичиб айтаман, гап бунда эмас.

Конца концов, шахсан менга ўхшайдиган одам ҳамма ерда бор. Ва мен тилга олмоқчи бўлган (садқаи тилга олиш кетсин) «диктатор амалдор» ҳам бошқа областларимиздан топилади. Пироварди, яшил «Нива»нинг ҳам уруги сероб. Қолаверса, ўша воқеа ўтган жой — Оқдовонга ўхшаш доvonлар ҳам республика-мизда кўп.

Хуллас, Х... га бораётиб эдик — юртга, шаҳримизга. Мана шу қизил «Жигули»дамиз: хотиним, ўғлим, қизим.

Ўзим рудаман.

Йулимиз Оқдовондан ўтиши керак.

Довон эса, ҳалигидай бир «диктатор»нинг совхозига қарайди.

Илгарилари бу ёққа тушса ҳам, қайтишда ҳам доvonни четлаб, чул орқали кетардик: у ёқ тинч, йул текис, энг муҳими — «диктатор» йўқ.

Бу гал жуда шошиб тургандик: соат 12 да институт-да бўлишим керак: дарсим бор. Сунгра не бир ҳаёл билан: «Баҳор-ку! Болалар ҳам бир яйрасин, томоша қилсин», деб ўйлагандим.

Ҳа-ҳа, довоннинг йули яқин!

Хуллас, шаҳардан чиқдик.

Тог этагида кабоб пиширадиган битта кафе бор. Уша ерда тўхтаб, икки сихдан кабоб едик. Бир пиёладан чой ичдик. Кейин яна йулга тушдик.

Йул денг, тог багирлаб кетади.

Ҳаммаёқ яшнаган. Дуланалар оппоқ гуллаган. Наъматаклар ҳам роса очилган. Бутун дуненинг булбули шу ерларга йигилиб келгандай: ҳар шохда чагчағлайди.

Этақда сой бор, нариги бетларда — қор.

Шундай қилиб, атрофни томошалаб, жуда хушнуд кайфиятда кетаётиб эдик. Машинанинг тезлиги ўртача — соатига элик-олтмиш километр.

Кетяпмиз-у, кўнглимнинг остида бир ваҳима бор: «Диктатор» учраб қолмасмикан?»

Сиз уни билмайсиз-да...

Бир бурилишдан ўтаётиб эдик, шундай қийгос гуллаган олмалар ичидан битта яшил «Нива» лоп этиб чиқди-ю, олдимизга тушиб, секин кета бошлади.

Қарасам, худди ушанинг машинаси! Машҳур машина!.. «Диктатор директор» деяшман-у, жиндак келишиб олайлик. У ким? Уша райком секретарларини алмаштириб юрганлардан. Ўзингиз билган ўшанақа одамни тасаввур қилаверинг. Уларнинг бари бир-бирига ўхшаш. Амаллаб мансабга чиқиб олган. Кейин давлат планларини припис-мрипис билан ошириб бажариб, герой бўлган. Кейин юқори маҳкамалардан «ака» топган, хуллас, ўзларига хон — ўзларига бек бўлган кишилар. Аммо юраклари қора, одамларни оёқ учида кўрса-тади.

Бизга ўхшаган одам — институтнинг оддий ўқитувчиси — улар учун бир чигиртка: чертса учиб кетамиз.

Дарвоқе, бу одамнинг зулми институтга ҳам етиб борган, ректоримиз — бечора бир яхши одам, — унинг номини эшитса зириллар эди: унинг қишлоғидан ёки қариндошларидан биронта бола ўқиётган бўлса, аввало ушанинг кўнглини олиш пайида, сиқилиб-ўртаниб юради.

Докладларда айтилгандай жуда бош-бошдоқлик вақтлари эди-да.

Шундай қилиб, яшил «Нива» йулга тушиб олди-да, жуда секинлаб кета бошлади. Кўриб турибман: ушанинг машинаси. Ён-верида антенналар чиқарилган, демек, ичида рацияси ҳам бор. Машинанинг ўзи денг,

яп-янги. Лекин ёнбағридан чиқиб келди-ку, орқа ойнаси лой эди, шунинг учун ичкарида неча киши утирганини кўролмадим.

Жуда имиллаб кетяпти.

Биз ҳам тезликни камайгирдик. Нима қилай? Утиб кетайми? Бе, ўша куни институтдан думимни тугдиради: бунақа воқеалар бўлганида, айримлар эҳтиётсизлик қилиб ўтиб кетиб, балога йулиққанлар.

Ўзи, мен сизга айтсам, бундақа ўзига хон — ўзига беклар илгари ҳамма жамиятларда бўлган ва, қизиғи шундаки, улар бари бир-бирига ўхшаган. Бироқ, бизнинг жамиятимизда уларнинг пайдо бўлиши... истисно ҳолдирки, бу кишини жуда ўйлатади...

Биз ҳам «Нива»нинг оёғига қараб кетяпмиз.

Бир маҳал ўғлим инжиқлик қила бошлади: «Ада ўтайлик. Утиб кетайлик!» нариги текис йўлда юришимга ўрганган-да. Бу ердаги баҳор манзаралари уни яна кўтаради. «Хўп, — дейман. — Ҳозир ўтамиз», дейман. Кейин хотинимиз ҳам хархаша қила бошлади: «Нима бўлди сизга? Мундай имиллаб қолдингиз? Йул кенг-ку, абгон қила қолинг, адаси».

Менинг дардим ичимда: институтга тезроқ етиб олишим керак. Бу юришда, худо билади...

Хуллас, кетяпмиз. Тавба, дейман. Гоҳо «Нива» тўхтаб-тўхтаб қолади. Гуё «ут, ўтавер», дегандай. Утиб бупман: мен ҳам тўхтатиб қоламан.

Кетавердик, кетавердик.

Табитдан завқ олишнинг ҳам расвоси чиқди. Ўғил хархаша қилади, хотин мингирлайди. Қизалоқ ҳам онасининг гапини такрорлай бошлайди.

Ана комедия.

Ҳе, гапнинг қисқасини айтсам, бир ярим ёки икки соатлар унинг орқасидан эргашиб юрдим: сал тезласа — тезлайман, секинласа — секинлатаман, тўхтаса — тўхтаб қоламан.

Баримиз бўлганимизча бўлдик: ўғил йиғлай бошлади, хотин биз билан гаплашмай қўйди, қизалоқ хўмрайган. Ўзим-чи? Менга зарил кептими шу юриш?

Институтдаги дарс ҳам барбод бўлди: довондан ошгандан кейин ҳам камида икки соат юришимиз керак.

Соат ўн иккига яқинлашганда, қулларим қалтираб, машинаям қизиб кетиб, довонга чиқишимизга бир километрлар қолган эди, «Нива» бирдан бурилиб, чап тарафга ўтди-да, шундай тик қирга жингиллаб чиқиб

кетди. Хаёл қилдим: самолётнинг мотори ўрнатилган. Қирдан ошиб гойиб бўлди.

Худога шукур қилиб ёқаларни ушлаб қўйиб, тезликни оширдим. Довонга чиқдик.

Шундай четда ГАИ пости бор. Қарасам, бир инспектор эшикни ёпиб келаяпти. Ола таёгини шундай чўзди. Тўхтадим. Хурсанд бўлган чоғда яна юрак уришини кўринг. «Йўлда бирон ноҳуя ҳаракат қилдимми?» деб уйлайман. Инспектор ҳам — «диктатор»га қарашли одам-да! Рация орқали бир нима деган бўлса, праванинг ўн жойидан тешади. Бу йўлни бир умр орзу қилмайдиган бўламан.

Ҳужжатларни олиб чиқдим.

— Ассалом алайкум!

Сержант честь берди-да:

— Буларни жойига соп қўйинг. Хужайин «жуда одобли бола экан» дедилар, — деди.

Ана!

Биз болакай одоб юзасидан у кишини йўлда қолдириб ўтиб кетмаган эканмиз!

Уларнинг, психологияси-да.

Ҳа, ундан қутулганимга минг бор шукр қилиб, йўлда давом этдик. Ҳадемай хотиннинг ҳам чеҳраси очилди, ўтилчамиз ҳам отасини танигандай бўлди, қизалоқ ҳам йигидан тўхтади. Лекин бизнинг ишимиз расво бўлган эди: дарс срив бўлди.

Орадан икки кун ўтган эди денг, бу ёқдан телефон бўлиб қолди. Ҳа? Тезда етиб келинг, Вильнюсга жўнайсиз, узбек санъати тарихидан лекция ўқиб келасиз.

Бизнинг институт билан уларнинг институти орасида шундай — домлаларни айирбош қилиш, бир-бирининг санъати ҳақида лекция ўқиш бор эди.

Яна йўлга тушдик. Яна доvon орқали ўтадиган бўлдим. Биринчидан вақтли етиб боришим керак. Иккинчидан, биз хужайинга ҳийла ёқиб қолган «одобли бола»миз. Бу гал ўтган галгидек қийналмасмиз. Кейин, «хўжайин» ҳар куни шу йўлдан қатнайвермас...

Правилага амал қилиб, доvonга чиқиб келдим. Қарасам, ГАИ пости берк. Инспектор йуқ. Ҳа, сени курганимдан кўрмаганим маъқул, деб машинани ҳайдадим.

Нишоб йўл. Анчагина тезлик билан тушиб кетаяпман, лекин бутун вужудим кўз-қулоқ; тагин бир бурилишдан чиқиб қолса, биласиз-ку, ундай одам еб турган таомини ҳам унутади...

Тушиб кетаяпман. Тинчлик. Баҳор авжида. Яна булбуллар сайраб ётишибди.

Йулда иморатлари тошдан ясалган кичкина бир қишлоқ бор эди, ундан ўтгач, кабоб пишириладиган кафе келади. Шу қишлоққа етдим деганда, инспекторни кўриб қолдим. У мени анча нарида эканимда кўрган шекилли, таёгини кўтариб турибди.

Машина тўхтатдим. Ҳар эҳтимолга ҳужжатларни олиб чиқдим. Инспектор ўрнидан жилмади.

— Ассалом алайкум! — деб олдиға бордим.

— Нега тез келяпмиз? — деди у. Чест бериш қаёқда! Мени танимагандай.

— Йўғ-э, ана спидометрни кўринг, — дедим.

— Кўриб турибман. За привишение скорост! Уч сўм, — деди.

— Хўп-хўп.

Пулни тўлаб:

— Хўжайин яхши юриптиларми? — дедим.

У афтимга энсаси қотгандек қараб турди-да:

— Хўжайин ке-етди, — деди.

— Қаёққа?

— Кетадиган жойга... Тушундингми? Кеча партиядан ўчирилди. Бугун ишдан олинди.

— Э, қизик иш бўпти-ку?

— Сиз ҳам йўлингиздан қолманг, «одобли бола».

Шу гап менга таъсир этиб кетди денг: худди ўша кунги одобли эканим учун дакки бергандай эди.

— Ўзлариям одоб масаласида каминадан қолишмас эканлар, — дедим.

У бир нима деб пўнгиллади.

Мен машинани миниб жўнадим. Йулда келаяпман. Куламан денг: «Ўл, — дейман ўзимга. — Шундай булар эканку? Нега ўша куни мунча кўрқдинг? Хотининг, болаларинг олдида шарманда булдинг? Қанча асабинг кетди? Вангиллатиб утиб кетмайсанми, номард!» дейман.

Бу одамнинг партиядан учгани, ишдан олиниб, қамалганини эшитгандирсиз? Эшитмаган бўлсангиз, узингиз билган шундай «диктатор»ни эсланг: уларнинг ҳам бошига шундай кун тушди-ку? Балли... Ўзи бу ҳол жамиятимиз учун истисно ҳол эди-да. Аммо бундан кейин ҳам ўйлатадиган ҳол...

Энди бу ёгини эшитинг: ўзимни сўкиб, номардан-номардга солиб, табиий равишда энди ўзимни мард чоғлаб кетаётсам, ишонасизми, кафедан ўтган жойда-

ги бурилишдан шундай қайрилган эдим, шундай чап тарафдан — сув сизиб оқаетган қир оралигидан битта... яшил «нива» гув этиб тушди-да, йўлнинг чети билан секин кета бошлади.

Шундай тормоз берибманки, бошим лобовойга урилди. Хаёл кетган экан-да.

«Худо урди, инспектор мени алдаган экан», деб ўйладим. Яна «жигули»мни секин ҳайдаб, у билан изма-из кета бошладим. Бояги мардлик қаёққа кетди денг?

Тезроқ юрса — тезлашаман, секинласа — секин. Қадамига қараб, ичимни мушук таталаб, «Яна кечикадиган бўлдим-да!» деб бораётиб эдим, «Нива» бирдан тўхтади-да, эшиги очилиб, битта рус боласи бошини чиқарди.

— Ҳа? — дедим. Машинамни сал илгари ҳайдаб, у томоннинг ойнасини туширдим.

— Че ты нас преследуешь? — дейди.

Қотиб қолдим.

— Извините, извините, — деб машинасига зеҳн солсам, анча эски машина.

Ўтиб кетдим. Яна куламан: «Ўл сен ваҳимачи! — дейман. — Қўрққанга қўшалоқ кўринади, дегани шу экан-да... Дадил бўл-э! Одамсан-ку? Анави «диктатор»лар пайдо бўлишидан олдин ҳам бор эдинг-ку? Ота-бобонгни эсла...»

Ана шундай қилиб, йўлда давом этдик. Шаҳарга кириб келдик.

Лекин бир нарсани яширмай айтаман, ҳали-ҳамон шаҳар кўчаларидами, овлоқ жойлардами — яшил «Нива»ни кўрсам, юрагим орқамга тортиб кетади.

Нега бундай? Ақлим етмайди. Балки буям ўйлаб кўрадиган ҳолдир. Тўғрими?



## ОМОН МУХТОР

(1941)

Ҳам шоир, ҳам носир, ҳам драматург Омон Мухтор 1941 йили Бухорода таваллуд топган. Ўрта мактабни тугатгач, бир неча вақт нашриётларда адабий ходим, Ўзбекистон радио, телевидение Давлат Комитети, «Ўзбекфильм» ҳамда Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида муҳаррир бўлиб ишлайди. Ҳозирги кунда эса «Шарқ юлдузи» ойномасида бош муҳаррир уринбосари сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Унинг ижоди гарчи 50-йилларнинг охиридан бошланган бўлса ҳам, биринчи «Чорлар қуёшли йуллар» шеърий тўплами 1965 йилда чоп этилади. Шундан сўнг у ҳикоянавис, қиссанавис, романнавис, шоир ва драматург сифатида йигирмадан ортиқ китоб нашр эттиради. Жумладан, «Нигоҳ» (1968), «Қушлар ва тушлар» (1971), «Шаҳарлик келинчак» (1973), «Ҳаёт дарвозаси» (1978), «Бухоролик донишманд» (1982), «Волшебник» (1986), «Болаликка саёҳат» (1984) каби ҳикоялар тўплами, шунингдек, «Учқур поездлар» (1981), «Вазифа» (1988) каби ҳикоялар, қиссалар мажмуасини чоп эттирди. У айна чоғда романнавис сифатида ҳам ўзининг «Йиллар шамоли» (1976), «Эгилган бош» (1989), «Минг бир қиёфа» (1992) каби эпик асарларини яратди. Шунингдек, «Оҳанг» (1974), «Ёғду» (1979), «Марварид» (1985), «Шиддат» (1990) каби шеърий тўпламлар Омон Мухтор қаламига мансуб.

Айна чоғда у болалар учун «Бувим эртак айтади» (1971), «Кунлардан бир кун» (1985), «Минг йилдан сўнг» (1991) каби шеър, эртак ва ҳикоялар тўпламларини совға этган. «Эгилган бош» романи учун 1990 йилги Ёзувчилар уюшмасининг адабий мукофотига сазовор бўлди. Адиб таваллудининг эллик йиллигида (1991) унга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби фахрий унвони берилди. Асарлари рус ва қардош тилларга таржима ҳам этилган.



## ОППОҚ ҚОР

Осмонни булут қоплаган. Қор ёғяпти, оппоқ, майин қор...

Кампир каравотга суяниб кўрпа қавияпти. Чол дераза олдида, букчайган, юзида кексалик ҳорғинлиги, бағрида сочлари жингалак, қуғирчоқдайгина қизалоқ. Қизча кафтини яхлаган ойнага босиб ташқарига талпинади. Чол уни бир олдинга, бир орқага тебратиб, хи-хиллаган товуш чиқаради. Кампир аҳён-аҳёнда уларга қараб қўяди. Чоли хи-хиллаб куляптими, йўталаяптими билмайди.

Чол кулади. Лекин кулар экан, нафаси тиқилиб, йўтал тутади. Қор учқунларига тикилганча, йироқ хаёлар банд этади уни.

Осмон шундай булутли ва рутубатли эди ўшанда ҳам. Худди шундай оппоқ, майин қор ёғарди...

Чопонларининг чоки, мўйлови ва қошларига кўмир чанги урган, ёши қайтган, аммо узи анчайин бардам чол Нуъмонхон ота вокзалдан пойи-пиёда юриб, уйга келди. Дарвозани очиб, нимқоронги йўлакка киргач, елкаларидаги қорни силқитиб, телпагини қўлига олиб қоқди.

Хонада ҳеч ким йўқ. Аёли фабрикада.

Нуъмонхон ота тунука печь устига мис чойнакни қўйди-да, печга ўт қалади. Бир дамдан сўнг биқирлаб чой қайнади. Стол устида пиёла, чойнак, ўроғлик дастурхон. Чол чой дамлаб дастурхонни очди. Дастурхонда нон ушоқлари, ярим буханка қора нон. У ушоқларни кафтига тўплаганча, оғзига ташлаб, чойдан ҳўплай бошлади.

Чолнинг икки ўгли бор эди! Бири ўлган, болалиги-даёқ. Иккинчиси мўйлови сабза урганда жангга жунади. Мана неча ойдирки, на хат бор, на хабар — хуллас: дом-дараксиз.

Нуъмон ота ҳозир ўглини эслаб, хўрсиниб қўйди. Дарвозанинг тарақлаб очилганини эшитди-ю, деразадан ҳовлига кўз ташлади. Қор устида майда қадам ташлаб қўшни қиз Майрам келарди. Эшик очилиб, Майрам жун рўмол билан тангилган бошини ичкарига суқди:

— Амаки, мен келдим... — унинг кўзлари чўккан, ранги ўчган ва нима учундир лаблари сезилар-сезилмас титради.

— Кел, қизим, — деди чол. Бу қиз унга ўглидан ҳар

гал хат келганда уқиб берар, биргалашиб мард углонни эслашарди. Анчадан бери остонага оёқ қўймаган қиз кўрингандаёқ чолнинг юраги дукиллай бошлади: «Қанақа гап топиб келди экан?!» Қизнинг ранги-рўйини кўрди-ю, юраги орқага тортди... Бироқ чолнинг ҳолатини ўзидан бўлак ким билибди?!

— Нима, касалмисан, қизим, рангинг... — сўради у ва гўё юрагини бешафқат панжа гижимлай бошлади.

— Ҳа, мазам йўқроқ, — деди Майрам.

«Ёлгон гапиряпти», — уйлади чол. — Ол, нондан ол, — деди қизга. Майрам бир бўлак нонни қулига олиб ковшана бошлади.

— Вокзалда ишингиз тузукми, амаки? — сўради қиз ўзини зур билан бепарволикка солиб.

— Ҳа, ҳа... дуруст, — деди чол. «Ниманидир яширяпти бу қиз», — деган фикр кечди хаёлидан.

— Дадам, амакинг йигитчадай, ҳали бақувват, — дейдилар. Қувонаман шундай десалар... Қиз жилмайиб қўймоқчи эди, беихтиёр лаби қийшайди. У бошини бир силтади-да, кипригида ёш томчиси йилтиради.

— Айт, нима бўлди? — пичирлади чол нафаси ичига тушиб.

— Ҳеч нима, амакижон, ҳеч нима. Ўзим...

— Айт! — деди чол болалардай ялинган оҳангда. Унинг қуюқ қошлари кўзларини тўсиб турар, кўзлари ўт бўлиб ёнарди...

— Шундай... хат олдим, — сўз бошлади қиз, бу кўзларга жавоб бермаслик мумкин эмаслигини сезиб. — Балки ёлгондир? Ишонмадим...

— Рост! — Нуъмонхон ота ички дард билан қичқирди. Унинг оғир, мўйсафид боши қуйи эгилди. Майрам дока ҳўллаб чолнинг пешонасига қўйди, қўлтигидан ушлаб ўринга ётқизди. Чол печка биқинидаги кўрпада, кўзлари ярим юмуқ ҳолда чўзилиб ётар, нималарнидир пичирлар эди.

— Хўп, мен кетай, — деди Майрам секин. Унинг хаёли паришон, ўзи ниҳоятда гаранг эди. — Балки ёлгондир, ишонмадим. Хат ёзилган-да... ёлгондир, — ўзига-ўзи сўзларди гўё у.

Чол индамасди. Майрам эшикка йўналди. Остонада сўррайиб туриб қолди. Чолга қайрилиб қаради-да, бирдан кесакига суянганча хўнграб йиглаб юборди. Нуъмонхон ота оғир қўзғалиб ўтирди.

— Ёлгон! — деди секин. Майрам бошини кутариб ҳайронлик билан қаради. Худди орадан ҳеч гап ўтма-

гандай, жилмайиб утирибди чол. Атайин, сохта жилмайганини сезмади Майрам. — Қизим, биламан, ёлгон... Мениям тобим йўқроқ эди, ҳаммаси шундан. Қарабмизки, эрта-индин келади. Бу кунлар эсдан ҳам чиқиб кетади, қизим...

Майрам бошини тик кутарди. Жун румолининг учи билан кўзини артиб қор устида майда қадамлар ташлаганча, ҳовлидан чиқиб кетди. Нуъмонхон ота ўрнидан туриб чопон ва этигини кийди-да, кўчага йўналди. Энди нима қилиш керак?! Кимни ўйлаш керак, кимни кутиш керак?! Йўқ, йўқ, йўқ!

Йўлларни қалин қор босган. Катта-кичик, турлитуман излар, ўннга, сўлга, тўғрига кетган излар... Бир бўлакчаси юрагини тимдалаётган улкан аламни елкасидан улоқтирай деб югуриб-елиб юрган одамлар изи...

Чол бозорни бир қур айланди. Нон магазини олди-да одам кўп. Қўлтиқтаёқли ярадорлар, хотин-халаж, бола-чақа, бу ерда бир дам оғир сукунат чўкади, бир дам эса чуввос кўтарилади. Сотувчининг терлаган, озгин, рангсиз юзи узоқдан бир парча тахтага ўхшаб кўринади. Унинг қўли қўлига тегмайди.

Чопони йиртиқ, юз суяклари дағалгина бир бола у ёнга-бу ёнга ўтиб гоҳ одамларга, гоҳ магазинчига термилади. Бола нима истар экан?!

Чол бошини қуйи солиб, магазиндан узоқлашди. Йўл бошида бир тўпга бириккан ва аридай гувилаб латта-путта сотаётган аёлларга қараб турди-да, жигиниб ўйи томон йўл олди.

Йўлда, боя магазин олдида ўймалашиб юрган чопони йиртиқ болани кўрди чол. Бола тепалик тагида кўзларини юмиб, жунжикиб ўтирибди. Нуъмонхон ота унга яқинлашди:

— Нега бу ерда утирибсан, болам?

— Отам угай. Ҳайдади... Нон бермайди, онамни уради. Ҳайдади... Совуқ едим, амакижон.

Нуъмонхон отанинг қалбига босилган оғир тош устига янада оғирроқ бир тош босилди. Аммо бу алам тошлари қанчалик вазмин бўлмасин, уларни бир силтаниб, улоқтириб ташлади чол.

— Юр, болам, меникига юр.

Нуъмонхон ота, бола каттагина эканлигига қарамай, уни кутарди-да, кекса елкасига миндириб уйига олиб келди. Печка биқинидаги кўрпачага утиргизди, дастурхон ёзди:

— Ол, болам, ол.

Бола совуқда музга айланган, титраётган қип-қизил қулчаларини шошилиб нонга чўзди, қитирлатиб апилтапил чайнай бошлади. Нуъмонхон ота даҳлизга чиқиб ўглининг телпагини олиб кирди. Боланинг бошидаги эски дуппини бир томонга улоқтирди, телпакни кийгизди. Телпак бошини қулоқларигача яширган бола унга меҳрибонлик ва ҳайронлик билан боқар, содда ва беғубор кузларида бахт, қувонч порлар эди. Чол болада рўй берган бахтиёр ҳолат қаршисида ўзини ортиқ тутиб туролмади. Уни бағрига тортди-ю, кузларидан ёш қуюлди...

Йиллар ўтди. Ўғил улғайди. Чол келинли, неварали бўлди... Йиллар ўтди!!! Бундан сўнг яна кўп марта одамлар аламларни енгиб, шодлик ва саодат топдилар...

Бундан сўнг яна кўп марта ҳароратли ер кўксига опшоқ, майин қор ёғди...



## ЎТКИР ҲОШИМОВ

(1941)

Талантли ёзувчи Ўткир Ҳошимов 1941 йили Тошкентда ишчи оиласида тугилди. У ўрта мактабни битиргач, 1959-1964 йиллар Тошкент Давлат дорилфунунининг филология факультети журналистика бўлимида таълим олди. Ўткир Ҳошимов «Тошкент ҳақиқати», «Совет Ўзбекистони», 1966 йилдан «Тошкент оқшоми» рўзномаси муҳарририятида бўлим мудир, Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида бош муҳаррир ўринбосари вазифаларида ишлади. Ҳозирги кунда «Шарқ юлдузи» ойномасининг бош муҳарриридир.

Ўткир Ҳошимов ўз ижодини шеър ва очерклар ёзишдан бошлади. Унинг биринчи очерклар тўплами 1962 йилда «Пулат чавандоз» номи билан нашр этилди. Сунгра «Чул ҳавоси» (1963), «Одамлар нима деркин...», «Шамол эсаверади», «Баҳор қайтмайди» (1970), «Қалбингга қулоқ сол» (1973), «Узун кечалар» (1975), «Нимадир бўлди» (1976), «Қуёш тарозиси» (1980), «Дунёнинг ишлари» (1982) ҳикоя ва қиссалар тўпламлари ҳамда «Нур борки, соя бор» (1979), «Икки эшик ораси» (1986) романлари босилиб чиқди. Унинг «Тушда кечган умрлар» романи чоп этилган. Унда шахсга сизгиниш ва қатагонлик даври иматлари ҳақида ҳикоя қилинади. 1974 йили эса «Бировнинг ташвиши» номли психологик драмаси саҳналаштирилди. Бундан ташқари, Ўткир Ҳошимов Ўрта Осиё республикаларининг қатор театрларида намоиш қилинган «Тўйлар муборак», «Сиздан угина, биздан бугина» каби пьесаларнинг муаллифидир.

Ўткир Ҳошимов Э. Хемингуэй, К. Симонов, А. Куприн, О. Бергольц сингари ёзувчиларнинг асарларини ўзбек тилига таржима қилган. Асарлари қардош халқлар ва хорижий тилларга таржима қилинган.

Ижодкор 80-йиллар публицистикаси ривожига салмоқли ҳисса қўшган адиблардан биридир. Унинг одоб-ахлоқ, маънавий олам, миллий қадриятлар, шўро даври адолатсизликларини дадил ёритган очерк ва телекўрсатувлари бу даврнинг баркамол меваларидир.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1991) Ўткир Ҳошимов «Дунёнинг ишлари» қиссаси учун Ойбек номидаги (1982) ҳамда «Икки эшик ораси» романи учун Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофотига (1986) сазовор бўлган.

## УРУШНИНГ СЎНГГИ ҚУРБОНИ

Шоикром айвон тўридаги сандал четида хомуш утирарди. Аллақачон баҳор келиб, кунлар исиб кетганига қарамай, ҳамон сандал олиб ташланмагани, аммо ҳеч ким бу тўғрида уйлаб кўрмаганини у энди пайқагандай гаши келди. Буз кўрпа устидан ёпилган, шинни доғи қотган қуроқ дастурхон ҳам ҳозиргина гўжадан бўшаган сопол товоқ, банди куйган ёғоч қошиқ ҳам унинг кўзига хунук кўриниб кетди. Аммо бепарволик билан қўл силтади-ю, дўпписини сандал устига ташлаб ёнбошлади.

Ярим кеча бўлиб қолган, атроф жимжит. Фақат олисларда ит улийди. Айвон тўсинидаги узун михга илиғлиқ лампочка хира нур таратади. Чироқ атрофида ўралашган чивинлар бир зум тинмайди. Ҳовлининг ярмигача тортиб экилган қулупнай пушталари орасида сув ялтирайди. Онда-сонда ранг олган қулупнайлар кўзга ташланиб қолади. Қаёқдандир шамол келди. Ҳовли этагидаги ёнғоқ шохлари бир гувиллаб қўйди. Шоикром уйқу элита бошлаган кўзлари билан ўша томонга қаради-ю, тер ҳиди анқиб турган лўлаболишга бошини ташлади. Шу ондаёқ яна ўша товоққа, банди куйган қошиққа кўзи тушиб, тагин гашланди. «Зиқна бўлмай ўл! — деб уйлади хотинини сўкиб. — Азалдан қурумсоқ эди, замон оғирлашгандан буён баттар бўлди».

Ичкарида чақалоқ йиглади. Бешикнинг гирчиллагани эшитилди. Бола худди шуни кутиб тургандай, баттар биғиллай бошлади. Каттаси ҳам уйғониб кетди шекилли, қўшилишиб йиғлашга тушди.

Шоикром силтаниб қаддини ростлади.

— Овозини ўчир, Ҳадича!

Ичкаридан хотинининг бешикни муштлагани, зардали товуши эшитилди:

— Овози ўчса кошкийди! Тўққиз кечасида жин теккан бунга!

«Камбағалнинг эккани унмайди, боласи кўпаяди ўзи, — деб ўйлади Шоикром ижирганиб. — Шу кунимдан кўра урушга бориб ўлиб кета қолганим яхшийди».

Уни урушга олишмади. Тўқимачилик комбинатида монтер етишмасмиди, ё ўзи яхши ишлардими, ҳар қалай, уни олиб қолишди. Шоикром уруш бошланишидан сал олдин уйланган эди. Уруш бўлди-ю, замона ўзгариб кетди. Бир хил одамлар тирноққа зор. Унинг хотини бўлса, ёнидан ўтиб кетса ҳам бошқоронги бўлаверади. Худо бергандан кейин ташлаб бўлармишми, деб кетма-кет учта қиз туғиб берди. Урушнинг қора қаноти узоқлаб кетган бўлсаям, эрта-индин Гитлернинг тўнгиз қўпиши кўриниб қолган бўлсаям, ҳамон унинг сояси одамлар бошига кўланка ташлаб турибди. Ҳали у қўшниникида аза очилади, ҳали бу қўшниникида.

Ҳовли этагидаги пастак эшик гийқиллади. Шоикром кафти билан кўзини чироқдан пана қилиб қаради-ю, шу томонга келаётган онасини кўрди. У уйланганидан кейин отадан қолган ҳовлини уртадан икки пахса девор олиб бўлишган. Бунгаям бир чеккаси Ҳадичанинг инжиқлиги сабаб бўлган эди. Ҳар хил икирчикир гаплар чиқаверганидан кейин Умри хола рўзгоринг бошқа бўлса ўзингга қайишасан, деб уларнинг қозонини бошқа қилиб берди. Ўзи кичик ўгли Шонемат билан нариги ҳовлида қолди.

Ранги униққан чит кўйлак устидан нимча кийиб олган Умри хола шарпадай унсиз юриб келди-да, япа-лоқ «мусулмон» гиштдан ясалган зинадан айвонга кўтарилди.

— Ҳали ухламовмидинг? — деди у зинадан энкайиб чиқаётганида сурилиб кетган рўмолини қайта ўраб.

— Кўрмайсизми, чақалоқ тинчимаяпти. Ўзим итдай чарчаганман.

— Бола бўлгандан кейин йиглайди-да, — деди Умри хола юпатувчи товушда. — Ётавер, болам. — У яна ўша унсиз одимлар билан ичкари уйга кириб кетди.

Қайнана-келин бир бало қилиб, болаларни тинчитишди. Кейин икковлари бошлашиб чиқишди. Ҳадича бир қўлида чойнак-пиёла, бир қўлида зоғора нон келтириб, дастурхон устига қўйди.

— Чой ўлиб қопти, — деди у зоғора ушатаркан. Умри хола Шоикромнинг ёнбошига, шапарак кўрпачага ўтирди.

— Ол ўзинг ҳам, — деди у томирлари бўртиб

чиққан қуллари билан, сочилган увоқларни йигиб озига соларкан. Шоикром онасининг бармоқлари тарс-тарс ёрилиб кетганини энди пайқади. Илгари ҳам шунақадими, йуқмиди, эслай олмади.

— Овқатингдан қолмадими? — деди у чўққалаб утирганча чой қуяётган хотинига қараб.

Ҳадичанинг узунчоқ саргиш юзи қизарди. Айбдордек маҳзун товушда узр сўради:

— Қолмовди-я.

Шоикром унинг қизарганидан ёлгон гапираётганини сезди. Ким билсин, эрталаб ўзига иситиб бериш учун шунақа деяётгандир...

— Йуқ, болам, овқат керакмас, — деди Умри хола шошилиб. — Хаёл суриб ётиб уйқум учиб кетди... — У бир лаҳза жим қолди-да, ўзига гапиргандай секин қўшиб қўйди. — Пайшанба куни Комил тайибнинг уйига борувдим. Ҳар куни наҳорга бир косадан қуй сути ичса, дард кўрмагандай бўлиб кетади, деди.

— Ҳозир қуй сути қатта, — деди Ҳадича. — Сигир сути отликқа йўгу... Шу пайтда сигиримиз туққан бўларди-я.

Шоикром хотинининг гапини эшитмади. Бирдан унинг кўз ўнгида пастак дераза остида шифтга тикилиб ётган укаси жонланди. Бир ҳовлида туриб ўн кундан буён ҳолини сўрамаганига афсусланиб, ичидан хўрсиниқ келди. Шонёъмат Россиядан кўчириб келтирилган завод қурилишида ишлай бошлаганида уни урушга олишмаганидан Шоикром суюнган эди. Гап бошқа ёқда экан. Укаси сил экан. Шунинг учун қолдиришган экан. Мана, уч ойдирки, ерга ёпишиб ётибди.

Шоикром ўн кунча илгари ишга кетаётиб бирров кириб укасидан ҳол сўраган эди. Ушанда Шонёъматнинг қоқ суяк бўлиб қолганини, катта-катта кўзлари нимагадир чуқур маъно билан ўзига тикилганини кўрган эди.

«Яқинда ўлади, — деб ўйлади у онасининг кўзига қарамасликка ҳаракат қилиб, — барибир ўлади».

— Тузукми? — деди у ҳаммаси учун ўзи айбдордай қовоғини солиб.

— Шукур, — Умри хола қулт этиб ютинди. — Ҳозир ухлади. — Онаси шу топда чиқиб овора бўлмагин, деган маънода гапирганини Шоикром тушунди.

— Эрталаб хабар оламан, — деди у онаси урнидан турганида.

— Сендан нега гина қиларкан, болам, — деди Умри



хола айвон лабида тўхтаб. — Куриб турибди-ку. Эрталаб чиқиб кетасан, ярим кечада қайтасан. Бу кунлар унут булиб кетади, болам. — Зинага ечган калишининг бир пойи тункарилиб қолган экан, Умри хола оёгининг учи билан тўгрилайман деб, анча овора бўлди. Кейин зиналардан энкайиб тушди-ю, шарпадай унсиз юрганча, ҳовли этагига қараб кетди. Пастак эшик гийқиллаб очилиб ёпилди.

— Падарига лаънат шунақа турмушнинг! — деди Шоикром бўғилиб. Кейин дастурхонни йиғиштираётган хотинига ушқирди. — Саниям падарингга лаънат! Тумшугингни тагидан сигирингни судраб кетса-ю, анкайиб утирсанг.

— Нега менга удагайлайсиз? — Ҳадича товоқни қошиққа уриб, йигламсиради. — Нима, мениям Илҳом самоварчини хотинидай сўйиб кетсинмиди? Сиз кечалари сменда бўлсангиз. Мен учта жўжа билан жонимни ҳовучлаб утирганим етмайдими?!

Шоикром хотинини тарсакилаб юбормаслик учун юзини ўгириб, тишини гижирлатди.

Сув қалқиса, лойқаси юқорига чиққандай, замон қалқиганидан буён ёмон кўпайди. Эрта баҳорда уларнинг туғай деб турган сигирини ўгирлаб кетишди. Уша кеча Шоикром тунги сменада эди. Кечаси билан шаррос жала қуйиб чиқди. Шоикром тонг-саҳарда бир нимани сезгандай кўнгли гаш тортиб, уйига қайтди. Келса хотини, болалари, онаси дод солиб утиришибди. Ҳадича огироеқ эмасми, ўзи билан ўзи овора булиб билолмай қолибди. Эрталаб турса кўча эшик ланг очик, ёнгоққа боғлоқлик сигир йўқ.

«Шу пайтгача сигир туғарди, укамнинг оғзига ақалли бир коса сут тутардим, — деб ўйлади Шоикром ўкиниб. — Қани ўшалар қўлимга тушса, чопиб ташлардим».

Шундоқ, дейди-ю, эгаси минг пойласин, ўғри бир. Мана, бундан икки ойча илгари Илҳом самоварчининг хотинини пичоқлаб кетишди. Бечоранинг битта-ю битта эчкиси бор экан. Ҳовлига ўғри тушганини билиб, хотин шўрлик дод солибди. Эри чойхонада экан. Юғуриб бориб эчкининг арқонидан ушлаганми, хуллас, етиб келган кўни-қўшнилар қора қонига беланиб ётганини кўришибди.

— Шу кунда яна ўғри оралаб қолди, — деди Ҳадича кўрпачани қоқиб танча четига соларкан. — Қулупнай қизармасидан битта қўймай териб кетяпти.

— Ваҳима қилма! — деди Шоикром қовогини уйиб.— Болалар териб егандир. Ўғри қулупнайга келадими?

— Оғзига бир дона олган бўлса, буюрмасин. Нега келмас экан? Бир ҳовучини опчиқиб сотса бир коса жўхори беради. Ана, бориб қаранг, деворнинг бир чети упирилиб ётибди!

— Ваҳима қилма! — деди Шоикром яна гўлдираб.

Аммо бу сафар узининг ҳам юраги сесканиб кетганини пайқади. Кунглида пайдо бўлган гашликни сездирмаслик учун ҳовлига тушди. Секин юриб, қулупнай пушталари олдига келди. Ариқлардаги сув чироқ нурида ялтираб, шамолда жимирлар, маржондай терибли ранг олган қулупнайлар сувга тегай-тегай деб турарди.

«Рост-да, — деб ўйлади у пушталар атрофида айланаркан, — бир ҳовуч қулупнайга бир товоқ жўхори беради. Тансиқ нарса... Ҳадича ёлгон гапирмайди. Болалар еган бўлса, буюрмасин, деяпти-ку. Пишиқ, йўлатмайди...»

Бултур хотини худди шу қулупнай туфайли онасини ҳам қаттиқ ранжитган эди. Умри хола бир ҳовуч қулупнай олган экан, Ҳадича болаларга нон пули бўлар деб экканмиз, норасталарнинг насибасига тегманг, деб бобиллаб берибди.

Шоикром ўшанда онасининг ёз бўйи келини билан юзкўрмас бўлиб юрганини эслади-да, яна шу гап хаёлига келди. «Ҳадича анойи эмас, қурумсоқ...»

У айланиб ёнгоқ тагига борди. Борди-ю, чиндан ҳам кўча томондаги деворнинг бир чети ўпирилганини, остига тупроқ тўкилганини кўриб, юраги орқасига тортиб кетди. Назарида деворнинг кемтик жойидан биров мўралаб тургандай бўлди. Ёнгоқ шохларининг шамолда вишиллаши ҳам, оёғи остида тўкилиб ётган девор тупроғи ҳам шубҳали, ваҳимали кўриниб, дарров орқасига қайтди.

Ҳадича алақачон уйга кириб кетибди. У чироқни учириб, сандал четига ётди-ю, кунглидаги гулгула кучайиб кетаверди.

Кузда ўзи билан ишлайдиган йигитнинг ҳовлисидаги сўри тоқдан фарқ пишиб ётган узумларини ўғирлаб кетишганини эслади. Шамол борган сари авжга чиқар, ҳовлидаги ёнгоқ барглари шовиллаб, шохлари шубҳали гирчиллар, аллаким шип-шип қадам босиб, айвон лабига келаётгандай бўларди.

Ҳадича рост айтади. Ўзи кечалари сменада бўлса,

хотини учта жўжа билан жон ҳовучлаб тонг оттирса, ўтрига ўлжанинг катта-кичиги борми? Қўлига нима илинса олаверади-да. Борди-ю, ўзи йўрида уйини ўтри босса, хотини дод солса, пичоқлаб ташласа. У еқдан онаси чиқса, униям пичоқласа... «Виждонсиз! Одамларнинг бошига кулфат тушганидан фойдаланиб қоладиганларни қириш керак».

Бирдан хаёлига келган фикрдан унинг вужуди титраб кетди. Қора кунлари учун, не умидлар билан тишида тишлаб юрган гунажинини ўтирлагани учун, улим тушагида ётган укасининг охириги насибасидан маҳрум қилгани учун нон пули булар деб етиштирган мевасидан жудо қилаётгани учун шундоқ қасос олсинки, ўша худо беҳабарлардан.

У урнидан сакраб туриб кетди. Чироқни ёқиб, отилиб ҳовлига тушди. Ҳамон шамол ўкирар, осмоннинг гоҳ у, гоҳ бу бурчида чақмоқ ярақлаб, ёнгоқ шохлари шубҳали гийқиллар, аммо энди булар уни қўрқитолмас эди. У ёнбошидаги ошхонага кирди-ю, чўнтагидан гургурт олиб чақди. Титроқ қўллари билан қорайиб кетган девордаги михга илиғлиқ турган икки ўрам мисни олди. Бир вақтлар урушдан олдин у бу симларни базмларга олиб борар, одамларнинг ҳовлисини машғаладай ёритиб берарди. Эндиям яхшиликка хизмат қилсин!

«Менга деса отиб юбормайдими! — деб ўйлади у айвон лабига чўққайиб ўтирганича усти ёпиқ симни очиқ симга илдам уларкан. — Ҳарна битта харомхўрни ўлдирганим. Биттаси ўлса, бошқалари адабини ейди».

У чаққон ҳаракат қилар, аъзойи бадани терлаб кетган, аммо буни ўзи пайқамас, фақат бир сўзни такрорларди: «Менга деса отиб юбормайдими!».

У симнинг очиқ қисмини қулупнай пушталари устига улоқтирди. Сим илондай биланглаб пушта устига тушди. Ёпиқ қисмини айвон этагидан олиб ўтдида, бир учини устундаги илгакка тиқиб қўйди. Кейин бирдан болалар кечаси ҳовлига тушса нима бўлади, деган хаёл миясига урилди-ю, уйга кирди. Ҳадича ётган жойида уйқусираб бошини кўтарди.

— Ҳа.

— Ҳовлига чиқма, болалар ҳам чиқмасин, улади! — деди Шоикром кўзлари ёниб.

Ҳадича ҳеч нимага тушунмади шекилли, «хўп» деди-ю, бошини ёстиққа ташлади. Зум ўтмай текис, чуқур нафас ола бошлади. Шоикром айвон чироғини

учириб, яна уйга кирди. Ҳар эҳтимолга қарши шундоқ эшик тагига, наматга кундаланг ётиб олди.

«Менга деса отиб ташламайдими?» деб уйлади яна ушандай зарда билан. Шу топда негадир болаларини эмас, хотинини ҳам эмас, укасини уйлади. Шонеъмат болалигида ҳам заифгина эди. Шоикром уни ҳар куни мактабдан ўзи олиб келар, иккинчи сменада дарс тугагунча пойлаб утирарди. Отаси улганида Шоикром олтинчида, укаси иккинчида ўқирди. Ушанда Шонеъмат йигламаган, аммо ичикиб касал бўлиб қолганди. Она-бола уни авайлаб катта қилишди. Энди бўлса, беш кунлиги қолдими йўқми, ака бўлиб хабар ҳам ололмайди.

Шоикром ухладими, йўқми, билолмади. Бир маҳал бола йиғладими, ё ташқарида шамолнинг гувиллаши аралаш даҳшатли бир фарёд қулогига кирдими, англай олмай қолди. Сапчиб ўрнидан туриб кетди. Айвон чирогини ёқиши билан қулупнай пуштасида мук тушиб ётган одам гавдасини кўрди-ю, даҳшатдан қотиб қолди. Шу ондаёқ хато қилганини, қотиллик қилганини пайқади. Сим учини шартга илгақдан юлиб олиб, ҳовлига отилди. «Бошқалари қочди» деган фикр лип этиб хаёлидан ўтди. Пушталар устида сакраб-сакраб юриб бораркан, оёғи ботиб кетаётганини пайқади. Кейин гужанак бўлиб ётган одамдан уч қадам берирокда тўхтади-ю, бирдан чўккалаб қолди. Бир лаҳза кўзлари олайиб тикилиб турди-да, кўксидан шамол гувурини ҳам, ўз вужудини ҳам ларзага солувчи бир нидо отилиб чиқди:

— Ойи-и-и!

У бошидан ҳуши учиб бораётганини элас-элас ҳис қилиб ўзини ерга отди. Титроқ қўллари билан лой чангаллаганча чўккалаб кўксига муштлай кетди.

— Ойи! Ойижон!

Умри хола бир қўли билан униққан чит кўйлагининг этагини маҳкам чангаллаб олган, этак ичида икки ҳовуч пишган-пишмаган аралаш қулупнайлар кўриниб турар, бошқа қўли билан эса илондек симни ушлаб турарди. Шоикром унинг қулупнай қизили юққан, ёрилиб кетган бармоқларини, бўртган томирларини аниқ кўрди. Нарироқда, лойли ариқ ичида унинг калиши ётар, чамаси, сим оёғига текканида юлиб олмоқчи бўлгану, қўлига ўралашиб йиқилган эди.

Шоикром лойли марзадан эмаклаб борганча, ўзини онасининг қучогига отди.

— Ойижон, очинг кўзингизни! — деди у гезариб кетган лаблари билан онасининг муздай юзидан ўпиб.

У анчадан кейин ўзига келди-ю, тепасида хотини турганини, қизчалари йиглаётганини пайқади. Бошини кўтариши билан марза четида чўнқайиб ўтирган Шонеъматга кўзи тушди. Неча ҳафталардан буён урнидан жилмай ётган укаси, афтидан, қандайдир куч топиб эмаклаб чиққан, кўйлагининг елкалари осилиб турар, катта-катта кўзлари ваҳима билан боқар эди.

— Нима қилиб қўйдим, укам! — деди Шоикром яна балчиққа беланган кафти билан юзини чангаллаб. Кейин яна онасининг устига ўзини ташлади. У онасини кўтаришга уринар, аммо онасининг икки букланган гавдаси негадир ҳеч тикланмас эди.

— Сут ичмай заҳар ичсам бўлмасмиди, — деди Шонеъмат овози титраб.

Шоикром бу ожиз, титроқ товушдан сесканиб, укасига тикилиб қолди.

— Заҳар ичсам бўлмасмиди, — деди Шонеъмат яна уша оҳангда. Афтидан, у йиглай олмас, йиглашга мадори етмасди. — Кечаям айтувдим, кўнмадилар. Қулупнайга сут алишади, дедилар.

Шоикром бошқа ҳеч нимани эшитмади. Эшитолмади. Фойдаси ҳам йўқ эди.

Умри холани пешин намозига чиқаришди. Гуристондан чиқиб келишаётганида Шоикром одамларнинг ўзаро гапини эшитиб қолди.

— Уруш тамом бўпти, эшитдингизми?

## ҲОЖИАКБАР ШАЙХОВ

(1945)

Ҳожиакбар Шайхов фантаст ёзувчи, сургузашт жанр ижодкори. У Хитой Халқ Республикасининг Чугучак шаҳрида 1945 йилнинг 25 мартида тугилган. Ўрта мактабни битиргач, 1964-1967 йилларда Армия сафларида хизмат қилган. 1967-1971 йилларда Тошкент политехника институтида таҳсил кўрган. Сўнгра, 1971-1978 йиллар мобайнида электр тармоқлари идораларида, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Электроника институтида ишлаган. 1978 йилдан «Ёш гвардия» нашриётида булим бошлиғи, Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси биринчи котибининг ижодий ишлар бўйича муовини бўлиб хизмат қилган. Ҳозирги кунда у «Сирли олам» журнали ва унинг иловаси бўлмиш «Қалб кўзи» газетасининг бош муҳаррири, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси тафтиш ҳайъатининг аъзоси.

У ёзувчи сифатида 70-йиллар бошида адабиётга кириб келган. Шу вақтгача унинг уттизга яқин китоблари чоп этилган. Жумладан, «7-СЭР» — илмий-фантастик ҳикоя ва қиссалари (1972, ҳамкорликда ёзилган), «Рене жумбоғи — куланка» (1980), «Олмос жилоси» (1983), «Телба дунё» — роман (1990), «Кўз» — қисса (1986) каби асарлари китобхонларнинг сеvimли асарларига айланиб қолган. Шунингдек, у «Умид сайёраси», «Уйғонган виждон», «Олис сайёрада», «Нижон», «Оловдан чиққан одам», «Дархон қўшиғи» каби унлаб ҳикоялар муаллифи ҳамдир.

Ҳожиакбар Шайхов моҳир таржимон сифатида унлаб қардош ва чет эл адиблари асарларини ўзбек тилига ўтирган. Айни чоғда у мунаққид, олим ва адабиётшунос сифатида 20 дан ортиқ мақолалар яратган. Улар орасида фантастика, фольклоршунослик ва мифологияга оид мақолалари эътиборлидир.

## МАЙДОН ПАНОҲИДА

Қўнғироқ чалинди. Бокс бошланди. Ишқибозлар чуғурлаб қолишди. Бу — учинчи раунд эди.

Жасур гоят эҳтиётлик билан маневр қила бошлади.

Восиқнинг галати курашиш услуби, ундаги одатдан ташқари юксак мудофаа санъати дилига гулгула солганди. Лекин рақибининг бунчалик кучли эканига ишончсизлик туйғуси кўнглининг бир чеккасидаги аста-секин гирён қилардики, бу уни таваккал билан яна ҳужумга ўтишга ундарди. Айни пайтда ҳужумга ўтишдан чўчир, Восиқнинг кўкси устидаги ўша галати... бушлиққа мушти бориб урилишини ўйлаганда, негадир эти жимирлаб кетарди.

Ниҳоят, таваккал билан иш кўришга қарор қилди. Жасур учун ҳозир бирдан-бир қулай йўл муштлашиб туриб, клинчга ўтиш эди. У, мақсадини сезиб қолганиданми, рақибининг кўзлари олайиб кетганини кўрди. Дилидаги шубҳаси тагин зўрайди.

Восиқни клинчга олиш осон бўлмади. У ўзининг маймунникидай узун қўллари билан бесўнақай ҳаракатлар қилиб, Жасурни ўзига яқинлаштирмасликка тиришарди.

Бироқ Жасур ўзининг донги кетган боксчи эканини намоёиш этди; рақибининг боши ва кўкси аралаш мушт ёғдириб туриб, қўлларини қўлтиқлари остидан ўтказиб қучоқлаб олди. Восиқ клинчга олинган эди.

Жасур бадани жунжикиб кетганини ҳис этди. Вожаб: унинг кўкси рақибининг кўксидан яримқарич беридаги... фазога, ҳа, бушлиққа тақалиб турарди! Боксчи ялт этиб рақибнинг эғнидаги майкасига қаради; шундагина махсус капрондан тикилган майкасининг кўкраги бўйлаб бир оз дўппайган материал уланганини кўрди. Шундагина билакларини қўлқоп кийган муштларигача қоплаб узун енларига эътибор берди. Жасурнинг назарида, буларда ақл бовар этмайдиган алланима бор эди.

Шу ҳислар оғушида ағрайиб тураркан, Восиқнинг жонсарақ ҳолда ўзини итариб ташлаб, унғ қўли билан ён тарафдан қақшатқич зарба берганини сезмай қолди. Қўлларини кўксига босганча ағдарилиб тушди. Майдонни яна ҳайқириқ овозлари босиб кетди.

Судья йиқилган боксчи устида энгашиб, битта-битта секундларни санай бошлади. Ҳисоб саккизга етганда, Жасур аранг кўтарилиб, тиззалаб ўтирди. Лекин

тиззасини ердан узганида кечиккан, ҳисоб ўндан ошган эди.

Судья икки боксчининг уртасида туриб, Восиқнинг қўлқоп кийган қўлини ушлаб, юқори кўтарди. Голибнинг кўзларида севинч учқунлари ёлқинланарди. Жасурнинг эса боши қўйи солинган, лаб-лунжи осилиб кетганди...

Жасур дарсхонасига кирди-ю, узини таппа каравотга ташлади. Ўйга толди. Ҳа, чакки бўлди. Учрашув тугаши билан жўнавориб, тўғри иш қилмади. Ҳар ҳолда узини шубҳага солган уша сирни аниқлаши керак эди. Восиқнинг кўкраги устидаги галати... Ё унга шундай туюлдимикин? Рақибининг беқиёс даражада кучли мудофаа қилиш қобилияти унда шундай тасаввур уйғотдимикин?.. Шу аҳволда қанча ётди, билмайди, бирдан эшик тақиллаганидан ўзига келди. Истар-истамас ўрнидан кўтарилиб:

— Кириг, — деди.

Жасур сесканиб тушди. Остонада Восиқ турарди!

— Ҳўш, хизмат? — деб сўради у совуққонлик билан «чақирилмаган меҳмонга» рубарў чиқиб.

Восиқнинг кўзлари хотиржам боқарди.

— Мен сенга бир сирни очишим керак!

Жасур ялт этиб Восиққа қаради. Кўзлари катта очилиб кетганди, лекин индамади.

— Бу шундай сирки, — хотиржам оҳангда давом этди Восиқ, — уни ўзимдан бўлак ҳеч ким билмайди. Ҳатто тренерим ҳам. Уни нима учун сенга айтмоқчи бўлганимга ажабланарсан? Ажабланма, аслида чемпион сен бўлишинг керак эди! Шунинг учун ҳам ҳузурингга уша сирни очгани келдим. Шундай қилмасам, назаримда бир умр виждон азобида қолиб кетадиганга ўхшайман!..

У: «Нима, гапираверайми?» — дегандай Жасурга тикилди. Жасур яна индамади. Восиқ «нима бўлса бўлди», деб, унинг қўлини бир силтаб қўйди-да, гапга тушди.

— Бу ҳодиса бундан ярим йилча аввал Бўстонлиқнинг Наволисой қишлоғи яқинида содир бўлганди. Ёз пайти эди. Мен ушанда Наволисойдаги амакимникига дам олгани бўлгандим. Амаким уша қишлоқда физика ўқитувчиси бўлиб ишларди.

Қишлоқнинг бир томони осмон упган тоғ бўлса, бир томони сулим водий эди. Бир куни тунги соат ун иккиларда уша тоғ тарафда аланарсанинг гумбурлага-



ни, кейин тог устида учқунлар сачраб, ҳамма ёқ бир лаҳза ёп-ёруғ бўлиб кетганини сезиб қолдик. Гумбурлаш жуда кучли бўлиб, унинг таъсирида, ҳатто, қишлоқ деразалари ҳам зириллаб кетди.

Эртасига тонг саҳардаёқ амаким, мен, яна бир қишлоқлик бола тунги бу ғалати воқеанинг сабабини аниқлагани тоққа равона бўлдик.

Ишонасанми, дастлаб ҳеч нарса топа олмадик. Ҳамма ёқда ўзимизнинг одатдаги тошлардан бошқа ҳеч нима йўқ эди. Умидсизликка тушиб, орқага қайтмоқчи бўлдик. Лекин қишлоқлик бола нимаям бўлиб, ердан тош олиб биздан уттиз қадамча нарига отди-ю, ҳайрат билан қичқириб юборди:

— Э-вой, буни қаранг! Отган тошим ўзидан-ўзи яна юқорилаб кетяпти!

У яна тош олиб, уша тарафга қараб отди. Таажжубки, тош ўз ҳаракати давомида аввал одатдагича эгри чизиқ бўйлаб учиб, сунгра пастдаги тошлар уюмига яқинлашганда бирдан худди алланарсага урилиб қайтгандай фазода кескин юқорига бурилганини ва шундан кейингина ерга тушганини кўрдик.

— Ахир, бу — физика қонунига мутлақо зид-ку?... — дедим мен. — Ердан отилган ҳар қандай жисм эгри чизиқли текис қилиб ерга тушиши керак.

Дарҳол уша ёққа қараб юрдик. Олдинда бораётган ҳалиги бола тўсатдан яна бақириб юборди-да, алланарсага қоқилиб, йиқилиб тушди. Тепасига югуриб келдим у турган жойимда тахтадай қотиб қолдим. Ишонасанми, қишлоқлик бола бояги тошлар уюмидан ярим метрча юқорида, фазода муаллақ ҳолда муккасидан осилиб ётарди! Худди алақандай кўзга кўринмас стол устида ётгандай.

Бу пайтда амаким уни тезгина қўлидан тутиб, чеккага тортиб олди. Бечора безгак тутаётгандай қалтирар, бир пастда ранги учиб кетганди.

— Эҳтиёт бўлинглар! — деб огоҳлантирди амаким бизни.

Атрофга синчиклаб қарадик. Қаршимиздаги алақандай қизғиш рангдаги тошлар уюми эътиборимизни тортди. Тошлар тартибсиз сочилиб ётар ва анчагина жойни эгаллаганди.

Амаким ҳалиги бола йиқилган жойни қўллари билан пайпаслаб кўра бошлади. Бушлиқда қўли худди рақсга тушмоқчидек оҳиста жила кетди. Бирдан амакимнинг бароқ қошлари чимирилди. Қўллари фазода

алланимага бориб тақалган эди-да! Шундан кейин анчагача ўйланиб турди-да, одатича даҳанини ушлаб, бизга юзланди:

— Биласизларми нима, — деди бирдан чеҳраси ёришиб, — кеча тунда гулдираган нарса — мана шу тошлар!

Оғзимиз очилиб, ҳалиги қизғиш тошларга тикилдик.

— Барча далиллар, тошлар космосдан тушганини кўрсатади! Биринчидан, улар тушаётган пайтда биз тоғ тепасида қизғиш учқунлар сачраганини кўрдик. Бу бениҳоя катта тезлик билан тушаётган тошларнинг ер атмосферасига ишқаланиши таъсирида чўтланганини кўрсатади. Иккинчидан, тунги кучли гулдираш ҳодисасини фақат тошларнинг кўкдан тушиб, зарб билан ерга урилгани орқалигина изоҳлаш мумкин.

— Унда, булар — космосда учиб юрувчи майда тошлар галаси — метеоритлар бўлса керак? — дедим мен.

— Эҳтимол, — деди амаким уйчанлик билан ҳамон даҳанини силар экан, — бундан ташқари астероид бўлакчалари ҳам бўлиши мумкин. Лекин гап бунда эмас. Қизғиш шундаки, мазкур тошлар ердаги жисмларга хос бўлмаган гаройиб хусусиятга эга, яъни худди электр ёки магнит сингари ўз атрофида юксак даражада зичланган ўзига хос майдон ҳосил қилган.

Маълумки, магнит майдонига киритилган баъзи жисмларга куч таъсир этади. Бу шундай кучки, у жисмни итариши ёки ўзига тортиши мумкин. Мазкур тошлар майдонининг кучлари эса, шу даражада сиқилган, тигизланганки, ўзидан итариши керак бўлган жисмлар йўлини майдон чегарасидаёқ қалқондай тўсиб қўяди. Ўзига қарама-қарши зарядланган жисмларни бўлса, шу қадар катта куч билан тортиб оладики, оқибатда уларни тошга ёпишган жойидан қайта тортиб чиқариш амримаҳол бўлиб қолади. Нейтрал зарядланган, яъни заряди йўқ бўлган жисмларгина мазкур майдонда бемалол ҳаракат қила олиши мумкин. Чунки уларга майдон ўз таъсирини кўрсата олмайди. Бу фарзимизнинг тўғрилигини ҳам ўша нейтрал зарядланган жисмлар воситасида аниқлашимиз мумкин.

Амаким бир нафас сукут қилди-да, узил-кесил бир қарорга келиб, чўнтақларини ковлаштираркан:

— Қани бўлмаса, ёнларингдаги бор бисотларингни

чиқаринглар, зора бирор нейтрал жисм чиқиб қолса, — деди.

Ҳалиги тош устидаги фазо, тўғрироғи майдон усти бир зумда қаламтарош, танга, қоғоз, авторучка ва ҳоказоларга тўлиб кетди. Сиртдан қараган кишининг бу манзарани кўриб, ҳайратга тушмоғи шубҳасиз эди. Чўнтаklarимиздан чиққан бу нарсаларнинг ҳаммаси ҳавода муаллақ осилиб турарди-да.

— Ёнларингда бошқа ҳеч нарса қолмадими, — сўради амаким.

Шимимнинг орқа чўнтагида капрон рўмолчам ҳам борлигини айтдим.

— Чиқар бу ёққа.

Рўмолчани шошиб, қўлимдан олди-да, майдон устига қўйди. Ажабо: рўмолча буюмлар орасидан сизиб ўтди-ю, ҳеч қандай қаршиликка учрамай, ҳавода оҳиста учиб, ҳалиги қизғиш тошлар устига бориб тушди.

Амаким мамнуният билан қўлларини бир-бирига ишқалар экан:

— Демак, капрон — тошларга нисбатан нейтрал жисм экан! — деди кўзлари чақнаб, кейин ҳазил аралаш бир оҳангда қўшимча қилди. — Шундай қилиб, сиз билан биз электромагнит майдонининг янги бир турини кашф этдик!

Биз ҳайрат огушида анграйиб турардик.

Шунда тўсатдан миямга келган бир фикрдан қалқиб кетишимга оз қолди. Ишонасанми, бир фикр ўша куни уйга қайтганимизда ҳам тинч қўймади мени. Боксни жуда яхши кўрардим. Кўпдан бери ҳамманинг ҳавасини келтирадиган кучли боксчи бўлишни орзу қилардим. Манави галати тошлар топилгач, ўзимни курсатишим учун, ниҳоят, фурсат етганини пайқадим. Яқинда шаҳардан олимлар келиб, тошларни текшира бошлашади. Бу эса ишнинг белига тепиши мумкин. Шунинг учун вақтни бой бермай, дарҳол ишга киришиш лозим эди.

Ўша кунидек кечга яқин амакимдан яширин ҳолда эски капрон кўйлагимни олдимда, тоққа равона бўлдим. Космосдан тушган тошлар ёнига етиб келганимда, чор атрофга оқшом соя солганди.

Фазони қўлим билан пайпаслаб, тошлар майдони чегарасини топдим. Кейин бир қўлимни тирсагимгача капрон кўйлагим билан яхшилаб ўрадим-да, тошларга қўл чўздим. Қўлим майдонда қаршиликсиз ҳаракат қиларкан, тут баргидай юпқа-юпқа уч-турт тошни сара-

лаб, четга суриб чиқардим. Тошларни капрон кўйлагимга ўрадим-у, изимга қайтдим.

...Уларни спорт майкамнинг кўкрагига шундай ўраб тикишим керак эдики, токи майдон таъсири майкамнинг кўкрак қисми сиртида бемалол ўз ҳукмини ўтказа олсин. Бу ишлар битгандан кейин йўлимда яна бир тўсиқ пайдо бўлди: кўксим устида ҳосил бўлган тош майдони қўлларимнинг бемалол ҳаракатланишига имкон бермай қўйди. Енгли капрон майка кийдим-у, ниҳоят, мақсадимга эришдим. Ишонасанми, энди мени рингда мағлубиятга учратиш унча-мунча рақибнинг қўлидан келмасди...

Шу жойга келганда, Восиқ ҳикоясини тўхтатди-да, гаплари қандай таъсир қилганини билиш учунми, Жасурнинг кўзларига тикилди. Жасур хона ўртасида оёқларини кериб тураркан, ҳамон сукут сақларди...

## НОРТЎХТА ҚИЛИЧ

(1946)

*Нортўхта Қилич замонавий адабиётимизнинг кенжа авлодига мансуб истеъдод соҳибидир.*

*Нортўхта Қилич 1946 йил Бухоро вилоятининг Гиждувон туманидаги Гишти қишлоғида туғилган. 1971 йилда Тошкент Давлат Дорилфунунини тугатгач, «Бухоро ҳақиқати», «Хоразм ҳақиқати», «Тошкент оқшомни» рўзномаларида, «Шарқ юлдузи» ойнамасида ишлаган. Ҳозир Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат матбаа бирлашмасида наср бўлимининг мудири бўлиб хизмат қилмоқда.*

*Нортўхта Қиличнинг илк ҳикоялари 60-йиллари туман рўзномасида босилиб чиққан. Унинг «Оппоқ тонг» номи биринчи ҳикоялар тўплами 1981 йилда нашр қилинган. Ушандан бери унинг «Ёронгул» (1981), «Муъжиза» (1984), «Чигириқ» (1988), «Байрам» (1991), «Илтижо» (1992) номи ҳикоялар ва қиссалар тўплamlари нашр этилган.*

*Нортўхта Қиличнинг «Байрам» тўпламига кирган қисса ва ҳикоялари адиб ижодининг сараси бўлиб, унда муаллиф инсон тақдири ва ҳаёт маъноси ҳақида фалсафий мушоҳада юритади. Асар марказидаги воқеалар кўп ҳолларда драматиклиги, ўткир теранлиги билан ўз китобхонини жалб этади. Айниқса, ундаги қаҳрамонлар ўзларининг маънавий-ахлоқий поклиги билан ўқувчига катта маънавий озиқ беради, эстетик завқ бағишлайди. Шунингдек, адибнинг кўп асарлари ўзининг тили, содда, оддий, равлонлиги билан уларнинг ўқимишли бўлишини таъминлайди.*

*Ёзувчи ҳикоялари қозоқ, қорақалпоқ, белорус, украин ва рус тилларига таржима қилинган.*

## МУЪЖИЗА

*Ёқуб Тешаевичнинг чақиртирганини эшитиб, Толибжоннинг негадир энсаси қотди.*

*У залворли эшикни истар-истамас очиб:*

— Мумкинми? — деди.

— Э-э, келинг Толибжон!..

Ёқуб Тешаевич хушнудлик билан ҳол-аҳвол сўрашаркан, Толибжоннинг қизарган кузларидан кайфияти нохушлигини англаб, муддаосига эришолмаслигини сезди.

— Чақиртирган экансиз.

— Утиринг, Толибжон, — деди у жой кўрсатиб. — Гап бор...

«Ўзининг бирор илтимоси булса керак — деб уйледи Толибжон унинг қорачиқлари тубидаги мубҳам меҳрнисорликни илгаб. — Вақт зиқ пайтда дилкашлик қилиб утирмай, шартта гапини айтса-қуйса-да! Бари бир...»

Агар шу тобда унинг ун йил аввалги шаҳди булса, «Муддаонгизни айтаверинг!» деган буларди.

У ун йил аввал узини эртаклар оламида ҳис этар, бир кунмас-бир кун ҳаётида ажойиб бир муъжиза рўй бериб, эркинроқ, бахтиёрроқ яшашига қаттиқ ишонар эди.

Толибжон ушанда — бундан ун йил олдин, иш сўраб келганида, раҳматли Шоди Маҳмуд уни шу одамга рўпара қилиб: «Ёқубжон, ўзинг бир чигириқдан утказиб кўрчи!» деган, Толибжон эса тап тортмай: «Имтиҳон маъносидами, домла?» деб сўраган эди.

— Ҳа, имтиҳон маъносида! — деган эди Шоди Маҳмуд.

— Бу киши Ёқуб Тешаевмилар?

— Ҳа!

— Мен сизга имтиҳон топширмақчи эдим, домла.

— Менга-я? Нима учун шахсан менга экан?!

— Мен бу кишининг «Гулистон»да босилиб чиққан «Маросим қўшиқлари» мақоласини ўқидим. Унда тўй қўшиқлари билан аза қўшиқларининг аралаштириб юборилгани менга ёқмади.

Уларнинг бир зум кўз уриштиришиб, енгилгина бош иргашганлари ҳануз Толибжоннинг ёдида.

— Шоди ака, сиз шу йигитни ишга олинг?!

— Сен шошилма!.. Хуш, укам, мақоланинг нимаси сизга ёқмади?

Толибжон бир оз тутилиб, ўз фикрларини айтди.

Шоди Маҳмуд уни саволга тутди:

— Қаерликсан?

— Самарқандлик.

— Қаерда ишлайсан?

— Ўқишни энди битираман.

— Бупти, ишга қабул қилиндинг. Ёқубжон, узинг қарашвор... Толибжон шу бугундан қолдирмай ҳужжатларини расмийлаштиради. Талабгорлар эртадан кўпайиб кетади.

Толибжон ўша қисқа савол-жавоб чоғидаёқ Ёқуб Тешаевични ёқтириб қолганини ва кейинчалик унинг ажойиб одам, кучли олим эканлигига зоҳиран иқроор бўлганини эслаш баробарида ўн йил бурунги Толибжон юрагининг теран бир ерида кулала бўлиб ётганини ҳам идрок этиб, беихтиёр муросасозлик билан фикрини давом эттирди: «Бари бир қиламан-ку айтганини. Яхши кўришимни ҳам билади. Бунинг устига...»

— Келиннинг соғлиги яхшими?

— Раҳмат, — дея даъфатан ажабланди Толибжон: «Дарров қайқдан эшитибди?»

Лекин Ёқуб Тешаевич эшитмаган экан:

— Болалар қишлоқдами? — деб сўради, гуё шундай бўлса, мушқули осон кўчадигандек кўнгилчан оҳангда.

— Йўқ, кампир — ҳовлининг эгаси қараб ўтирибди, — деди Толибжон.

— Келин-чи, келин қаерда?

— Э-э! — деди Толибжон жилмайиб. — Тугруқхонада. Яна...

— Ий-э, нега суюнчиламайсиз?! — Ёқуб Тешаевич сиртдан узини жуда қувонгандек қилиб курсатаётган бўлса ҳам, амалга оширмақчи бўлган режасига тутун тушганини фаҳмлаб, ичидан зил кетган эди. Аммо сир бор бермай: — Яна угилми? — деб сўради.

— Йўқ, қиз, — деди Толибжон бепарво.

Бирдан Ёқуб Тешаевичнинг қизи кўз унгида ҳомуш гавдаланди, кейин хотинининг эрталаб зорланиб қақшагани ёдига тушди, юраги зирқираб кетди.

— О-о, қиз боланинг тарбияси огир, ташвиши ундан баттар экан, Толибжон! — дея дардчил бош чайқайди у. — Ишқилиб, умрлари узоқ бўлсин.

— Раҳмат, Ёқуб ака.

— Учта бўлдим энди?

Толибжон боягидек гуноҳқорона кулимсираб:

— Йўқ, тўртта, — деди.

— Ўҳ-ҳў, қаҳрамонликни кўзлабсизлар-да?!

— Ҳа, энди...

«Эси жойидами бунинг?! Сичқон сизмас инига... — Ёқуб Тешаевич утган йили унинг ижарахонасига жуда асқотиб қолган китобни сўраб борганини эслаб, беих-

тиёр димогида ачиган қатик аралаш рутубат ичини туйгандек бурнини жийирди. — Қандай қилиб айтсам экан? Ахир...»

— Ҳалиям ўша уйда яшаяпсизларми, Толибжон?

— Ёзда яхши-да, у ер. Боги бор, кичкина ҳовузчасиям бор. Кейин кампирга жуда ўрганиб қолганмиз. Кампир ҳам шундай. Бир ёғи, бечора, беминнат хизматкор.

— Кампирнинг бола-чақаси бор-а?

— Ҳа, — деди дилида кампирга ачиниш ҳиссини туйиб. — Ҳаммаси уйли-жойли бўлиб кетган. Фақат баъзан неваралари келиб туради.

— Демак, сиз ёзда ҳам болаларни қишлоққа жунатмайсиз-а? — дея Ёқуб Тешаевич тубанлашаётганини уйлаб, лабларини қимтиди.

Толибжон эса унинг ажабтовур саволидан тааж-жубланиб:

— Йу-уқ, — деди-да, унг қўлининг кўрсаткич бармогини кескин қайирди. Қисирламади! Бу унга хуш ёқарди. Бамайлихотир сузида давом этди. — Жунатган пайтларимда худди кўкнор халтасини йўқотиб қуйган бангидек карахт юраман. Болалар ҳам у ёқда зерикади. Шунинг учун...

Ёқуб Тешаевич маъқул маъносида бош ирғаб:

— Бир маслаҳатли иш бор эди, — деди унинг гапини булиб.

Толибжон қошларини чимириб, ҳиёл олдинга энгашиди:

«Хуш»?

Лекин у хаёлпаршонлик билан ўрнидан турди-да, ён томондаги деразага яқин бориб, ташқарига қаради: ҳовур жимирлаётган йунгичқазорга туташ йулка бўйидаги мирзатераклар орасидан бекатда тўхтаб турган трамвайнинг аста жойидан қўзғалиб, елиб кетаётганини кўрди. Орқадан югуриб келган қизғиш кўйлакли йигит эса ҳафсаласиз қўл силтаб, ён-верига интизор аланглади.

«У энди кутиши керак. — Ёқуб Тешаевич хаёлида чарх урган фикрдан беихтиёр ҳушёр тортди. — Толибжоннинг трамвайи ҳали жилгани йўқ, эшиклариям очиқ. Аммо унинг ўрнига Роҳилани... Айтиш керак!».

Хотини эрталаб айтганидек, «уйга сўппайиб кириб» боришдан юраги безиллаган Ёқуб Тешаевич кун бўйи тажангланаиб юрган эди. Боя тушлиқдан қайтганида, иттифоқо чораси топилди. Севиниб кетганидан



дарров ҳузурига Толибжонни чақиртирди. Энди дангал айта олади!

«Айтаман. Толибжон, дейман, ўзингиз биласиз... — Ана, ҳозир ўгирилади. Кейин унинг кўзларига тик қараб, гапира бошлайди. — О-о, одамларнинг кўзига тик қараб гапириш — қандай яхши-а?! Аммо...»

У ҳал қилувчи дақиқа яқинлашгани сайин ичдан уртанмоқда эди: қандай, қайси юз билан айтади ахир?!

Шу пайт усти очик «Газик»да карнаю сурнай чалиб бораётган туйчилар унинг диққатини бир лаҳза ўзига тортди. Эртага шанба эканлигини эслаб, баттар кунгли гашланди. Агар бугун ҳам бир иложини қилолмай, уйга сўшпайиб кириб борса, боши роса уч кун галвадан чиқмаслигини уйлаб, ҳазин хўрсинди-да, қаёқларгадир кетгиси келиб қолди: «Тоққа жўнаворсамми-кан?»

Тоғ яхши-да, бутун қайғую ташвишларингни унутсан. Тоза, майин ҳаводан жисму жонинг яйрайди, гаройиб манзаралардан кўзларинг яшнайтиди. Ҳаммасидан ҳам ўзингни кенгликларда учиб юрган эркин қушдек сезасан.

Сурурбахш сайрдан сўнг хушбўй арчанинг остида мовий осмонга тикилиб ётган кўйими ёки чошгоҳ маҳали жилга бўйидаги харсанг устида тиззаларингни қучоқлаб ўтирганингдами, ногаҳон, чеккан азобларинг ҳаммаси мангу қонуниятлар қаршисида аянчли икирчикирлар эканлиги ҳақида, умрнинг ўткинчилиги — оламга мавжудот сифатида муайян юмушни бажариш учунгина келганинг... хусусида самовий ўйлар суриб, шууринг тиниқлашади.

Яхши-да, тоғда зерикмайсан, зериккунингча муҳлат тугаб, сафаринг қарийди.

Бирдан Ёқуб Тешаевичнинг юраги орзиқиб кетди: «Ў-у, югурик дунё, тоққа чиқмаганимгаям тўрт йилча бўлиб қолибди-я!..»

Қўққисдан оқ телефон жиринглаб, унинг хаёли булинди. Чаққон келиб, дастакни олди, қулогига тутиб:

— Алло, эшитаман, — деди. — Салом... Ҳа, танидим. Хўш, қачон жўнамоқчисизлар?..

Телефонда у ким биландир узук-юлуқ гаплашаркан, музтар ўтиргани Толибжонга дабдурустан алам қилиб, қандайдир ажабланиш аралаш хўрлик туйғуси қалбини чулғаб олди.

Қизиқ, олдинлари энг яқин ўртоқдек бемалол ҳазил-ҳузул гурунглашаверар, бот-бот мунозаралашар,

ҳатто баъзан тоғ сайрига ҳам бирга чиқиб турар эдилар. Аммо Толибжон лаборант бўлиб ишга кирганида, Ёқуб Тешаевич фан кандидати эди. У кичик илмий ходимликка тайинланганида бу докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Шоди Маҳмуддан сўнг мудир бўлди. Каттаконларга нимасидир ёққан экан... Мана энди, директор. Қизи Роҳила эса аллақачон илмий ходим.

«Буюк Тагор ҳақ: «Инсон покиза яшамоғи учун лаоқал Худо бўлмоғи керак» экан. — Толибжон унга зимдан разм солди: кўзларининг ости халтадек осилган, ранги заҳил... Юраги увишди. — Шу одам, ҳар ҳолда, аввал покизароқ эди. Ҳозир кўп қийналса керак, сочлариям оқариб кетибди. — У соатига кўз қирини ташлаб, бирдан тутакди, — гўё кўксига кулала бўлиб ётган Толибжон мағрур бош кутарди: «Кечирасиз, менда қанақа маслаҳатли ишингиз бор? Қулимдаги ишимни тезроқ бир ёглиқ қилиб, бозорга боришим керак; ул-бул харид қилиб уйга қайтганимдан кейин атала қайнатиб, туғруқхонага бормоқчиман. Сиз булсангиз вақтимни оляпсиз. Биласиз-ку, вақт... Вақтда-е! Фақат ўлганларгина вақт билан ҳисоблашмайдилар. Агар гапингиз бўлса айтинг, бўлмаса... Иш деган бундоқ бўпти-да! Хўп, ҳаракат қилиб кўраман». — Толибжон таранг чўзилган чакка пайлари ҳиёл юмшаганини ҳис этиб: — «Чиндан ҳам ташвишларим бошимдан ошиб ётибди-ку! — дея кўнглидан ўтказаркан, болаларининг иштон-кўйлагини ивитиб қўйгани ёдига тушиб, тагин тажанглана бошлади. — Ахир, мен нима учун муте одамдек мунгайиб ўтирибман-а?..»

— Йўқ, биродар! — деди бирдан Ёқуб Тешаевич жаҳл билан. — Экспедицияни барбод қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Қайтиб келганингиздан кейин бафуржа гаплашамиз... Билмайман... Аҳ-а... Хайр! — У тарақлатиб дастакни қўйди-да, хўмрайиб Толибжонга қаради. — Сиз нима учун экспедициядан қолдингиз?

— Рухсат сўраган эдим, — деди Толибжон. — Болалар ёлғиз...

— Тўғри-тўғри. — Ёқуб Тешаевичнинг кўз қорачиқларида яна паришон меҳрнисорлик жилваланди. — Толибжон, қишлоқда кимларингиз бор?

Толибжоннинг баттар таажжуби ортиб:

— Онам билан опам, — деди. Поччам борлар, жиянларим бор.

— Онангиз неча ёшдалар?

— Шу... етмиш уч ё етмиш тўртда булсалар керак.

— Анча ёшга бориб қолган эканлар, — дея Ёқуб Тешаевич тагин савол берди. — Бир ўзлари турадиларми?

Толибжон устозининг кўнглидан нималар кечаётганини тахминан тушунди, ўзини ноқулай ҳис қилди. У икки ойча аввал уйга бориб келганини, ундан бери лоақал хат ёзмаганини, лекин бир энликкина хатни ҳатто иш пайтида ҳам ёзиб ташлаш мумкинлигини ўйлади-ю, пинҳона ўкиниб:

— Ҳаммалари бир ҳовлида турадилар, — деди алла-нечук шавқсиз оҳангда. — Поччам асли ўзимизнинг қариндошлардан.

— Поччангиз ким бўлиб ишлайдилар?

— Колхозчи-да, — деди Толибжон. У тагин: «Ёқуб ака, онам ҳеч нарсага муҳтож эмаслар», демоқчи эди, лекин негадир индамади.

— Ҳм-м... Ёқуб Тешаевич бош бармоғи билан қошини сийпалаб туриб: — Толибжон, сиздан бир нарса сўрамоқчиман, лекин кўнглингизга малол олмайсиз, — деди мулоҳазакорлик билан.

— Э-э, бемалол, Ёқуб ака, — деди у қаддини ҳиёл тиклаб. — Сўрайверинг, марҳамат.

— Сиз нима учун қишлоғингизга бориб ишлайсиз?

Бирдан Толибжоннинг кўзлари катта-катта очилиб кетди-да, тили каловланиб:

— Тушунмадим, — деди. — С-сал очикроқ гапиринг.

Ёқуб Тешаевич унга маҳзун термулди — тушунмаганига ишонмади. Сўнг курсига вазмин суяндида, аста хурсиниб:

— Наҳотки? — деди.

Толибжон қулини кўксига қўйиб, бошини чайқади:

— Рост, — деди.

Бирпаст иккалови ҳам жим қолди.

— Ёши анчага бориб қолган онангиз ҳам сиздан нимадир умидвор, демоқчиман, — деди ниҳоят Ёқуб Тешаевич унинг кўзларига синчковлик билан тикилиб. — Сиз булсангиз, бу ерда — гарибликда топганингиз, тутганингизга етмай, ижарагирнинг қош-қовоғига қараб, зўрга кун кўриб юрибсиз. Тўғри, бугунми-эртами квартира олиб, кўчиб ҳам ўтасиз. Аммо болаларингиз улғайганда, эҳтимол яшашингиз яна ҳам қийинлашар. Мумкин-ку бўлиши! Шунинг учун эс борида этакни

йигиб, жўнагинингиз маъқул эмасми? Ҳозирдан борсангиз яхши-да!

Аянчли турмуш кечираётганини энди сезгандек, Толибжоннинг хўрлиги келди. Айни чоқда, қишлоқда ҳам «ортиқча одам»лигини гира-шира кўз олдига келтириб, қулоқлари шангиллаб кетди.

— У ёқда нима қиламан?

— Ишлайсиз! — деди Ёқуб Тешаевич. — Коммунистсиз-а?

— Ҳа, армияда ўтганман.

— Сизга, албатта, мактаб директорлигини беришадди. Бу ёгидан хотиржам бўлаверинг, биз ҳам айтамыз, танишлар бор. Мактабда халқ оғзаки ижодини ўқитиш, ургатишни яхшилайсиз, шогирдлар етиштирасиз. Хуллас, қийналмай, докторлигингиз устида иш олиб борасиз. Келинни боғча ёки кутубхонага ишга қўйдирамиз. Ана кейин кампирнинг дуосини олиб юраверасизлар. Қалай, маъқулми?

Толибжон индамай, қўлларига қаради: кафтлари терлаб кетди. Аста шимиға артди.

Нима деса экан?

Кимдир ёмонлаган бўлиши керак. Бўлмаса... Лекин у кимга ёмонлик қилди?! Гуноҳи — ҳеч кимга аралашмай, ўз аравасини ўзи тортиб юрганми?

Толибжон сукунатнинг даҳшатли овози борлигини, тоғдек оғир бўлишини ҳис этди — пинҳоний бир зўриқишдан икки чаккаси лўқиллаб оғрий бошлади.

Эҳтимол, жой бўшатиш лозим бўлиб қолгандир. «Ёқуб Тешаевич, лаёқатсиз эканманми?» деб сурасинми ёки: «Бору йўғим шу — илм! Ундан ажралсам хароб бўламан», — деб тўғриси айтиб қўя қолсинми?

Бироқ, маслаҳати чакки эмас. Айтгандек, онасининг ёнида бўлади. Қишлоқда, ҳарна қилганда ҳам, яшаш осон, сув текин, утин бепул, гўшт, мева-чева, деҳқончилик. Олти ойда тўнғич ўғлининг тўйини гумбурлатиб ўтказди. Шаҳарда эса тўй қилиш...

Бари бир... нари-бериси билан олтимиш йил, жуда ошиб борса, етмиш йил умр кўрар. Шу умри давомида гумбурлатиб тўйлар қилди... варанглатиб машина ҳам минди, дейлик. Хўш, кейин-чи? Кейин виждон азобида ловуллаб ёнмайдами?

Баногоҳ Толибжоннинг кўз ўнгида юзлари шафтолиқоқидек бужмайиб кетган онаси гавдаланди. Нимадир юрагини қаттиқ гижимлади. Лекин на илож?!  
Ёқуб Тешаевич бетоқатланиб томоқ қирди.

— Ёқуб ака! — деди жавдираб Толибжон. Ўзининг ишим яхши. Агар...

— Болаларингизни ўйлаб гапиряпсизми? — деб суради Ёқуб Тешаевич, унинг гапини бўлиб. — Онангизниям, а? Мен онамни кўролмай қолганман, Толибжон.

— Онам... Ёқуб ака, алақачон кўникканлар. Болалар эса ҳали ёш. Улар яшашнинг маънисини тушунгунча худо пошшо.

— Толибжон, кўп соддасиз-да! — деб беҳаловат кулимсиради Ёқуб Тешаевич. — Ўша ўзингиз курган қутидеккина ҳовличани беш йилда зурга битирганмиз. Элик ёшимгача биттаям ашқол-дошқолимиз, ақалли диван-каравотимиз бўлмаган-а!

— Э-э, Ёқуб ака... — Толибжон озорсиз жилмайиб, боягина кўнглидан кечган гумонни қувлик билан элади. — Сиз у пайтларда худди Машраб эдингиз-да!

«Машраб? — Ёқуб Тешаевичнинг юраги шув этиб кетди. — Нима демоқчи бу?!»

— Майли, яхшилаб ўйлаб кўринг, — деди у рухсат маъносида бошини қимирлатиб. — Ишдан қайтишингизда менга учрашиб, фикрингизни айтасиз.

«Бундан ортиқ яна қандай қилиб айтишим мумкин? — Толибжон эшик томон йўл оларкан, касалхонага кечикса ҳам, очиқчасига гаплашиб олишни дилдан ўтказди. — Лекин ҳайдасаям кетмайман!»

«Сиз у пайтларда худди Машраб эдингиз.» — Ёқуб Тешаевич жилмайди, олис болалик йилларини элади. Ҳазин энтиқди. Кейин студентлик йиллари ёдига тушди — ўша маҳалларда гўё еру осмон баробар эди-я... Аста-секин хотинининг хотирида ёлқинланди-ю қишлоғини қўмсади. Ёниқ энтиқди. Имкони йўқлигини билса ҳам, жўш урган истагини юпатмоқчидек: — Бир бориб келсаммикан? — деб ўйлади. — Лекин тўй йўқ, итлар нега югуришар, деганларидай, жўралар ҳам ҳайрон қолса керак.

Чўғдек гилам оёғини куйдираётгандек, Ёқуб Тешаевич у ёқдан-бу ёққа беором юра бошлади.

У негадир Толибжонни бир оз ланжликда айбларди. Уни «қишлоққа жўнатиш» ҳийласидан эса мамнун эди. Бу қаёқдан ҳаёлига кела қолди — ўзи ҳам билмайди. Қайтага яхши бўлди — яна бир марта синовдан ўтказиб олади.

«Агар ҳозирги ақлим бўлганда... — Ёқуб Тешаевич туйқусдан шаҳар ижроқумидан келган хатга тикилиб

туриб, чеккан ва чекаётган риёзатларини роҳат-фароготлари билан таққослашга уринди. Шунда собиқ синфдоши — Саттор аравакашнинг бир гапи қулоқлари остида жаранглаб кетгандек туюлди: — Бу кучманчи дунёнг, жура, лойхурақдек тонгдан шомгача лойга ботиб пошшонинг қасридек ҳовли қуришингга арзимас экан. Охир-оқибат — ўликлар мамлакатига кучганингдан сўнг, фалончи элу-юрти учун нима қилувди, деб сўраб-суриштирарканлар».

«Қани эди ҳамма шундай ўйласа! Латтапараст хотинлар ҳам...» У мужмал қўл силтади, хатни стол чеккасига суриб қўйди. Толибжоннинг севинишини тасаввур этиб, чеҳраси ёришди. Сўнг кафтини кафтига ишқалаётди: «Яна уч кун галвами! — дея аламли пичирлаб, лабларини ўрдактумшуқ қилган кўйи телефонларга бир зум тикилиб турди. — Энг маъқул йул шу! — Ниҳоят, қатъий қарорга келган эди у. — Кейин бир гап бўлар.»

Ёқуб Тешаевич шартта дастакни юлқиб, тез-тез рақам терди.

— Алло, Пулатжон, сенми?.. Раҳмат. Э-э, сурама! — деб у бемалол курсига суяниб олди. — Кайфиятинг қалай?.. Бир тоққа чиқсак, девдим. Иккала милтигинингиз оласан. Мен уйдагиларга сездирмоқчи эмасман... Шу-да! Занглаган асабларни.. — Бирдан қизил телефон жиринглади. Ёқуб Тешаевич Пулатжонга: «Ҳозир, бир минут», дея иккинчи дастакни қулогига яқинлаштирди. — Салом. Ҳа ўзимман — деди ва: — Қачон? — деб сўради шошиб. — Эртага? Шанбада-я? Унинг бўғзига угли бир хўрсиниқ урилди. — Узр, Пулатжон, — деди сўнг тоққа чиқолмаслигини азият билан тунтириб. — Эртага президиум йигилиши ўтказилар экан. Янаги ҳафталарда борармиз...

Худди шу пайтда эшик гижирлаб очилди. Ёқуб Тешаевич бусағада Толибжонни кўриб, дастакни жойига қуяркан, беихтиёр девордаги соатга кўз югуртирди: чорақта кам тўрт.

— Қўлимдаги ишни бўлдим, Ёқуб ака, — деди Толибжон ҳам соатга қараб. — Касалхонага бормоқчи эдим.

— Навбатда биринчи бўлиб сиз турибсизми?

Кузларини пирпиратди у:

— Қанақа навбат?

— Квартира учун.

— Ҳа, икки йилдан бери. — Ногоҳ: «Яна шунча

кутсангиз ҳам, ҳали-вери ололмайсиз, қишлоққа жўнайверинг, демоқчи!» деган фикр миясида лип этиб, юрагини ваҳм босди-ю ранги оқариб: — Ёқуб ака, узимнинг ишим яхши! Ишлайвераман... — деди.

— Тугри айтасиз, Толибжон, модомики, ишингизги ихлосингиз шунчалик зўр экан, — Ёқуб Тешаевич кулиб ўрnidан турди, стол чеккасидаги хатни олиб, унга узатаркан деди: — Бизга тўрт хонали квартира беришибди. Месткомга учрашинг, ҳужжатларингизни расмийлаштирсин.

Толибжон бир зум гангиди, сўнг:

— Раҳмат, Ёқуб ака! — деди кўзлари чақнаб. Унинг қоғоз тутган қўли сезилар-сезилмас қалтирар, кўзлари чақнар эди. У миннардорчилик билан орқага тисарила бошлади. — Яхшилигингизни сира-сира унутмайман.

Ёқуб Тешаевич жойига утираркан:

— Битта илтимос бор, — деди, Толибжон бир неча қадам олдинга юрди. — Кампирга айтасиз, ижарахонангизга ҳеч кимни қўймасин. Роҳила эри билан кўчиб боради. Кампир уларнинг боласига ҳам қараши керак. Ҳақини узим олдиндан тўлаб тураман.

У ҳайрон қолди:

— Нега, ҳовлиси-чи?

— Қайнонаси билан чиқишолмабди, — деди Ёқуб Тешаевич гуссали оҳангда. — Боласи билан ўн-ўн беш кундан бери бизникида.

Толибжоннинг йиғлагиси келди: шундай улуғ олимнинг қизи ижарахона излаб юрса...

— Ёқуб ака, Роҳиланинг навбатида мен оларман. У иккинчи уринда-ку. Ҳозирча...

— Йўқ-йўқ! — Ёқуб Тешаевич қизариб шафқат тилаётгандек кўзларини жавдиратди. — У ҳам ўз навбатида олади. Келини янги меҳмон билан, янги квартира билан бизнинг номимиздан табриклар қўйинг. Боринг энди, боринг.

Толибжон индамай, бошини қимирлатди, юраги санчаётган эди, тезгина кабинетдан чиқди. Эшикни зич ёпди. Ёқуб Тешаевич чақиртирганда негадир энсаси қотганини эслаб, чуқур нафас олди. Сўнг мўъжизалар рўй беришига ҳамиша ишониш кераклигини, ҳадемай, Роҳила ҳам ҳовли-жойли бўлишини уйлаб, кўнгли сал ёришди-да, узун йўлақдан оғир қадамлар билан юриб кетди.

## ТОҲИР МАЛИК

(1946)

Тоҳир Малик 1946 йили Тошкентда, зиёли оиласида дунёга келган. У мактабни тугатгандан кейин Тошкент Давлат дорилфунунининг журналистика бўлимида ўқийди. Мактабларда ўқитувчилик қилади, нашриётларда хизмат қилади. «Ленин учқуни» рўзномасида бўлим бошлиғи булиб фаолият кўрсатади. Сўнгра Республика радио-телевидение қўмитасида, «Гулистон» таҳририятларида ишлади. «Шарқ юлдузи» ойномасида масъул котиб, «Ёшлик» ойномасида бош муҳаррир ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси котиби булиб ҳам хизмат қилади.

Тоҳир Маликнинг биринчи асари 1971 йилда «Ҳикмат афандининг улими» номи билан чоп этилган фантастик қиссаси бўлди. Сўнгра «Заҳарли губор» (1978), илмий-фантастик асари «Сомон йули элчилари» (1979), «Чорраҳада қолган одамлар» (1985), «Қалдиргоч» (1987), «Бир куча, бир кеча» (1988), «Алвида, болалик» (1989), «Сўнгги ўқ» (1990), «Шайтанат» (1995) каби унлаб ҳикоя ва қиссалар тўпламлари чоп этилди. У яратган насрий асарлар ўзига хос услуби билан ажралиб туради. Ёзувчи кўпинча фантастик, илмий-фантастик ва саргузашт йўналишда ёзади. Шу орқали ҳам ҳаёт, одамлар ва жамият ҳақида анча кенг мушоҳада юритади. Тоҳир Малик моҳир ҳикоянавис, қиссанависгина эмас, жамоатчи, журналист ва таржимон сифатида ҳам фаол хизмат қилади. Унинг болгар адабиётидан қилган таржималари, Эмил Амит, Ахир Ҳакимов, Суҳроб Муҳамедов каби адабларнинг ҳикоя, қиссалари таржимаси китобхонларга манзур бўлган.



# АЖАБ ДУНЁ

(Ҳикоя)

Туни билан одамларнинг қайғу-ҳасратларини тинглаган осмон юлдузларини куз ёши мисол дув тўкиб адо қилди-ю, ранги бұзара бошлади. «Бу шўрликларнинг бугунги аҳволи не кечар экан, кўриб олай», деб биргина юлдуз қолди. Йигиталининг кўзи шу юлдузда. Ёнида икки угил, супанинг у четида хотини ухлаб ётибди. Ҳозир улар ҳам уйғонишади. Хотини билан кичик угли бошоқ тергани жўнайди, каттаси бугун ҳосилотникида ишлайди. Ўзи эса қуруқ тўрвани елкасига осиб, ёғоч оёғини дўқиллатиб молларни ҳайдаб кетади. То қоронгугача ҳовли, бўм-бўш, ҳувиллаб туради.

Доктор унга ёғоч оёқда куп юрма деб тайинлаган. Қишлоққа қайтиб, подачилик қилишини билганда бундай демасмиди... Ҳозир ким ёнбошлаб ишлайди — ҳамма оёқда. Яхшики тун бор: оёқни узатиб ётиш мумкин. Бўлмаса, одамнинг бели кўрпача искамай, оёқ оёқ бўлганига пушаймон еб юрармиди.

Йигитали кесилган оёғининг зирқираб огришидан уйғониб кетдими ё кўрган тушидан чўчиб уйқуси бузилдими, аниқ билолмади. Яримта оёғини эҳтиётлаб силаб, кўрган тушини эслади: замбилда уч боланинг мурдаси. Учови очдан тарашадек қотган — қуруқ суякнинг ўзи. Мурдаларнинг тепасида Рамазон — урушда бир ушоқни бўлишиб еган қадрдони. Йигиталига хўмрайиб қараб турибди. «Болаларимдан хабар олмадинг, ана энди уларни ўз ёнимга чақириб олдим», дейди. «Сен... сен... шаҳид кетганмисан?» дейди Йигитали. Рамазон жавоб бермайди. Замбардаги қоқсуяк болалар уринларидан туриб уни қучоқлаб олади. Шу ҳолда Рамазон узоқлашди. Йигитали уни тўхтатай деса юролмайди...

Кўрган туши — шу. Замбардаги уч боланинг мурдасини кеча унгида, пода қайтаётганда кўрган эди. Икки аёл, бир эркак замбардаги уч мурдани қабристонга элтишаётган эди. Эркак — Қамбар чулоққа қишлоқ аҳли гурковлик вазифасини юклаган. Лаҳад кавлашни билмайман, деб туриб олса ҳам қўйишмаган. Ҳозир қондасини келтириб гўр қазийдиган, мурдани ювадиган, кафанлайдиган замонми. Қулга илинган нарса билан кафанланади, кейин тупроққа топширилса бас. Юзига тупроқ тушмаса, эрта-индин саёқ итлар кавлаб

еб кетмаса булгани. Чулоқлиги инобатга олинмаса, кишлоқда турт мучаси соғ эркак — шу Қамбар. Раис ҳисобга кирмайди. У одам эмас, у — раис! — гуноҳкор бандалардан юқори туради. Шу ернинг худосидай гап. Фақат унга сизиниб, намоз ўқилмайди. Бошқа жиҳатлари худонинг ўзи — айтгани айтган, дегани деган! Одамлар худодан қўрқмаса ҳам булади. Худони раҳмдил, шафқатли дейдилар, бирон бир гуноҳни кечар, ё кўрса ҳам кўрмаганга олар. Аммо раис бу жиҳатдан худодан зўр. Кечирмайди, аямайди. Шу феъли учун — худо ҳам ундан қўрқар балки. Ҳа, бу аниқ, қўрқади, қўрқмаса бошқаларга қўшиб урушга жўнатмасмиди... Шунақа булгандан кейин уни «Ҳой, инсон боласи, кишлоқда эркак зотини кўриб турибсан, элик етти арслон урушга кетиб, иккитасигина қайтди. Шуларнинг бири оёқсиз, бири кўр. Хотинлар гўрковлик қилса уят-ку. Қамбар чўлоққа ёрдам бер, ё ғассоллик қил», деб кўринг-чи!?

Хуллас, аввал гўрковликни, кейин ноилож ғассолликни ҳам бўйнига олган Қамбар чўлоқ кетмонни елкасига ташлаб, замбарнинг олдида шох ташлаб келарди. Икки аёл орқада — икки ён тутқичдан тутган. Қамбар чўлоқ қадам ташлаганда замбар дам у ён, дам бу ён қийшайиб, аёлларни анча уринтириб қўйган.

Йигиталини кўргач, замбарни ерга қўйишди. Аёллар замбарнинг икки ёнидан жой олишди. Қамбар чўлоқ шох ташлаб юриб, Йигиталига яқинлашди.

— Бошоқ теримидан чақириб келишди. Учови баравар жон берганини қара, — деди у Йигитали билан омонлашгач.

— Кимнинг болалари булар? — деб сўради Йигитали.

Йигитали жангоҳ кезиб, ўлимларни кўравериб дийдаси қотиб кетган. Лекин замбарда қатор ётган, устига эски латта ташланган болаларни кўриб, хўрлиги келди, томоғига нимадир тиқилди. Уруш пайти улса майли эди, бомба тагида қолиб улса майли эди, қўршовда қолиб улса майли эди. Энди-чи? Уруш тугаганига бир йил бўлди. Болаларнинг очдан улишига қандай чидаш мумкин? Уруш тугаганига бир йўл бўлди... Бағрини қорга бериб ётганида, оловга кирганида... галабадан кейинги онларни шундай тасаввур қилар эдимиз? Очлик, қашшоқлик — уруш дарахтининг аччиқ мевалари. Демак, дарахт ҳали қуригани йўқ. Ҳали бу мевадан кўп тотиб кўришади...

— Биттаси Зебиники, анави — ямоқ рўмолли, Сотволдининг хотини, сендан аввал кетган эди, эсингдами? Қани, носдан ол-чи... Эридан ёдгор эди бола бечора. Асрай олмади-да... Қамбар чулоқ Йигитали узатган носдан отиб, кафтини қоқди. — Биттаси Ҳалиманики. Эшқузининг хотини. Қишлоқда биринчи ўша хотинга қора хат келган эди. Иккинчи боласини эгамга топшириши.

— Яна бири кимники?

— Зарифа шаддотники. Шодивойнинг хотини. — Қамбар «Йигитали тўрт йил урушда юриб ҳаммани унутворган» деб билармиди, ҳар ҳолда, биров ҳақида гапирса шундоқ изоҳ беришни сира қўймасди.

— Ўзи қани? — деб сўради Йигитали ажабланиб.

— Иситмада алаҳсираб ётибди. Боласининг ўлганини билмай ҳам қолди, — Қамбар оғзи тупукка тўлиб гапиришга қийналганидан, носни тупурди-да, бўйнига ташлаб олган чорсининг бир учига лабини артди. — Азоб бўлганда болаларга азоб бўлди. Увол кетяпти бечоралар. Дунёга келиб азобдан бошқа нарсага дуч келишмади. Мурдаси тоза кафан курси ҳам майлига эди. — Шунчалик оч экан, айтишса бўлмасмиди?

— Кимга, раисгами? Ундан кўра яратгандан имон сўра, беради. Раисни биласан-ку? Аслида сен раис бўлишинг керак. «Коммунизм»га янги раис сайлашибди. Урушдан келган Боисовни, эшитганмисан? Биттагина ордени бор экан. Бизникилар ҳам шунақа қилсакми, деб туришибди. Иккита орденинг бор. Раис бўлишинг керак.

— Йўқ ердаги галвани кавламаларинг. Раис бўласан деб беришибдимиз ордени. Бунақа иш қўлимдан келмайди. Ундан кўра раисдан сўраш керак. Икки кун бошоқни ўзимизга терсак ҳам, қорингами сал камаярди.

Қамбар бу гапни эшитиб, бош чайқади.

— Билмадим-ов... Кеча адирга чиқиб Гулжаҳонни қамчилади. Боласи уч кун кетма-кет барака топган экан, «Сен бригадирлигингни пеш қилиб, бошқаларнинг баракасини болангга ёздираяпсан», дейди нодон. Ўртага тушсак ҳам кўнмайди, даюсинг боласи. Одамларда ҳам инсоф йўқ-да, қайси бир қоракуянинг кўзига Гулжаҳон бойиб кетгандай, тўйиб кетгандай кўрингану раисга чаққан. Бечора дегин, шундай иғво бўлишини кутган-да, боласи топган барака учун ҳеч нима олмаган экан. Сен раисдан инсоф сўрамоқчисан. Ундан кўра

юр, менга қарашвор, қош қорайяпти, иккита чулоқ амаллаб кўмиб келайлик. Ўзимга қолса, учовини бир гурга тикмоқчи эдим. Ақалли, ўлганда яйраб ётишсин, юр...

Пода қишлоқ йўлида оҳиста кетмоқда эди. Бу ёғи хавотирсиз. Ҳар бири ўз гўшасини топиб борарди. Йигитали таёғини Зебига бериб, ўзи замбарнинг орқасига ўтди.

Хотинлар жим боришарди. Йиғлашга уларда мадор, кўзларида ёш йўқ эди. Уруш пайти аза очавериб, азадорга қўшилиб йиғлайвериш кўз ёшлари қуриб кетган. Уларнинг жимлиги Йигиталини баттар азобга соларди. Йиғлашганда эди, фарёд уришганда эди, бу болаларнинг, бу норасидаларнинг, бу бегуноҳларнинг улими Йигитали қалбини бунчалик тирнамас, бунчалар пораламасмиди...

Кеча унгида кўргани — бугун тушига кирди. Икки йил бадалида суянган биродари Рамазоннинг болалари бўлиб кўринди.

Йигитали танҳо юлдузга тикилганича анча ётди. Оёғининг зирқираши сал босилди. Бир маҳал шу яқин уртада от пишқирди. Сўнг туёқ овози эшитилди. «Ким бўлди бу?» Йигитали тирсагига таяниб, куча томон қаради. Отлиқ унинг уйи рупарасида тўхтади.

— Гафлат босиб ётибсанларми?

«Раис-ку? Уйидан илон чиқдимми бу даюснинг, каллаи саҳарлаб изгиб қолдимми?» Йигитали шу хаёл билан ўрнидан турди. Ўғли толдан ясаб берган қулатиқ ҳассага суяниб, отлиқ томон ҳаккалаб юриб борди.

— Гафлатнинг нимаси, раис, ҳали тонг отгани йўқ.

— «Коммунизм»да янги раис сайлашганини эшитдингми?

— Эшитдим, — Йигитали ўзича «гап бу ёқда экан-ку», деб кулимсираб қўйди. Жангчининг раис бўлганини Қамбар чулоқдан аввал ҳам бошқалар айтиб юришган эди. Гап айлана-айлана раиснинг қулоғига ўзгача тарзда етганга ўхшайди.

— Раис бўлгинг келиб қолдимми?

— Шу хаёл уйқунгни бузибди-да? Чакки безовта бўлибсан. Раислигинг ўзингга буюрсин. Мен туя эмасманки ҳаммомни орзу қилсам. Оши ҳалол билан тирикчилигим ўтиб турса бас. Бунақа гаплар билан ўзингни ҳам қийнама, менинг ҳам қатигимни ачитма. Бор бола, йўлингдан қолма.

Йигитали атайин «бола» деди. Раис ундан тўрт-беш ёш кичик бўлса ҳам гердайиб, сенсирарди. Йигиталига бу малол келса-да, очиқ айтишга мулоҳаза қиларди. Ҳозир, ўрни келганда, ёшини пеш қилиб қўйди. Бундан ўзи ҳузур қилди. Табиийки, бу баландпарвозлик раисга ботмади. Йигиталида раисликка даъво йўқлигига ишонса ҳам, уни бир оз эзиб қўйгиси келди.

— Ҳаммомни орзу қилмайдиган туя туякашнинг ишига аралашмаслиги керак. Қўлингдан келса, колхозни ол, тебрат бешигини. Одамларинг бир кун давлатга, олти кун ўзига терсин бошоқни. Йигитали хотамтойнинг даврида давронини сурсин. Золим Сафарқулнинг даврида ззилиб адоий тамом бўлган эди. Олақол раисликни?

— Сен менга пичинг қилаверма, бола. Раис бўлсанг узингга. Сендан қўрқадиган жойим йўқ. Олсанг шу таёқни оларсан. Одамга ухшаб гаплашадиган бўлсанг, пастга тушиб гаплаш. Отда туриб сасийдиган бўлсанг, йўлингдан қолма. Аммо, бола, олди-кетингга қараб иш тут, халқнинг қарғишига учрайсан. Одамлар икки кунгина ўзига бошоқ терса хирмонингга ўт кетмайди.

— Ҳу, акажон бу бошоқлар меники эмас, давлатники. Ўртоқ Сталинга топширамыз бу донларни. Билдингизми, ўртоқ Сталин-га! Ё сиз ўртоқ Сталинга дон беришимизга қаршимиз?

— Бола, дейман, гапни айланторма. Биз ўртоқ Сталинга донгина эмас, жон берганмиз. Ўша жон берганларнинг етимларига энди нон керак. Ҳеч бўлмаса уларнинг ёдгорларини сақлаб қолиш керак. Сен ўртоқ Сталинни пеш қилма. Сен аввал ўз халқингни боқ. Улар сенга эртангги кунингга ҳам ярайди. Бу ерлардан эртага ҳам дон олишинг керакми? Ким экади, ким ўради, ким янчади? Силласи қуриган аёлларми, эти устихонига ёпишган болаларми?

— Тилларинг бурро. Сен урушда милтиқ отганмисан ё гапга ўқиганмисан? Бошинг гиж-гиж ақли дейман, а?

— Раис, йўлингдан қолма, худди энангни Учқўрғоннинг қайқисидан кўрсатиб қўяман...

— Ўҳ-ҳу, дуқ ҳам қиладиларми ҳали... Упкангни бос. Урушга борганман, деб керилаверма. Сен урушга борган бўлсанг, бу ёқдагилар қайиш уқалагани йўқ. Биз сенларни боқдик, биз сенларни кийинтирдик. Оч-ялангоч ҳолинг билан қўлингдан нима келарди? Ўлсанг бир ўқ билан ўлардинг, кетардинг. Биз тўрт йил ҳар

куни бир ўлиб, бир тирилганмиз. Бизда ҳам тил-забон бор, гапирсак арзийди.

— Тил-забонинг бор, биламан. Аммо сен ўзингни кунда бир ўлиб, бир тирилганлар қаторига қўшма, бола. Бизни ким боқиб, ким кийинтирганини биламиз. Улар оёққа хиром этик, эгнига китель кийиб отда гердайиб ўтирмайдилар. Кунда бир ўлиб, бир тириладиганлар ана, адирда чанг ютиб, қон тупурыптилар. Этлар қичишса, сен қамчинг билан қашиб турибсан. Агар сен бир ўлсанг эдинг, бу кунни бошқа кўрмай деб тирилмай қўяқолардинг. Қара-я, тўрт йил писиб юришингга фатво ҳам топибсан-да, ҳе ҳезалак!

Йигитали шундай деб, аччиқ устида отнинг сағри-нига қўлтиқтаёғи билан уриб қолди. Таёқ қарс этиб синди. От қаттиқ кишнаб, сапчиди. Йигитали мувозанатини сақлай олмай, ёнбошига гуп этиб йиқилди. Раис беҳос сапчиган от устидан учиб тушай деди-ю, аммо ўзини унглаб олиб, жиловини қаттиқ тортди. От яна бир қаттиқ кишнаб тўхтади.

— Курамиз, ким кимнинг энасини кўрсатаркан! — раис шундай деб отни Йигитали томон бурди.

Уйғониб, эркакларнинг гапига хавотир билан қулоқ солиб, уларга ўгринча қараб ётган Ойниса ирғиб ўрнидан турди-ю:

— Войдод, эримни ўлдириб қўясиз! — деб бақирди. Бу овоздан икки ўгил ҳам сапчиб турди.

— Ота, отажон! — деб бақирди, ҳали уйқуси учмаган кичик ўгил. Каттаси эса бир-икки сакрашда онасидан илгарироқ бориб, отнинг йўлини тўсди.

— Қурқма, эринг ўладиган анойилардан эмас, — деди раис гижиниб. — Эрингга айтиб қўй: қариндошлик қилмаганимда ҳаммаларинг ётардиларинг... ётадиган жойларингда... ҳе, сенга гап ўргатгани...

Раис отнинг бошини буриб, нари кетди.

«Дарвоқе, бу хунаса Ойнисага қариндош бўлгучийди-я», деб ўйлади Йигитали ўғлига суяниб ўрнидан турар экан.

— Нима бўлди, отаси, нимага келибди — деб сўради Ойниса, худди ҳеч нима билмайдигандай, ҳеч гап эшитмагандай.

— Бошоқ тергани вақтлироқ чиқларинг, деб келибди.

Йигитали шундай деб гапни қисқа қилиб қўя қолди. Ойниса «Вой, шўрим», деб лаб тишлади-ю, супадаги ўринни йиғиштира бошлади. Кейин сигир соғди.

Кейин бир косадан сут ичишди. Битта зогора кулчани туртта булиб ейишди — нонушталари шу булди. Ойни-са энг кичик булакни олгани учун эри унга хумрайиб караб куйди.

— Нонингдан борми... — деди Йигитали қовогини очмай.

— Бор... — деди Ойниса.

— Зарифаникига кириб чиқ. Хаста эмиш.

— Кеча оқшом киргандим.

— Бугун ҳам кир.

— Хўп.

Ойниса эрининг авзойи бузуқлигини раис билан булган тўполон сабаб деб уйлаб, лабини тишлади. Бир томондан у ҳақ — тўполон ҳовури ҳали кўтарилмаган эди. Аммо бошқа томондан Йигитали тонг юдузига караб ётгандаги ҳаёлини, қарорини хотинига айтсамми, айтмасамми, деб қийналаётган эди. Айтиш-ку, қийин эмас, аммо Ойниса хотинлигига бориб «йўқ, қуйинг» деб қолса Йигиталининг қони қайнаб кетиши мумкин. У-бу юборса кўнгилахиралик... У мана шундан безовта...

— Қанча унинг бор, бирор тандир чиқадами? — деди ниҳоят Йигитали.

— Чиқиб қолар.

— Назарободга бориб келмасам булмайди.

— Майлингиз... Кузда бормоқчи эдингиз-ку?

Ойнисанинг бундай осонгина кўниши Йигитали елкасидаги оғир тоғни қулатди.

— Тушимга кирапти, — деди у чуқур хўрсиниб.

— Ким уртоғингизми?

— Бугун болаларининг ўлиги устида турибди.

— Тушда ўлик кўрсангиз, унга тирик кўрасиз.

— Сен менга тушимни йўймай, айтганимни қил.

— Майлингиз, отаси...

Шу билан гап тамом. Йигитали ёғоч оёқни кийди. Хотини узатган чоракта нонни катта ўглининг халта-сига солди.

— Бугун лойда ишлайсан. Қоринни тўқламасанг, лой чақади, — деди.

Ойниса кенжаси билан Зарифаникига, ундан адирга кетди. Каттаси ҳосилотникига. Йигитали эса ёғоч оёқни судраб кучага чиқди. Худди уни кутиб тургандай хонадонлардан мол, қўй, эчкилар, маъраб чиқа бошлашди.

Йигитали Зеби яшайдиган уйга қарамай ўтиб ориқ

сигирни ҳайдаб чиққан қўшни аёл қаршисида тўхтади. Унинг саломига алик олди-ю, кўзини ерга тикиб:

— Бугун сизники, — деди паст овозда.

Аёл тушунмагандай Зебиникига бир қараб қўйди.

Кейин ҳаёлини бир нима ёритиб ўтдими, дарҳол бош ирғади.

— Ҳа-я, тўғри, меники, меники... — деди.

— Агар бўлмаса... ўзингизни қийнаманг.

— Йўқ, йўқ, унақа деманг, келаверинг.

Йигитали индамай нари кетди.

Унинг одати шу: ҳеч маҳал «оши ҳалол!» деб бақирмайди. Берсалар олади, бермасалар йўқ. Баъзан халтаси қуруқ қайтади. Баъзан бир неча сиқим ун, беш-ун қурут, туршак... билан. Хонадонлар навбатма-навбат овқат қилиб, уни сийлашади. Йигиталининг вазифаси навбат кимники эканини эслатиб туриш. Ҳар эслатганда садақа сўрагандай эзилади. Аввалига айтмай, оч ҳам қолди. Очликка чидаб ҳам юрарди, ҳамқишлоқлари айбситишди. «Ёвгон шўрвамизни назарга илмаяпсизми?» деб пичинг ҳам қилишди. Ўшандан бери ҳар кун эслатади. Худди садақа сўрагандай бўлади, эзилади. Аммо найлож!

Пода Йигиталининг оёғи оғриётгани сезгандай шошилмасдан юради. Ҳатто шайтон эчкилар ҳам югуринмайди. Худди эгалари туни билан боқишгану тўқ қоринга юриш эриш туюлаётгандай. Қишлоқдан чиқаверишда Йигитали ориқ отда ўтирган йигитни, орқага мингашган қизни кўриб, тўхтади. Йигитнинг устида йўл-йўл беқасам чопон. Жуда янги бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда уринмаган, ямоқ кўрмаган. Қизнинг устида ҳам штапель кўйлак. Йигитали уларни танимади. Лекин уст-бошларининг ўзиёқ уларнинг кимлиги, бу ерга нимага келишаётганини англатади. Йигит — куёв, қиз — келин. Устларидаги энгил ўзлариники эмас, колхозники. Раиснинг хонасида турувчи бу тўн билан бу кўйлак келин-куёвга фақат бир кунгинага бериб турилади. Ҳозир келин-куёв қишлоқ Советига — рўйхатдан ўтишга кетяпти. Демак, бу оқшом — тўй. Беш-ун одам олдига чой, туршак қўйилади. Йигит-тергани бўлса, нон ёпар, чалпак пиширар, шўрвами, маставами тортар, бўлмаса — йўқ. Сен нон синдирмадинг, деб ким ҳам айб қиларди.

Йигитали келин-куёвнинг мақсади, борар манзилини билса ҳам, уларнинг саломларига алик олгач, кўнгил учун сўради:



— Ҳа, йигитнинг гули, йўлингиз бўлсин?

— Ҳоҳладимга кетяпмиз...

Куёвнинг овозида бахтиёрлик оҳанги бор эди. У колхознинг чопонини кийиб, уйланаётганига ҳам хурсанд. Хурсанд бўлмай-чи?! Гап чопондами? Гап орқадаги сулувада. Кўйлак ҳаммага сигсин, бировга тор келиб қолмасин, деб атайлаб каттароқ тикилгани учун қизнинг нозик қадида шалвираб турибди. Бу қизлар ярашиқли кийимлар кийса борми, бу йигит деганлар қараб тўймасов...

Йигит «ҳоҳладимга кетяпмиз» дегач, қиз худди гуноҳи ошкор бўлиб қолгандай уялиб, бошини эгиб олди.

— Бахтларинг очилсин, йигитнинг гули.

— Айтганингиз келсин, тоға.

— Қўша қаринглар. Ўғилларингга ҳам шунақа сарполар буюрсин.

— Ие, тоға, яхши ният қилинг, ўғилларимиз ўзларининг чопонларини кийишади, худо ҳоҳласа.

Йигитали яхши кўнгилда айтган гапининг зил томони ҳам борлигини фаҳмлаб, изза чеқди.

— Иним, мен ҳам шуни айтмоқчиман-да. Сиз бўлакча тушунибсиз. Бу кунларни боғлаб берибдим. Ҳали доруломон замонлар турибди. Шояд сизга берадиган фарзанд билан юртимизга қут-барака берса.

— Шу кунларни кўрамиз, деб юрибмиз-да, бу дунёда, тоға. Айтганингиз келсин. — Йигит шундай деб отнинг қорнига оёғи билан аста нуқиб қўйди.

«Мен тақдиримдан нолимасам ҳам бўлади, — деб ўйлади Йигитали келин-куёв ортидан бир қараб қўйиб, ҳар ҳолда тўйимда энгил-бошим ўзимники эди. Дастурхонга қўярли ноним бор эди. Бу кўргуликларимиз ўтар-кетар. Болаларимнинг бахти куладиган кунлар ҳам келар...»

Йигитали подани ўтган ҳафта ўтлатган ерига — сой бўйига ҳайдади. Бу ерларда кўкат бутунлай қовжирамаган. Нам ерларда ўт кўкариб турарди. Йигитали чиланинг иссиғига чидамай жони узилган ўтларга қараб Россиянинг ўтлоқларини эслади. Шу ўтлоқлар бу ерларда ҳам бўлмайдими, сигирлар елини сутта тўлмайдими, қўчқорлару буқалар бўрдоқи бўлмайди...

То қуёш тафти кесилиб, пода қайтадиган вақт бўлгунча Йигитали биродари Рамазоннинг ҳаёлида юрди. У қишлоғига қайтганидан бери Назирободга отланади.

Уни то шу пайтгача икки нарса ушлаб турар эди: биринчиси — биродарининг уйига қуруқ қўл билан кириб боргиси келмасди. У шаҳид кетган бўлса, болалари зориқаётгандир, бир тишламдан бўлса ҳам у-бу олиб борай, дерди. Иккинчиси — Рамазоннинг тирик ёки ўлик эканини аниқ билмаслиги. Яраланиб йиқилганини билади. Дузах ўтидан уни ўзи чиқди. Энди нафас ростлайман деганда сал нарида бомба портлагани, оёғи жиз этиб куйгани ҳам эсида. Қолгани ёдида йўқ. Рамазон қайтмаган бўлса, демак, осколка унга теккан. Буни эшитиб, уйдагилари «бомба портлаган экан, сен нимага тириксану у жон берди?» демайdimи? Юзига айтишмаса ҳам уларнинг мунгли қарашларидан шу маънони уқмайdimи?

Йигитали баъзан Назирободга хат ёзмоқчи ҳам бўларди. Лекин «Биродарим, тирикмисан» деб сатр битишга қўли бормасди.

Мана энди, ниҳоят, вақти-соати етганга ўхшайди. Рамазоннинг болаларига атаб пича ун тўплашди. Биродари тирик қайтган бўлса у билан, йўқса, жигарлари билан қуришишнинг турли йўлларини хаёлан пишиқди. Ўзини шу учрашувга руҳан тайёрлади.

Пода тегирмон яқинидан ўтаётганда Йигиталининг димоғига ёқимли бир ис урилди. Оч қориннинг таталашига шу ис кифоя бўлди. «Ун тортишибди-да, — деб ўйлади Йигитали, — чалпакни ким пишираётган экан?»

У подани тезлатиб ўтиб кетмоқчи эди, боланинг овози эшитилди:

— Йигитали тоға, тўхтанг экан.

Йигитали орқасига ўтирилди. Тегирмон томондан дўнг ошиб бир бола югуриб келарди. Қўлида чалпак.

— Олинг экан, сизга, — деди бола ҳансираб.

— Кимники бу? — деб сўради Йигитали.

— Қамбар тоғаники.

— Ўзинг едингми?

— Ҳаммамиз едик. — Бола шундай деб қўлидаги чалпакка қаради.

Йигитали чалпакни олиб, бир учидан синдириб унга берди.

— Ол, қорнинг тўқ бўлса ҳам ол, бўлмаса... — Йигитали кулиб, боланинг бурнини чимчилади, — бўлмаса киннанг киради, ол.

Бола «ноилож» чалпакни олди. Шу озгинагина чалпакни деб яхши одамга кинна кириш дурустмас-да...

— Қамбар тоғанга айт, бизникига кирсин. «Юмушлари бор экан», де.

Бола «хуп» деганича изига қайтди. Турт-беш қадам юрмай чалпакни озига солди.

Йигиталининг кичиги оёқлари ёрилиб кетганидан кечалари инграб чиқаётган эди. Бугун бир ёғламасам бўлмайди, деб қарор қилиб, Қамбар чулоқни шунга айттирди. Елкасидан босиб турилмаса, қатқалоқ ердай тилим-тилим бўлиб ёрилган товонга пиёздоғ қуйганда бола азобга бардош беролмай тўлғониб, сапчиб-сапчиб кетиши ҳеч гапмас. Йигиталининг ўзи бу азобларни хупам тортган. «Бунақа оёқнинг боридан йуғи яхши» деб додлаган вақтлари ҳам бўлган. Кейин шу оёқлари-га этик кийиб не-не ерларни кезмади. Охири оёқнинг биттасини ташлаб қайтди. Баъзан «қани энди бир муъжиза билан оёғим ўсиб чиқса. Товонларнинг ёрилишига ҳам, кунда пиёздоғ босишларига ҳам рози эдим», деб қўяди. Боласига пиёздоғ босишганида ўзининг азобларини эслайди. Шунинг баробарида бу азобларни уткинчи деб билади. Ҳали бу оёқлар бежирим пойабзалларни кияди, улуғ шаҳарларда юради, деб ишонади. Фақат... улуғ шаҳарларда юраганда бу азобларни ёддан чиқариб юбормаса эди, деб хавотирланади. Одамзод яхши кунларга етса, кўрган-кечирганларини унутади баъзан. Яхши куннинг қадрига етиш, асраш учун ёмон кунларни унутмаслик керак. Йигитали боласининг шундай улғайишини истайди.

Қамбар чулоқ қош қорайганда чорсисига иккита чалпак ўраб келди.

— Бугун ун торттирдим, — деди у, гўё пода қайтарда Йигиталини кўрмагандай, унга чалпак юбортирмагандай.

Олма қоқи солиб дамланган чойдан кейин учоққа ўт қаланди. Ёғ қиздирилди, пиёз қизартириб олинди. Сунг кичик ўғлоннинг товонларига босилди. Ўғлоннинг чинқириги етти маҳаллага етди. Бундай чинқириқлар қишлоқ учун янгилик эмас, шу сабаб, ҳеч ким аҳамият бермади.

Тонгда тандир қиздирилди. Нон ёпилди. Нон иси таралди. Бунга ён-атрофдагилар бафарқ қарашмади. Йигиталининг сафарга отлангани хотинига маълум экан, бас, қишлоқ беҳабар қоларканми?

Нон иси таралиши билан гап ҳам таралди:

— Барака топгур, шу ҳолда урушда улган уртоғининг болаларидан хабар олиб келармиш.

— Хабар олгиси келса, ўзимизда бечора етимлар камми, нима қилади нонни бегона қилиб.

Йигитали гаплардан беҳабар, у бўлажак сафарини, аниқроғи, Рамазон билан ёки унинг жигарлари билан учрашиш онларини ўйлайди.

Кетар чоғи Ойниса бир гап билан унинг кўнглини оғритиб қўйди.

— Ноннинг ярмини сотсангиз ўша томонлардан болаларга этик-петик олиб келардингиз...

«Ҳе, эси йўқ хотин, — деб ўйлади Йигитали, — мен нима гамдаю, сен нима гамдасан. Этиксиз кун кўрса ҳам бўлади. Аммо нонсиз яшаш мумкин эканми? Ялангоёқ қолишмас болалар. Ўғилларнинг иккови ҳам шудди йигит бўляпти. Бу ёқда мен борман. Хор бўлишмас, Айтганман-ку, сенга, Рамазоннинг болалари кичкина. Каттасини олтида дерди. Демак... ҳозир етти-саккиздадир. Шуларни ўйламай... Ҳа, майли, онасанда, она, ўз боланга куясан. Мен у томонларда қолиб кетсаму Рамазон қайтса, алақачон сени йўқлаб келарди. Йўқ, сенинг бунақа гаплар билан ишинг йўқ...»

Йигитали хайрлашув чоғи хотинига шу гапларни хаёлан айтди.

У туни билан поездда йўл юрди. Тушадиган бекати кичик, поезд атиги уч дақиқа тўхтар экан. Шошилиб, аранг улгурди. Поезддан тушган уч-тўрт йўловчи тарқалиб, бекатда Йигиталининг ёлғиз ўзи қолди. «Одамлар бунча шошилишмаса, Назирободга қандай боришни сўрашга ҳам улгурмадим», деб гангиб турганда кимдир:

— Ҳа, иним, хаёлингиз паришонроқми? — деди.

Йигитали овоз келган томонга қаради: супурги дастасига суяниб турган қария ундан жавоб кутаётган эди.

— Назирободга боришим керак. Қаёққа юришни билмай гарангман.

— Назирободгами? — Қария унинг ёғоч оёғига қараб бош чайқади. — Бу ҳолда етиб боролмассизов. Йўл йироқ. Пича кутинг, битта-яримта арава келиб қолар.

Йигитали «иложим қанча» дегандай, елкасидаги қопчиқни қўлига олиб, бир қаватли бино деворига тақаб қўйилган ўриндиқ сари юрди.

— Назирободда кимингиз бор, қариндошингизми? — деб сўради қария, унга эргашиб.

— Биродарим...

— Биродарим? Ким экан у, мен балки танирман. Назирободликлар кўп келиб туришади бу ерга.

— Рамазон деганни танийсизми? Қирқ учинчи йилнинг урталарида урушга кетган.

— Рамазонми?.. — қария уйланди. — Дукончи эмасми?

— Урушдан олдин колхозда ҳисобчи экан. Урушдан қайтдим-йўқми билмайман.

— Турт чақрим юрилса, Қизилкуприк деган шаҳарча келади. Шу ердаги нон дуконида назирободлик одам туради. Рамазон дейишгандек бўлишувди.

— Ўзингиз кўргансиз, паст бўйли, бурни япалоқроқ.

Қария уни кўрмаган эди. Тайинли гап айтмади, Қизилкуприк йўлини курсатиб қўйди.

Шағал тўкилган ўйдим-чуқур йўлдан юриш ит азобини берса-да, Йигитали чидади. У бир нарсадан хурсанд: биродари тирик! Бекатдаги серсоқол гапни мужмал қилгани билан, Йигитали Қизилкуприкдаги дукончининг айнан биродари Рамазон эканига ишонарди. Юраги шундай дер эди: «Бу ўша — дўстинг Рамазон! У тирик! Сен уни жангда ўлим қўлидан юлиб олган эдинг. Энди у сени кутяпти. Шошил. Бу йўл нима экан, бундан баттарларида юргансан. Қани, юр, юрақол, сен эркаксан, оёгинг оғриси нима бўлибди. Бундан баттар оғриқларни кўргансан. Қани, юр, тезроқ юр...»

Йигитали дўсти билан учрашиш онини кўз олдига келтирди. Уйда эканида, бу томонларга талпинган кезларида бу учрашувларни минг бир хил кўринишда тасаввур этарди. Ҳозир уларнинг барчаси ўрнига янги-си хаёлига келди:

...Дўсти уни кўра солиб, қучоқ очиб югуради.

— Жон жўражон, бор экансан-ку, йўлингга кўз тикавериб кўзим оқиб тушаёзди, — дейди-да, маҳкам қучоқлаб олади. — Жон жўражон, оёқни ташлаб келибсан-да, а? Тириклигингни билар эдим. Юрагим сезар эди. Қанот чиқариб учгим келар эди. Аммо илож қила олмадим, жон жўражон. Ношукур биродарингдан хафа бўлма.

— Қуй, бу гапларни, — дейди Йигитали. — Замонни кўриб турибман. Улмабсан, шунинг ўзи мен учун катта гап. Дийдор қиёматга қолса нима қилардик? Бундан буён борди-келди қилмасак бўлмайди. Худо жонимизни бекор қайтариб берган дейсанми? Ҳе, йўқ, болаларни вояга етказиб, бахтини кўришсин, кейин икки биродар давру давронини сурсин, деб бу дунёда қолдирган. Армонда кетганлар камми...

Ширин хаёллар йул азобини бутунлай четга сура олмас экан. Йигитали ёғоч оёгини кутариб босишга безиллаб қолди. Елкасидаги халта ҳам огирлик қила бошлади. «Тавба, нон ҳам огирлик қилар экан-а, — деб қўйди узича Йигитали, — тўрт чақрим девди, кўпроқ йул босдим шекилли. Шаҳарчасининг қораси кўринмайди-ку?».

Йигитали якка қайрагочга етгач, халтани ерга қўйди. Бир кўнгли дам олмай юравергиси келди. Аммо оёқ «тухтамасанг бир азоб берайки, онангдан тугилганинга пушаймон егин», деб турибди. У оёқларини узатиб утириб, ёғоч оёгини ечди. Шуни кутиб тургандай шабада эсиб, бир роҳатланди, бир яйради. Яримта оёги ором олгач, рўдапо ёғочни кийиб, ўрнидан турди.

Шаҳарчада нон дўконини топиш қийин бўлмади. Кўримсизгина иморатнинг оқланган деворига кўмир билан «Хлеб» деб ёзиб қўйилган. Йигирмага яқин одам навбат кутиб турибди. Йигитали дўконга яқин бориб... Рамазонни кўрди! Аммо унга, талпинганига дафъатан рўпара бўла олмади. Рамазон бу онда кимгадир қаттиқ-қаттиқ гапирарди. Йигитали дўконга ён томондан яқинлашиб, Рамазонга рўпара турган кампирни кўрди. Кампирнинг ёноқлари бўртиб чиққан. Рўмоли сирғалиб елкасига тушган. Қоғоз тутган титроқ қўлини Рамазонга узатган ҳолда ялинарди:

— Ўзим оч қолсам ҳам майлига. Боламнинг ёдгорлари туз тотмай ўтиришибди. Барака топинг, илойим болаларингизнинг роҳатини кўринг.

Кампир гапини охирига етказа олмади. Рамазон яна унга қараб бақирди:

— Йўқ дедим-ку! Бувимникини кесиб бераманми сизга? Нон керак одам вақтлироқ туриши керак!

— Вой, барака топкур, туни билан навбатда туриб чиқдим-а...

— Бўлди, бўлди, қонимга ташна қилиб юбордингиз.

Рамазон шундай деб, дераза қопқоғини сал кутарди-да, тирговични олди. Агар кампирни четга тортиб қолишмаганда дераза — қопқоқ унинг бошини мажақлаши турган гап эди. Кампир дўкон очилиб, дўкондор «келинг она, сиз учун топилади нон» деб қолармикин, деган илинжда деразақопқоққа анча тикилиб қолди. Навбати етмаганлар, умидлари синиб, аста тарқала бошлашди. Кимдир тақдиридан нолиди, кимдир дўкондорни қаргади. Кампир нон олиш ҳуқуқини берувчи қоғозларга мунг билан қараб турди-да, уларни камзули

чунтагига солиб, дукондан аста узоқлашди. Беш-ун қадам юриб, яна илинж билан орқасига утирилиб қаради. Чорасиз кампирнинг бир-бир қадам босишидан Йигиталининг назарида ер зирилларди. Ўглининг (балки ўғилларининг) ҳажрида куйиб адоий тамом булган бу она нон деб чирқираб турган набирасининг (балки набираларининг) олдига нима деб кириб боради? Бошини қайси тошга урсин энди бу она!

Йигитали бу ерга нима учун келганини унутди. Кампирнинг орқасидан бир оз қараб турди-да, тез-тез юриб, унга етиб олди.

— Тухтанг, она.

Кампир бехос овоздан чучиб тушди.

— Менга айтяпсизми? — деди хавотирланиб.

Йигитали «ҳа» ишорасини қилиб, халтанинг оғзини очди-да, иккита нон олиб кампирга узатди.

— Манг олинг.

— Менгами? — кампирнинг ҳайрати баттар ошди.

— Олаверинг.

— Пулим етмайди бунга, алмашадиган тузук-қуруқ нарсам ҳам йуқ.

— Бекорга олаверинг.

— Бекорга?..

Кампирнинг тараддуди, ишончсизлиги Йигиталининг аччигини қўзғата бошлади. Энди у ҳаракатини қандай тушунтирсин: ҳамма нарсани ҳам пулга чақаверманг, бу дунёда ҳали одамгарчилик деган гап бор, диёнат бор, инсоф, виждон... агар булар қирилиб битган бўлса, ўзбекчилик деган гаплар бор, десинми? Бе, буларни тушунтиргунча... иккита нон деб икки соат лақиллаши керак.

— Олинг, бўлмаса айниб қоламан, — деди Йигитали буйруқ оҳангида.

Кампир ишониб-ишонмай нонга қўл узатди: «Наҳот бу ёруғ дунёда шундай одамлар қолган бўлса. Ё бу одам эмас, авлиёмикин? Менинг нолаларимни эшитиб, осмони фалақдан тушдимми? Э, йуқ, нолаларга тушадиган бўлса, кунда осмондан авлиё ёғилиши керак. Бу одам — яхши одам...»

— Майли, оламан, аммо... сиз шу ерда туратурунг. Бекорга олиб кетаверсам... садақа бўлади. Мен гадо эмасман. Шу ерда туриб турасизми?

Йигитали бақириб юбормаслик учун хўрсинди. «Одамларга яхшилик қил, ҳам нима учун яхшилик қилганингни обдон тушунтир».

— Хуп, анави дуконда буламан, — деди у тунгилаб.

Кампир энди анча илдам, анча дадил қадам ташларди.

Йигитали дуконга қайтиб, деразақопқоқни тақиллатди. «Нон йуқ, тамом», деган овоз келди. Йигитали яна тақиллатди. «Менга ҳам тинчлик керак, инсоф борми сизларда!!!»

— Рамазон!

— Ҳа, Рамазонман. Лекин нон йуқ, тамом!

— Ҳой, инсон, бу ёққа қарасанг-чи!

Йигиталининг аччиги чиқди. У бундай учрашувни сира кутмаганди. Агар бирон бир фолбин унга йулиқиб «биродаринг билан шу тарзда учрашасан», деса шарт тилини суғуришга тайёр буларди. Нима қилсин, умид қилганингга дуч келавермас экансан.

Бир оздан кейин деразақопқоқ аста кўтарилди.

— Ким?

— Менман, Йигиталиман.

— Йигитали?! Ёпирай, ростданми, ўзингмисан?! — Рамазон ташқарига бош чиқариб қаради-ю, деразақопқоқни ёпди. Дам ўтмай дуконнинг ён томонидаги пас-так эшик очилди. Рамазон чиқиб, ҳали жаҳддан тушмаган Йигиталини қучоқлаб олди. (Йигитали ўй сурганида биродарининг шундай қучоқлашини тасаввур қиларди.) Аммо бу ҳолат унга ҳузур бахш этмади.

— Оббо, сен-ей, оббо, журажон-ей, қайси шамол учирди, а? Ие, оёқ қани? Ташлаб келдингми, чатоқ бўлибди. Жуда чатоқ бўлибди. Қани, юр, ичкарига кирайлик. Кейин уйга ўтамиз.

Рамазон тинмай гапириб, уни дукон ичига бошлади.

— Шу ердан ризқимизни териб юрибмиз. Болачақа Назирободда. Бу ерда ҳам биттаси билан никоҳдан утиб қўйганман. Назирободда раис буласанми, дейишди. Ҳозир раис бўлиб эсимни ебманми. Колхоз омборида сичқонлар қўлтиқтаёқда юришган бўлса. Ошналарга қуллуқ, шу жойни тўғрилаб беришди. Хуш, қорнинг очдир, а? Ҳозир, ҳозир, жон журажон, аммо оёқ чатоқ бўлибди-да.

Рамазон гапира-гапира бегона кўздан пана қилиб қўйилган дераза тагидаги қутини очди. Йигитали аниқ кўрди: қути ичида ун-ун беш нон бор эди. Берилса, туни билан навбатда туриб, оқибат ноумид қайтганларнинг ярмига етарди. Рамазон нондан биттасини



олиб, пичоқ билан кесди. Қутининг ёнидаги халтачани титкилаб, бир парча гүшт, тўртга тухум чиқарди. Шиша билан пиёлаларни қаердан олганини Йигитали сезмай қолди; унинг кўзи ҳамон қутида эди. Қутидан унга қараб нон илинжида жавдираган кўзлар тикилиб тургандай эди.

Унинг нигоҳини Рамазон ҳам сезди: «Кўзи нонда, оч экан, бечора. Балки у шунинг учун келгандир. Ҳали менга осилиб олмаса эди. «Мени қутқарганман», деб миннат қилса, иккита нон бериб қутулиб қўя қоламан. Иккита нон — ҳозир ҳаёт деган гап!».

— Қани, журажон, учрашувимизни бир ювайлик. Хуш, нима юмуш қилипсан?

— Қишлоқда подачиман.

— Ишинг юришмабди, жон журажон. Нима қилмоқчисан энди, ё шу атрофлардан дурустроқ...

— Қани, қуй.

Йигитали шу топда чўққига интилиб, ботқоққа ботган одам ҳолига тушди.

— Тўлдириб қуй.

Пиёлани бир кўтаришда бушатди. Нонга ҳам, гүшт, тухумга ҳам қўл узатмади.

Рамазон узига қуйди.

— Омон бўл, журажон. Келганингдан хурсандман. Қайтишингда эсимга сол, болаларингга нон-пон бериб юбораман.

Бу гап Йигиталининг бўғзига ханжардек санчилди.

— Бу ёққа бер.

— Жуда томоқ тақиллаб турган экан-да, а?

Йигитали Рамазоннинг хунук ҳиринглашига қарамай, қўлидаги пиёлани олиб кўтарди. Ичатуриб хотиндан ўпкалади: «Борманг, деб туриб олсанг ўларминг. Эринг бир ёққа бораман деса, индамай қолаверасанми...»

Унинг хаёлини деразақопқоқнинг тақиллаши бузди.

— Ким у, нон йўқ! — деб бақирди Рамазон.

— Менга бир киши керак эдилар, — деган синиқ овоз келди ташқаридан.

— Қанақа киши?

— Бир... бир оёқлари йўқ.

— Сеними? Келмасингдан хотинлар йўқлаб қолишди-ку, ёмонсан, журажон, ёмонсан.

Йигитали кампирнинг қайтиб келганини англаб, ўрнидан турди. Халтасини қўлига олди. Рамазон унга

эргашиб ташқарига чиқди. Кампир бир жуфт хром этикни бағрига босиб турарди.

— Барака топкур, шуни олинг, яхшиликларга кийинг!

«Бу журажон чайқовчилик қилиб юрибди шекилли», деб ўйлади Рамазон, кейин олдинга ўтиб, этикни қўлига олди. «Бир-икки кийилган холос...»

— Қанчадан бўлди, кампир?

— Сотмайман буни. Бу кишига олиб келдим. Нон бериб эдилар.

— Нон? Шу одамми? — Рамазон ажабланиб Йигиталига қаради. — Сен нон бердингми?

Йигитали вужуди қизий бошлаган эди. У Рамазонни болахонадор қилиб сўкиши ҳам, таъна-дашномларга қўмиб ташлаши ҳам, боринги, уриб қолиши ҳам мумкин эди. «Ҳаммаси бекор. Бу мен ўйлаган одам эмас экан. На гапиринг, на калтакланг фойдаси бор бунга». Шу фикр уни барча ҳаракатларидан тўхтатиб турарди.

Йигитали Рамазоннинг қўлидан этикни олиб кампирга узатади.

— Ёғоч оёққа хром этик ярашмайди, она, бекор қилибсиз, қани, юринг-чи.

Йигитали шундай деб йўл бошлади. Беш-ўн қадам юргач, орқадан Рамазоннинг овози келди.

— Қайтасанми, кутайинми?

Йигитали қайрилиб қарамади. Ўзини эшитмаганга солди. Рамазон унинг изидан бирпас қараб турди-да: «Эси борми бунинг, келиб-келиб кампирга илакишадими», деб гижиниб, дўконига кириб кетди.

Этикни бағрига босиб олган кампир Йигиталига етиб олди. «Этик ўглиники бўлса керак. Ажаб дунё... хотирани ҳам нонга алмаштирса», — деб ўйлади Йигитали.

— Она, нонни бекорга олдим, деб ҳижолат чекманг. Агар малол келмаса, уйингизда бир кеча тунай. Ҳолдан тойганман. Бу аҳволимда бекатта етиб боролмайман.

— Барака топкур, бир кеча минг кеча эмас. Жойимиз бемалол.

Уйга боришгач, кампир олма қоқидан солиб чой дамлаб берди.

— Ҳалиги одам... танишингизми? — деб сўради кампир, унга чой узатиб.

Йигитали кутилмаган саволдан гангиб, дарҳол жавоб қайтара олмади.

— Йўқ, — деди ниҳоят, бениҳоя бир ўқинч билан. — Биродаримни излаб келган эдим бу ерга. Шу одамдир деб уйлабман. Билсам... У урушда ўлган экан. Уни... кутқариб қололмаган эканман.

Кампир бошқа гап сурамади.

Кампир кечга яқин нон дуконига навбатда тургани чиқиб кетди. Эртасига кун ёйилганда иккита нон билан хурсанд кайфиятда қайтди. Чой дамлаб Йигиталининг чиқишини кутди. Чиқавермагач, у ётган хона эшигидан мўралади. Меҳмоннинг ўзи йўқ, аммо халтаси ёстиқ ёнида турарди. Кампир уни «бирор ёққа чиққандир» деб кутди. Меҳмон пешинда ҳам, кечқурун ҳам келмади. Кампир халтани очишга ботинолмади. Кичик невараси уч кундан кейин халтада нон борлигини айтгач, ҳайратдан донг қотди.

... Йигитали қишлоғига кираверишда икки кишини учратди. Уларнинг иккови ҳам ораста кийинган, қотмадан келган, ҳаракатлари чаққон эди.

— Йигитали Султоналиев сизмисиз? — деб сўради ёшроғи.

— Менман.

— Қаёқларда юрибсиз, икки кундан бери кутамиз.

— Биродаримни излаб келдим.

— Қани, юринг биз билан.

— Қаёққа, идорагами? Мен уйга хабар бериб қўяй.

— Уйдагилар билишади, қани кетдик.

«Булар райондан келишган шекилли? Яна одамларнинг гапи тўғри келиб мени раис қилиб қўйишса-я? Э, йўқ, кунмайман. Бир оёқ билан колхозни эплаб буларканми. Ажаб дунё... сендан сўраб ҳам ўтиришмайди-я...»

Раис одамларга икки кун ўзлари учун бошоқ теришлари мумкинлигини эълон қилди.

Орадан уч ой ўтиб Ойниса ўғил кўрди. Одамларнинг гапига кириб боланинг исмини Ёдгор қўйди.

Орадан роппа-роса бир йил ўтгач, Йигитали ёғоч оёғини дўқиллатиб уйига кириб келди. Кўксида — орден. «Одамларнинг гапи ёлгон экан-да, булмаса қамокдаги одамга орден беришадими?» деб уйлади Ойниса. Кенжатоининг исми Ёдгор эканини билиб, Йигитали аввал ранжиди. Кейин:

— Командиримга хат ёзмаганимда чиндан Ёдгор бўлиб қолиши ҳеч гап эмасди. Баҳонада мен командиримни топдим, охирги жанг учун берилган ордени

олдим. Улар мени ўлиб кетган, деб юришар экан. Ажаб дунёда, бу ўзи...

— Ўғлингизга ўзингиз бошқа от қўйинг.

— Йўқ, шу кунларимизни эслатиб юради. Ёдгор бўлаверсин.

Орадан олти йил ўтиб, Йигиталига бир хат келди. Хат Рамазондан эди.

«Қадрдоним, жон журамга дуойи салом.

Мени ўлим чангалидан қутқарган журажонимни согинганимдан согиндим. Сени кўп эслайман. Қани энди қанотим бўлса-ю, учиб борсам, сени бағримга боссам. Аммо иложим йўқ. Қанотларим қирқилган. Ҳозир арзимаган бир неча минг сўмни деб азоб чекиб юрибман. Жон журажон, энди бутун умидим сендан. Катта идораларга хат ёзиб, урушдаги хизматларимни айт. Командиримизга ҳам ёз, орага тушсин. Сен мени ўлимдан тортиб олган эдинг, бу ердан чиқариб олишга ҳам ёрдам бер. Болаларим етим қолмасин...»

Йигитали хатни ўқиб чиқиб, уйга толди. «Ажаб дунё», деб қўйди ўзига ўзи, сўнг қўлига қалам-қоғоз олди.



## МУРОД МУҲАММАД ДҮСТ

(1948)

*Истеъдодли адиб Мурод Муҳаммад Дўст 1948 йили Самарқанднинг Жом қишлоғида туғилди. У Тошкент Давлат дорилфунунни тугатгач, Москвада Адабиёт институтида таҳсил кўрди. Сўнгра «Ўзбекфильм» киностудиясида, «Шарқ юлдузи» ойнамасида фаолият кўрсатди. Унинг ижоди 70-йиллардан бошланган.*

*Ёзувчининг дастлабки ҳикоялар тўплами 1976 йили «Қайдасан қувонч садоси» номи билан нашр этилди. Сўнгра унинг «Мустафо», «Истеъфо», «Дашту далаларда», «Галатепа қиссалари», «Чоллардан бири», «Бир тойчоқнинг куни» каби ҳикоя, қиссалари чоп этилди. 1983 йилга келиб, унинг «Галатепага қайтиш» номли романи яратилди. Шундан сўнг у турғунлик даври маънавий, иқтисодий ва сиёсий таназзулидан ҳикоя қилувчи «Лолазор» (1988) романини яратди. Бу роман 1990 йилда Ҳамза мукофотига лойиқ топилди. У ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот котибидир.*

### ГАЛАТЕПАГА ҚАЙТИШ

Эртаси пайшанба куни — пешинда Ғайбаров отасининг ўлиmidан хабар топади.

Кейинроқ, кўп вақтлар утиб, шум хабар қўзгаган қайгу секин-аста босилади ва Ғайбаров ўзини, уйдан отилиб чиқиб, вокзалга ошиққан, на ерни, на осмонни фарқ этмай, қулоғи чиппа кар, юраги талпинишдан тарс ёрилай деган одамни, унинг бесаранжом ҳаракатларини йўл ёқасидаги бир тусли уйларни, далаларни, тунги кўчаларнинг ғамгин ёғдусини эслайди.

Ҳатто поездларнинг қичқириғи ҳам ғамли туюлади.

Бетус, бесаноқ кунлар биридан ортга чекинади, ҳаёт кутилмаганда маъно касб этади — энди у азадор.

Поездда кетатуриб, негадир Самаднинг она юртига борганини эслади: йилтираган қуми бўлмаса, нақ кул-

га ухшаш тупроқ, томи қамиш билан ёпилган уй, атрофдаги дарахт ва буталар — жингил, жийда, саксовул, уй ичидаги анжомлар, токи Самаднинг қари онасига қадар, ҳаммаси бошқача туюлган эди.

Уй ўртасида думалоқ устун, устун ёнида оёқлари тўрт тарафга тарвайган телевизор; Самаднинг кампир онаси унинг ёнидан ҳар гал ҳадиксираб утади, гоҳ чалоп кўтариб, гоҳ шўрва кўтариб... Чарчаб қолган маҳали ҳамсояннинг қизига, Самаддан умидвор бўлиб юрган, Самаднинг ўзига ухшаш бодомқовоқ қизга буюради: акангларга яна бир нима пишириб бер, очқаб қолишди, шаҳарда нимаям ер эди, буларнинг рангига қара, минг йил овқат емаганга ўхшайди, бор, эна қизим, бир нима пишир...

Қиз бош эгиб, қувониб, бахтиёр бўлиб чиқаркан, Самадга ўгринча қараб олиб, секингина сўрайди: серпиёз бўлсинми, ака?

Унга жавобан Самад ҳам нимадир деб гулдирайди, у Гайбаровдан тортинади, Гайбаровнинг галатепалик бир тўпори эканидан хабарсиздек, манави огиркарвон қизни кўриб кулмаслигини, Самаднинг куни шунга қолибдида, деб уйламаслигини истайди, шу боисдан, овозини ўзгартириб, лаҳжасини ўзгартириб, гуёки туққан онасию манави қиздан узоқлигини, наинки узоқ, балки, улардан ақлли ва устунроқ эканини таъкидламоқчи: агар сенинг гапинга қарайдиган бўлсак, сўфийларни салкам инқилобчи, деб тан олишга тўғри келади, лекин, дўстим, ўртада виждон деган гап бор, хусусан...

Гайбаров унинг риёсини сезади, илжайиб бош иргайди: шундай, шундай, лекин сен бу гапларни қўй, ҳозир пайти эмас.

Шу онларда Гайбаровга дўстининг қишлоғи, онаси, рўпарада қимтинибгина турган содда қизалоқ ва ҳатто Самаднинг ўзи ҳам ёқади, бир зум унинг ўрнида бўлишни, манави куюнчак кампир онаси бўлиб қолишини, кейин манави қизга уйланмоқни, ундан бодомқовоқ болалар орттирмоқни орзу қилади.

Кампир ўглидан кўз узолмайди. Гуё ўғлининг дўстини камситгандай, меҳридан қисгандай, узини айбли сезади ва уни ҳам иззат қилмоқчи бўлади: мен энди қаридим, энди худо инсоф қилсаю жонимни олса, шунда устимга бир кетмон тупроқ ташлагани келасизда, болам!..

Овози — ёқимли, сокин. Бу овозни эшита туриб,

ўлимни эзгу бир иш экан, деб ўйлайсан, ҳеч қурқади-ган жойи йўқ, қайтага, кўнгилга бир тус ором чуқади; кампир ўлса, мен келсаму унинг гурига бир кетмон тупроқ ташласам...

Тассавурдаги манзарада қайгудан асар ҳам йўқ.

... эрта тонгда Тошкентдан келиб тушасан, чоллар ва кампирлар билан лиқ тула автобус Самаднинг қишлоғига ташлаб ўтади, кўчада тўн кийган, гамгин, басавлат Самад қарши олади ва секин айтади: шундай бўп қолди, жўра, энамдан ажралдик. Сўнг икковинг марҳумани қабристонга элтасан. Бошқа ҳеч ким бўлмайди. Томи қамиш билан ёпилган пастак уйдан қабристонга қадар кўчалар бум-бўш...

Ўлим ана шундай жўн, ана шундай содда туюлар эди.

Кейин, кампир ростдан қазо қилганда, Гайбаров ўша ўйлари учун ўзини айбдор сезди. Онасини ерга бериб қайтган Самаддан кўнгил сўрашга бориб, уни хушрўйгина бир жувон билан маст бўлиб ўтирганини кўрди. Таъзия билдиргани тили айланмади. Самад уни ичкарига қўймади ҳисоб, даҳлизда туриб узоқ йиғлади, энамни йўқотиб қўйдик, дўстим, деди, яхши аёл эди, мени оёққа тургазди, одам қилди, ўзининг насибасидан қийиб, меникига қўшди, энди дўстим, ўлиб қолди, энди мен ёлғизман, ҳеч кимим йўқ, ёлғизлик ёмон, дўстим, ёлғизликни унутай деб ичдим, мени кечир, жон дўстим, ўзинг айт, худолиг юзасидан айт, бечора яна ўн йилча яшаса нима қиларди, ахир, бошқалар яшаяпти-ку, нега менинг бечора энам яшамайди? Ёмон, ёмон, дўстим, одамнинг дунёда бирор ҳузур кўрмай қаригани ёмон, бечора шу йил саксонга кирувди...

Гайбаров Самадга ачинди. Уни ўзича тушунган ҳам бўлди. Аммо йўлда, кўнгилда қандайдир тугун, шалвираб кетаётган маҳали бечора кампирнинг ҳали етмишга ҳам кирмаганини эслади.

... ёлгон! Ахир у ёлгон айтди-ку! Нега ҳеч кимга раҳмимиз келмайди? Ўзимизни бунчалар яхши кўрсак!..

Поезд қандайдир бегона жойларга кетаётгандай туюлган эди. Бутунлай бошқа кўчалар, бошқа ўйлар, уни кутиб оладиган одамлар ҳам бошқа — бегона. Фақатгина марҳум унга таниш — отаси, Раим оқсоқол, Раим раис, Раим Гайбаров.

Хаёлдан қаторлашиб сўзлар оқди: ўзинг шафқат

қилгин, гуноҳларини кечир, ахир биз ҳаммамиз гуноҳ-кормиз, умримиз уларни ато этгали етиб, ювмоққа келганда адо бўлади, сен ўзинг барқарорсан, қайгаки юз бурмайлик, Мағрибгами, Машриққами — чор тарафда рўйингни кўрамиз, сирларимиз ёлғиз ўзингга аён, ўзинг унга шафқат айла, гуноҳларини кечир, токи кечаги кунларини уйлаб огринмасин, токи у умридан салгина бўлса ҳам ризо бўлсин, юпанч топсин!

Сўнг ўпкаси тўлиб айтди: мен ундан норози эдим, энди ўзимни гуноҳкор сезяпман. У менинг отам эди...

Ва тагин айтди: мунофиқлик қилдим, мен сенга заррача ишонмайман, сен буни ҳам кечир, ахир сен — Каримсан!

Сўзлар гўё елкадан босиб турган зилдай юкни кўтарди. Кўнгилни уларнинг оҳанги чулғади ва Гайбаров вагон деразаси ёнида ўтирган кўйи таомтахтага бош қўйди, яна ўйлади, узоқ, токи чарчаб, уйқуга мағлуб бўлгунига қадар... Сўнг чўчиб уйғонди, босиб чеккан кашанда каби оғзида ёқимсиз таъм сезди, бош кўтариб бузариб келаётган тонгни, бўлмаларда ухлаётган йуловчиларни кўрди, димоғига кир пайпоқлар ва тер ҳиди урилди. Устидаги кийими тахтадек қотган эди; пойабзали оёқларини сиққанини сезди; бир зум оғриқ билан овора бўлиб, ўзининг аҳволини унутди, кейин тагин азадор эканини эслади...

Атроф сокин эди. Ҳеч кимнинг Гайбаров билан иши йўқ. Ҳамманинг жони уйқуда, тушлар паноҳида. Фақат поезд гилдиракларининг маъносиз тиқиллаши, булма деворларининг гижирлаши... Ташқарида — учирилмай қолган чироқлар... лип-лип... хира минорлар, чул, бекатларнинг оч сариқ бинолари... тагин чироқлар...

Уни ҳеч ким кутиб олмади. Отаси ўтқазган толлар остидан секин юриб борди, қўлида кичкина йулхалта, кийимлари гижим. Толлар остида одамлар учради, улар Гайбаровни кўриб четга чиқишди, бошларини қўйи солиб туришди, ҳеч ким унга бир оғиз гапирмади, салом ҳам бермади... Дарвозадан кираркан, овоз чиқариш-чиқармаслигини билмай бир зум туриб қолди.

Уй деразаси олдида бирор ўн чоғли йигит тўпланиб турарди. Ҳаммасининг устида тўн, бошида дўппи, улар Гайбаровнинг овоз чиқаришини кутмай ўзлари «отам»лаб юборишди. Сўнг тўдадан уч йигит ажралиб чиқди — Мавлонбой, Зокир, Аҳмад. Мавлонбой келиб,



унинг елкасидан қучоқлади, буйи акасидан пастроқ, лекин қорувли эди. Мавлонбой кетиб, Зокир келди, секин қучоқлади, лекин у ҳам бир гап айтмади, қўйнидан румолча олиб узатди, унинг ҳуллигини кўриб, чўнтагидан бошқа қуруқрогини чиқарди. Кейин Аҳмад келди, у акасини қучишга журъат қилолмади, чўчиди: у ҳали акасига бундай рупара келмаган эди, Тошпўлат акаси у билан доимо ярим ҳазил, ярим жиддий қилиб гаплашарди, ушани эслаб тиззалари бўшашди, йиглаб юборди. Гайбаровнинг юраги бирдан зирқираб кетди. Буларга қийин бўлди, деб ўйлади, отамнинг бошида утиришган...

У қаршисида турган мўртгина ўсмирнинг ота тушаги ёнида утирганини сира тасаввур қилолмади, йўқ, Аҳмад ўтиролмаган, чидаши қийин, у томорқага кетган, балки аламини, бўғзига тиқилган йигини босмоқ истаб, сабзини ўтоқ қилган...

Жон узаётган отаси ва уни хаёлидан кеткизолмай, кўзлари жиққа ёш, сабзи билан ўтни фарқ этолмай юлаётган укасининг мунгли қиёфаси Гайбаровнинг хаёлида парчинланиб қолади.

Мана, Гайбаров жанозага етиб келди, матомга қўшилди, қабристонга борди, қайтди, бир кун ва бир туни ўтказди.

Таъзияга келганлар паст овозда, иложи борича маънилик қилиб айтадиган ҳамдарлик сўзлари ортиқ унинг қулогига кирмай қўйди, ҳатто гашига тега бошлади.

Оппоқ кафан лаҳад зулматига қоришиб кетган ондан бошлаб, Гайбаровнинг танига қўрқув оралади, у бирдан ўзини тугилган уйи ва умуман, Галатепадан айри кўрди, сўнг, ёлғизлик ваҳмини босмоқ истаб, ўзини тагин Галатепага — бир маҳаллар заррача надоматсиз ташлаб кетган бир парча маконига қайтадан пайванд қилмоқчи бўлди.

Кўнгилда яна шубҳа уйғонди: нега у қайтиши керак? Буткул видолашув олдидан бир сидра дилга сингдирмоқ, айрилиқ дамларидаги бир зумлик изтироб билан дилни форигламоқ, ундан худписандликни ювмоқ тавба ва тазарру айламоқ, умрида биринчи марта чин ихлос билан қасам ичмоқ учунми?

Умуман, унинг Галатепадан айри экани ростми, агар рост бўлса, нега бусиз ҳам сийрак тушларига нуқул шу кичик макон, гаплари ҳаммавақт ҳам қулоққа сингавермайдиган, гоҳо овсар, гоҳи донишманда


одамлари маскани, унинг тўрт фасли бостириб кириве-  
ради?

Балки, Гайбаровни турфа заводлардан асрагувчи  
ягона илинж — мана шу мавҳумроқ манзаралар, улар  
бахш этмиш оний кайфият, виждонни озгина бўлса  
ҳам юпатмоқ учун бу манзараларни кўнгил тусаган  
бўёқларга бўяш, мароғи, тушдек омонат макон ичра  
телбакезик сайрлар ва жоннинг, бу худбин ва гуноҳ-  
кор жоннинг бошқа талвасаю талпинишлари беиз йў-  
қолиб кетмас?

Балки, Гайбаров ростдан Галатепага қайтар?

Майли, у Галатепага қайтсин. Умидлар ва имон изи  
қайтсин.

Қўлимиздан келадигани шу — биз фақат умидвор  
бўлмоғимиз мумкин.



## ТОҒАЙ МУРОД

(1948)

Тоғай Мурод (Менгноров) 1948 йили Сурхондарё вилоятининг Денов тумани, Хужасоат қишлоғида туғилган. Шу қишлоқдаги 43-урта мактабни 1966 йилда тугаллаб, уша йили Тошкент Давлат дорилфунунининг журналистика факультетига ўқишга кирган. 1972 йилда университетни муваффақиятли тамомлаган, республика радиоси «Ватандошлар» таҳририятида булим муҳаррири бўлиб, 1976 йилгача хизмат қилган.

Тоғай Мурод 1973-1974 йилларда Армия сафларида хизмат қилиб қайтди. 1976-1978 йилларда эса «Ўзбекистон физкультурачиси» рўзномасида таржимон, 1982-1984 йилларда «Фан ва турмуш» ойномасида булим муҳаррири бўлиб ишлади. 1985-1987 йилларда М. Горький номидаги Жаҳон адабиёти олийгоҳида таҳсил олиб қайтди. Ёзувчи уз ижодини 1976 йили «Юлдузлар мангу ёнади» қиссаси билан бошлади. Бу қисса ўзбек адабиётига тугма истеъдод эгаси кириб келаётганидан дарак берди. Қиссада Бури полвон, Тилолберди, Абил полвон образларида ўзбек миллий кураши бадиий ифодасини топди. Адибнинг 1979 йилда битилган «От кишнаган оқшом» қиссаси бу умидни чинакам ҳақиқат, ишончга айлантди. Асар бош қаҳрамони Тарлон от китобхон қалбига қадрдон бир одамдай кириб борди.

Ёзувчининг 1980 йили чоп этилган «Ойдинда юрган одамлар» қиссаси ўзбек миллий характерларни психологик асосда яратилганлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Тоғай Муроднинг 1985 йили битилган «Момо ер қушиги» қиссаси уз гоёси, адабий йўналиши билан узга қушиқ-қиссаларидан ажралиб туради. Повестда миллий заминдан оёғи узилган, Ватан тупроғида яшаб, юрагида юрт туйғуси бўлмаган 80-йиллар мафкура қурбонлари «қаҳрамонлари» образлари Герб адабиёти сигинди бандаси бўлиб қолган ижодкор мисолида ўзбекиона киноя билан тасвир этилади.

Тоғай Мурод 1986-1992 йиллар давомида узининг ilk романи «Отамдан қолган далалар» асарини битди.

*«Отамдан қолган далалар» — рамзий роман. Унда бутун умр кетмон чопиб, мустамлака юрда косаси оқармай келган узбек халқи сиймоси Деҳқонқул образи тимсолида тасвир этилади.*

*Ижодкор истеъдодли таржимон ҳамдир. У 1974-1975 йилларда Ж. Лондоннинг «Бойнинг қизи» драматини ва купгина ҳикояларини узбек тилига ағдариб нашр эттирди. 1989 йили Э. Сетон-Томпсоннинг ҳайвонлар ҳақидаги машҳур «Ёввойи йурга» китобини маҳорат билан таржима қилди.*

## БОБОСИ БИЛАН НЕВАРАСИ

Оёқларига қизил ботинка, устига кук иштонқўйлак, бошига эски ола дуппи кийиб олган уч яшар невара, ҳаммадан олдин ўрнидан туриб, айвонга чиқади. Дастурхон атрофида ўтирганлар унга парво ҳам қилмайдилар. У даҳлизда бирпас тик туради. Тўғридан қараганда худди вақтинча ўрнатиб қўйилгандек кўринадиган катта-катта қулоқларини кўрганлар неварани тоғасига ўхшатадилар. Қуралай кўзларини, бир оз япасқидан келган бурнини, кенг ва дўнг, ҳали ҳам нималигини билмаган ялтироқ пешонасини кўрганлар эса уни отасига ўхшатадилар.

Невара зинапоядан авайлаб тушади. Орқасига бир қараб қўяди. Майда-майда қадамлар билан ҳовли эшиги олдидаги мотоциклнинг ёнига бориб туради. Эсида бор, отаси билан мана шу мулойим уриндиққа ўтирган, ушанда бу мотоцикл дегани қаттиқ овоз чиқариб юриб кетган, невара қўрққанидан отасини маҳкам қучоқлаб, кўзларини юмиб олган эди. Мана, у бугун ҳам мотоциклга минади, узининг минмоқчи эканлигини билдириш учун орқа уриндиққа қулини теккизиб туради. Ҳадемай отаси ҳам келади, сўрайди:

— Йул бўлсин?

— Мен ҳам бораман.

— Қаёққа?

— Ишга.

— Ҳа-а. Директоримиз кеча педсоветда сени сўраётган эди, нега ишга келмаяпти деб, — дейди отаси ҳазиллашиб.

Невара отаси айтган сўзларга деярли тушунмайди. Ҳатто айрим сўзларни биринчи эшитиши. Аммо шун-

дай бир нарсани пайқаб қоладики, кимдир: холасими, аммасими уни келсин дебди. Боради, боради.

Шу пайт отаси бир нарсани тепади, пат-патлаган товуш чиқади. Невара бир чучиб тушиб, киприкларини парпиртади.

Агар олиб кетмасангиз, йиглайман, деганидек, лабларини буради, елкасини силкиб, бораман, дейди. Отаси парво қилмай кетади. Пат-патнинг орқасидан тутун чиқади, невара тутун ичида қолади. Ана энди, у ерга ағанаб, алаמידан чиққунча йигламоқчи бўлади. Аммо... бобоси ёмон. Юмшоқ тупроққа ағанаб, мазза қилиб йиглаб олишга қўймайди. Неварасини қўлидан етаклаб ичкари олиб кириб кетади. Ҳар қалай ёмон бўлса ҳам ўзи билган одамлар ичида бобосини яхши кўради. Шу дақиқадан бошлаб бобосини аввалгига қараганда ҳам кўпроқ яхши кўради. Сабабки, бобоси ҳозиргина унга тоқчадан шоколад олиб берди.

Неварасининг кўнгли нимадир истайди. Бир куни бобоси уни қаергадир олиб борган, у ерда катта-катта уйлар бор, одамлар кўп экан, кўчаларда олма, бодрингларни одамлар ҳаммага кўрсатиб ўтирар экан. Ушанда бобоси унга ширин сув олиб берган эди. Невараси ҳали-ҳали эслаб лабларини ялаб қўяди. У ҳозир, яна шу ерга олиб боринг, дегиси келади, лекин айтолмайди, қаерга борганини ўзи ҳам билмайди. Бобосининг тиззасига ўтириб олиб хархаша қилади.

— Жим ўтир, жим. Қара, анавуни қара. Эҳ-ҳе, болаларни қара — дейди бобоси бурчақда турган телевизорга ишора қилиб.

Невараси бу ярми шиша катта қутининг телевизор деб аталишини яқиндагина билди. Аммо ҳалигача унинг номини айтолмайди. Бобоси телевизорда қизиқ томоша кўриб, кулиб юборади. Невараси нима гаплагини пайқаса-да, бобосига қўшилиб кулади. У томошага қараб ўтириб, ҳайрон бўлади: бунча кўп одамлар қандай қилиб шу кичкина қутининг ичига сигади?

- Бова, бу одамлар қаерда?
- Телевизорнинг ичида-да, улим.
- Шунинг ичида уйи ҳам борми?
- Бор, улим, бор. Ҳаммаси бор.
- Уларнинг шоколадиям борми?

Миттигина невараси ўзича, кишилар учун энг ширин ва керакли нарса шоколад деб билади. Шунинг учун ҳамма нарсани аввало шоколадга таққослаб кўради. Неварасининг саволи жавобсиз қолади, телевизор-

да ҳеч нарса кўринмай қолгани учун бобоси уни учириб қўйиб, ҳовлига чиқиб кетади. Невараси қўли билан деворга суяниб ўрнидан туради. Кўрсаткич бармогини оғзига тиқиб, бошини чапга сал қийшайтириб, телевизорга бирпас қараб туради. Сўнг аста-аста келиб телевизорнинг орқасидан ичига қарайди — йўқ. Чаккасини телевизор ёнига теккизиб қулоқ солади — йўқ. Ҳалиги одамлар йўқ. Ҳозиргина шунинг ичида эди... Қайёққа кетди улар?..

У ҳайрон бўлиб уй ичига назар солади. Печка олдида турган кичкина машинасини кўриб қолади. Машина олдига боради. Шу ерда турган сингисининг қўғирчоқ қизини оёғидан судраб келиб машинаси устига утиргизади. Машинанинг узун ипларидан судраб ҳовлига чиқади, чеккароқда бир нималар қилиб утирган бобосига қарайди. Бобоси дераза ясапти. Олдида усталар учун керакли асбоблар, ҳар хил ҳажмдаги ёғочлар сочилиб ётибди. Вақт-вақти билан ёғочга чизади-да, сўнгра кичкина қаламини қулоғи устига қистириб қўяди. Буни кўрган невараси завқ билан кулади ва ўзи ҳам шундай қилиш учун қалам қидиради, бироқ тополмайди. Машинасини судраб дарахтлар орасига қараб кетади.

Бобоси кўз остидан неварасига қараб қўяди. Яна ишини давом эттиради. Бобоси пенсияга чиққанига икки ойча бўлди. Ҳукумат уни тақдирлади. У пенсияга чиқмасдан олдин қачон пенсияга чиқиб мундоқ дам оларканман, деб ўйларди. Иш деганлари жонимгаям тегди, деб қўярди. Мана, орзусига етди. Аммо ўзини қўярга жой тополмай қолди. Нима иш қилишини билмайди. Ишлаб ўрганган одам — ҳадеб ётавергиси келмайди. Ҳовлини кузатиб, кўзига ёмон кўринган нарсаларни — деворнинг кўчган жойларини, бузилган деразаларни, эшикларни тузатади. Токларнинг учини кесади. Хуллас, ҳовлидаги беҳшов нарсаларни ўхшатмаса кўнгли ором олмайди. Бобоси, «Манави Исмоил... Э тавба-е, қирқ йил Совет ҳукуматига хизмат қилиб, минглаб одамлар билан тил топишдим-у, икки ойдан буён шу тирмизак билан келиша олмайман-а!..»

Бугун икки кундирки, бобоси товуқ катагига эшик тайёрлайди. У қўлидаги ёғочни қаричлаб кўради, адашиб кетади. Яна қаричлаб, бу сафар қалам билан бошлаб белгилаб қўяди. Кесмоқ учун аррани олади. Бобоси: «Бекор пенсияга чиқибман. Ишдалигимда кунига камида ўн киши мени сўраб турарди. Энди эса

ҳеч кимнинг мен билан иши йўқ». Бобоси яна куп нарсаларни уйлайди... Неварасининг дарахтлар тарафга ўтиб кетганини эслайди, хабар олади. Хотиржам бўлиб ишини давом эттиради. Неварасига ачинади: «Бунга қийин. Бирга ўйнайдиган болалар йўқ. Уйдагилар мениям ташлаб кетади, унияям ташлаб кетади. Ё иккаланг бирга ўйнайвер, деганларимикан бу... Йўғ-е...»

Думбоққина невараси ўйиндан зерикади. Машинасини судраб келаётиб, товуқ катагига қараб, ичида товуқ борлигини кўради. Чап оёғини ерга тап этиб уриб «кишт» дейди. Товуқ шунда ҳам индамай ётаверади. Невраси: «Ҳамма товуқлар ҳовлида ўйнаб юрибди, бу товуқ нега бир ўзи ўтирибди экан?..»

Қўғирчоқ қизнинг қўлини сугуриб олиб товуққа отмоқчи бўлади, лекин ололмайди. Ердан майда тош олиб отади, товуқ қоқоқлаб катақдан чиқиб кетади. Невараси товуқ ётган жойда оппоқ тухум турганини кўради. Қўлини узатади, етмайди. Ўрмалаб катакнинг ичига кириб кетади. Тухумни машинасига солиб, бобосининг олдига оборади.

— Бова, товуқ туғди, мана.

— Яхши бўпти.

— Тухуми иссиқ экан.

Бобоси ва невараси қўл ушлашиб ток вайиши остига борадилар. Жажжигина невараси тоқда осилиб турган узумларга қарайди. Ўз қўллари билан олиб ёмоқчи бўлади. Худди бобосидек қўлини узумларга чўзади. Эҳ-ҳе, ҳали жуда узоқ, жуда...

Бобоси неварасига боқиб, бехтиёр ўзининг болалигини эслайди... Кўнглида неварасига нимадир... нимадир пайдо бўлди... Неварасининг беғубор пешонаси ва тиниқ юзларига узоқ боқиб қолади...

## ЭРКИН АЪЗАМ

(1950)

*Эркин Аъзам 1950 йили Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманида таваллуд топган. 1967 йили тумандаги 1-урта мактабни тамомлаган. Шу йили Тошкент Давлат Университетининг журналистика факультетига ўқишга кириб, уни 1972 йилда тугатган.*

*Адиб аввал Ўзбекистон радиосида муҳаррир (1972-1976), ундан сўнг «Гулистон» ойномасида бўлим муҳаррири, адабий котиб вазифаларида ишлаб (1976-1981), қаламини чархлади. 1981 йилдан 1986 йилгача «Ёшлик» журнаliga ишга ўтиб, Эркин Воҳидов раҳбарлигида журналнинг шаклланишида, ўз мухлисини топишида жонбозлик кўрсатди. Проза бўлимини бошқарган ёш адиб ўз ижоди такомил билан бирга янги таланти ижодкорларнинг пайдо бўлиб, оёққа туришида муносиб ҳисса қўшди.*

*1986-1992 йиллар давомида ижодкор Ғафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида кўп жилдли асарлар таҳририятига мудирлик қилиб, атоқли ўзбек адиблари асарлари, сайланмаларини чоп этишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди.*

*Эркин Аъзам бугунги кунда «Тафаккур» журналининг бош муҳарриридир.*

*Адибнинг илк ҳикояси унинг ўқувчилик йилларида яратилган, вилоят рўзномасида босилган. Бироқ талабчан ижодкор университетни тугалагандан кейин ҳам анча йиллар китоб чоп эттиришга шошилмади. 1977 йилда Эркин Аъзамнинг «Чироқлар учмаган кеча» номли ҳикоялар тўплами босилиб чиқди. Бу муъжаз китобча ўқувчиларга ўзбек адабиётида янги бир истеъдодли ҳикоянавис дунёга келганлигидан хабар берди. Ушбу асарда ёшлик, талабалик йиллари оловли кечинмалари катта самимият, илҳом билан ёритилган бўлиб, ҳикоя услуби ўз жозибаси билан ўқувчини сеҳрлаб олди. 1981 йилда чоп этилган «Отойиннинг тугилган йили» қисса ва ҳикоялар тўплами китобхон ишончини мустаҳкамлади. Биринчи кичик қиссаси билан адиб ўзининг лирик тасвир услубидан ташқари*



ҳаётӣ, серзавқ, юмористик бадиий ифодага мойиллигини ҳам намоён қилди.

Шундан сўнг истеъдодли адибнинг «Олам ям-яшил» (1984), «Жавоб» (1987), «Байрамдан бошқа кунлар» (1989), «Мир весь в цветах» (1989) каби бир қатор қисса ва ҳикоялар тўпламлари босмадан чиқди. Бу асарларда замондошларимиз ҳаётдан ҳикоя қилиниб, ахлоқ, эътиқод, бурч, оддий инсоний муносабатлар ўзига хос услубда бадиий акс эттирилади.

Эркин Аъзам ҳикоя ва қиссалари рус, украин, белорус, қозоқ, тожик, туркман, грузин, булғор, чех тилларига таржима қилинган. Адибнинг ўзи ҳам ўзга халқлар адиблари асарларини рус тилидан ўзбек тилига маҳорат билан таржима қилган.

## ШАҲАРДАН ОДАМ КЕЛДИ

### «Оқ кема»даги болага

Бола эчки-улоқни овулдан бир газа нари ошириб адирга ёйди-да, ўзи ўнгирдги булоққа кетди. Қадам олиши эран-қаран, судраб бораётган заранг таёғи суқмоқ четидаги чағир тошларга тегиб енгил сакрайди.

Булоқ қийшайиб ўсган букри арча соясида, четини айлантириб кўкиш това тош ётқизилган. Икки тош орасидан сизиб пастга жилга оқади. Моллар шу жилгада сувлайди.

Қорамтир сув сатҳида арча шохлари оралаб осмон парчалари сузади. Бола энгашган эди, дўпписининг тиккайиб турган қирралари, пўст бойлаган бурни кўринди. Ана, қўнғир булут сузиб ўтди... Боланинг бўйнидан тумори сирғалиб тушиб, сувда қалқди, сувни чайқатди: осмон парчалари, арча шохлари қўшилишиб тебрана бошлади. Бола сувга лабини тегизди, тамшанди, сўнг қўлгумлаб ичди, лекин қонган-қонмаганини билолмади. У тагин бир муддат шу тариқа қўзғалмай ётди — туришга эринарди... Чанқагани учун келмаган эди бу ерга. Булоқ — овунчоғи. Гирд-атроф тоғу тошда шундан бўлак уни овутадиған нарса йўқ.

Зерикди — шу ерга келади, сувни чайқатиб, сатҳини томоша қилиб ётади.

Булоқ — овунчоғи. Бор, тагин бир машгулоти бор унинг: дўнғ бошида тиззасини қучоқлаб шаҳар ёққа қараб ўтиради. Шаҳар йироқда. Ҳо-ов, осмон тугаган

жойда. Ана, дарахтлари кўкариб, уйлари оқариб турибди. Кечаси чироқлари жимирайди... Гоҳо буралиб-буралиб кетган тасмадек йулда олис нуқта пайдо булади. У чумолидек ўрмалаб келаверади, келаверади... кейин каттайиб, машинага айланади.

Бола машиналарни пастга — даштга энганларида кўп кўрган. Бир гал капаларининг худди биқинида ҳам биттаси тухтаган эди. Яқинлашолмади. Шапкали, кўзлари қизарган одамдан кўрқди. Машина ушаники экан: ойналарини ўзи артди, ўзи ҳайдади. Шляпали одамлар ҳам бор эди, уларга рулни бермади.

У шаҳарни ҳам кўрган. Бултур кузақда отаси билан борган эди.

Шаҳарда одам жуда кўп! Машиналар-чи!.. Шапкали, кўзлари қизарган қизганчиқ одамнинг машинасига ўхшамаган, ундан чиройлироқ машиналар, катта-катта!

У шаҳарни яхши кўради. Зиёддек бўлсин ҳали, боради. Отаси айтган. Зиёд акаси шаҳарда — интернетда ўқийди. Икки-уч ойда бир ферма мудирининг отига мингашиб келади. Кийимлари бошқача, гаплари-га тушуниш қийин.

Бола уззукун дўнг бошида ўтириб шаҳар ҳақида ўйлайди. Баъзан қочиб кетгиси келади. Қочиб ҳам кўрди. Юраверди, юраверди... шаҳар йўқ! Дунглиқдан қараса, дарахтлари кўкариб, уйлари оқариб кўринади. Лекин шунча юрса ҳам — шаҳар йўқ! Етолмади. Оёқлари чарчаб қолди, йиқилиб тиззаси сийрилди. «Чағатда бури кўпайибди». Отасининг ана шу гапи эсига тушиб, уни кўрқув босди. Охири ўтириб олиб йиглашга тушди.

Кечқурун сут топириб келаётган мудир уни отига мингаштириб қайтди.

Шу-шу, у қочишни ўйламай қўйди. Аммо шаҳарни кўриш орзуси дилига янада маҳкамроқ урнашиб қолган эди.

Гира-шира тонгда қатикқа нон тўграб еб олади. Сўнг яримта нонни тугунча қилиб, мол ортидан жуннайди. Узоқиб кетмайди, чошгоҳда молни қайтаради. Соғдиради. Шу билан оқшом қоронгуси тушгунга қадар... ке-етди. Пешингача-ку вақт ана-мана демай утади. Кейин, айниқса, оқшомга томон шаҳар янада йироқлашади, хиралашади; атроф — тоғу тошга губор таралади.

Боланинг кўнглига ҳам алақандай гашлик чўкади,

шаҳар ҳақида уйлагиси келмай қолади. Сиқилади. Бундай пайтда у ётиб ухлашга одатланган. Дупписини буклаб боши остига қўяди-да, эринчоқ сузиб юрган булутларга қараб узоқ эснайди. Мудрай бошлайди... Шаҳар! Каттакон машина! Ойнасини артяпти. Зиёд илжайиб турибди. Ҳайдагани беради, деб уйлаяпти, шекилли. Бериб бўпти! Ҳар сафар келганида шаҳарга олиб боришни ваъда қилади-ю, азонда мудирнинг отига мингашиб жуфтакни ростлаб қолади.

Ҳа, майли, у шапкалига ўхшаб қизганчиқ эмас, машинасига миндиради, ҳайдагани ҳам беради...

Бурнини нимадир қитиқлади. Ҳа-а, қамчининг учи...

— Тур-ей, масхарабоз! — деб гўлдиради биров.

Ким экан? Ким буларди — Турдибой-да! Кўзлари юмуқ ҳолда билади.

— Бунинг ётишини! Молларинг еб битирди экинни!

Турдибой ҳумрайиб турибди. Авзойидан қамчи билан туширадиган. Туширолмайдди, шунчаки пўписа, отасидан кўрқади... Бошида адасқи телпак. Телпак ҳам деб бўлмайдди, чарм қалпоқнинг ўзгинаси.

— Бир газа нари ҳайдасанг ҳақинг кетадими молингни? Ҳамма ёқни пайҳон қипти. Отанг ҳайдаб бе-рама кейин?!

— Сизди отангиз! — деб буш келмайдди бола.

— Тирмизак! Гапини қаранг! Кечқурун бор ҳали отангди олдига...

— Бормай нима?

— Тур энди, жиян кўп қашшанглик қилма, — дея муросага утади Турдибой.

Ана шундай алдаб-суддаб болани ўрnidан қўзгат-гач, у отини йўрттириб адир ортига ўтиб кетади. Феълига тушуниш қийин: бақриб туриб кулади, ку-либ туриб дўқ уради. Ўзи ўрмон қоровули-ю, этакдаги адирга ўгринча арпа эккан.

Экин ёниб кетгани йўқ: бир четига тўрт-беш улоқ оралабди, холос. Шунга шунча жойдан от чоптириб келганини!

Куннинг утиши бунча қийин! Булутлар ҳам қаёққа-дир йўқолди.

Бола чўққиларнинг қўргошин тусли осмонга тезроқ қўшилиб кетишини — кеч бўлишини кутади. Эртага балки Зиёд келиб қолар, балки ферма мудирини Ҳамроқул амаки даштга эниш дарағи билан қайтар. Ўшанда у яна машинани кўради, ҳойнаҳой, шаҳарга ҳам тушар...

Кунни ана шундай хаёлларда кеч қилади.

Оқшом тушади. Моллар қайтади. Овул чўпон-чўлиқ болаларининг чулдирашига, эчки-улоқнинг узун-қисқа маърашига тўлади. Катталар Ҳамроқул амакининг овул уртасидаги шинамроқ утовига тупланишади. Қўрдаги олов шуъласида давра кўриб, радио хонишига чайқалган кўйи алла-паллагача гангир-гунгур қилиб утиришади. Болалар-чи? Болалар бирпас қувлашмачоқ ўйнаб, кейин дуч келган жойда таррақдек қотиб қолишади. Оналар жавраган, уларни қидирган, устиларидаги кўрпаларни тузатган.

... Бола Турдибойнинг экинзорига оралаган улоқларини ҳайдаб, дара томонда ўтлаб юрган тўдага қўшида, жойига қайтиб, чўзилди. Яна хаёлга берилди. У айниқса бугун тезроқ кеч киришини истарди.

Кечқурун шаҳардан Ҳамроқул амакининг жияни келади. Турдибойга ўхшамайди у, яхши одам бўлса керак — шаҳардан! «Қалай, Шомат полвон?» — дейди кулиб. — Катта йигит бўлиб юрибсанми?» Қўл бериб кўришади! Эртасига улар мол ортидан бирга чиқишади. Шомат унга булоқни, сув юзидаги мўжизаларни кўрсатади. Бўрилар, тулкилар ҳақида отасидан эшитганларини айтиб беради. Қўённи ўз кўзи билан неча марта кўрганини ҳам айтади. Балки икковлон Арчамозорга каклик овига боришар... «Осмонга қаранг-а, — дейди Шомат унга. — Булутлар нимага ўхшайди? Каттаси... Ҳамроқул амакининг саманига, а? Анавиниси — тулки, тўгрими? Уртасидаги-чи, қани, топинг! Булар меники, мен топганман!» дейди. У Шоматнинг елкасига қоқиб, «маладес», деб мақтайди. Кейин дўнг бошида утириб, шаҳар ҳақида гапириб беради. «Мен билан шаҳарга кетасанми?» деб сўрайди. «Қачон?» дейди Шомат иргишлаб. «Эртага». У Зиёдга ўхшаб алдамайди, шаҳарга албатта олиб борди. Айтмоқчи, кейин Шоматнинг бир ўзи у ёқдан қандай қайтиб келади? Ия, эсидан чиқибди, Зиёд-чи! У билан қолиб кетса ҳам ажаб эмас...

Меҳмон келишини бола чошгоҳ пайти молни соғдиришга олиб борганида эшитган эди. Онаси — тарадудга тушиб, у ёқ-бу ёқни саришталаётган Ҳамроқул амакининг хотини — Анор холадан сўради:

— Ҳа, ойнам, мунча тапи тез? Бирон гап борми дейман?

— Шаҳардан одам келади.

— Кимакан?

— Тошкандда уқийдиган жиянлари...

Олдида тунука коса, сутга нон туграётган бола бирдан сергак тортди, сўнг худди бу оқшом овулда шодиёна бўладигандек суюниб кетди. Дарҳол қапага кириб, даштга энганларида кийишни мулжаллаб юрган тоза кўйлаги ва Зиёд совғага олиб келган янги дупписини кийиб чиқди.

Ана шу гап — шаҳардан одам келиши куни бўйи бола кўнглини ёритиб турди. У ҳозир ҳам шу ҳақда уйлаб ётарди. Келган бўлса-чи? Шомат ўрнидан ирғиб турди. Қайтишга ҳали эрта, лекин отаси бугун индамас: шаҳардан меҳмон келади-ку!

Эчки-улогини ҳайдаб овулга яқинлашаркан, севинчи учди-кетди: ҳеч гап йўқ, ҳаммаёқ кечагидек, тунов кунгидек... Меҳмон келганга, келадиганга ўхшамайди. Ҳа-а, ана, мудирнинг ўтови панасида отаси бир қўйни гўшт-пўст қилаётибди. Бошида Анор хола, Ҳамроқул амаки кўринмайди. Демак, ҳали келмаган. Шоматга эътибор қилишмади, ҳеч ким нега қайтганини ҳам суриштирмади. У ўтов олдида бўш хумга суяниб, пастга — адир ёқалаб буралган сўқмоққа кўз тикди. Келмас-я!.. Боланинг кўнглини қоронгилик чулғади.

Оқшомги губор қуюқлашди. Ниҳоят, олисдаги дўнг бошида от қораси кўрингандек бўлди. Шоматни интиқ қилиб у Ҳамроқул амакининг саманига айланди... Яқинлашаркан, овулдагиларнинг бари унга пешвоз чиқди: Шоматнинг отаси, онаси, Анор хола, Турдибой, сепараторчи Ислом... Болалар орқароқда туриб қизиқсиниб қарашарди. Шомат олдинга ўтди.

Ҳамроқул амакига мингашган меҳмон отдан чаққон сакраб тушди. Турганлар у билан қушқўлаб кўришиб, қўлларини юзларига тортишди. Анор хола қайнисининг кифтига қоқиб-қоқиб:

— Эсон-омон келдингизми, йигит? — деб сўрашди.

— Шукр, чеча. Ўзларинг соғ-саломатмисизлар? Жиянчалар?.. — дея сўзларни абжир териб сўрашарди.

У бош яланг, қуюқ қора сочлари энсасигача тушган, ялтироқ туфли, бежирим шим, гулли кўйлак кийиб олган эди.

Мезбонлар Ҳамроқул амакининг ўтови томон йўл очиб:

— Қани, қани, меҳмон, ўзингиз тортинг, — дея мулозамат қилишди. Унинг орқасидан ўзлари ҳам юришди. Хотин-халаж болакайлар эргашишди.

Отини қайтариб, паллалари семиз ҳуржунини елкалаган Ҳамроқул амаки келгач, утов ичидагилар юзларига яна бир карра фотиҳа тортиб, қайтадан сураша кетдилар.

— Ҳай, иним, ишқилиб яхши етиб келдингизми Тошкандлардан? У ёқлар тинч-омонми? — дея биринчи булиб Шоматнинг отаси сурашди.

Меҳмон, қули куксида, «Шукр-шукр, раҳмат. Ўзларингиз?» дер эди.

Ўтов гирдини угил болалар, қизил қийиқли қизалоқлар ураган. Улар кигизи ҳимариб қуйилган керага тирқишларидан ичкарига мураллашиб ўзларича чулдурашади, чугурлашади.

— Сочлари мунча қалин, орқаси жингала-жингала...

— Куйлагининг чиройлилигини-и!

— Менинг амаким!

— Ҳо-о, менинг Тошканддан келган...

Шомат буйинсаларига қўшилмай, берида — худди утов остонасида, меҳмондан кўз узмай турарди. У меҳмоннинг: «Ҳу-у, жиян, кир мундай. Бу ёқдан кел. Хуш, қани, отинг нима сени?» дея ёнига чақиришини кутарди.

— Ҳе, шу чурвақалар гапни гапга қўштирмаяшгида, — деб қолди кимдир.

— Қувинг, ака!

— Ҳой, Хосият, буйнинг узилгур, уйга бор тез, энангга қараш! — деди Турдибой қизига.

Ҳамроқул амаки ўтовдан чиқди-да, бир-бир туртиб, болаларни ҳайдаган бўлди:

— Қани-қани. Уйга жўнанглр-чи, қизикалар! Гап кор қиладими сенларга? Боринглр, бўлмаса меҳмон уят қилади. Ё тавба-ей, булар одам кўрмаганми? — Сўнг учоқ бошидаги хотинига юзланди: — Анор, бу чурвақалар тинчлик бермаяпти, ўзинг қараб тур!

Болалар чулдурлашиб-чулдурлашиб бирин-сирин тарқалишди. Ўтов оғзида Шомат қолди. У ҳамон ниманидир кутар, нимадандир умидвор эди.

Катта сопол товоқда қовурдоқ кўтариб кираётган Анор хола: «Йулда турмагин-да, Шоматжон», деди, қайтиб чиқаётиб эса: «Бу боланинг қулогига гап кирмас экан-да», деди энди жеркигандек.

Шомат серрайганча тураверди. У меҳмондан айна шу пайт тайинли бир гап чиқишини кутарди. Йўқ, чиқмади!

Меҳмон юзлари қизариб гапга шўнгиб кетган, бу томонга қарашни хаёлига ҳам келтирмас эди.

Бола ҳавас билан унинг кийимларига тикилар, оғзидан чиққанини илиб олай дер эди. Аммо бирор гапига тушунмади. У алақандай гиламлар ҳақида сўзларди.

— Э, бу ҳали ҳам шу ерда-ку! — деди бир вақт Турдибой. — Шунингиз куп қашшанг-да, Алиқул...

Ўтирганлар болага ялт қарашди. Меҳмон унга шунчаки бир назар ташлади-да, тагин гапга тушиб кетди.

Отаси чиқди. Шоматни қулогидан чўзиб капаларига олиб келди.

— Бунинг одамни шарманда қиладиган... — деб онасига ўқрайди.

Шомат пўстакда ағанаб, чий қамишлари орасидан қушни ўтовга кўз тикди. «Балки ҳозир чиқиб қолар, — дея ўй сурарди у. — Эртага-чи, айтгандай, эртага...»

Бола алла-паллагача ана шу хаёлда уйғоқ ётди.

Эртасига у эчки-улоқнинг тапир-тупуридан туриб кетди. Чий қамишлари оралаб кигиз устига узун-узун кумуш чизиклар тушган: кун ёйилиб қолибди. Негадир бугун уни ҳеч ким уйғотмабди. Бу маҳалда у молларни соғдириш учун қайтарарди...

Шошиб қападан чиқди. Ҳамроқул амакининг ўтови кимсасиз. Атрофида бўшаган шишалар юмалаб ётибди. Шляпалилар келганида ҳам эртаси шунақа бўлганини эслади Шомат. Сўнг уларни дўнгликка териб, Турдибой билан Ислом мерганлик қилишган эди.

Шомат дўнг этагидаги, қийдан қорайган майдонга олазarak тикилди. Тикан бостириб ўралган қўрада аёллар мол соғиш билан машгул. Тиззалари орасига олган хурмачаларга шир-шир сут тушади. Қизил кийик тангиган қизалоқлар қўю эчкилар бўйнидан кучоқлаб туришибди. Улоқчалар соғиб бўлинган оналарига маърар, талпинишади. Уларнинг бир қисми арқонга кўтанланган, қолганлари ёнбағирда эриниб емиш қидиради. Майдон қий ҳиди, эчки-улоқ хонишига тўлган.

«Қаёққа кетди экан?...» Шомат шу хаёлда Ҳамроқул амакининг хотини билан гангир-гунгур қилишиб четроқда эчки соғатган онаси томон юрди.

— Кеча ҳийла утиришди, чоғи? — деб сўради онаси.

— Ҳа-я, ойнам, уч марта гушт қовурдим. Шишаларни курдингизми? Йигит узи сиқилган эканми, тоғу тошда бир яйраб кетди-да.

— Ия, кетдими ҳали? Мен, кеча ўтиришган бўлса, утовда ухлаётгандир, деб ўйлабман.

— Қайтиши керак экан Тошкандга. Иши купмиш. Кўрмадингизми, азонлаб жунади-ку?

Бола бўшашиб чўнқайди, юзини тиззаси устида чалиштирган қўлларига босган кўйи ҳийла замон қарахт бўлиб қолди. Кейин аста ўтирилиб тоғ томон қаради. Шунда, кезавериб қадрдон бўлиб кетган паст-баланд адирлари, учи найзадек қоялар, оппоқ булутлар қўниб турган олис тоғ чўққиси кўзига фавқулодда ажиб кўринди. Уша оппоқ булутлар қўниб турган чўққи ортида ҳамон гаройиб бир шаҳар бордек туюларди унга...





## АБДУСАИД КҮЧИМОВ

(1951)

Абдусаид Кучимов 1951 йилда Самарқанд вилоятининг Ургут туманида тугилган.

1967 йилда Тошкент Давлат Педагогика институтининг филология факультетига кириб, 1972 йилда битирди. 1972-1984 йиллари ҳозирги «Тонг юлдузи» (аввалги «Ленин учқуни») газетасида адабий ходим, бўлим мудир, масъул котиб вазифаларида ишлади. 1984-1987 йилларда «Шарқ юлдузи» журналида масъул котиб, 1987-1991 йилларда «Тонг юлдузи» газетасида бош муҳаррир вазифасида ишлади. 1991-1992 йилларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг котиби, 1992-1996 йиллар Республика Вазирлар Маҳкамасида маданият, ахборот ва туризм бўлимининг мудир вазифаларида ишлади. Ҳозир Ўзбекистон Республикаси Президенти Ахборот маркази раҳбари лавозимида хизмат қилмоқда. Унга яқин китоблари босилган. «Кашфиётчи болалар», «Менинг Ўзбекистоним», «Тошбургут», «Чаноқ», «Ҳалқа», «Икки баҳор», «Умид дарахтлари», «Менинг юлдузим», «Қиёфа» каби ҳикоялар, қиссалар ва шеърлий тўпламлари нашр этилган.

«Ҳалқа» китоби учун Гафур Фулом мукофоти билан тақдирланган. Табиат мавзуйдаги публицистик мақолалари учун ЮНЕСКО мукофоти берилган.

### ЎҒИЛ

Бесабаб оёққа тикан кирмас.

Халқ мақоли.

— Пушт! Нухатполвонга йўл бушатиңлар! Пушт!!  
Тележка ёнида уймалашиб, пахта улчатаётган болалар овоз келган томонга қарадилар. Қизларнинг бири «Вуй! Чопинглар, кутаришворинглар!» — деб юборди. Болалардан иккитаси шу томонга чопди. Уч оёқли тарозида пахта тортаётган Нишонбой табелчи ҳам дафтарини чўнтагига буклаб солиб, ёрдамга интилди.

Бел баравар гўза шохлари учуда пахта тўла катта этак гуё ўзи юриб келаётгандек эди. Шапкасини тескари кийиб олган Салим дароз «ўзи юрар хирмон»ни гир айланиб, дик-дик сакрарди:

— Қочинглар! Босиб кетади! Пў-ушт!..

Нишонбой табелчи илдамроқ бориб, «оёқли хирмон»ни елкасига даст кўтариб олди. Юк тагида букилиб келаётган Аваз қаддини ростлади: бўйи гўзапоядан атиги бир қарич баланд! Шاپалоқдай юзи бугриққан, сочлари чангга беланган, пешонасидан резареза тер қўйиларди. У ёрилган бармоқлари билан билагигадаги қонталаш изларни авайлаб силади. Ич-ичига ботган ҳоргин кўзлар Нишонбой табелчига нохуш тикилди:

— Ўзим кутарардим-у, амаки...

— Тентак! — Нишонбой табелчи Салим дарозга ёмон ўқрайди. — Эчкига ухшаб диконглаганча журангга қарашворсанг, белинг синадими, хумпар!

Ҳафсаласи пир бўлган Салим тўнгиллади:

— Биров унга шунча кўтар дебдими...

— Гирт бемаъни бола экансан! — деди Нишонбой табелчи пахта тўла этакни торозига илиб. Кейин Авазга қараб жилмайди. — Об-бо шоввоз-ей! Ўттиз килоданам куп-ку, бунинг! Қойил-э! Қандай орқаладинг?

Аваз гуноҳқорона илжайиб, ер остидан болаларга қаради.

— Пахтани уватга қўйган-да, ўзи ариққа тушиб кутарган, — чувиллади тўдадан кимдир. — Бу доим шунақа қилади.

— Газетага чиқмоқчи, газетага! — ҳиринглади Салим дароз.

— Бунақа қилма иккинчи. Майиб бўп қоласан-ку, болам. — Авазни койиган бўлди Нишонбой табелчи. — Ол, ўттиз кило.

— Унча чиқмайди, — эътироз билдирди Аваз.

Нишонбой табелчи парво ҳам қилмай, этакни тележкадаги телпакли кишига узатмоқчи эди. Аваз шошилиб:

— Тухтаб туринг, бўлиб тортамыз, — деди.

— Ўттиз кило дедимми, ўттиз-да, тагин нима керак сенга!

— Йўқ! — деди Аваз қатъий ва ортига ўтирилди. — Қодир фартугингни бериб тур.

Аваз ўртоғининг фартугини олиб, ерга тўшади.

Қодирнинг жаҳли чиқди.

— Гажирлик қилма, ўттиз кило деярти-ку, Нишонбой ака!

— Бировнинг пахтаси керакмас менга!

Нишонбой табелчи аввал ўнгайсизланди, кейин ишшайиб, истеҳзо билан: — Отасига ўхшамайди бу. Қип-қизил ҳақиқатпараст, — деди.

Пахтани бир этакдан иккинчисига солаётган Аваз бошини илкис кўтариб, Нишонбой табелчига жаҳл билан қаради.

— Отамни қўшманг! У кишини сизлар алдагансизлар, сизлар!..

Нишонбой табелчининг кулиб турган кўзлари олайиб кетди. Авазга нимадир демоқчи бўлди-ю, томоғига бир нарса тикилгандай аламини ичига ютди.

— Қоққан қозикдай бақрайиб туришини қара буларнинг! Маймун уйнатяпманми сенларга! Жуна далага ҳамманг!

Томошаталаб болалар секин тарқала бошладилар.

Аваз этакларини бирин-кетин тарозига илди.

— Ўн уч! Ўн икки! Ол, узат!

Аваз билан Қодир этакларни тележкага узатишди. Қовоғи осилиб кетган Нишонбой табелчи чўнқайиб ўтирганча, дафтарига бир нималарни ёзаркан, телпакли кишига ушқирди:

— Пахтаси тозами ўзи, қара-чи. Агар битта хас бўлсаям ҳаммасини учириб ташлайман!

Тележкадаги одам, энди кучинг шунга етдими, дегандай табелчига ижирганиб қаради.

Аваз этагини олиб, пайкал оралаб кетди.

Нишонбой табелчининг ичига ўт тушгандай, нафаси бугзига тикилиб, оғир-оғир энтиқди. Сўнгра ўридан турди-да, гўзаларни босиб-янчиб, кунботар томон кетаверди. Шу топда унинг кўзига ҳеч нарса кўринмас, қулоғи остида фақат бир ҳайқирик акс-садо берарди.

«Сизлар алдагансизлар, сизлар!..»

«Мен алдаганмишман! Тирранча!»

Нишонбой табелчи теримчилар кўзидан анча узоқлашгач, уватта беҳол чўқди.

«... алдагансизлар! Сизлар!»

Нишонбой алам билан зах ерга бир мушт урди.

«Сен нимани билардинг, бола! Атайин қипманми мен? Ихтиёр ўзимда эканми? Замона — зўрники, катталарнинг айтгани-айтган, дегани-деган эди у пайтлар...»

... Куз адоқлаб қолган, пахтазор шип-шийдам, план эса ҳали ярим белда.

Иккови ариқ ёқалаб боришаётганди. Бир «Газик» чангитиб келиб, уларнинг рўпарасида таққа тўхтади. Колхоз раиси машинадан ирғиб тушди.

— Минг қўйли бойдай керилиб юришини қаранг буларни! — деди у салом-алик ўрнига қўрслик билан. — Тўйдан бурун ногора қоқишга устасанлар-а! Ўлча-ўлчага келганда сурма ичган хўроздай дамнинг чиқмайди биттангням. Мен уч кундан кейин рапорт беришим керак, эшитяпсанми, рапорт! — Раис ҳаммасига — сел туфайли чигит қайта-қайта экилгани-ю, қанча майдондаги гўза саратонда қовжираб қолганигайм, ҳар йил дори сепилавериб, ернинг жонида жон қолмаганигайм ёлғиз шу одам — бригадир Аҳмад мўйлов айбдордек, кузларини чақчайтириб, қўлини унга пахса қилди. — Гўзаяпояни қўшиб топширгандаям планинг тўлмайди-ку, бу туришда, а?

— Борини битта қўймай оляпмиз, раис ака, — деди Аҳмад мўйлов эзилиб. — Лекин...

— Бор-йўғи билан ишим йўқ! Ердан топасанми, осмондами — план керак менга, план!

Аҳмад мўйлов четга қаради. Бошлиқларга гап қайтариш одати йўқ эди унинг. Катталар нима деса «хўп» дерди-ю, кейин ёғочни ўз ичидаги қурт ейди, дегандай, ич этини еб юраверарди.

Раис икковининг тирсагидан олиб, машинадан нарироққа етаклади.

— Гап шу ерда — уччовимизнинг уртамизда қолсин, — деди у паст лекин инкор этиб бўлмайдиган оҳангда. — Индин рапорт берасизлар.

Улар ялт этиб, бараварига раисга қарашди.

— Юракларинг ёрилмасин, — деди раис совуққонлик билан, — пунктдагиларга айтиб қўйганман. Ҳаммаси миҳдай бўлади.

Аҳмад «нима қилдик» дегандай унга — Нишонбойга термилди. Нишонбой кузларини олиб қочди. «Бу гирромлик! Охири вой бўлади», демади. Деёлмади. Дегиси келмади. Дўст була туриб душманнинг йулини тутди. «Менга нима, — деди ичида, — жавобгар сенлар — биринг раис, биринг бригадир. Биз кичкина одам». Эҳ... ўша пайт ўзини четга тортмаганда, дилидагини яширмаганда, иккови оёқ тираб олганда... Уйинг куйгур раис. Қилғилиқни қилди-ю, имонини сотди. Бўйнига олмади. Тондинг-а, номард! Хамирдан қил суғурган-

дай осонгина қутулиб кетаман, деб ўйлагансан-да. Аҳмоқ оёғидан илинар, муғамбир товонидан. Жазангнику тортаяпсан, бир бегуноҳга жабр қилганинг нимаси? Бу дунё ўтар-кетар, юзи қоралар қолар. Менинг икки бетим ҳам қора бўлди олдинда, Аҳмад...

Нишонбой табелчи ўтирган жойида узалиб, хом кўсакни юлиб олди. Мажақлаб эзгилади-да, жаҳл билан отиб юборди. Шилимшиқ бармоқларини нам тупроққа ишқади. Ишқай туриб, хаёлан олисдаги теримчилар орасидан Авазни қидирди. Топди. Юраги бетламайроқ яқинига борди. Суяклари туртиб чиққан ориқ елкаларга, гўза шохлари тилган озгин қўлларга ачиниб қараб қолди. Қандай шўх, олов бола эди-я! Ерга урса осмонга сапчирди. Отаси ҳақидаги миш-мишлар синдирди уни, отасининг тирноқдай гуноҳи тоғ бўлиб босди бола бечорани. У баъзан пайкал ўртасида ҳайкалдай қотиб қолади. Тик оёқда ухлаб қолдими, деб ўйлайсан киши. Сўнг фавқулда уйғониб кетгандек атрофга аланлаганини, аламини ишдан олмоқчидай, теримга зўр берганини курганинга юракларинг эзилиб кетади.

Аваз унга қараб, зўрга илжаяди. Пўрсилдоқ бойлаб ёрилган лаблар оҳиста пичирлайди: «Бир тоннадан оширдим, амаки, ҳадемай икки тонна бўлади. Алдамайсиз-а?»

Нишонбой жим, Нишонбой соқов. Нигоҳини олиб қочади. Қаролмайди жавдираган бу қора кўзларга. Қандай қарасин, қандай? Кап-катта одам чигитдай болани алдаб ўтирган бўлса-ю... Алдамай бўлмасди-да, ахир. Мажбур эди, мажбур. Ростини айтсанг боланинг умидлари ойнадай чил-чил синарди-да. Олдинга келиб, сенгайм ўша саволларни берсин-чи, қани, нима деркансан?

«Кўп пахта сотволганмиди отам?»

«Ҳалиги — унчамас».

«Ростини айтинг, ростини?»

«Ростими, рости... шу икки тоннача... Сен кўпам хафа бўлаверма, ўғлим, Аҳмад журам ҳадемай мўйловини бураб қайтиб келади».

«Ўша икки тоннани териб берсам, отамни қўйворишадими?»

«А?... Лаббай... Қўйворади, нимага қўйвормасакан, қўймаса, ўзим бориб опкеламан. Сен ғайрат қилиб тееравер».

Теради! Курасан, албатта теради бу бола. Саҳарлаб далага чиқадиган, дарс маҳалигача икки-уч этакни тўлдириб, дарсдан кейин кўр шомга довур пайкалдан

чиқмайдиган болага икки тонна нима бупти! Журалариники бир тоннага етгунча, уники бир тоннадан ошди. Яна бир тонна терса... Теради! Роппа-роса икки тонна қилади-да, олдинга келади: «Мана, айтганингиздай бўлди. Отамни олиб келинг энди». Шунда нима дейман, нима дейман-а?..

Қовжираган чаноқлар бармоқларига тикандай қадалади. Баргни тўкиш учун сепилган дори исидан димоғи ачишиб, кўзи ёшланади. Гуза шохлари қўлларини, юзларини мушукдай тимдалайди. Аваз бошини кўтармайди. Орқароқда чўқилаб-чўқилаб пахта тераётган Салим дароз алланималар деб ҳиринглайди, қизлар унга қўшилиб қиқирлашади. Аҳен-аҳенда ўқариқнинг нариги томонидан ҳашарчиларнинг узук-юлуқ хиргойиси қулоққа чалинади. Аваз гўё дунёдан беҳабардай эгатдан бошини кўтармайди. Ўзича қачон отасининг пахтаси икки тонна булишини ҳисоб-китоб қилади. Ўттиз килодан терса ўттиз беш кунда. Агар эллиқдан... йигирма кунда! Ҳозир пахта купириб очилиб ётган пайт. Ҳадемай эгатлар ола-қуроқ булиб қолади. Вақт — шу вақт.

«Белнинг чимиллаб огришини. Ҳадеб огрийверсам, чидолмай ётиб қолади, деб уйлайди-да. Кўрамиз, қани, ким ётиб қоларкан?»

Аваз умганини ҳиёл кўтариб, белини бир оз уқалади-да, энгашиб, яна тераверди. «Биз икки киши учун теришимиз керак, икки киши учун билдинг? Отамни тезроқ опкелишимиз керак. Бўлмаса онам йиглайвериб касал бўп қолади. Салим дарозга ўхшаганлар бизни бўлар-бўлмасга калака қилавермайди кейин. Сени қара-ю, минг огриганинг билан, бирибир этагим тўлмагунча дам йўқ. Яхшиси чида, жўра, ҳеч бўлмаса ҳув анави гўзагача чидаб тур, кейин дам оламин. Жўяга чўзилиб ётаман, мазза қиласан». Аваз ўша — гуж-гуж чаноқларни кўтаролмай эгилиб қолган гўзага етгач, чўккалади, бўйнига сим арқондай ботаётган этак богичларини ечди. Қаддини ростламоқчи бўлганда бели чунонам зирқираб огридики, кўзлари тиниб, гандираклаганча ўтириб қолди. Оёқларини узатиб, жўякка оҳиста чўзилди. Тагида қолган хазонлар шитирлаб эзилди. Бел огриги пасайгач, кўм-кўк осмонга тикилиб, роҳатланиб ётди. Шу пайт қулоғи остида отасининг овози эшитилди.

«Ўғлим, энди катта йигит бўп қолдинг. Қайтиб келгунимча энангни хафа қилиб қўймагин, хўпми?»

Бола хўрсиниб, кузларини юмган эди, яна отаси кўринди: худди биров елкасидан босаётгандай супа лабида гуссага ботиб ўтирибди. Отаси теварагида изилаб айланаётган аёл — онаси.

«Пешонам шунчалар шўрмиди. Энди нима қиламан!»

«Барака топкур, бўлди қил, бўлди...»

«Бўлмайди! Томга чиқиб, қишлоқни бошимга кўтараман. Нимага бўлди қиларканман! Хўш?! Сиз раисга ўхшаб қўша-қўша ҳовли сопсизми, ярақлатиб мошин минибсизми. Уйингизни аҳволига бир қаранг, одам тугул кўрсичқон ҳам турмайди бу чолдеворда. Икки йилдан бери битта огилнинг устини ёполмайсиз, далам-далам, деб. Ёки менга билдирмай кўмиб қўйган тилангиз борми, а?!..»

«Ярамга жуводдиз урмагин, барака топкур. Кўр эканман, қар эканман, учига чиққан аҳмоқ эканман. Нима қилай бу сўқир кўзлар кеч очилган бўлса!»

«Қардирсиз, кўрдирсиз, соқовмасдирсиз ахир! Тилингизга тирсак чиқмагандир? Нимага индамайсиз? Нимадан қўрқасиз? Кимдан қўрқасиз? Шартта-шартта башарасига айтиб, шарманда-ю, шармисор қилиб ташламайсизми ўша каззобни!»

«Раисгаям осон тутма. Унинг бошига тегадиган тош меникидан ўн баробар, юз баробар катта. Одамни ичи ачийди бечорага».

«Бечора бўлмай суюги лаҳадда чирисин илойим! Биров мажбур қиптими уни? Ҳукуматнинг кузи йўқ, уни алдаб, орден тақиб, гуриллаб юравераман, деб ўйлаган-да, уйинг куйгур. Мени йўлдан урган уша қирқпес бўлади, демайсизми сўраганларга».

«Сўраганларга-ку, айтарман-а, лекин, мана бу ерга нима дейман, мана бу ерга!»

Отаси кўкрагига гурс-гурс урди.

«Бунинг сўровидан қочиб қаерга бораман. Пахтафурушлигимни бутун эл билади-ку!»

«Сотволган бўлсангиз, уйингизга опкепсизми. Омбордан олиб, омборга бергансиз-да. Ана, Нишонбой ошнангиз юрибди-ку, ҳеч нима билмагандай тараллабедод қилиб. Доимо ёнингизда эдилар-ку. Энди у киши мусичаю беозор бўп қоптиларми?»

«Мен бўйнимга олдим гуноҳини. Оёғимни қучоқлаб, ётиб йиғлади. Икковимиз ҳам жувонмарг бўлмайлик, деб олти боласини уртага қўйди».

«Сиз сўққабашсиз-да, а?! Оила йўқ сизда. Тўрт

болангиз осмондан тушган. Йўлдан уришга уриб... қирлиб кеткурлар...»

Онаси энгини юзига босганча ҳунграб юборди...

Авазнинг кўз олдини оппоқ ҳалқачалар қолади. Ҳалқалар қуюқлашиб, отаси билан онасини кўмиб юборди. Киприклари орасидан сизиб чиққан ёш чаккасида узун из қолдириб, тупроққа томди.

«Сизлар алдагансизлар! Сизлар!!» Аваз кела солиб ёқасидан оладигандай, Нишонбой табелчи сапчиб туриб кетди. Бошига уवादаси чиқиб кетган сариқ телпак, энгига кулранг пахталик кийган мўйловли киши беш-олти қадамча нарида унга бақрайиб қараб турарди.

— Ё, тавба! Аҳмадмисан?! — Нишонбой табелчи чўчиб ўзини орқага олди. — Аҳмад, журажоним... — тисланиб бориб, ғузапоялар устига ўтириб қолди. — Аҳмад... Аҳмад!..

Атрофда ҳеч ким йўқ эди. Нишонбой табелчи тирсақларига таяниб, қаддини ростлади. «Аҳмад... нега ундай қилдинг, Аҳмад?.. Нега индамай бўйнингга олдинг, йўқ демадинг? Қўрқоқ, хоин деб тупурмайсанми?!. Оёгингга йиқилиб, олти боламни ўртага қўйиб ёлворганимга раҳминг келдими? Менга-я! Мен... мен одамманми ўзи? Одам бўлсам, бўйнингга айб тақашганда тилимни тишлаб, ишқилиб отимни айтиб қўймайсин-да, деб юрагимни ҳовучлаб утирармидим. Аҳмад?.. Мунофиқман, мен, мунофиқ! Қамалиб ётганим, ўлганим яхши эди бу кунимдан, Аҳмад... Эл билади кимлигимни, маховга дуч келгандай жирканади мендан. Бировга ботиниб қаролмайман. Ҳатто шу Авазингни кўзига тик қарашдан қўрқаман, Аҳмад!..»

«Ҳар куни эликдан терсам... Тезроқ икки тонна бўла қолсайди, онамдан суюнчи олардим. Эшитиб, роса қувонарди онажоним. Йигит буп қолган боламдан ўргилайин, отасининг йўқлигини билдирмаётган полвонимдан айланайин... Йиглайверманг ҳадеб, юринг энди, отамни олиб келайлик...»

Иккови башанг кийиниб йўлга тушарди. Отаси қандай кутиб оларкин-а? Куришмаганларигаям, эҳ-ҳе, қанча бўлди.

Боланинг кўз олдида яна отаси, отасининг кулиб турган чеҳраси пайдо бўлди. «Ота, отажоним...» Оёққўли бўшашиб, утириб қолди. Этагидаги пахтага юзини босиб, унсиз ўксиб-ўксиб йиглади...

Эҳ!.. Қани энди шу пайт тергани икки тонна бўла



қолса-ю, отасининг ёнига қушдай учса. Бўйнига осилиб, тикондай соқол босган юзларига юзини суйкаб: «Кетдик, ота, энди ҳечам унақа қилмайлик, ота», — деса.

*«Ота, кетманг, отажон!»*

*«Авазжон, болам!..»*

Аҳмад бригадирни арқонлаб олган шохдор девлар уни гапиргани қўймай қоп-қорранги чангалзорга судраб кетди. Уларнинг орқасидан чопиб бораётган Аваз қоқилиб, бутазорга юзтубан йиқилди.

«Ота!»

Аваз чучиб уйғониб кетди. Ирғиб туриб дераза ёнига борди. Ёмғир ҳануз тинмаган, саргимтир япроқлари жиққа ҳул олча супа пастида мунгайиб турарди. «Икки кундан бери тинмайди-я, — алам билан пичирлади Аваз. — Бир соатгина ёғмай турса нима қиларкин? Ўн кило, бор-йўғи ўн килогина қолувди-я!..»

Аваз шу алпозда бирпас серрайиб турди-да, кейин чаққон кийина бошлади. Шу пайт азондан молхонада куйманиб юрган онаси кириб келди.

— Нима бало, осмон улгурнинг таги тешилиб кетдими дейман! — деди у шалаббо рўмолини еча туриб. — Ҳа, сенга йўл бўлсин? — сўради кейин отланиб турган Аваздан.

Бола дудуқланиб қолди. У шу чоққача режаларини онасидан яшириб келарди. Бор гапни тўсатдан айтиб, ойижонини бир севинтирмоқчи эди. Шунинг учун ҳам ёлгонлади.

— Қосимдан китобимни опкемоқчийдим.

— Нима, китобни туш кўриб чиқдингми? Чой-пойингни ич, ёмғир сал селгисин. Китоб қочиб кетарканми?

— Гизиллаб бориб келаман. Хўп дея қолинг...

Она хўрсинди.

— Майли, фақат тез қайт. Кўчада санқиб юрма. Отангни чопонини ёпиниб ол!

— Фартугим бор-ку.

Она индамади. Аваз пахта терадиган этакни ёпиниб, кўчага чиқди.

Йўллар, ажриқли сўқмоқлар, жўяклар билч-билч лой. Далада қимирлаган жонзот йўқ. Яланғоч ғўзапоялар эртанги изғиринда жунжикаётгандай, ярим юмуқ кўсақларда мўралаб турган оқ толалар иссиқ хонасини тарк этишдан қўрқаётгандай...

Аваз пахтаси муллоқ жойни кузлаб, жуякка кирди. Этиги тупигигача лойга ботиб кетди. Оёғини лойдан зурга сугуриб, ёнидаги эгатга қаради. У ерда ҳам сув куллаб турарди. Авваз ишга киришишга журъат қиломай, гўзапоя учида осилиб қолган момикни бетламай олди. Пахта ҳул, муздай эди. «Ҳул пахта огир бўлади, — узига далда берди у, — ўн кило ҳам гап бўптими!» Шу зайл Аваз теришга тушиб кетди.

Ёмгир бир маромда ёғар, пахтазордан худди пилла қурти ҳадашовурга кирган пайтдагидек шитир-шитир овоз эшитиларди. Ҳаял ўтмай боланинг устбоши жиққа ҳул бўлди. Нам баданига ўтиб, елкалари совқотди, лаблари, бутун вужуди қалтирай бошлади. Бунинг устига этиги ҳам тобора огирлашиб борар, оёғининг ҳар пойига бир пудлик тош боғлагандай зурга-зурга кўтариб босарди. У этигига ёпишган лойини тез-тез гўзапояга артиб, яна ишга зўр берарди. Этагидаги юкнинг салмоғи ҳам секин-секин огирлашиб бораверди. Назарида тергани йигирма килодан ҳам ошиб кетгандек туюлар, лекин чамалаб кўргач, кунгли тўлмай, тўрт томонга алангларди.

Аваз эгат адогига чиққач, этагини ечиб, кулмақда этигини ювди. Сув шу қадар совуқ эдики тиши тақиллаб қолди. Пахтазорга киришга юраги безиллар: гуё қаршисида билқиллаган ботқоқлик турибди-ю, қадам босса ютиб юборадигандай...

Аваз пахтасини ёмгирдан панароққа — дарахт остига тукиб, яна теришга тушди. Аммо, қанча тиришмасин бармоқлари ихтиёрига бўйсунмас, чаноқда осилиб турган пахтани шундоқ олиб, этакка ташлашга ҳам қурби етмай, қалтирарди.

Ёмгир ҳамон қуярди...

Аваз ортиқ чидолмай, пахтазордан чиқди. Туккан пахтасини этакка солиб, сўқмоқда сирпана-тойғона шийпонга қараб жунади.

Катта пайкал этагидаги шийпонда ҳеч ким куринмайди. Шийпонга туташ узун айвон саҳнига тизза бўйи пахта ёйиб ташланган. Қалин чопон кийган уч киши тўрдаги хирмонда ёнбошлаган куйи суҳбатлашмоқда.

— Сабил қолгур, ёмгир одамни буткул эзиб ташладу, — деди Нишонбой табелчи чопонига бурканиб.

— Падарига минг лаънат! — асабийлашди Сувон тракторчи. — Бир ҳафта, ўн кун чидаб бер, менга деса кейин тош ёғмайдими!

Нишонбой табелчи қунишиб эснади:

— Ҳа-а, энди буёғи қийин бўлади, чўзилади.

— Э-э! Сен билан менга қайси-қачон осон бўлувди!

— суҳбатга аралашди ҳалидан буён миқ этмай ўтирган шийпон қоровули. — Ҳар йили кўрган кунимиз шу-да. Баҳорда ана сел босди, мана дул қўйди деб, осмонга қарайвериб кўзинг тешилади, саратонда қулоқма-қулоқ кетмон кўтариб югуравериб товонинг қаваради. Кузни, энди, гапирмасанг ҳам бўлади — оёқни узатиб би-ир дам олайн деганингда аҳвол бу!

— Бу ҳафтагина ёғмай турганида-ку... — Сувон тракторчининг кузи шийпон ёнидан чиқиб келаётган болага тушиб қолди. — Анавини қаранглар! — деди у ҳовлиқиб. — Лойхонадан чиққанми? Кимнинг боласи бу?

— Аҳмад бригадни угли-ку! — деди болани таниган қоровул ҳайратдан қотиб.

Нишонбой табелчи ранги учиб кетди.

— Аваз?! — деди у беихтиёр ўрнидан туриб кетиб.

— Қаёқдан кеп қолдинг?

Аваз улардан уч-тўрт қадам нарида тўхтаб, бурнини тортди. Уст-бошидан чак-чак лойқа сув томарди.

— Шундай ҳавода нима қилиб юрибсан? — овозини баландлатди Нишонбой табелчи. — Елкангдаги нима?

Авазнинг лаблари аранг қимирлади:

— Пах... пахта

— Пахта?... — табелчининг дами ичига тушиб кетди.

— Қаёқдан олдинг пахтани?

Сувон тракторчи тушунмай ёнидагиларга аланглади:

— Пахтани қаёқдан олдинг?

— Тер... тердим.

— Ним-ма?! — Сувон тракторчи ирғиб туриб кетди.

— Сенга қайси ҳайвон шу пайтда пахта тергин, деб айтди, а? Нима, колхознинг куни сен қисталоққа қараб қоптими. Ташла елкангдагини! Ташла деяпман сенга!

Аваз пахтасини Сувон тракторчи тортиб оладигандай бир қадам орқага тисарилиб, Нишонбой табелчига қараб жавдиради.

Нишонбой табелчи гўё сирини олдириб қўядигандек атрофдагиларга олазарак кўз ташлади-да, сўнгра эгилиб, Сувон тракторчининг қулогига шивирлади. Тракторчи ҳам бирдан бушашиб қолди.

— Бечорагина бола-я, э, аттанг, — деди у Авазга эзгин боқиб ва тўсагдан Нишонбой табелчига ўдагайлаб кетди. — Якка миҳдай нега қотиб қолдинг, энагарди боласи! Шунақа деган экансан ўлчаб олмайсанми пахтасини!

— А?.. Ҳозир, ҳозир... — Нишонбой табелчи довдираб болага яқинлашаркан унга нима дейишни ўйлаб баттар эзиларди. Ахир бундан уч кун аввал Аваз «Амаки, ўн килогина қолди» деган эди-да. Нима дейди, нима дейди энди?! Туйқусда Нишонбой табелчининг кўнгилида бир шумлик ниш урди.

— Бунинг ўн кило чиқмайдийёв, — деди у буйинини чўзиб боланинг елкасидаги юкка кўз ташларкан, — камга ўхшайди, камов...

Аваз совқотиб, йўталди:

— Ҳой, ҳукиз! Юкни ол, боладан! — туюқиб бақирди Сувон тракторчи. — Отиб юбор, оёгининг остига от, нимага бақраясан, зангар!

Нишонбой табелчи огир-огир ютинди, лекин боладан юкни олишга қўли бормай, синиқ илжайди:

— Бупти-бупти, кетса биздан кетар, — деди у йиглаётгандай қалтироқ овозда. — Ўн бўлса — ўн-да... Ҳув анов ерга обориб тўқақол...

— Одаммас, мол, бу мол! — Сувон тракторчи учиб келиб боладан этакни юлиб олди-ю, ундаги пахтани жаҳл билан сочиб юборди. — Сен бола, нодон бўлмасанг, одам қуриб кетгандай келиб-келиб шу муттаҳамнинг гапига ишонасанми? Бу игнанинг тешигидан туяни ўтказадиган шайтон-ку!

Аваз илкис хушёр тортди. «Бу қанақаси», дегандай Нишонбой акага савол назари билан тикилди.

— Амаки, шу гап тўғрими? Алдамаганмидингиз, мени?..

— Йўқ-йўқ, — шоша-пиша боланинг сўзини бўлди табелчи. — Ҳали бор, ҳали кам. Яна юз, йўқ-йўқ, икки юз етмайди, икки юз...

Авазнинг тиши такиллашидан, вужуди қалтирашдан тўхтаб қолгандай бўлди.

— Нега бундай дейсиз? Икки тонна, роппа-роса икки тонна бўлди-ку!

Нишонбой табелчи ўзини қаёққа олиб қочарини, кимдан нажот кутарини билмай ёнидагиларга илтижолли термилди.

— Палид! Ифлос! — қўллари мушт бўлиб тугулган Сувон тракторчи худди урмоқчидай табелчига хезлан-

ди. — Отасининг бошига етганларинг каммиди? Бу гўдакнинг гуноҳи нима? Майиб қилмоқчимидинг уни, а?!

Ҳалидан бери ҳамма аламини ичига ютиб келаётган Нишонбой табелчи ҳам портлаб кетди:

— Ҳа, урмоқчимисан, ур, ур манови еримга! — у ёқасини йириб, жундор кўкрагини Сувон тракторчига тутди. — Ур! Нимага қараб турибсан! Ҳа, алдамчидан, ўғри-каззобман! Ёриб ташла кўкрагимни, ичим зардобга тўлиб кетди-ку, ахир! — Сувон тракторчи қўл силтаб тескари ўтирилди-да, нари кетди. Нишонбой табелчи Аваз томон бурилиб, телбаларча ялина бошлади. — Барака топкур Авазжон, сен юзингни бурма, сен ур! Урмайсанми, болам, ур!

— Ёлгончи! — деди кутилмаган ноҳақликдан юракбагри ўртаниб кетган Аваз. — Ҳаммангиз алдамчисиз, алдамчи. Айтаман, ҳаммангизни отамга айтаман! Ота, отажон! — Бола кескин бурилди-ю, изиллаб йиглаганча ёмғир сим-сим ёғаётган кимсасиз дала бўйлаб югуриб кетди...



## ХУРШИД ДЎСТ МУҲАММАД

(1951)

*Хуршид Дўстмуҳаммад 1951 йилда Тошкент шаҳрининг Сағбон даҳасида зиёли оиласида тугилган.*

*Болалигидан адабиётга қизиққан Хуршиднинг мақолалари ва хабарлари «Тошкент ҳақиқати», «Тошкент оқшоми» газеталарида тез-тез чоп этилиб турар эди.*

*У 1968 йили ўрта мактабни тугатиб, шу йили Тошкент Давлат Дорилфунунининг журналистика факультетига ўқишга кирди. 1973 йилда уни тугатиб, «Фан» нашриётига ишга кирди. Ундан кейин эса, «Фан ва турмуш» журналида бўлим мудири, «Ёш куч» журналида бўлим мудири, бош муҳаррир ўринбосари, бош муҳаррир вазифаларида ишлади.*

*Ҳозир «Ҳуррият» газетасининг бош муҳаррири вазифасида ишламоқда.*

*Ўзувчининг биринчи ҳикояси — «Севишга ижозат» 1979 йил «Фан ва турмуш» журналида босилиб чиқди. Шундан сўнг, 1980 йилда «Кио ва қуёш» номли ҳикояси «Гулистон» журналида босилиб чиқди. Шу илк ҳикоялари биланоқ ёш ўзувчи адабий жамоатчилик диққатини ўзига тортди.*

*Ўзувчининг биринчи қиссаси — «Нигоҳ» 1986 йилда «Ёшлик» журналида чоп этилди.*

*Шундан сўнг унинг «Паноҳ», «Суроқ», «Соф ўзбекча қотиллик», «Оромкурси» каби қиссалари турли адабий-бадий тўпламларда босилди. Адибнинг «Ҳовли этагидаги уй» номли ҳикоя ва қиссалардан иборат китоби 1988 йилда босмадан чиққан.*

*Шундан кейин унинг «Жажман» номли китоби чоп этилган.*

*Хуршид Дўстмуҳаммаднинг қисса ва ҳикоялардан ташқари публицистик жанрдаги ижтимоий муаммолар, инсон ва жамият, шахснинг маънавий дунёси, миллий характер ҳақидаги мақолалари республика газета ва журналларида мунтазам босилиб туради.*

Ҳали тонг бўзармай Райим чолнинг уйқуси қочди. У имиллаб-симиллаб кийинди-да, кучага чиқди. Шундай кунларда гафлат босиб ухлаб қолса ёки уйғонса ва дарвозадан чиқишга ҳаялласа, субҳи содиқ сокинлигини бузиб, дарров чақиршади:

— Ошга-а-а!..

Унинг қулогига бу—«сафга-а-а!» дегандек эшитилди.

Райим чол кейинги пайтларда тетапоя боладек атак-чечак юрадиган бўлиб қолди. Атак-чечакдан бошлаган дунё яна шу тарзда яқунланишини ич-ичидан ҳис қилар, кунда-кунора дарвозадан қушалоқ симёғочгача — қушнилар тўпланадиган жойгача бўлган масофани босиб утар экан, узининг ҳар бир қадам товушини диққат билан тинглар, шуурида нимадир ойдинлашаётгандек эди. Баъзан бу масофани умрининг ўлчовига, сафдаги ўрнини эса шу ўлчовга босилган муҳрга ўхшатарди.

Қушнилар тўплангач, Райим чол ёнидагиларга бирма-бир қарайди, кейин йўл бошлайди. Мўсафиднинг пешонасидаги ажиндек иланг-биланг саф чузилиб йўлга тушади.

Уни Райим чол бошқаради. Ота белига мадор бўлсин учун қўлларини орқасига қилиб юради. Яқин-яқингача Райим чолдан сўнг Гулом ота юрарди. У келбатли, яғриндор эди. Оғзидан «Беломор» аримас, папиросни тишлаб олганча онда-сонда гапга қушилмаса, аксари ёнидагилардан аразлагандек жим бораверарди.

Гулом ота умрида кўрпа-тўшак қилиб ётмаган эди. Бир кун бурун қушни кучага тўйга чиқишди. Бирор ерим оғрияпти, деб нолимади ҳам. Аксинча, Райим чол зорланди. «Гулом, — деди, — олис юришга чоғим келмаяпти, мабодо мен чиқолмай қолсам, қўни-қушниларга ўзинг бош бўлиб, бориб келаверинглар». Шунда Гулом ота мийиғида кулди, хиёл ўтгач, тўнғиллади: «Чоғингиз келмай қолганига ҳам ўн йилча бўлди-ёв?» «Ўзим ҳам ҳайронман, Гулом, — деди Райим чол синиқ овозда. — Насибанг қирқилмасин экан...» Қушни кучага муюлишда йўл кескин нишаблашди. «Шунақа жойдан ҳеч юролмайман, — деди Райим чол, — мункиб кетаётгандай бўлавераман». Гулом ота унинг тирсагидан олди, кейин ҳазиллашди: «Орқангизда мен борман — хотирингиз жам бўлсин. Тўнингизнинг баридан тутиб юраман ўзим».

Шу гапни эслаб, Райим чолнинг юраги орзиқиб кетди. Қоронгиликда бир ўзи бораётгандек, ҳозир мункиб йиқиладигандек туюлди. Баридан тутиб юрадиган Гулом ота эса йўқ. Ўша ҳазил-мутойиба аралаш суҳбат бўлган куннинг эртасига... насибаси узулди. Кутилмаган бу айрилиқ Райим чолни қаловлантириб қўйди. Гулом ота сафнинг адолатли тартибини бузиб кетди...

Райим чол қарийб элик йилдан буён эл-юрт қатори ошга чиқади. Эсида, раҳматли отаси рўпарасига ўтказиб: «Ўғлим, энди сен ҳам маҳалла-қўйга аралаш. Мен бир кун соғ бўлсам, икки кун носоғман. Эшигимиздан лаббай деб чиқадиган эркак — сенсан», деган эди. Ўшанда отасининг гапидан ичи тошиб кетгани ҳамон ёдида. Бугун эса, битта-яримта ҳазиллашиб, ҳали ёшсиз, деса, «йўғ-э» деб қўядию ичида севинади, кўнгли кўтарилади.

У дастлаб ошга чиққан кезлари кексаю ёш қўни-қўшни билан саломлашарди-да, уларга эргашар, яъни сафнинг энг охирида қўл қовуштириб бораверарди. Бирон йилгача шундай бўлди. Икки уй наридаги қўшининг ўғли ҳам ошга чиқа бошлади-ю, Райим охиридан иккинчи бўлди. Шунда у бирдан улгайиб қолгандек туюлди. Йиллар ўтди ва унинг ортидан сафланувчилар сони янада кўпайди. Жуда уртада булмаса ҳам ҳар ҳолда, шунга яқинроқ жой энди уники эди. Ўзгалар иззатидан манмансираши гарчи табиатига ёт бўлса-да, баъзан ошга чиқадиган ёшлар кўпаяётганига — одам учун ҳурмат-эҳтиром ҳам зарур экан, деган хаёлга борибми — ўзига йўл бўшатадиганлар сероблашаётганига ич-ичидан мамнун бўлиб қўярди.

Райим тўй-маъракаларга аралаша бошлаган кунлар Ориф бобо бандаликни бажо келтирди. Қаторни бошқариш Маҳкам бувага қолди. У узоқ яшади, чамаси, юзни қоралади, саф узайса узайдики, қисқармади. Бирдан Маҳкам бува, кейин Ҳусан тоға омонатларини топширишди. Ўшанда катталар, «Ҳусан тоғани Маҳкам бува тортиб кетди», дейишган эди. Сўнг, ҳа-я, отасидан илгари Раззоқ бобо — у ёғоч оёғини дуқиллатиб юрар эди — кейин Миржалил боғбон — тўй-маъракаларда унга кенжа ўғли ош едирар, чунки урушда ҳар иккала қўлидан ажралган эди... Ваҳоб чолдан кейин сафни «етақлаш» унинг отасига қолди. Энди эса... Райим чол орқасида гурунглашиб келаётган қўшнилари хаёлан бир-бир кўз олдидан ўтказди. Да-



роз, ўрта буй, пакана... Савлатли, суханбоз, кўрим-сиз... Бири-бирига ўхшамайди... Саф учун бунинг фарқи йўқ. Насл-насаби, топармон-тутармонлигидан қатъий назар, улар ҳаётнинг энг одил таомилига бўйсуннади — ҳар ким ёшига кўра ўз ўрнини олади. Бу «ўрин» муттасил илгари силжийди — орқадан ўртага, ўртадан олдинга, сўнгра... саф тарк этилади. Чекинишга йўл йўқ, ҳеч ким, ҳеч қандай куч бу тахлит силжишни на секинлаштира ва на ортта қайтара олади!..

Райим чол сафнинг охирини ҳаётнинг бошланишига, қаторнинг бошини умрнинг интиҳосига, бинобарин, сафни ҳаётнинг ўзига қиёслайди.

Райимнинг «манзили» сафнинг ўрталарига силжиб қолган кезлар ҳаёлига галати бир фикр келди. Разм солса, афтидан, бир-бирига сертакаллуф кўринган айрим қўшнилари орасида зимдан адоват ҳам бор, сафда ёшига қарамай икки-уч, жилла кўра бир кишидан аввал туришга — сафнинг олдинроғида бўлишга интилувчилар йўқ эмас экан. Ундайлар гоҳ паришонхотирлик қилиб, гоҳ кўра-била туриб ўзидан кўра ёши улутроқлар олдига тушиб кетаверади. Тўйхона ҳам, азахона ҳам гавжум жой — таниш-нотаниш, дўст-душман бор. Шуларнинг кўз ўнгида саф охирида судралиб келиш ундай кимсалар учун уят, таҳқир.

Сафланишнинг ёзилмаган таомилини писанд қилмай, Райимни ортта қолдириб кетганлар ҳам бўлди. Лекин у на чурқ этиб оғиз очди, на гаши келганини сездирди. Шунга қарамай на одамгарчиликдан, на обр-уиззатдан айрилди. Эсиз, «Райим ака» бўлган даврлари утди кетди. Энди у — Райим чол. Сафимизнинг файзисиз, деб уни ошга чиқмаганга қўйишмайди. Гулом ота эса сафни ўпириб кетди. Ҳосил бўлган «хандақ»нинг нариги тарафи мустаҳкам — ёшлар, бу томонида эса Райим чол — ёлғиз. Шу палла Райим чолнинг ҳаёлига бир ўй келди: лоақал бир мавсум сафнинг охирида юрса эди!.. «Кўнглинг яна нималарни тусамайди, Райимбой?» — деди ўзига-ўзи. — Кучанинг арзанда қарияси бўлсанг, иззатингни жойига қўйиб юрган қўни-қўшнилари сени орқада қолдиришармиди?..»

Райим чолнинг ҳаёллари чалкашди: бўлар-бўлмаста зорланиб, хасталигидан нолиганида Гулом отанинг беозоргина жеркиб ташлаганини эслади: «Э-э, қанақа одамсиз, Райим ака! Дунёга келдингизми, мириқиб

яшайверинг! Тирикчиликдан қочманг. Паймонамиз тулиб, қани, сафар халтангни кутар, деб келиб қолса, олдига тушиб жўнайвераимиз-да. Шуюм бош қотирадиган нарса бўлди-ю...»

Гулом отанинг тап тортмай ҳазиллашганидан Райим чол қаттиқ музтар бўлса-да, сир бой бермади. «Менга қара, — деди у, — кўчамизнинг азалий удуми бор. Шу вақтгача ҳам аввал келган — аввал, кейин келган кейин кетган дунёдан. Ҳозир ҳаммангдан кексарогинг — ўзим. Уқдингми? Мабодо, олдига солиб кетадиган келса, менга рўпара қил. Янаям қарироғимиз бор, дегин...»

Йўқ, Гулом ота ундай қилмади... Мана, қуни-қушнилари, қариндош-уруғлар, яқин-йироқлар Гулом отаникига кўнгил сўрагани келишяпти.

— Мен бир оз хизматда бўлай, — Райим чол қушниларига шундай деб дарвоза ёнидаги уриндиқлардан бирига чўқди. Турнақатор тизилиб бирин-сирин келаётган саф-саф одамлар Гулом отанинг ҳовлисига кириб чиқаверишди. «Тўйхонага, азахонага, ошхонаю ишхонага кириб-чиқишда — унтами-иккитами одам тўпланган жойда улуғлар — аввал, ёшлар — кейин юради. Одамгарчиликнинг таомили — шу. Лекин...» Райим чол ҳассасига иягини тирагинича утаётган сафнинг олди, ўртаси ва охирини кузатар, турфа хил ёшдаги одамларни муқояса қилар, улар орасида ёши улўроқларни босиб ўтиб, олдинроқдан жой олишга интилаётганлар ҳам борлигини сезиб, мийигида ҳоргин жилмайиб қўяр эди.

## ҒАФҒОР ҲОТАМОВ

(1953)

*Ғаффорқул Бозорович Ҳотамов 1953 йилда Бухоро вилояти Навоий туманида туғилди.*

*1974 йилда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтини тугатди.*

*Иш фаолиятини мусаҳҳиҳ (корректор)ликдан бошлади. Аввал болалар газетасида, сўнг Ғафур Гулом номли адабиёт ва санъат нашриётида мусаҳҳиҳлик қилди. «Тошкент оқшоми», «Совет Ўзбекистони» газеталарида мухбир сифатида ишлаб журналист ва прозаик ўлароқ танила борди. Кўп йиллар «Ёшлик» журналинда бош муҳаррир уринбосари, қисқа вақт «Туркистон» газетасида бош муҳаррир бўлиб ишлади.*

*Ғаффорқул Ҳотамов қатор қисса ва ҳикоялари билан танилган ёзувчидир. Унинг «Почтальон бола» (1976) ҳикоялар тўплами, «Қайтиш» (1981), «Қудуқ тепасидаги ой» каби қиссалари босилиб чиққан.*

*Ҳозир Ўзбекистон Республикаси Президенти дево-ни Ахборот марказида хизмат қилмоқда.*

## М.О.М.О

Қишнинг охираб бораётган чоғлари эди. Кундузи ҳаво илийди-ю, кечга яқин кутилмаганда қутуриб шамол туради. Хас-хашакка қушиб учириб юборгудай... Шундай бўлса ҳам, ҳар қалай эртага ҳаво очилиб, кун исиб кетар. Кампирга шундай бўлиши шартдай туюларди. Унинг эзилган, гаш кунгли бир ойдинликни — қуёшнинг наҳорги бегубор шуъаларига кумилган тиниқ, оппоқ бир ойдинликни тусарди.

Ташқарида эса шамол изилларди, чанг аралаш барг, майда тош заррачаларини келтириб деразага урарди. Энди тинса ҳам бўларди. Қулоқлар битиб кетди-ку... Кампир ўз дунёси, ўзига яраша гам-ташвиши, уй-хаёллари билан банд. Чироқ уйни гира-шира ёритиб турибди. Чеварасининг тепасида жимгина букчайиб ўтирган кампирнинг қўллари қалтирарди. Нурсиз кўзлари қизарган.

Чевараси қурқинчли туш кўрди шекилли, «мо-мо»лаб йиглади. Кампир уни қайта ётқизди. Тавба, мамосисиз туролмайдди. Момоси ёнидалигини билди-ю, яна кузларини юмиб, пишиллаганча уйқуга кетди. Момосининг ҳасратлари билан унинг қанчалик иши бор. Бола-да. Кампирнинг уни деб шу ёт жойларда юрганини билармикан? Уша ҳовлисида ота-бобосининг, марҳум эрининг чироғини ёқиб, жигарбанди Отақулини кутиб утирса бўлмасмиди?

Тушунар, бугун бўлмаса, бошқа бир кун тушунарку...

Эски ҳовлиси қишлоқнинг бир чеккасида, этагида эди. Кампир бу жойларни яхши хотирлайди. Баланд супанинг пасти боғ, у билан туташ ўтпояга турли мевали дарахтлар экилганди. Томорқанинг адоғида пастаккина молхона, том ўрнида хас-хашак, гўзапоя ёпилган бостирма... Бу гўша ва унда кечган ҳаётидаги яхши-ёмон воқеалар кампирнинг хотирасига қаттиқ ўрнашиб қолган. Эҳтимол, иморатни тиклашда ҳам, чорбоғ қилишда ҳам меҳнати синганидандир? Ҳали мажолсиз, куч-қувватини йиғолмаган бўлса ҳам гўдагини қайнана-сига қолдириб, сувоқ қилаётган эрига кумаклашарди...

— Ов-в, қуйсанг-чи, ахир уриниб қоласан-а...

У жимгина жилмаяр, миннатдор эри, эса ишини ҳам қуйиб, дағал, лойли қўллари билан унинг билагидан тутиб ўзига қаратар, бағрига босарди.

— Майли, — дерди шунда эри ҳаяжондан бўғилиб, — бу ташвишлар ўтар-кетар. Шандай бахтли яшаймизки, ҳали!..

Лекин энди билса, унинг ҳаётидаги энг бахтли чоғлар уша кезлар бўлган экан!

Уй битди. Дағал, нотекис супа юрила-юрила девордек силлиқланиб, офтобда оппоқ оқариб кетди. Уша кезлар эрининг ўзгариб қолганлари ҳам, худди бегона эркақдай ўз уйига сигмай, ғалати бўлиб юрганлари ҳам эсида унинг. Даладаги қиз-жувонлар: «Нима бало, эринг тушмагур Ойсулуга ошиқ бўлиб қолганми, а? Уша ёқларга айланишгани айланишган», дея ҳазил аралаш тегишиб гапирганларида унга қанчалар оғир ботганлигини улар қаёқдан билишсин! Шунда бирдан маъюсланиб қолар эди у. Эрининг билакларидан уфуриб турган номаълум аёл вужудининг ёқимли бўйи ҳам, ҳасратли ойдин тун ҳам бир умр унинг ёдида қолди.

Шу кеча у алламаҳалгача ухлаёлмай, тўлганиб ётди.

«Мироблик ҳам қийин эканда, шўрлик ҳозир Қалқон-ариқнинг бошидамикан? Қаерлардан овора бўлиб юрган экан?» деб ўзига тасалли берса-да, бўлмади. Изтироблар уни телба қилиб қуйганди. Отилиб ҳовлига чиқди. У Нурота даштидаги жангларда ҳалок бўлган қизил аскар Ботиралининг беваси — Ойсулувнинг ҳовлисига — қишлоқнинг этагига томон чошиб борар эди. Шунда бирдан салқин шамол сочларини тўзғитиб юборди. «Ҳой, бу нима қилганинг, эс-ҳушингни йиғиб олгин, ахир сен аёлсан, онасан-ку!» дегандай, юз-кўзларини силаб-сийпаб ўтди. У чайқалиб ётган ям-яшил майсаларни босганча туриб қолди, сўнг тўсатдан ўзини гурс этказиб ерга ташлади. Номус ва аламдан эзилиб-эзилиб йиғлади. Ойдин тун эди. Қаердадир булбул мастона сайради...

Бўзараётган тонг қуйнида у, кўпкарида ютқазган чавандозга ўхшаб келаётган отлични кўрди. Отлиқ тобора яқинлашлар, тонг бўзариб борарди. У, гуноҳкор кишидай бошини қуйи солиб келаётган эрини унсизгина қаршилади.

Келгуси йилнинг баҳорида эса изтиробли дамлар бошланди. Қишлоқда ҳар хил нохуш миш-мишлар тарқалиб қолганди:

— Вой, буни қаранг-а, анави шўрлик Ойсулувнинг бўйида бор эмиш! Бояқиш шунинг учун ҳам эл бўломай юрган экан-да!..

— Шунга ачинаман-да! Гулдай умрини хазон қилди. Бу дунёнинг роҳатини ҳам кўрмай... Анави бўлса, қилгилликни қилиб, энди қорасини ҳам кўрсатмаётгандир. Номард...

Ўша кеча у чўчиб уйғониб кетди. Қуёш булутларга кўмилган аёзли кун эртаси эди. Кимдир узоқда бўғилиб-бўғилиб йиғларди. Қараса эри йўқ. Тўшаги совуб қолган. Туриб кетганига анча бўлган чоғи. Қаерга кетди экан-а? Эрининг сўнгги пайтларда авзойи бузилиб юрганини сезганди. Шу яқин атрофда булбул дилини поралаб бўзларди.

Кейин билса, уни ўша тонг дунёга келган чақалоқнинг «инга-а»си уйғотган экан. Кейин билса, бўзлаётган булбул, бир парча этга жон багишлай туриб... оламдан кўз юмган Ойсулуви билан мангуга видолашаётган экан.

Унинг назарида, булутли осмон нолага кўмилиб кетгандай бўлди. Бу — эрининг товуши эди. Эл худди селдай тошиб шу ёққа оқиб келар эди. У ҳам унсизги-

на йиглар: Ойсулунинг ўлими уни ҳаётдан кўнглини совитган эди, ўшанда.

Мархуманинг етгисини ўтказаетганларида қишлоқ оқсоқоларидан бирининг: «Э-э, шўрлик бола! Шу одам булармикан? Ойсулув ёруғ дунёдан изсиз йўқолиб кетмасмикан?» дегани-ю, ўзининг жадал ўрнидан тургани эсида. Гарчи, кейинчалик ҳам аввалигидай эрини хушламай яшаган бўлса-да, ўшанда Ойсулунинг чақалогини кўтариб, бағрига босганча эшикка чиқди. Уйга ҳам етиб келди. Отақулнинг буш ётган бешигига чақалоқни беллади ҳамки, куч-қуввати соб бўлгандай, бушашиб, кигизнинг устига ўтириб қолди. Кўнгли тўлиб, хўнграб йиглаб юборди. У ноҳақ таҳқирлангани учун, уни улгайтиришга мажбур эканлиги учун ҳам кўюниб йигларди. Тўзғиб, кўз олдини тўсиб ётган сочлари оқариб кетганди. Ана шундай қилиб, узун қиш кечалари Отақулини ҳам, эрини ҳам унутиб, бешик тепасида тонг оттирадиган кўнлар бошланди. Ўша кўнлар эди-да, овқат қилаётиб, қозонга сув қўйиш ўрнига, челақдаги керосинни ағдариб юборгани...

Энди билса, қизалогининг илк марта говгалтак сўраб туриб, қиқирлаб кулгани ва «тап» этиб йиқилиб тушгани, чопиб бориб уни даст кўтариб, бағрига босгани, биринчи марта Қизмани «зна-а», деганида вужуди жимираб, бир хил бўлиб кетганлари дилида сўнмас из қолдирган экан.

Бола иссиққина тушақда пишилаганча ухлаб ётар, кўрпага оёқ учидаги бозиллаган сандалдан чўғ тафти уриб турарди. Кампир кўрпани қайтариб, унинг юзини очиб қўйди. Ҳа, бир пайтлар Отақули ҳам пинжида шундай ширингина ухларди. Қизман... Қизман эса болалигида ҳам инжиқ эди. Айниқса, ҳов бирда касал бўлиб нақ юрагини ёраёзган. Ун тўрт-ўн беш ёшларда эди ўшанда... Уруш бошланган чоғлар. «Элнинг бошига тушган мусибат-да, ишқилиб, боши тошдан бўлсин», деб эридан хат келмаса ташвишланар, яна: «Ўша гап-сўзлардан сўнг ўзи бир ҳолатда бўлиб қолди, шўрлик. Хат ёзиб, шуларни эслашни, кўнглига озор беришни истамас-да», дея ўзига тасалли берарди. Хат келса яна қайгута ботарди. Аламини ишдан олмоқчидек, тонг бўзармасдан кетмонини олиб далага отланар, ер чопар, қош қорайганда ҳориб-чарчаб қайтарди. Отақули ёш бўлса ҳам ишбоши, урушга кетган отасининг ўрнига бригадир бўлиб қолган эди.

Гул экан-да, содда экан-да, ўглининг ўзгариб, хо-

муш тортиб юрганларини сезса ҳам, «катталардан гап эшитгандир-да», деб сабабини суриштирмаган экан-да. Эй, ушанда гуссаси каммиди унинг... Қизман тушмагур «ана ўламан, мана ўламан», деб иситмаси чиқиб ётганди. Қизининг ёнидан бир қадам жилмасдан, нима қиларини билмай, куйиб-пишиб, гоҳ унинг бошини босиб, гоҳ пешанасига ҳул латта қуйиб:

— Болагинам, кўзингни оч, нима бўлди сенга, жоним қизим, — деб бўзлаб ётганида:

— Энажон, мен фронтга кетяпман, — деб ўгли ҳаллослаб кириб келган эди.

— Энди нима қиламан?! — деб зорлангани, кўзларидан дув-дув ёш қуйилгани ушанда эди-да. Отақули купни кўрган кишилардек, Қизманнинг пешанасидан силаб ўпганча: «Хайр энди жигарим! Ишқилиб согайиб, энамнинг суянчиги, қаноти бўлгин!» деб эшикка чиқса, у ҳам эргашиб чиқаверибди.

Ўшанда ўглини катта йулгача ҳам кузатмаган экан-да! Унинг кўзёшини, титраб-қақшашини кўриб ўгли: «Энажон! Ахир мен урушга кетяпман-ку, ўлимга кетяпти дейсизми, энди кўролмай доғда қоламан, деб куясизми? Ҳали насиб бўлса уруш тугар, ишлармиз, янги уйни битказармиз, эна! Нега йиглайсиз?» деса, кўнглида боягина сулаёзган орзу-ҳаваслари гунча очиб ишониб қолаверибди. Эй, болам, уртоқларингнинг отонаси, қариндош-уруғи военкоматга бориб, хайр-хушлашганда сен шўрлик руҳинг ўқсиб, кўнглинг яримта булиб кетгандирсан.

Кампир унутмабди: ана, ўгли орқасига қайрилмасдан жадал кетиб боряпти, лекин нимагадир сира узоқлаша олмайди. Кампир ундан келиб турган тер ҳидини гўё туяди, ўглининг бошида уша ола дўппи, эгнида оқ сурп кўйлак. Отасининг шимини кийиб олган, этиги ҳам уша-уша.

Кампирнинг буришиб кетган юзларидан ёш думалади. У тасавури бузилишидан чўчиб, чурқ этмас, киприк қоқмай ўглини кузатарди: қанийди унга етолса, бағрига босса. Ўгли бўлса унга қайирилиб ҳам қарамайди. Бир марта, эҳ, у бир марта ўтирилиб қараса бўлмасмикан, бир марта... Кампирнинг назарида у ҳали ҳам ёшгина эди...

Ўшанда ҳув этакда Отақулининг Мазлума билан жимгина бош эгишиб, алланималарни гаплашиб турганини кўриб: «Ўлгур уруш бўлмаганда ўтилгинамининг тўйини қилиб, келинимнинг ҳузурини кўриб

юрармидим. Янги уйни битказиб олармидик», деган хаёлга бориб, «Ой бориб омон келгин, болам. Бошинг тошдан бўлсин. Ота-бобомизнинг руҳи қўлласин. Ёвни енгиб, ёруг юз билан қайтинглар-да!» деганча уйга югурмаган эдим. «Э-э худойим, ишқилиб шу норасиданинг дардига даво бергин! Бағримни ҳувиллатиб, дунёда мени ёлғиз қўйма! — дея ёниб-куйиб, жигарбанди билан ҳам тузукроқ хайр-хушлашолмай қолаверибди.

Ҳа-я, ўз болангни урсанг ҳам, сўксанг ҳам билинмас экан, бироқ... У Қизманни ўз боласидай суйса ҳам Отақулига қилган муомаласини қилмас, бинобарин, ўзи сезмаган ҳолда унга жуда мулойим эди. Бирдан-бир суйанчиги ҳам шу эди-да; эридан ҳам хат келмай қўйди. Яхшиям Отақулидан хат узилмай келиб турарди. Уларни ўқир экан, кўз олдида ўғли жонланиб уни дадиллантираётгандай бўларди. Отақулининг хатларини асраб қўярди. Худди кечагидек кампирнинг эсида. Яхшиям ўша йили баҳор эрта келди. Бўлмаса аҳволлари не кечарди? Қизман — касалманд. Қотган нон ҳам анқонинг уруги. Кампир саҳар ўрнидан туриб, бултурги хирмон ўринларида қолган-қутган сомонларни йигиб совурар, ернинг қақраб ёрилган жойларини титкилаб бирон ҳовуч бугдой йигса, толқон қилиб уни ҳам Қизманга едирарди. Ўзи бўлса, силласи қуриб... э-э, у кунларнинг нимасини айтасан? Душманингни ҳам бошига тушмасин. Яна бригадада звено бошлиги эмасмиди? Суғорилган ерлар етилиб, кечани кеча, кундузни кундуз демай, меҳнат талаб қиладиган чоғлар. Этагини липпасига қистириб, эридан қолган катта кетмонни ҳаллослаб урар экан, эл-юрт учун жон куйдираётганини эсласа, гурурланиб, қувониб қўярди. Катта йигинда эшитгани — райком вакилининг гапи кўнглидан кечарди: «Биродарлар! — деган эди вакил. — Пўрсиллаб ётган бепоён далаларга, сурмаранг уфққа қадалган яйдоқ дашту қорли тоғларга, бу кенг осмонга боқиб, кўзинг тўярмиди, меҳринг қонармиди!.. Сенинг эр ўғлонларинг фронтда, улар жангу жадалларда душман бошига қиргин солмоқда. Аёллару кексаларимиз, ёш-яланғаримиз тер тўкиб, тинмай меҳнат қилиб, Ватанга пахта, дон етиштириб беряпти! Ҳаммамизни қувонтирган фронтдаги зўр бурилишда бизларнинг улушимиз озмунчамми!.. Уруш-да бу! Урушда туриш йўқ, дейдилар. Шуни билиб, фронтда жон олиб, жон бераётган жондош-қондошларимиз учун ҳам янада қат-



тиқроқ ишласак, янада мулроқ ҳосил кутарган булар эдик! Биродарлар!...»

«Ақлли йигит экан», деб ўйлаганди — у. Эҳтимол у шу кунга қадар тирикчилик, кийим-бош, умуман, бир кунини кечириш ниятида қимирлаймиз, деб ўйлаб юргандир. Ҳарқалай, энди у меҳнат қилишидан, ишлаганда ҳам жон куйдириб ишлашидан завқланар эди. Тонгда чигит қадалаётган ёвонга қадам босар экан, кўз унгида ажиб бир гузаллик билан ястаниб ётган она-Ерга боқиб, унинг илиқ тафтини, намхуш бўйини туйганча дили яйраб кетар, уни қучиб олгиси келарди. Эҳ-ҳе, нимасини айтасан! Сени кафтида тутган ҳам шу, ризқи-рўзинг ҳам шу, бир кун ажалинг етгудай бўлса, бағрига оладиган ҳам шу — она-Ер эканлигини ўйласанг, уни қучоқлаб ўпгинг, унга сизингнинг келар экан!

Ёзга чиқиб, Қизман соғайиб, унинг қанотига киргани — ўша йил эди чоғи. Ҳув, Отақуллар ўзлаштирамиз, деб ҳайдашган ерга элни бошлаб бориб бугдой экканлари. Ахир, дон деб кўкламда қанча қийналмаганди у. Йўқ, ёмон бўлмади. Эҳ-ҳэ, қандай ҳосил кутаришди! Ўшанда эмасми, «Купам бошни қотираверма! Ҳосил бизники, очдан улишни истамаймиз!» деганлар билан тортишиб, кўпчилик бўлиб донни «Фронтга», дея станцияга топширганлари. Ё тавба! Бу станция деган жойда бунча одам кўп бўлмаса? Ҳали оёқсиз, ҳали қўлсиз аскарларни учратиб кўнглинг бузилиб, юрагинг увушиб кетади-я.

Шу йил охирида янги бригада ташкил этилиб, уни бригадирликка тайинлашди-ю, Отақулидан хат узилди. Ичини ит тирнаб, минг хаёлга бормаганмиди? Яхши ҳам эл-юрт, овул-ҳамсоя бор экан. Бировлари: «Фалончи келибди, пистончи келибди, ўглингни курибди. Юрган эмиш», деб кўнглини кутарса, бировлари: «Э, қўшни, хат ёзмаганига шунча куюнасизми. Балки фурсат тополмас, уруш-да, бу...» деб тасалли берар эдилар. Йўқса, ўзини ўзи еб қўярмиди?! Қизмани бўлса: «Қуйинг, эна, ўксинманг! Акам соғдир, омондир. Эрта бир кун «лоп» этиб эшиқдан кириб келар. Кеча яхши бир туш кўрдим, эна. Тушимда акам Гўрўғлидай учқур Гиротга миниб, қилич билан аждарҳоларни чопиб юрган эмиш!» дерди. Нима бўлса ҳам инсон инсонга суюнчиқ экан-да. Бўлмаса, Отақули хат ёзмасдан туролмаслигини у билмас эдими? Биларди. Ўксиган дилга юпанч, бир тасалли экан-да, сўнмаган умид экан-да...

Шундай қилиб, яна юксак тоғлар ортидан ўқ-дори ва қон, куйган ер ҳидини уфуриб ҳазин баҳор шамоли эса бошлади. Даштга экилган гўзалар ҳам гуркираб униб чиққан уша баҳор, унинг узоқ йилларга чузилган ҳаётида машаққатли мавсумларни бошлаб берди...

Кампир туриб утирди. Юзларидан сирғалиб тушаётган кўз ёшларида чироқ шуъласи акс этади. У ҳозир умрининг энг огир қайғу-аламга ботган дамларини хотирлар, хаёллар гирдобига тушиб қолган: ана, ҳув чанг-тўзон ичида адашиб, уйдим-чуқурлардан чиқолмай, ярадору уликлар орасида «Энажо-он!!» деганча талпиниб, бўзлаётган ёлғизи, кўзларининг қораси, жигарбанди Отақул!

Кампир биров кўрмасин, дегандек, кўз ёшини қули билан сидириб ташлади. Мунгайиб утирган куйи эшикка узоқ тикилиб қолди. Кўзларида милт этиб бир ўт чақнади-ю, сўнди. Назарида, ҳозир ота-бола олдинма-кейин эшикдан кириб келаётгандай бўлди. Лекин қани энди улар кела қолишса! Ёлғизлик ҳасратидан юраги эзилиб, қон бўлиб кетди-ку, ахир. «Суйганинг Мазлума боши боғлоқлигича қолди-я, болам». У бир пайтлар: «Элга тўй берсам, неварамни кўтариб катта қилсам, келинимнинг ҳузурини кўрсам», дея ният қилар эди. Эсиз, бу ҳам унинг қалбида ушалмас армон бўлиб қолди. Йўқ, йўқ, тўй кўрди. Э-э, унинг тўй кунги ташвишлари-эй!

Совчилар уникага бўзчининг мокисидай қатнаб юришганда қутлуг галабанинг фароғатли нафаси гупириб турган чоғлар эди. «Қизманим ҳам пешанамга сигмаган экан-да, ишқилиб бахти очилсин-да. Усмондан бошқа бирон эс-ҳушли, феъли атвори дурустроқ йигит одам қўя қолсайди!..» деган тилак билан юрган эди. Бир куни Қизман эркаланиб, юзлари ял-ял ёниб:

— Энажон, бир гап айтсам, уксимайсизми? — деб қолди.

— Айт-чи, қизим, нима гап экан?

Шунда Қизман, «Эна!..» деди-ю, энтикиб бошини куйи эгди: — Эна... бугун!.. Э, эна, ўзингиз биласиз-ку!.. — У хижолат бўлганидан не қиларини билмай рўмолининг учини оғзига солди.

«Зорим бору, зўрим йўқ, болам! Усмонинг қанақа одам экан? Ишқилиб, янгилишиб, алданиб қолмасанг эди!», деб ичида кўп хаёлларга борди. «Турқи совуқроқда шунингни», деб уйлаб, ўша ойдин кечани, эрининг билакларига урнашиб қолган ўша исни эслаб,

бир хил булиб ётади. Ушанда: «Қуйгин ушани, қизим. Усмон куп бетамиз куринади. Ҳам ўзингни, ҳам мени куйдирма», деб кўнгилидаги гапни айтса булмасмиди? Гулдай қизи ерда қолармиди, тенги топилмасмиди? «Ҳа, ёшларга тўсиқ булмайин, деди-да. Эрта бир кун: Ҳа, эна мени суйганимга бермадингиз, мана энди армон билан ўтяпман дунёдан!» деб юзимга солмасин, деди-да.

Тўй-ку, элнинг тўйга айланиб кетди-я! Э-э, унинг тўй куни қалбига чўккан ташвишлари-эй! Қизмани унинг бағрини ҳувиллатиб ташлаб кетди. Олдин тез-тез келиб турди, сўнг-сўнг қадами узилди. «Усмон акам уни қил, деган эдилар. Усмон акам...»

Яхшиям одамлар, иш бор экан. Гоҳ пунктга чопар, гоҳ идорага югурар, хуллас, ҳориб-чарчаб, сочлари тўзгиб алламаҳалда уйга қайтарди. Кийимлари кир-чир булиб кетган. Дугонаси Рўзигул сигирларни соғиб, рўзгорига қарашмаганда бригадирликни эплармиди? Шу йиллар қаттиққул эканми, тонг бўзармай уйма-уй юриб, одамларни ишга чиқарган ҳам, раис билан жан-жаллашиб, Дашт ерни ҳайдатиб дон, сўнгра пахта эктирган ҳам шу эди-да. Отақулнинг ишини давом эттирмоқчи бўлган эканми. Ўша ерлар ҳозир яшнаб ётибди. Гулдай қишлоқ, бог-токзор... Кампир шуларни эслаб, кулиб қўйди.

Салқин куз кунларининг бири эди. Ишдан қайтиб тўшакка ҳоргин чўзилди, узала тушиб ётганича кузи илиниб ухлаб қолибди. Туш кўрди: эри ўлган эмиш. Ўгли отасининг жасадини чанг-тўзонда даст кўтарганча бўзлаб юрган эмишми-ей... У сесканиб уйғониб кетди. Қўрқинчли тушдан чучиб, атрофга аланглади. Тун бўйи мижжа қоқмаган эди ушанда. Даҳшатли тушини унутиш, васвасаларни чалғитиш учун даладаги чала ишлар, ўглидан айрилиб қолган дугонаси, Қизмани ҳақида уйларди. «Э-э Қизман, шундай чоғим, эна, акам эрта бир келиб қолар. Ахир қаранг шундай бўлаётганлари озмунчами? Қайгурманг, энажон, деган бир огиз тасаллингга зорман-да, болам!» Яна бояги туш хаёлига келди. Отасининг жасадини кўтарганча эшиқдан ўгли кириб келаётгандай эди!..

Беш йилдирки, ота-бола дом-дараксиз. У кеча далада «қорахат келганларнинг ҳам баъзилари тирик эмиш, хизмат қилган қисмига йўқлаб хат ёзса, топса булармиш», деган гап эшитди. «Бундан чиқди, улар адашиб, туғилган юртини тополмасдан юрган экан-да»,

дея кўнглидан кечирди кампир. Ҳар қалай у, эри бўл-маса-да ўглининг тириклигига ҳамisha ишонар эди. Отақули урушга кетаётганда ҳам шундай туюлган, гўё ҳув тепанинг орқасига ўтади-ю, қайтади. Бироқ уларнинг қайтиши шу қадар чўзилиб кетдики...

Тун яримдан ошганда кампир эшикни ҳовлиқиб очди-да, чопонини ёпиниб йўлга тушди. Хаёлида улар алақаёқларда атайлаб хат кутиб тургандай эди. У ҳозироқ бориб Қизманга айтади, хат ёздиради...

— Эй, қизиг экансиз-ку! Тирик бўлса, келарди-да. — Гапга аралашди бир четда тумтайиб ўтирган куёви. — Эриз... — У «асфаласофилингга кетган» дегандай беярашиқ имо қилди.

Қизман бир турлик булиб кетди. Кампирнинг мултираб турган кўзлари намланди. У Қизманнинг қистовига, кеч булиб қолганига ҳам қарамасдан йўлга тушди.

У шу хаёллар билан беихтиёр Мазлумаларнинг ҳовлиси этадиган ўтадиган ёлғиз оёқ йўлга бурилди. Йўлнинг бир учи кампирнинг ҳовлисига туташ эди. Уйга боришга юраги бетламади. Ким биландир ҳасратлашгиси, дардини ёргиси келар эди. Қани энди Мазлуманинг онаси уни куриб, чақирса, иккаласи тонг отгунча ҳасратлашса. Бевафо дунёда бу, у эшитди, Мазлумаси угиллик булибди.

Кампирнинг ичи упирилиб тушгандай бўлди: қулла-ри қалтираб, алақандай куч вужудини тарк этиб кетаётганини, тинка-мадори қуриб бораётганини ҳис қилди. Ким билсин, Отақул келганда, Мазлуманинг шу ўгли, эхтимол, унинг набираси булармиди?..

Шу йили анча букчайиб, куч қувватини йўқотиб қўйди. Бригадирликни ҳам топширди.

Эсласа, ажабланади. Ўшанда қандай қилиб катта бригадани жонлантириб юрган экан-а? У пайтлар гайратли, ишбилармон экан-да, э, бурунги аёллар! Бу замонанинг эркаклари ҳам улар билан баҳслашолмас! Э, у ҳозир буни эмас, ўглини, эрини хотирлаётган эди.

Бола ширингина пишиллаб, чап қўлини кўкрагига қўйиб, ўнг қўлини чўзганча текис нафас олиб ухларди. Бир маҳал алланимадан ажаблангандай пешанаси тиршиди-ю, инграна-инграна йиғлай бошлади.

— Ҳа, болам, нима бўлди? Қўрқдингми?

Кампир уни ўнглаб ётқизган бўлди. Боласи тушмагур хаёлларини чалкаштириб юборди. У боладан кўзини узмас эди. Нафаси бўғилдимикан? Ўзи тикиб бер-

ган яктак-қўйлакчасининг ёқасидаги богичини бушатди. Ташқари оқимтир тусда, қуюн ҳам босилган эди. Бир пайтлар энанг ҳам шундай пишиллабгина ухларди.

Қаёқдан ҳам шу куни у қаттиқ оғриб қолди. Кечга томон бир оз енгил тортди. Бир маҳал эшиқдан қиз уртоғи Рүзигул кириб келди.

— Ҳа, нима бўлди? Касал бўлдингми, дугона. Биз Дашт Ерни шипшийдом қилдик. Пахтаси қолмади ҳисоби. Эртага ўтпоя терилар экан. Ҳа, айтгандай. Бу куёвинг, нима бало. Бригадир бўлганидан буён юзта қоғозга қўл қўйдирди-ёв, бугун сен учун ҳам мен қўл қўйдим. Бир суриштир қани, нима бало экан у қоғозлар?..

Улар у ёқ-бу ёқдан суҳбатлашиб утиришди. Дугонаси кетгач, ҳарчанд чироқнинг пилигини кўтарсада, зимистондай уй ёришмаётгандай бўлиб, юраги сиқилди. Ҳовлига чиқди. Кунчиқардан зулматдай бир қоронгилик босиб келаётган чоғ эди. Оёғи тортмаса ҳам куёвиникига йўл олди. Невараси турилгандаям бормовди. Келиб, атайлаб айтиб кетишган эди. У бўлса куёвининг бир оғиз аҳмоқона гапи учун ҳалиям аразлаб юрибди. Эшитган қулоққа яхши эмас.

У шу уй-хаёллар билан Қизманларнинг ҳовлисига етиб борганини билмай қолди. Дарвоза ўрнига қўйилган чангалли тўсиқни бир четга суриб, ҳовлига кирди. Уй олдидаги супадан ўтаётиб, куёвнинг: «Ҳе-е онангни... сени! Тур, йўқол!» дея ўшқирганини эшитди-ю, сесканиб туриб қолди. Деразага юзланди. Парда ортидан Усмоннинг қаҳрли, асабий товуши эшитилди: «мен пахта сотиб олиб планимни тўлгазаманми, ё бировнинг пахтасини ўғирлаб, планимни тўлгазаманми — сенинг ишинг бўлмасин! Тушундингми! Вой, қанжиг-э, аёлмисан, ўтир-да уйда. Сандирингни пулга тўлгазиб қўйган бўлсам, нима десанг, олиб берган бўлсам...», «Керак эмас менга бировнинг пулиям, нарчасиям! Эрта бир кун...» — бу Қизманнинг эътирозли товуши эди. «Керак эмасми, керак эмасми?! Мана бўлмаса! Мана бўлмаса!» — жоҳилона қийқириқ, тепки товуши, инграш, нолали йиғи, чақалоқнинг чинқириги босиб кетди.

Дили қон бўлган кампир баттар эзилиб ортига — ҳувиллаб ётган кимсасиз уйига қайтди. У тузатиб бўлмас хатога йўл қўйганлигини биларди. Энди кеч эди. У шуларни ўйлаб, қандай тонг отганини ҳам, эшиқдан

қизининг қандай кириб келганлигини ҳам сезмай қолди. Қизманнинг «энажо-он», деганини эшитди-ю, дард, алам тула бу изтиробли товущдан юраги ситилиб кетгандай бўлди. Энди нима ҳам қила олар эди у? Қулидан нима ҳам келарди?

Шундай қилиб қулида чақалоғи — Хатичаси билан Қизман яна энасининг бағрига келди. Эна бундан ҳам қувониб, ҳам қаттиқ қайгурган бўлса-да, кўнглидагини қизига билдирмади. Дилига огир ботмасин, деди.

Орадан кўп ўтмай, эшиқдан бало-қазодай Усмон кириб келди. Ўшанда маъюсланиб юрган Қизманнинг хиёл чиройи очилганини кўриб, алдаб-сулдаб уни куёвиге эргаштириб жунатди. Хатичани эса, қолдиришди.

Орадан берин-кетин йиллар ўтди. Хатича ҳам улгайиб, «мактабдан келаётганимда адамла отига миндириб келдила», деб мақтаниб юрган кезлар эди. Бирдан эл орасида ваҳимали гап-сўзлар ёйилди: «Қизил тонг» колхози кўпдан буён пахта сотиб олиб планни бажарар экан! Ҳозир комиссия кепти-ю...»

Ана шу кўнларнинг бирида қўққисдан Қизман келиб: «Эна, эна! Биз сизникига кўчиб келмоқчимиз», деб қолди. «Ҳа, нега, болам?» «Куёвингиз шундай қилсак, деяпти...»

Кампирнинг суриштирганига қизи ранжигандай бўлди. Унинг сиеқига бундай қараса, Қизман ҳам бегона — бошқа бир хотинга айланиб қолгандай; кулишлари, қилиқлари, таҳликали қарашлари эриникига ўхшаб кетаётгандай бўлиб кўринди.

Қизманлар кўчиб ҳам келишди. Ўша кўнлар куёвининг қайгадир зир югурганлари, оёғи куйган товукдай типирчилаб қолганлари кампирнинг эсида. Кейин, хўжаликнинг кўпчилик ходимлари қамалаб кетди.

Кампир эса фақат дундиққина неварасини тортиб олишларидан ташвишланарди. «Мол-мулк керакми сизларга, болаларим? — дерди у гоҳ қизи-ю, куёвиге хаёлан мурожаат қилиб. — Ана сигир, ана қўй, олинлар. Энди мен буларни бошимга урармидим? Бир замонлар эди: «Ўғлим келар, отаси келар, бир яхши кунимга яраб қолар», дея асраб, боқиб юрганым. Пул керакми? Ана сандиқда. Титраб-қақшаб, келинимга қалинлик деб, ўғлим ҳовли-жой қилса яраб қолар, деб йиққанларим. Олаверинглар. Ахир сизлардан бошқа кимим бор менинг. Фақат...»

... Лекин одамлар ўз билганларидан қолармиди. Куёви билан қизи ҳам унинг орзу-ҳаваслари, ўтинчла-

ри билан ҳисоблашиб ўтиришмади. Хатича мактабни тугатди-да, ўқишга кетди. Ғалати ўсди у. Жоҳил ота ҳам уни суярди. Майиб бўлиб қолган Қизман ҳам, унга суянсам, Ёлғиз мени яхши курса деб, ҳадеганда уни эркалаверарди. Тантиқ бўлиб кетди, қизи тушмагур. Жуда ҳам эрка ўсди. Бироқ кампир ҳали-ҳали уша ёқимтой қизчани қўмсайди.

Хатичанинг турмушга чиққанини кампир-ку, кампир, ота-онаси ҳам эшитмай қолишди. Кейин билишди... У ҳам худди Қизмандек боласини энасига ташлаб кетди, Қизман болага қарашга, бола тарбиялашга нўноқ эди. Ўзи қанақа хотин булди бу?

Мана шу бир парча эт ҳам кампирнинг қўлида инсон боласига айланди. Бола сўргичларини тамшаниб сурарди. Кампир унга сут бериб, бир бало қилиб одам қилди-да. Кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган жойлар, аллақандай девсифат боболар ҳақида қанча-қанча эртақлар эшитди у. Бола у дунёю бу дунё шуларни эсидан чиқармас. Момоси уни даштга етаклаб чиқиб, чучмома териб берганларини, чиройли уйларни томоша қилдирганию йиғлаганларини унутмас.

Мана, бола ҳам эсини таниб қолди, олтини тўлдириб етти ёшга қадам қўйди. Кампир чеварасига боғланиб қолганини ўшанда билган эди: янги уйга кўчишгаётган эди куёвлари. Қизманларнинг ҳовлиси эл юртники қатори Дашт Ерда эмас, этакда — шаҳарнинг ёнида эди. Кўчларини ташиб бўлишди. Ҳувиллаган шипшийдам ҳовли, чевараю кампир қолди. Ҳатто кампирни кўнгли учун юринг, дейишмади. Майлига, овунчоги — чевараси ёнида-ку! У шунга ҳам рози, шунга ҳам хурсанд. Амакиси номига хат битиб, уни йўқлайдиган ҳам энди шу-да! Қолаверса, ўлиб-нетиб қолганда йиглаб-бўзлайдиган ҳам шу-да! Ёлғиз умиди шундан.

...Кетаётган эди-я. Бир маҳал қайтиб келиб болани сургаласа бўладими, Қизман. Нима эмиш, болани бу бийдай саҳрода қолдирманг, деган эмиш.

Бола бечоранинг икки кўзи кетида, «момо»лаганича йиғлар, Қизман уни овутолмай, юпатомай сурглаб боради.

— Ойи-и, ой-йи-и, тўх-та-а. Қўй-в-о-р-р! Момомга бораман!

Шунда Қизман мажоли қолмагандай таққа тўхтаб, кампирга юзланганча мўлтайиб қолмаганмиди.

— Момо, момо-о, бу — мен! — дея йиғлаган-ча

орқасига қарамай қочиб келаётган чевараси томонга қучоқ очиб чопган эмасмиди у.

— Ҳой, югурма болам, эҳтиёт бўл, йиқиласан! — Чевараси бўлса йиқилиб тушди, ирғиб ўрнидан турди-ю, қўлларини унга чўзганча яна чопди.

Чеварасини кўтариб бағрига босувди, бағри илигандай бўлди! Бола хавотирланиб ортига қараганди, унинг ёшли кўзларида узоқлашиб бораётган Қизманнинг акси кўринди.

Йўқ, оқибат куёви раҳм қилди чоғи, уни ҳам янги уйга кўчириб кетди. Кампир келишга келди-ю, энди билса, қўзичоғидан айрилиб қолишдан қўрқиб, ҳовлисини ташлаб, келган экан-да. Шу гўдакнинг меҳри тортган экан-да. Бўлмаса... унинг келинчаклик даври ҳам, умрининг аччиқ, ширин дамлари ҳам ўш жойларда ўтган эди. Эрини ҳам, ўғлини ҳам ўша ҳовлидан фронтган узатган эди. Мана шу болани ҳам, унинг энасини, Қизманни ҳам шу уйда улғайтирди, одам қилди. У ерлардан ажралиб бўламиди?

Умуман куёви сўнгги пайтларда юртга бош қўшиб, элга эл булиб бораётганди. Ким билсин, кексайиб эсҳушини йигиб олаётгандир.

Ҳар қалай шулардан бошқа унинг кими бор?

Эсини танибдики, тонг бўзармай, уйқуси қочади.

Сигирларни соғиб, сутни пиширадиган ҳам, чой, ширчой ҳозирлаб, кейин бориб Қизманни уйғотадиган ҳам шу — кампир. Қизманлар чой-пойни ичишгунча у мункиллаб, ҳавоси бузилган, тер ҳидидан бижғиган хонани шамоллатиб, тушакларни йиғиштиради. Уйларни, ҳовлини супуриб-сидиради. Тирикчиликда, ишқилиб, шуларнинг гарданига ортиқча юк бўлмасам, дейди.

...Кеча эса тун алламаҳал бўлганда, Қизман келиб, кампирни уйғотиб, ош қилиш лозимлигини айтди. Кейин билса, Хатичанинг эри келган экан. Улар олис шаҳарда туришар эди. Кампир бу гапни шу ерда эшитди. У чой кутариб ичкарига кирар экан, юзлари ялтираб турган қиррабурун, ингичка мўйловли куёв Қизманга шундай дерди:

— Шундоқ энди, ойи. Эртага болани олиб кетсак, дегандик.

«Болани олиб кетсак?!»

Кампирнинг кўз олди қоронгилашиб, қалтираётган мадорсиз қўлларидан чойнак тушиб кетди. Энди келиб-келиб шу соясига қараб қадам босадиган олифтага



берадими елгизини? Ахир у шу болани деб қадрдон ҳовлисидан кечди-ку. Энди шугинасидан ҳам айиришмоқчими? Йу-у-у-қ! Олиб бутпти. Мана қузичоги, бағрида пишиллаганча ухлаб ётибди...

Кампир шу кеча бутунлай қартайиб, чўкиб қолди. У ҳаммасига энди тушунди: болани бир соат ҳам тутиб туролмайди. Унинг ихтиёри ота-онасида. Қолаверса, бувиси, бобоси бор экан. Лекин нима қилсин? Усиз бирон дақиқа ҳам яшай олмайди-ку! Усиз куни ўтмас! Боладан айиргунча, ўлдириб қўя қолишсин уни. Агар болани олиб кетишса, у ҳам кетади. Қаёққа?..

Чироқнинг қизгиш шугъласи уйни гира-шира ёритиб турарди. Кампир ўз хаёллари оламида ивирсиб юрар, шу кеча унинг юзи бутунлай қорайиб кетгандек эди.

У чоли ўлиб кетганига энди ишонарди. Яқинда эшитиб қолди. Газетада ёзишибди: аллақерларда бўлган жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлган экан. Лекин гап бунда эмас. Кампир энди пушаймон: нега араз қилиб вақтида хайр-хўшлашмади-а? Энди алам қилар эди. Юрагида армон бўлиб қолди — бу. Чолидан айрилган экан энди ишқилиб шу тойчоғидан ҳам айирилмасинда. Ахир чевараси бўлмаса, ким Отақулини йўқлайди? Қайтса, ким унинг йўлларига чопқилаб. «Амакижон, амаки, менга нима олиб келдингиз?» деб чиқади. Ким?

Қоронгилик пардаси кўтарилиб, чироқнинг ёруғи сезилмай қолди. Тонг бўзарди. Мунча қийин бўлмаса бу тонгнинг отиши? Хув, галаба тонгини ҳам улар шундай, фақат қувонч ва ҳаяжон билан қаршилаган эди.

Шу тобда кампирнинг бирданига қартайиб қолганлигини, кекса қалби япроқдай титраётганини бола билармикин? Бу ҳаётни жони- дилидан севган дунёдаги жамики энг яхши кишиларнинг кўпчилиги ҳали дунёда борлигини, амакиси ва бобогинаси каби баъзилар эса шу ёруғ дунёдан ном-нишонсиз йўқ бўлиб кетганлигини, мана шу қутлуғ Момо Ернинг юзида шунақа воқеалар ҳам бўлиб ўтганлигини у англармикан? Англар!

Энг муҳими, ҳаётни англаб, тушуниб, билиб, унинг мураккаб кўчаларида адашиб қолмасмикин? Усмон бобосига ўхшаганларнинг қалблари тубида ётган мудҳиш ниятларини илғай олармикан?..

...Бола кунчиқар томонга ёнбошлаганча ётар эди. Қуёшнинг қизгиш нурлари унинг тоза ва ёқимтой юзларига тушди, кўзларини очгандай бўлди. Ана, хас-хашакларни кўмиб, оппоқ қор ёғибди.

# НОРМУРОД НОРҚОБУЛОВ

(1954)

*Нормурод Норқобулов 1954 йилда Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманида туғилган. 1971-1973 йиллари Армия сафида хизмат қилди. 1976 йил ТошДУнинг журналистика факультетига кириб, уни 1982 йилда тугалади. Ҳозир Ўзбекистон телевидениесининг Адабий-драматик курсатувлар Бош дирекциясида муҳаррир вазифасида ишлаб келмоқда.*

## КАМАЛАК

— Аҳ-ҳа, яна қочмоқчимисан?!

Баланд тахта девор тирқишидан ташқарига мўра-лаб турган қоракўз, ширингина болакай бехос бир сапчиб тушди-да, кўзларини пирпиратиб, овоз келган томонга қаради. Урик тагида боғча опа қошларини чимириб турарди.

— Қочиб ҳам кўр-чи, — деди у пўписа қилиб, — нақ қулогингни... бор ўртоқларингнинг ёнига!

Болакай тумшайганча ҳовлида чувилаб ўйнаб юрган болалар ёнига борди. Жажжигина қизалоқ қўлидаги қўғирчоғини ундан қизганиб орқасига яширди. Болакай унга эътибор ҳам бермади, оёғи остида ётган пачоқ машинани қўлига олиб, ўша билан овора бўлди. Аммо бу эрмак ҳам тезда жонига тегиб, яна ҳовлида ивирсиб кетди.

Болакай учун боғча ниҳоятда зерикарли эди. Бу ерга қатнай бошлаганига мана бир ҳафтадан ошса ҳам, кўникиб кета олмас, ҳамон бувиси билан ўтказган ширин дамларини қўмсарди. Бувиси билан бўлганда сира-сира зерикмасди.

Қўрадаги қашқа улоқча унинг энг яқин дўсти эди. Бувиси эрталаб чойини ичириб бўлиб, одатдагидек ишқом тагидаги сўрига чиқиб, тикиш-бичиши билан овора бўларди. У эса пилдираб қўрага ўтарди-да, бир бурчақда тинчгина кавш қайтариб ётган улоқчага тега-жоқлик қила бошларди. Аввал сўроққа турарди:

— Онанг қани?

Улоқча, гүе унинг гапини англагандек, ингичка ва ёқимли овозда «ма-а» деб қўяди. Болакай буни ўзича тушунади, афсусланган бўлади:

— Ие-е, яйловга кетиб қолдимиз?

Улоқча зорлангансимон яна «ма-а»лайди.

— Йиглама, — дейди болакай бувисига тақлид қилиб жиддий. — Кап-катта йигит, уят бўлади.

Улоқчани сидаб-сийпашга тушади. Бу улоқчага ҳуш ёқиб, унинг қўлини, юзини ҳидлайди. Болакай унинг бошини пайпаслаб, шох бўртиқларини топади.

— Ҳў-ҳў, шохинг чиқибди-ку! — дейди ҳайратли оҳангда. Сўнгра ўз бошини пайпаслайди. — Менда йўқ. Менда ҳам бўлади. Ушанда мана бунақа қилиб сузишамиз. Ма-а, ма-а...

У манглайини улоқчанинг бошига тақаб, сузган бўлади. Улоқча ўзини олиб қочади. Бироқ болакай уни ҳоли-жонига қўймайди, у зорланиб «ма-а»лашга тушади.

Ҳовлидан бувисининг овози эшитилади:

— Нурбек, улоқчани қийнама, қорақўз!

У улоқчадан чинакам аразлайди.

— Йиглоқи, — дейди лабларини чўччайтириб. — Йўқол. Энди сен билан ўйнамайман, ҳа, билиб қўй!

Болакай қўрадан чиқиб, ҳовли саҳнида чий-чийлашиб юрган оқ, сариқ жужаларни кузатади. Улардан бирини қўлига олиб ўйнашни истаса-да, ҳурпайганча «қурқ-қурқ»лаб юрган она товўқдан чўчийди. У ҳовлидан сим тўр билан ажратилган боғ томон юради.

Боғ болакай учун шунчаки боғ эмас, ажойиботлар олами. Боғда уни ҳайратга солувчи нарсалар тўлиб-тошиб ётибди. Мана, кечаги гўнча бугун шапалоқдай бўлиб очилибди. Пушти ранг. У онаси каби гулни бандидан авайлаб тутиб, ҳидлаб кўрмоқчи бўлади. Аммо гулга аллақачон эга чиққан, гулкосада гимирлаб турган ари чўчиб ҳавога кўтарилади. Бувисидан, ари гулнинг шарбатини ичади, деб эшитган эмасми, гулнинг шарбати қанақа бўларкин, деган қизиқишда гулни синчиклаб кўздан кечиради ва бирдан ҳафсаласи пир бўлади: «Фу-у, ҳаммасини ичиб қўйибди-ку?!» Сўнг иккинчи бир гулни кўрмоқчи бўлиб, сал нари юради-ю, бутунлай бошқа бир нарсага алаҳсийди: боғдаги дарахтларнинг танаси оппоқ бўялган, гўе оқ шимча кийган. У ҳовлиққанча қичқириб юборди:

— Буви, буви дейман! Буларни ким анақа қип қўйди?

— А? Нима дейсан, қўзим? — сўрайди буви бошини кўтариб. Болакай симтўр ортидан туриб, дарахтларга ишора қилади.

— Буларни ким анақа қип қўйди?

— Онанг, — дейди буви бепарво.

— Нимага?

— Қўрт-қумурсқа ўрмаламасин деб.

— Ўрмаласа нима бўлади?

— Ёмон бўлади.

Болакай бу гапни бувисидан кўп эшитган. Бирор ноҳўя қилиқ қилса, бувиси доим: «Унақа қилма, болам, ёмон бўлади» дерди. Болакайнинг назарида бу гап замирида даҳшатли бир нарса бордай эди. Аммо бу гал ҳайрон бўлди. Негаки, қуни-кеча чумоли уясига чўп тикиб ўйнамоқчи бўлганида бувиси худди шу гапни айтиб, чумолиларни безавол, бегуноҳ эканлигини таърифлаб, алланималар деган эди. Бугун эса...

— Буви, нега ёмон бўлади? — деб сўрайди у.

— Нима?

— Қумурсқа ўрмаласа нима бўлади?

Буви сезадик, энди бир гап билан қутулиб бўлмайди. Шунинг учун мосроқ жавоб топишга ҳаракат қилади.

— Қумурсқа ўрмаласами?.. — дейди у хаёл суриб.

— Тани қичишиб, мева бермай қўяди.

Болакай гўё чумолилар ўз баданида ўрмалаётгандек бир сесканиб қўяди. Катта олма тагига бориб, даҳшатли манзарани кўради: оҳақ қуюқ чапланганига қарамай, олма танасида чумолилар бемалол ўрмалаб юради. У отқулоқ япроғи билан чумолиларни сидириб ташламоқчи бўлади. Бироқ, негадир қўли бормайди. Бир зум гарангсиб туриб қолади.

Худди шу пайт увишган белини уқалай-уқалай бувиси боққа ўтади. Ариқ лабидаги ўтлардан бир қучоқ юлиб, унга тутқзади.

— Ма, улоқчангга бер!

Болакай қучоғидаги ўтни улоқчанинг олдига ташлайди-да, қизиқсиниб, унинг ўт ейишини кузатади. Улоқча қўрт-қўрт ўт чайнайди. Туриб-туриб унинг ҳам ўт егиси келиб қолади. Майсалардан бирини оғзига солиб чайнайди-да, афти бужмайиб, туфуриб ташлайди. Енги билан лаб-лунжини артиб, боққа ўтади. Ўрик тагида боғлиқ турган итга кузи тушади. У билан чопиб-чопиб ўйнашни истайди. Итнинг ёнига боради.

Аммо арқон тугунини ечишга кучи етмайди. Бувисига келиб ялинади.

— Буви, итимни бўшатиб юборинг.

— Қилиги ёмон-да, болам, — дейди буви. — Жужаларни қўймайди.

— Тегмайди. Менга ваъда берди, — дейди болакай ишонч билан.

Буви кулади.

— Ҳали гаплашиб ҳам олдингми?

— Ҳа!

— Ҳай, отанг ишдан қайтсин, — дейди буви. — Мениям кучим етмас.

Болакай бу гапга ишонади. Бувисининг ёнига чуқиб, утоққа уннайди. Бироқ, сабзи билан ёввойи ўтни фарқ қилмай, бир бошдан юла бошлагач, бувиси ҳайдаб солади. У боққа кириб кетади...

Бувиси тўсатдан оламдан ўтди-ю, болакайнинг қувноқ, қизиқ олами ағдар-тўнтар бўлди. Эрта кетиб, кеч қайтадиган ота-онаси уни қишлоқ четидаги янги тушган богчага топширдилар. У богчада биринчи кунданок зерика бошлади. Эртаси богчага бормайман, деб тўполок қилди. Тўртинчи куни эса... Албатта, у кетишни хаёлига келтирмаганди, ҳаммаси кутилмаганда юз берди.

Уша куни тушдан сўнг ҳовлида айланиб юриб, девор тирқишидан ташқарига — нотаниш оламга кўзи тушиб қолди: сал наридан кўм-кўк сой оқиб ўтарди. Икки чети ям-яшил чимзор. Тўғрида ёғоч кўприк, кўприк пастада баданлари офтобда қорая бошлаган болалар чўмилашарди. Ўн уч-ун тўрт ёшлар чамаси, озгин, новча бир бола эса сувга қармоқ ташлаб ўтирарди. Сойдан нарёғи қирга бориб тақалган кенг дала, ҳар ер-ҳар ерда сурув ёйилган...

Болакай ҳали бирон марта қишлоқдан нари чиқмаганди. Меҳрибон бувиси бағридан бир қарич ҳам узоқлаштирмас эди. У нотаниш ва сирли оламга маҳлиё бўлиб, девор тагидан ўтган ариқ ўзанидан эмаклар ташқарига чиқиб қолганини сезмади. Атрофга аланлаганча қармоқ ташлаб турган боланинг ёнига борди. Сирланган, кичкина челақда билтанглашаётган балиқларга назари тушди. Ҳаяжонланиб:

— Вуй-й! — деб қичқариб юборди.

Бола бармоғини лабига босди.

— Тис-с, балиқларни чўчитасан!

Болакай унга эътибор ҳам бермади.

— Менга биттасини беринг? — деди челақдан күз олмай.

Бола қизиқсиниб, уни бошдан-оёқ күздан кечирди.

— Нима қиласан? — деб сўради.

— Уйнайман.

— Уйнайман? — бола кулди. — Нима, балиқ сенга уйинчоқми?

— Бера қолинг, — деди болакай. — Жуда уйнагим келаяпти-да.

Шу аснода сокин оқим юзидаги пўкак қимирлаб қолди. Бола шошиб қармоқни тортган эди, бармоқдек келадиган балиқча қуёш нурида ялтиллаб чим устига бориб тушди. Типирчилай бошлади. Бола уни қармоқдан бушатиб, челақка ташлади.

— Ҷшанисини берақолинг, — ялинди болакай.

— Э, бунча елим булмасанг. Бор боғчангга!

— Қизганчиқ, — деди болакай аразлаб.

Аммо бола унинг қовоқ-тушмурига парво ҳам қилмади, бутун диққат-эйтибори пўкақда эди.

Болакай бирпас тумшайиб турди-да, сунг сал нарида ётган туг новдасини олиб, учини сувга тикди.

— Нима қиляпсан? — сўради бола ажабланиб.

Болакай аразлаган эмасми, жавоб бермади.

— Балиқни шундай тутарканми? — Бола самимий кулди. — Қармоқсиз... Бери кел. — У қулидагини болакайга берди. — Маҳкам ушла.

Болакай жон-жон деб қармоқни олди-да, тилини чиқариб, сув юзидаги пўкақка тикилиб қолди. Ҷзини улғайгандек ҳис этди. Болага миннатдор қараб қўйди.

Бир пайт пўкак тез-тез қимирлади. Болакай нима қиларини билмай шошиб қолди.

— Торт! Тортсанг-чи! — бақирди қармоқнинг эгаси.

Болакай баттар доврираб қолди. Бола чўлга ошигич қўл чўзгандагина, у қармоқни тортди. Бироқ кечиккан, балиқ чувалчангни еб кетганди.

— Сендай балиқчидан ўргилдим, — тўнғиллади бола қарамоққа янги чувалчанг ила туриб. — Тайёр нарсани қочириб ўтирибсан-а.

Болакай гуноҳ иш қилиб қўйгандай, елкасини қисиб, мунгайиб қолди. Бола мингирлай-мингирлай ҳовуридан тушди. Челақдан битта балиқ олиб, унга узатди.

— Ма, уйнай қол. Ҷўна энди!

Болакай балиқни олди. Ундан күз узмай, бир-бир босиб, чўмилаётган болалар томон юрди. Кафтида ти-

пирчилаб турган балиқ болалар ёнига етгунча бутунлай тинчиб қолди. У ҳайрон бўлиб турганида, ёнига аввал бир, сўнг бошқа болалар ёспирилиб келишди.

— Балиқми?

— Бунча кичкина?

— Э, ўлиб қошти-ку!

— Рустам қизганчиқ бердими? Зур-ку!

— Сувга ташла, тирилаб кетади.

— Тирилмайди.

— Тирилади.

— Қани-қани, бир кўрай-чи.

Болакай чувур-чувур ичида гангиб, ўзини йўқотиб қўйди. Балиқ қўлма-қўл ўтиб, кимдир уни сойга улоқтирди. Болалар бир зумда ундан узоқлашдилар.

У эса «балиқча тирилди!» деганча яна чопқиллаб кетди.

Ўша кун и бошдан-оёқ тупроққа беланиб оқшомда уйга кириб борди. Онаси кўзига дунё тор бўлиб утирган экан, ўпиб-кучди, йиғлаб, сиқтади, кейин тергай бошлади. Аммо у бошини қуйи солганча миқ этмай тураверди. Бугунги кун таассуротларидан ҳали ўзига келмаган эди. Кейин қорни тўйғач, балиқчи бола, сувда тирилиб кетган балиқча ҳақида гапириб бермоқчи бўлди-ю, лекин чарчоқ енгиб, бир-икки тушунарсиз гап гапирди-да, тошдай қотиб, ухлаб қолди...

Болакай ҳовлида ивирсиб юрганида, кўк юзини булут қоплаб, ёмғир томчилай бошлади. Болалар чувиллашганча пешайвонга қочиб кирдилар.

— Тавба, олди ёз... ёмғири нимаси, — деди ошпаз хола қайнаб турган қозоннинг устини ёпатуриб.

— Қаранг, қирга роса ёғаяпти, — қир томонга ишора қилди жонсарак боғча опа.

— Ҳозир ўтиб кетади, — гапга қўшилди иккинчиси. Ҳақиқатан ҳам кунчиқардан босиб келган қоп-қора булут кучини қирга сарф этди-ю, бу ёғига чоғи келмай, чок-чокидан сўрилиб кетди. Офтоб чарақлаб, ўт-ўлан ва тупроқ ҳиди анқий бошлади.

Ошпаз хола овқатнинг тузини кўриб, чой дамлаб келди. Хотинлар чойга ўтириб, гапга тушиб кетдилар.

Болакай яна бувисини эслади. Хўрсиниб, ҳовлига тушди.

У хотинларнинг гап билан оворалигидан фойдаланиб, девор тагидан эмаклаб, ташқарига чиқди. Соё бўйида ҳеч ким кўринмасди. Лекин бунинг унга аҳамияти йўқ эди. У атрофга аланлаганча кўприк сари

юрди. Теварақда ҳаёт қайнайди: кеча тип-тиниқ оққан сой, бугун бутана бўлиб пишқиради. Сал нарида ёйилиб юрган сурувда икки қўчқор қарс-қурс сузишарди. Кўкда, паға-паға булутларга тегай-тегай деб калхат сузиб юрибди. Оппоқ ферма биноси томон кимдир от қўйиб келади. Дала йўлида уч бола велосипедда ким ўзарга уйнайди. Улар йўлда кетаётган чолнинг эшагини ҳуркитиб юборишди, чол халачўпини силкиб қолди...

Болақай теварақ-атрофга маҳлиё бўлиб турганди, ўткинчи булут юзини тўсган қуёш яна чирой очди. У бирдан анқайиб қолди ва бир нафасдан сўнг энтикиб шивирлади: «Э, у нимайди?!»

Қирлар устида қизил, кўк, пушти ва зангори ранглари жимирлаб камалак товланиб турарди!

Болақай камалакнинг бу қадар ранг-баранглигидан ақли шошиб қолди. У беихтиёр камалак сари чопқиллаб кетди. Аммо шу пайт...

— Нурбек!..

У ялт этиб ортига ўтирилди. Девор ёқалаб жонсарақ боғча опаси югуриб келарди.

— Нурбекжон, қайт орқангга!

Болақай боғча опаси ва камалак ўртасида жовдираганча туриб қолди...

Оҳ, қанийди, шу боғча опаси бувижонига айлана қолса, уни камалак сари етакласа...



## ХАЙРИДДИН СУЛТОНОВ

(1956)

Ҳозирги давр ўзбек насри тараққиётида истеъдодли ёзувчи Хайриддин Султоновнинг муносиб урни бор. У 1956 йил 18 январда Тошкент вилояти Қибрай тумани, Тузел қишлоғида оддий меҳнаткаш оилада дунёга келган. 1963-1973 йилларда Паркент қишлоғидаги 42-урта мактабда ўқиб, уни муваффақиятли тугатади. 1973-1978 йилларда эса Тошкент Давлат дорилфунунининг журналистика факультетида таҳсил олади. Унинг меҳнат фаолияти асосан 80-йиллардан бошланган бўлиб, аввал «Гулистон», «Ёшлик» каби ойномаларда, Ғ. Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида фаолият кўрсатади. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида масъул лавозимда.

Хайриддин Султоновнинг ижоди 70-йилларнинг иккинчи ярмидан бошланган бўлиб, ҳикоя, қиссалари рўзнома ва ойномаларда кетма-кет босилди. Адибнинг «Қуёш барчага баробар» (1980), «Бир оқшом эртаги» (1983), «Онамнинг юрти» (1987), «Умр эса ўтмоқда» (1988), «Бобурнинг тушлари» (1992) каби китоблари кенг ўқувчилар оммасига таниш. Шунингдек, у «Чангак», «Мозийдан бир саҳифа» каби видеофильмлар ҳамда «Тушларимда кўриб йиғлайман» каби бадиий фильмларнинг сценарий муаллифи ҳамдир.

Хайриддин Султонов фақат истеъдодли адибгина эмас, балки моҳир таржимон ҳамдир. Жумладан, А. Сент-Экзюпери, Ю. Нагибин, С. Алексеев, В. Шукшин каби адибларнинг асарлари Хайриддин Султонов таржимасида ўзбек китобхонига етказилди.

## НУҚТА

Икки ҳафтадирки, Ограда беморнинг ҳасратидек узун, тинимсиз ёмғир қуярди. Икки ҳафтадирки, файзу шукуҳини йўқотган Боги Нурафшонга дарчадан маҳзун боқиб ётган Заҳириддин Муҳаммад Бобур бу кун ёстиқдан бош кутарган, тонг саҳардан Ҳилватхо-

нада ёлгиз ўтирганча Қобулга — Ҳумоюнга мактуб битмоқда.

Ўтган душанба оқшомида Ҳумоюннинг элчилари — Баёншайх Вайс логарий билан Беккина деган навкар йигит хушхабар олиб келди. Бобур Мирзо бу ўктам, соҳибтадбир йигитларни илгаритдан — Самарқандда экан чоғидан билар, уларнинг омилкорлигию улуг-юраклигига ишонгани важҳидан Ҳумоюн қошида хизматга қолдирган эди.

Элчилар келтирилган хабар, қақроқ қирғоққа урилган денгиз тўлқинидек, орзиққан кўнглига қувонч берди, бироқ улар билан бафуржа сўйлашмоққа ҳам қурби етмади: мана, икки ҳафтадирки, вужуди иситма алангасида ёнади. Айниқса, совуқ тушгандан буён дард янада кучайди. Чап қулоғида пайдо бўлган, на ҳинди, на араб ҳакимлари даво топа олган чидаб бўлмас бир огриқ ҳам кун сайин зўрайиб, мислсиз азоб бера бошлади. Кун кеча сартарош бўйнига лунги тақиб, соч-соқолини тарошлаётганида, тилло гардишли кўзгуга термилганча соқолидаги оқ толаларга нигоҳи тушди-ю, ич-ичидан хўрсиниқ келиб, кўзларини бемажол юмди. Шу ондаёқ Алишербекнинг ҳикмат тўла, дард тўла байти иқроор тиги билан юрагини тилиб ўтди:

Соқол оқи ўлимга пешровдир,

Тириклик сабзаси узра қировдир.

Тириклик сабзаси!.. Ҳа, унинг ҳам умр кўклами фасли хазонга юз тутиб, сарғайган япроқ янглиғ тукилиб бораёттир. Падари бузруквори Умаршайх Мирзо ўттиз тўққиз ёшида қазо топган эди. У эса, қиблагоҳи ёшини алақачон яшаб бўлди, тангри умр берса, шу қиш қирқ беш ёшни тўлдирур. Бироқ тақдири азалда шоҳларга умр вафо қилган эмас, ганим ханжаридан минг бир тадбир ила жон сақлаганларида ҳам, ажал шамширининг ногаҳоний зарбидан қутулмоқлари маҳол.

Бобур Мирзо муттасил жангу жадал ичра қўрқинчи тушдек кечган умри поёнига қараб бораётганини дил-дилидан англай эди. Ўлим ваҳми энди юрагига қутқу солмасди, надомат туйғуси кўнглини ўртмасди, зеро, гоҳо қирқ беш лаҳзадек, гоҳ эса қирқ беш асрдек туюлган қирқ беш йиллик ҳаётида у аччиқ қисмат майини беармон сипқарди дунё кезиб дунё орттирди, кўп яхши-ёмонни бошидан ўтқарди, тириклик лаззати

қанчалар тотли бўлмасин, оламдаги ҳар бир нарса каби унинг-да мангу эмаслигига иқрор бўлди: фақат, қилган ишларидан қилиб улгурмаган, аммо ниҳояга етказиши шарт бўлган юмушлари ҳали кўп эканини билар, шу боис, қайтмас бўлиб кетаётган ҳар бир дақиқа, ҳар бир сонияни унсиз фарёд билан кузатар эди.

У кумуш суви юритилган жуъз қатидан Ҳумоюннинг мактубини олиб, қайта кўздан кечира бошлади. Бир зумдан сўнг таассуф ила бош чайқади: Ҳумоюн не чоғ шавкатли подшоҳ бўлмасин, ҳарбу зарб ишида нечоғли порлоқ зафарлар қозонган баҳодир бўлмасин, ҳатто, мана, зурриёд кўрган бахтиёр ота бўлмасин, ҳали нақадар сабий! Йигирма ешда ҳам ҳануз сабий эканига ушбу номаси яққол далолат: бошдан-оёқ такаллуф билан йўғрибди, дабдабадан ҳоли бирор жумлани чироқ ёқиб ҳам топмоқ мушкул: «Қуллуқ арзадошт улким... ва султони салотин қиблагоҳимизнинг муруват ва ҳамият қуёши... шамси талъат Хут буржида эдиким, абри найсон паришон бўлиб эди...»

Бобур Мирзо мактубга хомуш тикилиб қолди. Ҳумоюнни бир қарич чоғидан мудом ёнида олиб юрди, ўзи билган ва билмаган жамики илму ҳунарга, файзу фазилатга ўргатди, тангри инояти бирла, иншоллоҳ, комил бўлди, деб хаёл қилди, бироқ минг афсуски, барибир нимадир хотиридан фаромуш бўлибди. Ахир, мамлакатдорлик миннатини бўйнига олган кишининг хат битирда чучмал ва муглақ алфоз билан иш тутмоғи улуг айбдир. Аммо айб ёлғиз Ҳумоюндами? Расмий девоннинг барча номалари-ю фармойишлари, бепоён салтанатнинг тўрт тарафидан ҳар куни келиб тургувчи турфа мактублар, шиква-шикоятлар, аризаларнинг жами ана шу янглиг зебу жило ила тўлиб-тошган. Уларни то кўздан кечириб чиққунига қадар юраклари хун бўлиб кетади, бироқ ҳар бирига муносиб жавоб қилмоқ учун бошдан-оёқ ўқиб битирмоқ керак, ўқиб битирмоқ учун сабр-тоқат керак, шу сабаб яратгандан сабру тоқат тилашдан ўзга чора йўқ. Совун кўпигидек омонат, пуч сўзлар билан оқ қоғозни қора қилмоқ орифлар учун фазилат эмас. Таассуфким, буни жуда оз кимса англайди, англаган мардумнинг ҳам аксари бу андиша кўчасидан нари юрмоқни афзал билади.

Аста хурсиниб, қалам-давогта қўл чўзаркан, хаёлидан гариб бир фикр кечди: жавобни шундоқ мулоҳаза бирлан битмоқ керакким, токи ҳам Ҳумоюннинг кўнгли озор топмасин, ҳам, агар англаб етса, бу хат унга бир умрлик сабоқ бўлсин!..

«Ҳумоюнга муштоқликлар била соғиниб салом дегач, сўз улким, душанба куни рабби ул-аввал ойининг ўнида Беккина билан Баёншайх келдилар, — дея бошлади у мактубини. — Хатлардан ва арзадоштлардин ул юздаги, бу юздаги кайфият ва ҳолот мушаххас ва маълум бўлди...»

Бирданига ўзининг набиралик бўлгани, энди бундан буён бобо эканини эслаб, иситма чангалига бемадор вужудига ором югурди: Ҳумоюн Ёдгор тағойининг кизидан ўғил кўрибди... Кўнглида ажиб қаноат ва қудрат туйди. Шу шадумонлик таъсирида мисралар бири иккинчисини иноқ етаклаб келди:

«Шукр, бермиш санга ҳақ фарзанде,  
Санга фарзанду, манга дилбанде...»

Бейхтиёр ўзининг ана шундай саодатли онлари, Ҳумоюн тугилганда қалбини тўлдирган ифтихор туйғулари ёдига тушди. Ўғли Қобул аркида таваллуд топган эди. Вилоят йўқ, вилоят умидворлиги йўқ, навкар пароканда, саргардон сарғайиб, Самарқанд қамалида очликдан ит этини, эшак этини еган мискинлар билан даҳшатли уқубатлар чекиб, Тошқанда ва Андижонда мислсиз машаққат ва хорликлар тортиб, ниҳоят, Қобулда бир муддат кўним ва осойиш топган кўнлари эди, шикаста кўнглини қувончга тўлдириб Ҳумоюн дунёга келди. Шу вақтгача Темурбекнинг салтанат соҳиби бўлган барча авлодини «Мирзо», дер эдилар, ўша йили у ўзини бундан буён «Подшоҳ», деб аташларини амр этди. Мавлоно Сайидий шоир валодат тарихини «Султон Ҳумоюнхон» топиб эди, бу ном ўзига ҳам, ичкиларга ҳам маъқул тушиб, уч-тўрт кўндан сўнг гўдак Муҳаммад Ҳумоюн исми билан элга маълум бўлди.

Оталикнинг фарзи айни — фарзандга муносиб исм қўймоқ, дейдилар. У ҳамиша бақадри имкон бунга интилди; иккинчи ўғли тугилганда унга умрлик бахт тилаб, Комрон номини берди; учинчи ўғил дунёга келганида унга аскарлик шижоатини тилади — Мирзо

Аскарый деб бағрига босди; Ҳиндни олганида ҳақ таоло туртинчи ўғилни ато этди — шавкатли кунларимдан ёдгор деб Ҳиндол исм қўйди; тангри бир онадан уч қизни унга каромат қилди — гул барги монанд нозик зеболарга чаман гулларининг хуш исмларини раво кўрди — Гулрангбегим, Гулчеҳрабегим, Гулбаданбегим, деб суйди. Мана, энди яратган унга набира қувончини бахш этибди...

«Тенгри таоло мундоқ севинчларни манга ва санга ҳамиша рўзи қилгай, омин ё раббил оламин, — дея давом этди у. — Отини Алъамон қўймишсен. Тенгри муборак қилгай. Вале бовужудким, ўзунг битибсен, мундин гофил бўлубсенким, касрати истиъмом била авом Аламо дерлар, ё Эл Амон дерлар, ўзга мундоқ алифлом отга кам бўлур...»

У барқут болишга ҳорғин суянган кўйи аста уйга толди. Бу гўдакнинг манглайига котиби қудрат неларни ёзди экан? Салтанат дағдағасиними, саркардалик шавкатиними, алломалик рутбасиними, шоирлик қисматиними? Тангри танглайини қандоқ фазлу карамлар билан кўтарди экан? Истиқболи ёруғмикан, қоронги? Зеро, шоҳлар инон-ихтиёри ўзида дегувчилар адашур. Бу оламда шоҳу шаҳзодалар мудом ўзгаларга — ўзларидан қудратлироқ ҳукмдорга, уларнинг қошқовоғига қарам. Шу ваҳжданким, тахт теграсида боболару оталар, оталару болалар аксар қирпичоқ. Ахир, Султон Мирзо Улуғбекдек фозили замоннинг норасо фарзанди Абдуллатиф шу беш кунлик утар дунё учун шундоқ қари ва донишманд отасини қатл этди; Султсн Ҳусайн Мирзодек соҳибтажриба, иш кўрган улуғ подшоҳ кексайган чоғида норасида набираси Мумин Мирзонинг бегуноҳ қонига қўлини ботирди! Ахир, падаркуш Абдуллатиф дунёга келганида, Мирзо Улуғбек ҳам худди унинг янглиғ, оламдаги ўғил кўрган барча орзуманд оталар янглиғ боши кўкка етган бўлса, не ажаб! Эвоҳ ким билсин, кўкка етган шу азиз ва муътабар бошини бешиқда беозор тамшаниб ётган шу гўдак бир кун келиб сапчадай уздириб ташлашини билганида... Ёинким, Султон Ҳусайн Мирзо, Мумин Мирзонинг таваллудидан хабар топганида озмунча севинган, чоғир базми учун яна бир баҳона топилганига озмунча қувонганмикан? Оқибат эса... Ё раб, ана шундоқ кўргиликлардан ўзинг асра!

«Тангри отини ва зотини фархунда ва муборак қилгай, манга ва санга кўп йиллар ва бисёр қарнлар Алъамонни давлат ва саодат била тута бергай...»

Ҳумоюн давлат ишларига дахлдор бир неча мулоҳазаларни баён қилиб, кенгаш тилаган эди. Мактубнинг айни уринларга булакча зеҳн солиб англадики, валиаҳди кўпдан буён унинг дилидаги утли армон — Самарқанду Андижон орзусини амалга оширмақ тараддудида. Бироқ Ҳумоюн бу муқаддас армон унинг дилида ёнган фарёд эканини билармикан? Ҳумоюн учун бу бир жанговарлик ҳаваси, ҳукмдорлик шаъни йўлидаги жозиб бир орзугина эмасмикан? Ахир, ўзи неча бор чоғланди, йиллаб қулай фурсат кутди, фурсат етганда эса... журъат кутди, аммо журъат етмади — киндик қони томган юртларни, энди эслаган чоғ юраклари тутдек тукилиб кетадиган жаннатмонанд вилоятларни қон билан сугорадими? Ота-боболари мазорини фил туёғи остида топмайдими? Бундан не топади — шон-шавкату фароғатми? Мурод топдим дея адданиб, халқлар ёдида сазовори лаънат бўлиб эсланмайдими? Йўқ, бундоғ қалтис таваккал унинг илгидан келмас. Бироқ айни навқирон чоғида кўкси жангу жадал нашъаси, зафар иштиёқи билан тўлиб-тошган баҳодир валиаҳдининг шижоатини қайтармоқ ҳам ақлдан бўлмас. Ким билсин, балки отага муяссар бўлмаган саодат фарзандга насиб этар?

«Яна Комронга, Кобулдаги бекларга фармон бўлдим, — дея бир муддат ўйланиб, давом этди у, — бориб, санга қўшилиб, Ҳисор ё Самарқанд ё ҳар сори-гаким, салоҳи давлат бўлса, юругайсиз. Тангрининг инояти била ёғийларни босиб, вилоятларни олиб, дўстларни шод, душманларни нигунсор қилгайсиз, иншооллоҳу таоло. Сизларнинг жон тортиб, қилич чопмоқ маҳалларингиздур... Агар Тангри инояти била Балх ва Ҳисор вилояти муяссар ва мусаххар бўлса, Ҳисорда сенинг кишинг бўлсун, Балхда Комроннинг кишиси бўлсун. Агар Тангри инояти била Самарқанд ҳам мусаххар бўлса, — унинг вужуди баногоҳ зирқираб кетди, — Самарқандга сен ўлтурғил...»

Оҳ, қани энди, ўша саодатли кунларга етиб булармикан? Асли, унда толе йўқ экан, толе йўқлиги, жонига бало бўлди...

Ватандан айри тушганига яраша, ишқилиб, фарзандлари меҳр-мурувватли, андишали, саҳоватпеша

бўлсинлар. Шукур, шу кунгача ўрталаридан оқибат кўтарилмади, аммо ундан сўнг бу оғалиқ-инилик шу йўсин давом этармикан? Ёҳуд Султон Ҳусайн Мирзонинг уч нафаридан бўлак жами валаддуззино ўн тўрт ўгли сингари, фарзандлари бирининг кўзига бири чўп суқармикан? Ҳарне, орада мулкгирлик таъмаси бор, балоинафс талвасасию шайтони алайҳилаъна васвасаси бор!.. Ахир, ўзи бу борада озмунча ситам тортдимми? Ота бир Жаҳонгир Мирзо отлиғ иниси бор эди, боиси мулкгирлик, у билан не кудурату нифоқларга бормади! Мудом кўзига чўп солмоққа интилди. Шайбонийхон чангалидан базўр қутулиб, дили вайрон, ота юрти Андижонга паноҳ тортиб борганида, иниси шаҳар дарвозаларини унинг юзига тақа-тақ ёпди. Йўқ, донолар бу ажиб форсий масални беҳуда айтмаганлар: «Даҳ дарвеш дар гиламе бихусбанд, ду подшоҳ дар иқлиме нагунжанд!»\* Ҳумоюнга шуни уқтирмоқ керакким, инилари билан ҳамиша баҳамжихат маош қилгай, чунки улуглардан доимо кўтаримлик, кенгфелълик лозим.

«Яна сендан озроқ гинам бор, — дея хат бошидан ёзди у, — бу икки-уч йилдин бери бир кишинг келмади. Мен йиборган киши ҳам рост бир йилдин сўнгра келди. Мундоқ бўлурму?»

Шу пайт чап қулоғида кучли бир оғриқ қўзғалиб, боши қаттиқ зирқиради, икки чаккасига буров солингандек, аъзойи бадани жунбушга келди. Қалам тутган қўл титраганча яна болишга беҳол ёнбошлади.

Табиблар даво топа олмай ҳайрон юрган, қулоғидаги бу дард боиси не экани ўзига яхши аён. Мундан йигирма йил муқаддам, Кўтали Зарринда мисли кўрилмаган қор бўронига дучор бўлди. Султон пешойи отлиғ кекса йўлбошловчи совуқдан гангибми ё азбаройи қариликми, йўлни йўқотди. Кечга бориб қор беҳад забтига олди. Қосимбекнинг зўри билан яқинроқ деб шу йўлдан юрилган эди, ориятманд одам, номусга тушиб, икки ўглини ёнига олиб, қор кечиб йўл очганча олға бошлади. Лайлакқор лаҳза сайин тобора кучаяр, давон узра ув тортган изғирин эса юз-кўзга, қўл-оёқларга юзларча, мингларча чаёнларни келтириб ураёт-

---

\* Ун дарвеш бир гиламга сигади, аммо икки подшоҳ бир иқлимга сигмайди.

гандек булар эди. Ҳаволи Кутий деган бир жойга етганда ортиқ тоқат қилиб бўлмай қолди, шунда тунамоққа қарор берилди. Ким от устида, ким қортошдан баҳоли қудрат паноҳ ясаб бошини тортган, ким изтироблар билан кўзда ёши шашқатор... У қўлига курак олиб, гор яқинига муктушди, икки қулоч чамаси ернинг қорини курай бошлади. Тиззагача, белигача, куксигача куради — ҳануз ер кўринмас эди. Қор уюмидан ҳосил бўлган чуқурга тушиб, бошини ичкари тортиб ўтирди. Олам жаҳонни буткул яксон қилмоқ қасдида қутуриб эсаётган изгириндан ҳийла пана бўлиб, улим ваҳми нари чекингандек туюлди. Тишини тишига зўр бериб босган кўйи, дилда алам саратони, жисму жонида қиш қаҳратони, кўнглидек қоп-қоронғи осмонга тикилганча қимир этмай ўтираверди. Аллазамон ўтиб, беклардан икки-уч киши келди, горга боринг, ҳарна, жон сақласа бўлур, дедилар. У кескин бош чайқади. Ахир, қайси юз билан борсин? Барча навкарлар бунда — бурон чангалида титраб-қақшаб ўтирса-ю, у иссиқ горда, фароғат оғушида мудраса!.. Йўқ, бу мурувват лафзига хилоф, ҳамжиҳатлик расмига ёт иш бўлади, у ҳам не машаққат бўлса, барча қатори бардош берур, агар вақти қазоси етган бўлса, кўпчилик билан жон таслим қилур! Шу кўйи чоғга тушгандек жойидан қимирламай ўтираверди. Қор кучайгандан кучайди, намози хуфтон бўлганда, елкасини, бошию қулоқлари устини тўрт энлик қор босган эди. Қулогига не бало теккан бўлса, ушанда теккан. Яна бир дафъа, худди шу сингари аёзли кун эди, дарё лабига етганда черик бир сесканди; у одан илдам тушиб соҳилга борди, музни тешиб, ўн олти бор шўнғиди...

Ҳа, чархнинг у кўрмаган жабру жафоси қолди-ми?!

У чап қулогига кафтини босганча, бир муддат кутди. Оғриқ хиёл пасайгандек туюлгач, яна Ҳумоюннинг мактуби узра эгилди. Бу не синоатким, хатда ёлғизлик, ёлғизлик азоби хусусида бир неча ҳасратомуз сўзлар битилган эди. Бобур ҳайрон қолди: йигирма яшар навқирон жувонмарднинг дилида бунчалар нола-надомат? Таажжуб билан бош чайқади. Ҳаҳ, болам, деди хаёлан, сенинг ёшингда мен ҳам ҳали ёлғизлик балоси нелигини билмас эдим, аммо унинг изтиробни ила чулганмоқни хуш кўрар эдим!..



У шифтта тикилиб, фикрини жамлаб олди-да, шитоб билан ёза кетди:

«Яна хатларингда ёлгузлик, ёлгузликким, дебсен, подшоҳликта айбдур, нечукким дебтурлар:

*Агар пой банди ризо пеш гир  
Ва гар яксувори сари хеш гир.\**

Ҳеч қайде подшоҳлик қайдича йуқтур. Подшоҳлик била ёлгузлик рост келмас...»

Чиндан ҳам, жаҳонгирлик ҳаваси билан ёлғизлик ҳаваси рост келганини шу пайтгача ким курибди? Ёлғизлик истаган киши зинҳор-базинҳор тожу тахт миннатини буйнига...

Ё буйнига кашкул осиб қаландарлик йулини тутсин, ёҳуд зоҳидлик тариқатини ихтиёр этсин. Аслида, ёлғизлик не эканини сен қайдан билурсан, болам? Сен дунёга келиб не ранжу аламлар тортдингки, дилингни бундоғ ситамлар уртайди? Ўн икки ёшда суюкли падарингдан етим қолдингми? Отангинг тупроғи совимасдан, ҳали кўзингнинг ёши қуримасдан сағир бошингга тож кийдирдиларми? Беғубор болалик дамларинг, покиза ўсмир чоғларинг қону қатрон ичида, дуду чопқин ичида барги хазондек чирпирак бўлиб кетдимми? Ғаддор рақиб ўз қиличинг билан бошингни чопдимми? Туғишган жигарларинг бетингга туфлаб, ганимга қўшилиб юртингдан мосуво этдимми? Мангу жудо бўлган она юртинг дарди юрагингни эздими? Ўзга вилоятлар, ўзга эллар нафрати бирла тавқи лаънатга сазовор, саргардон тентирадингни? Қирчиллама ёшингда малика Байда сенга заҳар тутдимми? Умрингнинг гул очган кўклам фасли ғафлат билан чоғир денгизи ичра гарқ бўлиб кетдимми? Нега бунча нола чекасан, ўғлим Муҳаммад Ҳумоюн подшоҳ? Бу чексиз изтироблар боиси не?

Ва шу ондаёқ бу ҳадсиз-ҳисобсиз саволларга жавоб топгандек бўлди: изтироблар боиси — тирикликда, инсонликда. Фақат тирик одамгина изтироб чекмоққа, изтироблар ичра тобора тозариб, юксалиб, ҳаётнинг жамики машаққатларини енгиб бормоққа қодир.

---

\* Агар оёгинг банд бўлса, ризони одинга қуй, агар танҳо сувори бўлсанг, ўз бошингча бор, яъни жаҳонга боғланган бўлсанг, бошингга келган ҳар нарсага рози бўл, агар ҳеч нарсага боғланмаган киши бўлсанг, йулингдан қолма, кета бер, олмасин.

Дунёдаги ҳатто энг улуг ўлик ҳам изтироб чекмоқдан маҳрум, зеро, инсоний изтироб — тириклик нишонаси, барҳаёт диёнат овозидир. Демак, меҳнату тарбиялари зое кетмабди — Ҳумоюн теграсига боқар экан, юраги дардга тўлади, дард уни безовта хаёл билан қадамини тафтиш этади. Демак, унинг кўксида виждони уйғоқ, адлу инсофи тирик. Балли, ўғлим, деб шивирлади у, баракалла, баҳодирим!.. Аммо шу заҳоти кўнглини музлатиб хавотир туйғуси бостириб келди: бу юмшоқфеъллик билан Ҳумоюннинг мамлакатдорлик қилмоғи қийин, бениҳоят қийин!

Дили музтар бўлиб, ўғлининг мактубидан бир таскин-тасалли қидирди. Ҳумоюн хушхат эди, лекин мактубнинг баъзи уринларини қийналиб, тусмоллаб маъносини чақди.

«Яна мен дегандек, бу хатларингни битибсен ва ўқумайсен, не учунким, агар ўқур хаёл қилсанг эди, ўқиёлмас эдинг, — дея ташвиш билан ёза бошлади у. — Ўқиёлмагандин сўнг албатта тайир берур эдинг. Хатингни худ ташвиш била ўқиса бўладур, вале асру муглақтур. Насри муаммо ҳеч киши кўрган эмас. Имлонг ёмон эмас. Агарчи хили рост эмас, илтифотни «б» била битибсен. Қулунжни «ё» била битибсен. Хатингни худ ҳар тавр қилиб ўқиса бўладур, вале бу муглақ алфозингдин мақсуд тамом мафҳум бўлмайду. Голибо хат битирда қоҳиллигинг ҳам ушбу жиҳатдандур. Такалуф қилай дейсен, ул жиҳаттин муглақ бўладур. Бундан нари бетакалуф ва равшан ва пок алфоз била бити; ҳам сенга ташвиш озроқ бўлур, ҳам ўқугучига...»

Мактуб шу ерга етганда у тўхтаб қолди, чунки айб фақат Ҳумоюнда эмаслигини яхши билар эди. Кўп бўлди, у муқим бир қарорга келган: араби имло туркигўй эл учун бағоят номувофиқ. Араб ўз алифбосини ўз лисони тийнатиға монад жорий этгандир. Бу дунёда араби имлодек машаққатли имло ҳеч қайда кўрилган эмас. Улуг бир айби будурки, ҳар бир ҳарф, гўё мунофиқ кимса каби, тўрт уринда тўрт хил шакл ила товлаиб келади, бир ерда зикр этган маъноси ўзга ерда рост келмай, кишини иштибоҳга солади. Ахир, туркигўй элнинг ҳам ўз сўзлар йусини, талаффузда ўз тариқи, зарофат бобида ўз йуриги бор. Таассуфки, уларнинг бари араби имлода тўкис мужассам топмоғи ма-

ҳол. Хусусан, зеру забар деган чалкаш унсурлари бор-ким, кишининг зеҳнига кишандир, ҳатто уни бир нав эгалламоқ учун ҳам чорак умр сарф бўлгусидир. Ёдида, ўзи ҳам бир гал галат нуқта туфайли, бир бадхат кимса туфайли ҳўб жафо чеккан — қарийб жон таслим қилаёзган.

Улуғ жанг арафаси эди, Янгибек отлиг ишонган мардона беги хат йўллаб маълум қилдиким, Шерғоридан махфий йўл бордир, ёғий устига қўққис бостириб борса бўлур. Тонгласи фармон бериб, Шерғори сари юрилди. Бориб, душманнинг мўр-малаҳдай лашкарига дуч келди, ўлган ўлиб, қочган қолиб, зўр талафот билан аранг қутулди. Даргазаб ёниб, Янгибекни чорлаб қисди басдига олдилар. У тангри таолони шоҳид келтириб қасамёд қилдики, Шерғоридаги йўлни ўз кўзи билан курган эди, кечгача шунда ҳайрона кутган, бир кимсадан дарак бўлмаган. Хатни қайта таҳқиқ қилиб курдилар. «Шерғори»да бир нуқта галат бўлган экан, Янгибек, азбаройи зеҳни сустигиданми, фикри танбаллигиданми, ҳарчанди эътибор бермаган экан, бадхатлиги туфайли бадбахт бўлиб кетишига бир баҳя қолди... Араби имло жорий этилганига неча замонлар бўлибтур, бироқ, таажжуб, наҳот шу пайтга қадар туркий тилда сўз айтган не улуғ алломалар, буюк жаҳонгиру мулкгирлар унинг номавзунлигини англамаган бўлсалар? Англагандирлар-у, аммо нозик бир андиша уларнинг журъатига гов бўлган эса эҳтимол. Ҳеч кимса юрак ютиб ошкора изҳори арз этолмаган, боиси, Қуръони шариф айни имло бирла мазкур бўлгандир. Аллоҳнинг каломи битилган имлони ислоҳ қилмоққа даъват этгали қай баҳодирнинг юраги дов берсин? Лекин нафақат араб, балки туман-туман туркигуй эл ҳам анга содиқ бандадир, бас, улар ҳам яратганга ҳамду сано битмоқ учун аввало пок бир алфозга эга бўлмоқлари фарздир. Буни англаб етмоқ учун гафлат ва жаҳолатдан кўзни бир оз очмоқ кифоя, холос. Демакким, шу нуқтаи назардан ислоҳ табиий бир эҳтиёждирки, туркигуй элнинг борсухан ва лафзи унда эътиборга олинсин. Энг аввало, зеру забародан воз кечмоқ даркор, ақл кўзини тиндиргувчи барча нуқталарни баргараф этмоқ керак. Ҳарфларнинг турлик-турлик мунофиқ мақомига чек қўймоқ лозим, токи имлонинг қатъий, барқарор бир шакли таъмин бул-

син. Ана шунда имло ажаб бир соддалик касб этади, жами мавҳумликлар тугатилади.

Фақат бунга бир журъат керак, холос!

У бунга журъат қилди — янги бир имло тузди. Ўзи яратган лойиҳани кўп алломаю фозиллар ҳукмига ҳа-вола этаркан, унинг не бир афзалликларини куйиб-куюниб уқтирди.

Таассуфки, ҳар қайда сўзларини жимгина маъқулаб эшитардилар-у, сомийлар юзидаги ташвиш кўлан-каси сийратдаги хавотирни фош қилиб турар эди. Шу тариқа «Хатти Бобурий» жиддий бир рағбат кўрмади. Аммо у ортга қайтмади. Қасдма-қасд яна бир таваккал қилди: энг хушхат котибларга Қуръони шарифни «Хатти Бобурий»да кўчиртириб, китобат қилдирди-да, Маккаи мукаррамага юборди!.. Оқибат шу бўлдики, бир куни бағоят мўтабар уламою киромлар салобат ва салмоқ билан ҳузурига ташриф буюрдилар, зоҳи-ран эҳтиром сақлаган, бироқ ботинан жиддий таҳлика оҳанги аён бир тарзда уни «баъзи номуносиб ҳаракат-лардан огоҳ бўлмоққа» даъват этдилар. Зеро, Аллоҳ бир, Расул барҳақ экан, у — Тангрининг ожиз бандаси Заҳриддин Муҳаммад ҳам буни аздаҳидил эътироф этар экан, Каломуллоҳнинг имлоси ҳам ягона ва собит эканига имон келтирмоғи лозим. Бунга иштибоқ қил-ган зоти кимсанинг эътиқоди иштибоқ остида қолиши ҳаммадан аввал унинг ўзига маълумдир.

Уламои замонларнинг оғир, вазмин сўзларига жим-гина қулоқ осди, алам билан лабларини қимтиди: орзу қилган нарсаси имкон сарҳадидан наридаги сароб бу-либ чиққанини қайгу ила тан олди. Зотан, қаршисида саф сортган минглаб лашкарга нечоғ салоҳиятли бўл-масин, ёлғиз саркарданинг қарши бормоғи ақлга зид, мағлубияти муқаррар бир ҳол эди. Агарчи бирда-икки-да кескин қарши бориб, ҳукмини ўтказган бўлсада, бу гал чекинмоқдан ўзга чора қолмади... Уларнинг сўзла-рини тинглай туриб, Муҳаммад Шариф мунажжим-нинг кирдикорларини эслади. Ўзига хилий бино қуйган бу зот юлдузларга қараб каромат қилар, бироқ башоратлари мудом терс чиқар эди. Шу важҳдан ке-йин-кейин уни хушламай қўйди. У ҳам азбаройи ҳайиққанидан, унинг кўзига кўринмасликка тиришар эди. Бу шумнафас мунажжим, ҳукмдорга айтиш имко-нидан маҳрум, дуч келган кимсани четга тортиб, ваҳи-

ма билан шивирлар экан: гўё бу оқшом Миррих ғарб сари оққан эмиш, кимки шу тарафдан уришса, албатта мағлуб бўлар эмиш. Унинг гаплари паришон навкарлар кўнглини баттар синдирар эди. Оқибат, шумнафаслигини қўймаган, даргоҳидан қувиб солмоққа мажбур бўлди. Аммо, афсуски, ҳузуридаги бу кишилар Муҳаммад Шариф мунажжим эмас — ҳар бирининг этагида юз минглаб мўмин намоз ўқимоққа ҳозир муътабар шариатпешалар! Муҳаммад Шариф каби уларни ҳайдаб солмоқ эса оқил кишининг иши бўлмаган. Беихтиёр бундан беш-олти йил муқаддам, Ғазни кентларида рўй берган воқеа ёдига тушди. Бир сафар Ғазни кентларидан бирида ғалати мазор хусусида алланечук миш-мишлар қулоғига етди. Гўёки, саловат айтилса, қабр тебранур эмиш. Ўзи бориб, узоқ разм солди, қабр тебрангандек кўринди. Ўша ерда ўтириб, бир оз мулоҳаза қилди. Маълум бўлдики, мужовирлар қабр тепасига бир ҳалқа ясабдилар, ҳар замонда сездирмай ҳалқани қимирлатиб қўяр эканлар. Ҳалқа тебрангач, қабр тебрангандек кўринар экан — умрида кемага тушмаган одам, кемага киргач, худди қиргоқ тебрангандек туюлгани сингари. Шу фикрга келиб, мужовирларга ҳалқадан нарироқ туриб саловат айтишларини буюрди. Ҳарчанд зўр бериб саловат айтдилар, бироқ қабрда ҳеч қандай ҳаракат сезилмади. Кулимсираб, изига қайтаркан, ҳалқани бузиб ташлаб, қабр устига гумбаз барпо қилишни, мужовирларнинг минбаъд бундай риёкорлик ила машғул бўлмасликларини қаттиқ амр этди. Ҳа, аммо улар саёқ мужовирлар эди, уларга кучи етарди, бироқ ҳузурида савлат тўкиб ўтирган бу аҳли уламога!..

Шу тариқа «Ҳатти Бобур» амалга ошмай қолиб кетди. Кейин ҳам бу хусусда неча бор сўз қўзғалганда, энг яқин кишиларидан ҳам ҳайрихоҳлик урнига таажжуб ва норизолик зоҳир бўлди. Лекин имони комилки, қачондир вақти соати етиб, туркигўй элнинг фозил фарзандлари араби имлонинг ислоҳи муқаррар эканини англаб етадилар, шунда «Ҳатти Бобурий»ни ҳам афсус билан эслайдилар!.. Бас, шундай экан, Ҳумоюндан ранжимоғи бекор. Яхшиси, «Ҳатти Бобурий»нинг сархатини унга, Комрон Мирзога, Хожа Калонга бир нусхадан китобат қилдириб юборгани маъқул, қачонки зарурат бўлганда асқотгусидир.

У хаёлларига чек қўйгандек, мактубини хотималашга киришди. Хат сунгида кунгли Ҳумоюнга икки-уч оғиз насиҳатомуз сўзлар битмоқни тилади:

«Яна улуг иш устига борасен, иш кўрган, раъй ва тадбирлиқ беклар била кенгашиб, аларнинг сўзи била амал қилгайсен.

Агар менинг ризомни тиларсен, хилватнишинлиқни ва эл била кам ихтилохлиқни бартараф қилгил. Кунда икки навбат инингни ва бекларни ихтиёрларига қўймай, қошингга чорлаб, ҳар маслаҳат бўлса кенгашиб, бу давлатхоҳларнинг иттифоқи била ҳар сўз унга қарор бергайсиз...»

У Мовароуннаҳр юришида фарзандларига нечоғ зафар ва нусрат тиламасин, дилининг бир бурчида андак шубҳа ҳам пинҳон эди. Шу боис кунгли тубига васиятдек туғиб қўйган бир ниятдан Ҳумоюнни ҳозирданоқ воқиф қилиб қўймоқни лозим топди:

«Яна мунча фатҳ ва зафарлар Кобулда эканда бўлди, Кобулни шугун тутубдурмен, ани холиса қилдим. Ҳеч қайсингиз таъма қилмагайсиз».

Бирдан вужуди титраб кетди: Кобул унинг учун диёри ўрнига диёр, ватани ўрнига ватан бўлди. Агар тақдирда она юртга қайтмоқ насиб этмаган бўлса, хокини Кобулга, ўзи барпо эттирган сулим боғлардан бирига қўймоқни васият қилади, токи жазирама, майин тупроқда мангу фароғат оғушида ётаркан, дарёнинг у бетидан эсан хуш насимлар қабри узра юрт нафасини уфуриб турсин!..

Беҳад мутассир бўлиб, сунгги жумлани шиддат билан қоғоз узра чекди:

«Черикни яхши йигиб юргайсен. Оғиз сўзларидан Баёншайх соҳиби вуқуфдир, маълум бўлгусидир, деб муштоқликлар била салом. Панжшанба куни раббиулаввал ойининг ўн учиде битилди».

Бобур шундай деб хатта нуқта қўйди.

Биз ҳам шу ўринда ҳикояга нуқта қўйсақ булар. Аммо ҳикояга сиймай қолган икки оғиз мулоҳаза борки, муҳтарам китобхон бунинг учун бизни айбситмас.

Бобурдек закий зотнинг бир нуқта туфайли бу қадар изтироб чеккани бежиз эмас эди — ҳаёт буни исботлади: тақдирнинг галати уйинини қарангки, Бобур вафотидан кейин ҳам зеру забар жабрини тортади — узоқ йиллар мобайнида номи «Бобир» деб ёзиб

келинади. Фақат, унинг беш юз йиллик тўйи арафасида нуқтадон бир олим «Бобир эмас, Бобур!» дея наъра тортиб чиқадию бу борадаги «галати машҳур» баргараф этилади.

Бир нуқтанинг тарихи, қадри ва мавқеи ана шундай.

Тамом. Нуқта.



## МУҲДАРИЖА

Муқаддима . . . . .	3
Ўзбек ҳикоячилигининг тараққиёт йўналишлари . . . . .	5
Абдулла Қодирий (1894—1938) . . . . .	14
«Жинлар базми» . . . . .	16
Чулпон (1897—1938) . . . . .	21
Қор қўнида лола . . . . .	24
Гафур Гулом (1903—1966) . . . . .	30
Менинг утригина болам . . . . .	31
Абдулла Қаҳҳор (1907—1968) . . . . .	36
Адабиёт муаллими . . . . .	37
Саид Аҳмад (1920) . . . . .	41
Келинлар қўзғолони . . . . .	42
Саида Зуннунова (1926—1977) . . . . .	51
Қарз . . . . .	52
Одил Ёқубов (1926) . . . . .	62
Видо . . . . .	63
Пиримкул Қодиров (1928) . . . . .	85
Айиқ ташвиши . . . . .	86
Носир Фозилов (1929) . . . . .	94
Кукёл . . . . .	95
Фарҳод Мусажонов (1932) . . . . .	101
Нозик масала . . . . .	102
Ўлмас Умарбеков (1932—1995) . . . . .	106
Қиёмат қарз . . . . .	107
Учқун Назаров (1934) . . . . .	115
Жазо . . . . .	116
Неъмат Аминов (1937) . . . . .	127
Хутиkning балогати . . . . .	128
Уктам Усмонов (1938—1990) . . . . .	131
Яна келган бахт . . . . .	132
Шукур Холмирзаев (1940) . . . . .	149
Яшил «Нива» . . . . .	150
Омон Мухтор (1941) . . . . .	156
Оппоқ қор . . . . .	157
Ўткир Ҳошимов (1941) . . . . .	161
Урушнинг сўнги қурбони . . . . .	162
Ҳожиакбар Шайхов (1945) . . . . .	170

1

31



Майдон паноҳида . . . . .	171
Нортухта Қилич (1946) . . . . .	177
Муъжиза . . . . .	177
Тоҳир Малик (1946) . . . . .	188
Ажаб дунё . . . . .	189
Муроd Муҳаммад Дўст (1948) . . . . .	209
Галатепага қайтиш . . . . .	209
Тогай Муроd (1948) . . . . .	215
Бобоси билан невараси . . . . .	216
Эркин Аъзам (1950) . . . . .	220
Шаҳардан одам келди . . . . .	221
Абдусаид Кучимов (1951) . . . . .	229
Ўгил . . . . .	229
Хуршид Дўст Муҳаммад (1951) . . . . .	242
Саф . . . . .	243
Гаффор Ҳотамов (1953) . . . . .	247
Момо . . . . .	247
Нормуроd Норқобулов (1954) . . . . .	262
Камалак . . . . .	262
Хайриддин Султонов (1956) . . . . .	269
Нуқта . . . . .	269

ЎЗБЕК-ТУРК ЛИЦЕЙЛАРИ БОШ МУДИРЛИГИ  
ЎЗБЕК ҲИКОЯЛАРИ АНТОЛОГИЯСИ  
(танланган ҳикоялар тўплами)

«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг  
Бош таҳририяти  
Тошкент — 1997

Муҳаррир *Г. Зокирова*  
Рассом *Н. Ҳақимов*  
Бадиий муҳаррир *А. Баҳромов*  
Техник муҳаррир *Л. Хижова*

Теришга берилди 06.01.97 й. Босишга рухсат этилди 09.06.97 й.  
Бичими 84x108 <sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Балтика гарнитураси. Офсет босма. Шартли бос-  
ма табоги 15,12. Нашриёт ҳисоб табоги 14,80. Адади 4000 нусха.  
Буюртма № 878.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмаҳонаси, 700083,  
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**